



УДК: 8.(1751)

Марғуба АБДУЛЛАЕВА,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, ф.ф.д

Email: margubaabdullayeva507@gmail.com

ЎзМУ профессори, ф.ф.д. Раҳмонов Н. тақризи асосида

“БОБУРНОМА” ВА “ШАЖАРАЙИ ТУРК”ДАГИ МУШТАРАКЛИКЛАР

Аннотация

Мазкур мақолада икки буюк шоҳ ва шоир ҳақида маълумот олиш мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абулғози Баҳодирхоннинг ҳаёт йўли, ижоди ва шахсиятидаги ўхшашликлар қиёсий таҳлил этилади. Ҳар икки ижодкор ҳам ўз тарихини ёзиб қолдирган. “Бобурнома” ва “Шажарайи турк” асарларидаги муштарак жиҳатлар мисоллар орқали таҳлил этилади. Бу таҳлилларда муаллиф “мен”и масаласи ёритилади.

Калит сўзлар: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулғози Баҳодирхон, “Бобурнома”, “Шажарайи турк”, мемуар асар, тарихий манба, муаллиф “мен”и, муштараклик.

ОБЩЕНИЕ В БОБУРНОМЕ И ШАДЖАРАЙИ ТУРКЕ

Аннотация

В этой статье вы можете узнать о двух великих королях и поэтах. Сравниваются сходства в жизни, творчестве и личности Захириддина Мухаммада Бабура и Абулгази Баходирхана. Оба художника написали свою историю. На примерах проанализированы общие черты “Бабурнаме” и “Шаджарайи турк”. Эти анализы обращаются к проблеме авторского «Я».

Ключевые слова: Захириддин Мухаммад Бабур, Абулгази Баходирхан, «Бабурнаме», «Шаджарайи турк», мемуары, исторический источник, авторское «Я», общность.

COMMUNICATIONS IN BOBURNOMA AND SHAJARAYI TURK

Annotation

In this article, you can learn about two great kings and poets. The similarities in the life, work and personality of Zahiriddin Muhammad Babur and Abulgazi Bakhodir Khan are compared. Both artists wrote their own story. The common features of “Baburname” and “Shajarayi Turk” are analyzed on examples. These analyzes address the problem of the author's «I».

Key words: Zahiriddin Muhammad Babur, Abulgazi Bakhodir Khan, «Baburname», «Shajarayi Turk», memoirs, historical source, author's «I», community.

Кириш. Заҳириддин Муҳаммад Бобур фақат назмда эмас, балки насрда ҳам ўзининг иқтидорини кўрсата олган ижодкордир. Ҳозиргача дунё адабиётида муносиб ўрин тутиб келаётган “Бобурнома” тарихий-мемуар асари аждодлар тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида эътиборлидир.

Абулғози Баҳодирхоннинг ҳукмдор сифатидаги фаолияти ва ижоди маҳсули, тарихчи, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурни эслатади. Абулғози Баҳодирхон ҳам Бобур сингари ўз даврининг етук билимдони, тадбирли саркарда ҳамда ўзбек адабиёти тарихига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олим ва адибдир. Абулғози тоғу тахтни бошқариш билан бирга “Шажарайи тарокима”, “Шажарайи турк” ва “Манофез ул-инсон” асарларини яратди. Унинг “Шажарайи тарокима” асари анъанавий хусусиятга эга бўлса-да, унда маҳаллий халқларнинг келиб чиқиши, қадимий тарихи, туркларнинг подшоҳи Ўғузхон ва унинг авлодлари ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Асарнинг яратилиш тарихи ҳақида муаллифнинг ўзи шундай ёзади: “Мундин кўп йиллар ўтти, туркманнинг муллолари ва шайхлари ва беклари менинг тарихни яхши билуримни эшитиб турурлар. Тақи бир кун борчалари келиб арз қилдиларким, - “бизнинг ичимизда “Ўғузнома” кўптурур. Аммо ҳеч яхшиси йўқ, борчаси ғалат ва бириси - бирисига мувофиқ эрмас. Ҳар қайсиси бир турлук ва бир дуруст эътибор қилгудек тарих бўлса эрди, яхши бўлур эрди”, теб ўтун қилдилар. Эрса, онларнинг ўтунларини қабул қилдим”[7].

“Бобурнома” муаллифининг бадий маҳорати, услубининг ўзига хос ва анъанавийлик хусусиятлари

кўрсатилади. Шу нуқтаи назардан “Шажарайи турк” тарихий-бадий асари билан қиёсланади. Ишнинг таҳлил услуби қиёслаш бўлганлиги сабабли мемуар характердаги бадийлашган тарихий наср намунаси бўлган “Бобурнома” ва “Шажарайи турк” асарларининг ўзига хос хусусиятлари муаллиф бадий маҳорати доирасида ўрганилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. (Literature review). “Шажарайи турк” ва “Бобурнома” тарихий-бадий асарлари ҳозирги кунга қадар инглиз, француз, лотин, рус, форс ва турк тилларида нашр қилиниб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди. Академик В.Зоҳидов “Шажарайи турк” асарига баҳо бериб, “Абулғозининг машҳур “Шажарайи турк”и худди “Бобурнома” билан эгизакка ўхшайди деса бўлади”[6], - деган эди. Икки ҳукмдорнинг асосий ўхшаш жиҳатларидан бири шуки, улар давлатни бошқариш билан бирга ижод ҳам қилганлар. Ижодларининг маҳсули сифатида икки йирик тарихий-мемуар асар “Бобурнома” ва “Шажарайи турк” майдонга келди. Бу икки асарнинг ёзилишида муаллифларнинг ўзига хос мақсади ва фаолияти акс этган.

“Бобурнома” ва “Шажарайи турк”нинг ёзилиши ўзига хос тарихга эга.

“Бобурнома”нинг жанри, қачон ёзилганлиги каби бир қатор масалалар кўп вақтлардан бери турли баҳс, таҳмин ва фаразларга сабаб бўлиб келмоқда. “Бобурнома”ни кўпчилик олимлар Бобурнинг кундалик дафтари сифатида изоҳлаб, уни Бобур умри давомида ёзган деб талқин қилганлар. Асарда бу алоҳида қайд қилинмаган, берилмаган йиллар воқеаларини эса ёзилмай қолган ёки йўқолган деб ҳисоблайдилар. “Бобурнома” 1526-1530

йиллар орасида ёзилган. Унинг то Ҳиндистон урушигача бўлган қисми 1526-1528 йилларда; ундан кейинги қисми 1529-1530-йилларда ёзилган. Асар чала, тугалланмасдан қолган. Бобур шохлиқни Ҳумоюнга васият қилганидан кейин қаттиқроқ ишлаган. Бироқ Бобурга асарни ниҳоясига етказиш насиб бўлмади. Кейинчалик, Акбар-шоҳнинг топшириғи билан Бобурнинг қизи Гулбадан-бегим гўё асарнинг давомини алоҳида бир китоб қилиб (“Ҳумоюннома”. [4]), унда Ҳумоюн тарихини ҳам баён қилади.

Абулғози ҳеч бир подшоҳ ўз тарихини ўзи ёзмаган, “уқсук ўз киндигини ўзи кесар” деганларидек, ўз тарихини ўзим ёзишга мажбур бўлдим, зеро, бошимдан кечирган саргузаштларимни ўзимдан яхшироқ биладиган бошқа одам топилмайди, деган маънода хижолатомузлик қилган бўлса-да, - унинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётидан беҳабар бўлганлигига ишониш қийин.

Қ.Тоҳиров “у, (Абулғози) албатта, бу мамлакатлар тарихига доир асарларни ўқиб чиққанлиги, айниқса, Рашидиддин, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабилар асарларини чуқур ўрганганлиги ҳамда турли кишилардан тарихий ҳикоят ва ривоятларни кўплаб эшитганлиги натижаси эди” [10], - деб таъкидлайди. Қ.Тоҳиров бунда “Шажарайи тарокима”ни назарда тутган бўлса-да, бироқ “Шажарайи турк” “Шажарайи тарокима”дан кейин ёзилган. Демак, Абулғози “Шажарайи турк”ни ёзаётганида тарихий асарлар қаторида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридан ҳам хабардор бўлган бўлиши мумкин. Шунинг учун у Бобур аънаналарини ўз асари мисолида давом эттирган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарлари тугалланмай қолган, муаллифлар асарни ниҳоясига етказмай оламдан кўз юмишган. Абулғози асарининг давомини ўғли Ануша Муҳаммад топшириғига асосан Муҳаммад Замон Урганжий ниҳоясига етказган бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур воқеаларини набираси Акбаршоҳ топшириғи билан Гулбаданбегим давом эттирган ва гўё Бобур воқеаларини охирига етказган.

Бизнингча, асарнинг асосий қисми Абулғози Баҳодирхон томонидан ёзилган. Чунки асар услубига эътибор қаратилса, бу яққол кўзга ташланади. Асарнинг баъзи ўринларини, сарлавҳаларини бир қисми Урганжий томонидан таҳрир этилган. Абулғози асар муқаддимасида асарига “Шажарайи турк” деб от қўйгани ва 9 боб қилганини айтади. 9 бобнинг сарлавҳаларини ҳам кўрсатади. Демак, бу сарлавҳалар Урганжий томонидан аниқлаштирилган ва таҳрир этилган.

Абулғози III боб – “Чингизхоннинг ўн уч ёшининг то қирк ёшингача қилган ишларининг зикри” - саҳифасида шундай ёзади: “Биз тарихни мўғул-да, ўзбек-да ўтган яхши подшоҳлар ва кенгашли бийларнинг аслини ва қилгон ишларини ва айтган сўзларини барчасини бир-бир айтиб улуғ китоб қилмоқ кўнглимизда бор эрди”. Бундан кўринадики, Абулғози “Шажарайи турк” асарини яратишни олдиндан кўнглига тугиб юрган. Яна у юқоридаги фикрини давом эттириб, “айтайин теб юруган вақтда хаста бўлдум. Хастам узокқа тортди... Тақи тўрт нависандани ўлтуртдим. Тақи то Одамдин Жўчихонга келгунча гоҳ кўҳна тарихларнинг юзина боқтим, гоҳ боқмай айтдим, анинг учун барчасин ёд билур эрдим. Шабоий-хондин то ўзимга келгунча ҳеч китоб юзина боқмадим. Ўзимнинг ёдимда эрди айтдим” [2]. Демак, Абулғози хасталиги сабаб “Шажарайи турк”ни ўз дастхати билан ёзмаган. Балки у тарихни ёддан айтиб турган (баъзан ёдидан чиққан воқеаларни айтишда кўҳна тарих китобларига мурожаат қилган) котиблар унинг айтганларини қозғога тушириб борган. Шундан келиб чиқиб айтиш

мумкинки, асарнинг асосий қисмини Абулғози айтиб турган ва котиблар ёзган. Абулғозининг вафотидан кейин асарнинг маълум қисмини Муҳаммад Замон Урганжий ниҳоясига етказган. Шу фикрларимиз асосида “Шажарайи турк”нинг “Бобурнома”дан яна бир фарқи томони кўзга ташланади. Бу фарқ шундан иборатки, Абулғози Баҳодирхон “Шажарайи турк”ни ўз дастхати билан ёзмаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса “Бобурнома”-нинг илк нусхасини ўзи ёзган эди. “Бобурнома” ва “Шажарайи турк”нинг ёзилиш жараёнига доир фикрларимизга шундай хулоса ясаш мумкин бўлади.

Бобурнинг “Бобурнома”ни ёзишдан асосий мақсади темурийларнинг кейинги вакиллари билан бири сифатида ўзининг мемуарини яратишдан иборат бўлган.

Абулғози ҳам “Шажарайи турк”да ўз аждоди шажарасини, Хивада ҳукмронлик қилган ота-боболари тарихини, қолаверса, ўзи бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни ёзишни мақсад қилади. Кўринадики, икки ҳукмдорнинг ҳам ижодий нияти ва мақсади муштарак. “Бобурнома” ва “Шажарайи турк”нинг асосий фарқларидан бири шуки, Бобур ҳикояни ўзининг тахтга ўтирганидан бошлаган бўлса, Абулғози эса аънанавий тарихнависликдаги каби ҳикояни қадимдан бошлайди. Бу билан Абулғози салафлари Шарафиддин Али Яздий (“Зафарнома”), Рашидиддин (“Жомеъ ут-таворих”) аънаналарини давом эттирди. Шу ўринда, “Бобурнома” ва “Шажарайи турк” асарларининг жанр хусусиятларига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Ҳозирги кунгача “Бобурнома” ва “Шажарайи турк” асарлари тарихий насрнинг ноёб намунаси сифатида эътироф этилиб келинмоқда. Кейинги тадқиқотларда (Х.Қудратуллаев [8], Н.Отажонов [9], А.Абражеев [1], Х.Худойназаров [11]) бу икки асарда бадиийликнинг ўзига хос унсурлари мавжуд эканлигини ҳам таъкидламоқда. Ғ.Хўжаев “Бобурнома” жанрини белгилашдаги бу ҳол мемуар ва унинг ўзига хос бадиий шакли ҳақида алоҳида тўхталишни тақозо этади. Албатта, бу мавзунинг тадқиқ этиш лозим” – деб ўринли таъкидлаган эди [12].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). “Бобурнома” жимжимадорликдан холи, самимий ва содда жумлаларда ёзилган бўлса-да, бироқ тарихий воқелик баёнида носир Бобур билан бирга шоир Бобур маҳорати ҳам сезилиб туради. Буни биз Бобурнинг портрет яратиш санъатида, пейзаж тасвирларини чизишида, халқ оғзаки ижодидан фойдаланишдаги маҳоратида, хуллас, шохдан тортиб оддий инсонга бўлган муносабати мисолида ёрқин хис қиламиз. Бобур ҳар бир тарихий воқеанинг ҳаётий-реал бўлиши учун ҳаракат қилади ва бунга эришади. Мана биргина мисол: Ҳазрат Бобур баҳор фарсидида “Борон ёзиси”, “Чоштуба дашти” ва “Гулбаҳор доманаси” “бисёр хўб” бўлишини айтиб шундай ёзади: “...Сабзаси (майса, ўсимлик-А.М.) Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хейли яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур, бир қатли лола анвоини буюрдумким санадилар, ўтгуз тўрт навъ лола чиқти, нечукким бу ерларнинг таърифиди бир байте айтилиб эди:

Сабзаву гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор” [5].

“Бир қатла лола анвоийни буюрдумким санадилар, ўтгуз тўрт навъ лола чиқти”, – деб тасвирланган оддий ва самимий жумлаларни ўқиган китобхон кўз ўнгида “лола”-нинг ўзгача ташқи кўриниши, бир-бирини тақорламайдиган ранго-ранглиги бутун бир баҳорнинг жозибаси намоён бўлади. Ўқувчи таъсирли ва жимжимадор сўзлардан эмас, балки табиатни ўзлигича кўра оладиган қалб гавҳаридан баҳра олади. Муаллифнинг бу тасвирларга ҳамоҳанг битилган икки мисрасида бадииятнинг ўзига хос унсурлари мужассам. Ана шу бадиийликнинг маълум бир қирраси шоир Бобурнинг биргина “жаннат” сўзида ўз ифодасини топади.

“Шажарайи турк”даги бадиийлик ривоят, эртақ, ҳикоятларнинг бадииятига ҳамоҳанг. Чунки Абулғози тарихий воқеалар баёнида мақол ва эртақлардан ижодий фойдаланади, бадиий тасвир воситаларини ишлатади. Шунинг учун “Шажарайи турк”да бадиий бўёқдорлик бўриброк кўринади. “...Улуғ ўғли Бойсункурни хон қилдилар. Ақлли ва одил яхши подшоҳ эрди. Кўп элларни ўзгина боқиндируб дўстларига яхшилик қилиб, душманга ёмонлик қилиб бир неча йил подшоҳлик қилгандин сўнг ўғли Тумнани ўз еринда ўлтуртуб узок сафарга кетди” [2]. Мазкур тасвирда Абулғози Бойсункурнинг инсоний хусусиятларини “ақлли ва одил яхши подшоҳ”, “дўстларига яхшилик қилиб, душманга ёмонлик қилиб” жумлаларида моҳирлик билан чиқиб берадики, ўқувчи кичик бир тасвирни таҳлил қилиб, кенг маълумотга эга бўлади. Абулғози ўқувчининг ортиқча эҳтиросларга берилмаслигини истаб, ўз қаҳрамонларининг ўлими тасвирини ажойиб ибора-ўхшатишларда ифода этади. У баъзи қаҳрамонларнинг ўлимини “борса келмас теган юртга кетди”, “отаси кейнидин кетди”, “жони узилди” каби жумлаларда бериб ўтадики, бу унинг ўзига хос бадиий маҳорати маҳсули эди. Мазкур парчада Бойсункурнинг вафоти “узок сафарга кетди” ибораси билан ифодалаб берилган. Кичик бир тасвирда Бойсункурнинг ҳаёти ва фаолияти тугал моҳият касб этган.

Ўқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, “Бобурнома” ва “Шажарайи турк”да бадиийликка хос жиҳатлар жуда кўп. Икки йирик асарнинг бадиий хусусиятларини қислаб ўрганар эканмиз, бу ўринда, бадиий адабиётнинг яна бир ўзига хос қонунияти кўзга ташланиб қолади. Яъни бадиий адабиёт фақатгина жозибатор сўзамолликни эмас, балки самимий камсуханликни ҳам ўзида намоён этади. Бу бадиий ижоднинг биз англашга уринмайдиган жиҳатидир. Буни Бобур ва Абулғози ўз даврида моҳиятан тушунган ҳамда амал қилган эдилар.

Бундан ташқари “Бобурнома” ва “Шажарайи турк” асарлари мемуар характерга эга. З.М.Бобур XVI аср ўзбек адабиётига биринчи бўлиб мемуар жанрини олиб кирди. Мемуар сўзи французча “memoires” сўздан олинган бўлиб, “эсдаликлар”, “хотиралар”[3], – деган маъноларни англатади. Муаллифнинг ўзи қатнашган ёки ўз кўзи билан кўрган реал тарихий воқеалар ҳақидаги ҳикояси-асари мемуар деб аталади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” тарихий асарлари шулар жумласидандир. Аниқ фактик материалларнинг мавжудлиги, воқеаларни баён қилиш шакли, изчиллиги мемуарларни қундалиқларга яқинлаштиради. Бироқ “Бобурнома” ва “Шажарайи турк” тарихий-мемуарлари муаллиф-

ларнинг аниқ мақсади асосида умрининг охириги йилларида яратилган асарлар сирасига қиради. “Бобурнома” ва “Шажарайи турк”даги воқеалар баёнида бадиий тўқиманинг йўқлиги асарларни илмий асарларга яқинлаштиради. Шунга кўра, уларда жуда кўп фан соҳаларига оид асосли илмий маълумотлар мавжуд.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Ўзбек адабиётини мемуарлар асосан икки турга бўлиб ўрганилади. Булар, тарихий-ёдном ва бадиий ёдном. Бироқ тарихий ёдномларда бадиийлик, бадиий-ёдномларда тарихийлик хусусиятлари бўлиши мумкин. “Бобурнома” ва “Шажарайи турк” ҳам бундан мустасно эмас. Биз тарихий насрий асарларнинг жанр хусусиятларини белгилашда бу тарихий асар, бу бадиий асар ёки мемуар деб чегара қўймоқчи эмасмиз. Балки ҳар учала жанрнинг хусусиятлари тарихий наср намуналарида мавжудлигини таъкидламоқчимиз. Чунки XVI-XVII асрда яратилган асарларга бутун бир жамятнинг тафаккури маҳсули сифатидир. Ҳозирги насрга қўйиладиган талаблар ўша даврда мавжуд бўлмаган. Бу эса асар яратилаётган даврнинг табиий қонунияти билан белгиланган. Шундан келиб чиқиб, “Бобурнома” ва “Шажарайи турк”нинг жанрий хусусиятлари ҳақидаги фикрларимизга хулоса яасак, бу икки асарни мемуар характердаги бадиийлашган тарихий наср намунаси сифатида эътироф этмоқ мақсадга мувофиқ кўринади. Абулғозининг “Шажарайи турк” асари мемуар характерга эга эмас, дегувчилар ҳам бор. Биз эса, бу ўринда, Абулғозининг “Уксук ўз киндигини ўзи кесар” [Ўз тарихини ўзи ёзмоқ маъносидан-А.М.] деган сўзларини ҳамда асарнинг сўнгги 9-боби бевосита Абулғози Баҳодирхон ҳаёти ва фаолиятига бағишланганлигини эслатиб ўтишни маъқул кўрамиз. Масалан, асарда бош қаҳрамон сиймоси ҳар бир давр воқеасида у ёки бу даражада кўриниб туради. Абулғози ўзи гувоҳи бўлмаган қадимги давр воқеаларини ёзаётганда ҳам ўрни-ўрни билан ўз таассуротларини қўшиб юборади. Кейинги давр воқеаларида бош қаҳрамоннинг болалиги, сарсон-саргардонлиги, юришлари, сиёсий-ҳаётий фаолияти аниқ баён этилади. Натижада бош қаҳрамон сиймоси асар воқеаларини бириктирувчи сюжет ўзгаги вази фасини ўтайди. Асардаги бу жиҳат мемуарнинг ғоявий-бадиий фазилатини намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихда ҳам шоҳ, ҳам шоир бўлган ижодкорлар жуда кўп. Бироқ улар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абулғози Баҳодирхон ижодий муштараклиги, адабий яқинлиги, тақдирдаги ҳамоҳанглик кишини ҳайратга солади. Бу каби қиёсий ёндовлар ижодкорларнинг шахсияти ва ижодини тўлароқ ўрганишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Абражеев А.И. Абулғози Баҳодирхон “Шажарайи турк” асарининг адабий аҳамияти. – Т.: Ўздавнашр, 1944. – 48 б.
2. Абулғозий. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1992. – 188 б.
3. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – Б. 116.
4. Гулбаданбегим. Хумоюннома. – Т.: ЎзССР ФА нашри, 1959. – 112 б.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – 335 б.
6. Зоҳидов В. Бобурнинг фаолияти ва илмий-адабий мероси ҳақида. Бобурнома. – Т.: ЎзССР ФА нашри, 1960. – Б. 5-52.
7. Кононов. А.Н. Родословная туркмен. Соченение. Абул-Гази. Москва – Ленинград: Академии наук СССР, 1958. – С. 3.
8. Қудратуллаев Ҳ. С. “Бобурнома”нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили: Филол.фан.д. дисс. – Т.: 1998. – 355 б.
9. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида: Қиёсий- типологик таҳлил. Филол.фанлари.д-ри дисс. – Т.: 1994. – 290 б.
10. Тоҳиров Қ. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тароқима. – Самарқанд: 1995. – Б. 12. // “Бобурнома” – тарихий мемуар асар // Зиёкор. 2002. № 4.-Б. 3.
11. Худойназаров Ҳ. “Шажарайи турк” ва унинг ўрганилиши. – Т.: Ўқитувчи, 1993.- 128 б.
12. Хўжаев Ф. “Бобурнома” анъаналари. // Адабий мерос. Т.: 1989 -№2 –Б. 228-230.



Оқилахон АХМАДЖОНОВА,
Фаргона давлат университети ўқитувчиси
E-mail: aoqila@list.ru

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Деҳқонова М. тақризи асосида

PSYCHOPHYSIOLOGICAL STATUS IN LITERATURE AND ITS INTERPRETATION

Abstract

In a work of art, the psycho-physiological essence of the protagonist's psyche is revealed by his actions, words, facial expressions, showing the physiological changes in him.

Key words: Psychophysiology, mental experience, image, character, portrait, action

ПСИХОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЙ СТАТУС В ЛИТЕРАТУРЕ И ЕГО ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

Аннотация

Психофизиологическая сущность психики главного героя в художественном произведении раскрывается через его действия, слова, мимику, показывая физиологические изменения в нем.

Ключевые слова: Психофизиология, психический опыт, образ, персонаж, портрет, действие.

АДАБИЁТШУНОСЛИҚДА ПСИХОФИЗИОЛОГИК ҲОЛАТ ВА УНИНГ ТАЛҚИНИ

Аннотация

Бадий асарда қахрамон руҳияти унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари, ундаги физиологик ўзгаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши психофизиологик моҳиятини ташкил этади.

Калит сўзлар: Психофизиология, руҳий кечинма, образ, характер, портрет, ҳаракат.

Кириш: Ҳар қандай инсон руҳий кечинмаларни, инсоний туйғуларни – у қандай ва нима сабабдан вужудга келганидан қатъи назар қалбига, юрагига яқин олаверади. Атроф-муҳит, борлиқдаги нарсаларни ана шу руҳий ҳолат таъсирида қабул қилади ва муносабат билдиради. Бадий адабиётда ижодкорнинг шундай ҳис-туйғулари маълум бир асар воқелиги ва ундаги образларда ўз аксини топади.

Бадий асарда қахрамон руҳияти унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари, ундаги физиологик ўзгаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши психофизиологик моҳиятини ташкил этади. Зеро, “психофизиология – психик ва физиологик жараёнлар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан соҳаси бўлиб, унинг асосий вазифаси психофизик ҳолатни илмий ҳал қилишдан иборатдир”[1].

Асосий қисм: Эр.авв. IV асрда Арасту кишилик тафаккури тарихида биринчилардан бўлиб, руҳ билан жонли тананинг ажралмас эканлиги ғоясини илгари сурди. Унинг фикрича, “жон қисмларга бўлинмайди, лекин у фаолиятнинг озикланиш, ҳис этиш, ҳаракатга келтириш, ақл-идрок каби турларига оид қобилиятларда намоён бўлади”[2].

Мантиқ илми билан шуғулланиб, Аристотель асарларига шарҳ ёзган, қомусий олим Абу Наср ал-Фаробий ҳам “Агар ҳис билан билинадиган нарсаларни ҳис орқали билиш истаги бўлса ва унга аралаштириш мумкин бўлса, бу албатта, бадан феъли билан руҳ феълнинг бирлашишидан юзага келган бўлади. Чунончи, кўришни орзу қилган нарсаларимизга қараш учун нигоҳимизни унга қаратишимиз бунга мисол бўла олади. Агар у нарсаларга узоқлаштирилса, биз унга тўппа-тўғри юрамиз, борди-ю унга етишга бирор тўсиқ бўлса, биз қўлларимиз билан у тўсиқни бартараф қиламиз. Бу ҳолда ўша ҳаракатлар жисмоний ҳаракатлар бўлиб, лекин ҳислар ўз йўлида руҳнинг бир феъли бўлиши билан бирга, бутун бадан феъллари бўладилар”[3] деган илмий-фалсафий фикрларни олға суради. Бу мумтоз қарашларда инсон психологияси ва физиологияси доимо чамбарчас боғлиқ

эканлиги англашилади. Бугунги кунда бу қарашлар ўз илмий исботига эгадир. Бу каби фикрлар мантик, фалсафа фанларидан ўсиб чиқиб, адабиётшунослиқда ҳам ўз аксини топади. Ижодкор ёзувчилар инсонни нафақат хатти-ҳаракатлари, балки унинг физиологик белгилари ҳам унинг руҳияти, характерини кўрсатишини яхши англаганлар, қахрамон характерини шакллантиришда физиологик билимлардан фойдаланганлар.

Адабиётшунослиқда, қахрамон психологиясини таҳлил этишнинг уч асосий принципининг динамик принципи айнан психофизиологик тасвирнинг ўзидир.

Ушбу принципнинг “динамик” деб номланиши “Динамика” сўзидан олинган бўлиб, луғатда “1) механиканинг жисмлар ҳаракатини ва бу ҳаракатга сабабчи бўладиган кучларни ўрганадиган бўлими;

2) Бирор ҳодиса, воқеа, процессда ёки бирор музика, кинематография ё театр асарида – ўзгариш, ўсиш, ўсиб бориш даражаси, ривожланиш” деб берилди[4]. Бизнингча, академик Храпченко ва унинг ўзбек адабиётидаги издошлари (Н.Шодиев, Х.Умутов[5],[6] Й.Солижонов[7]) сўзнинг ана шу маъносидан келиб чиқиб, асардаги образлар руҳиятининг хатти-ҳаракатларда намоён бўлишига эътибор қаратишган кўринади. Бизнинг вазифамиз асар қахрамонининг ички кечинмалари (масалан, шодлиги, ғамгинлиги) ташқи қиёфасида қандай кўриниши, бу ҳолат ёзувчи томонидан қандай маҳорат билан тасвирланганлигини илмий жиҳатдан исботлашдан иборатдир.

Ҳар қандай портрет маълум даражада инсон табиатини намоён қилиш хусусиятига эга. Шунинг учун мумтоз адабиётимиздан токи ҳозирги адабий жараёнгача ҳар бир ижодкор характер яратишда образнинг ички ва ташқи тасвирининг мутаносиб бўлишига катта аҳамият берганлар.

Қахрамонлар руҳий олами, тана тилини ҳар бир ёзувчи ва ижодкор ўз икtidоридан келиб чиқиб тасвирлайди. Бадий асарда қахрамонлар руҳияти, характерини очишда уларнинг ташқи қиёфалари, яъни портретларини чизишга алоҳида аҳамият берадилар.

“Портрет – персонажнинг сўз воситасида тасвирланган ташки кўриниши (қиёфаси, жуссаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари), ўқувчи тасаввурида жонланадиган тўлақонли инсон образини яратиш ва унинг характерини очишда психологик принцип воситаларидан биридир”[8]. Бу фоний дунёда миллионлаб инсонлар бўлса, ҳар бирининг ташки қиёфаси, хатти-ҳаракатлари, эстетик дидидан келиб чиқиб кийиниши, яъни тана тили миллион хилдир.

Инсон ҳаёти давомида турли хатти-ҳаракатлардан фойдаланади, бу эса тана тили дейилади. Тана тили сўзлашув мулоқотидан фаркли ўларок, ҳис-туйғуларнинг самимийлиги ва одамлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳаққонийлиги ҳақида кўпроқ маълумот беради. Юз ифодалари, вужуд ҳаракати суҳбатдошда маълум қизиқиш уйғотиши ёки бегоналардан сир сақламоқчи бўлган нарсаларни яшириши мумкин.

Психофизиология фан сифатида XIX асрдан психологиянинг таркибидан униб чиққан бўлса-да, қадимдан инсон хатти-ҳаракатларига эътибор, маъно бериш фалсафа, тиббиёт ва адабиётшунослик фанларида ўз аксини топган.

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида – ишда, уйда, дам олишда тўлиқ психофизиологик ҳолатни бошидан кечиради. Хатти-ҳаракат, хатто, ухлаётганда ҳам: бирон туш кўраётган бўлса, унинг таъсири юздаги кош, ковок, лаблар – жестида намоён бўлади. Инсон қандай хатти-ҳаракат қилмасин, аввало ўйлайди, фикрлар натижасида ҳаракатланади.

Ҳаракатлар икки сабаб вужудга келиши мумкин:

Инсон ички сезги, туйғу-фикрлари асосида;

Ташки таъсир: кимнингдир суҳбатидан завқ олиб кулади, фикрлаб ўйланади, жажли чиқиб ғазабланади. Табиат гўзаллигидан баҳра олади ёки инжиқликлари – шамол, ёмғир, қордан ҳимояланади. Мана шу ҳис-туйғу, сезгиларни шартли ва шартсиз рефлекслар орқали юз ифодасида, оёқ-қўл, гавда ҳаракатларида намоён этади.

Ҳаракатдаги имо-ишоралар тили мулоқот тили билан бирга ёки унинг ўрнига ишлатиладиган белгилар тизимидир. Танадаги ҳар бир хатти-ҳаракат кузатувчи суҳбатдошга кўз билан кўра оладиган хабар бериш йўлидир.

Фанда бир қанча психологик ва физиологик ишора тиллари мавжудки, ёзувчи-ижодкор улардан ўз имкониятлари доирасида фойдалана олади.

физиогномика – одамларнинг юзи, қоши, бурун, оғиз ва кулоқларига қараб уларнинг характерини аниқлаш;

парапсихология – онг ости сирлари ва уни бошқариш;

дактилология – қўл алифбоси, кар-соқовлар орасида кенг тарқалган тил;

бир оила ёки бир гуруҳ доирасида ишлатиладиган оилавий ёки гуруҳга онд ишора тиллари;

турли маросимларда ишлатиладиган ибодат ва удум ишоралари;

жаргон ва махсус имо-ишоралар ёрдамида жиноятчилар ва мухсус кишилар муомала қилишади;

хирология – қўл-кафтдаги чизиклар орқали инсон характери, унинг ҳаётидаги воқеликларни англаш каби турли йўналишлар мавжуд.

Кўпчилик ишоралар ички ҳис орқали тушунса бўладиган даражада осондир:

Бирор нарсани инкор этган одам бошини бир тарафдан бошқа тарафга чайқатади;

Кўрқанида қошлари кўтарилиб, кўзлари катта-катта очилиб кетади;

Қайғуга ботганида одам букчайиб қолади.

Лекин шундай имо-ишоралар ҳам мавжудки, уларни махсус ўрганмай туриб тушиниш мушкул.

Айрим психофизиологик ҳолатларда, юз ифодаларида ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган маданий фарқлари мавжуд. “Бу каби омиллар миллий этник мансублик ҳамда маълум бир миллат учун ягона бўлган идеал, тил, турмуш тарзи, ягона ҳудудий мансублиги кабилар фониди кўринади”[9]. Масалан, “хитойликлар илк бор америкалик сайёҳлар билан учрашганларида уларнинг нима учун ҳадеб бунчалар ғазабланишларини тушуна олишмаган. Хитойда қошни юқорига кўтариш ғазаб аломатидир. Америкаликларда эса диққатга сазовор маҳаллий ерларни томоша қилганликларида улардан ҳайратланганликлари сабаб қошларини кўтариб қўйиш одати бўлган”[10].

Инсон борки, ҳаракат бор. Ҳар бир хатти-ҳаракат, юз ифодасида унинг руҳияти акс этар экан, у албатта, илм-фанда ўз аксини топади. Кўп учрайдиган хиссиётларда юз ифодасининг аниқ кўриниши барча халқ ва маданиятда ўхшаш бўлади, бу эса бадиий адабиётда ўз аксини топади. Қуйида ана шундай хиссиётларнинг бир қанча кўринишлари илмий-назарий жиҳатдан асосланганини[10], унинг бадиий асардаги ифодаси – мисоллардан намуналарни Асқад Мухторнинг “Туғилиш” ва “Чинор” романлари асосида беришга ҳаракат қилдик.

Ғазабланиш

-кўзларга таҳдидли ва ҳўмрайган тус бериб, пешона мушакларини пастга ва ичкарига тортиш;

-кўзлар чақчайиб, таҳдид билан катта-катта очилади ёки қисқиб бўлади;

-бурун катаги катталашади;

-лаблар қаттиқ сикилади;

- юз кўпинча қизариб кетади.

Мисол, “Умида унинг башараси бунчалик даҳшатли эканини билмас экан: юпқа лабларидан қон қочиб, бурун катаклари керилди, қошиз, киприксиз кўзларида найзадек бир нарса чакнади, сийрак сочлари орасидан тер калкиди” [12].

Нафратланиш

-қошлар кўтарилади;

-юз бўшашиб чўзилади;

-бош кўтарилган, гўё одам кимгадир юқоридан пастга қараётгандек бўлади;

-оғиз ёпиқ ва лаб бурчаклари пастга қараган ҳолда бўлади;

Кўзлар маъносиз боқади.

Азобланиш

-қошлар чимирилган;

-кўзлар маъносиз;

-юз карахт кўринишда.

Мисол, “Бошлиқнинг жиддий юзини кўриб кулгиси ўчди, юзининг юпқа териси буришганча қолди... Поччаев бош силкиди. Унинг оғзи очик, кўз қараши маъносиз эди” Поччаев иш масаласида Элчибек Бўриевнинг қароридан руҳий изтиробда қолган эди [13].

Кўрқиш

-пешонада кўндаланг чизиклар кўринади;

-ҳаракатсиз туриб қолади;

-кўзлар нурсиз ва катталашган;

-оғиз очилган.

Мисол, “Акбарали унга қараб тўхтади-ю, орқага тисарилди. Бирдан...Ҳавогача титраб кетди. У бақириб юбордими, ўзи билмайди, лекин оғзи очилиб, бехосдан тамом гунг бўлиб қолган эди. Акбарали қозикдек қотди, тебранди, қўли билан кўзларини беркитди” [12].

Ажабланиш

-юқорига кўтарилган қошлар пешонада кўндаланг чизиклар ҳосил қилади;

-кўзлар катта-катта очилади;

-оғиз юмалоқ шаклда очилган бўлади.

Мисол, “–Ишга жойлаймиз, - Раҳмонқулов телефонни олди, - юра берсин яна бир “иш” кўрсатгунича,

ёки милиция келиб олиб кетгунча. Ало, сизмисиз, салом. Мана бу ерда бир йигит бор... – У Жуманга қаради: - фамилияси?

- фамилияси – Субҳонов.

- А?

Бошлиқ Жуманга анқов одамдай оғзини очиб тикилиб қолди” [13].

Қувониш

- кўзлар ялтирайди, атрофида ажинлар пайдо бўлади, қисик ёки катта очилади;

- пешонада кўндаланг ажинлар кўринади [10].

Барча миллат вакиллари қувончи, ғазаби, кўркуви, хайратини шу каби юз ифодалари орқали намоён этади. Фақат ушбу кўринишлар ҳар бир миллат, ҳар бир шахснинг ўзлигидан келиб чиққан ҳолда турлича намоён

бўлиши мумкин. Бадий асарда характер яратиш учун ёзувчи буларни онгли ва онгсиз равишда яхши билиши керак. Асардаги қаҳрамонларни ҳис-туйғулари ва тана тили билан “тапиртира” олиши керак.

Хулоса. Психологик ва психофизиологик таҳлил қилиш қаҳрамоннинг ички дунёсини ҳаққоний билиш демакдир. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, бадий асар марказидаги инсоннинг руҳий олами, хулқ-атвори ва ҳис-туйғуси таҳлили унинг хатти-ҳаракатлари, юз ва тана (вужуд) тузилишида англашилади. Маълумки, ҳеч бир нарса инсон руҳияти сингари кишини ларзага келтира олмайди. Шундай экан, кишилар руҳий оламининг кўп қирралари, уларнинг ҳар бири ўзига хос гўзаллик ҳамда туб маъно касб эта олишини кузатиш, баҳраманд бўлиш инсон онги идрокнинг ўсишига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Тиббиёт энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ. 2016 йил.
2. Петровский А.В. Умумий психология. – Тошкент: Ўқитувчи. 1975 йил, 11-б.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2020 йил, 217-б.
4. Усмон О. Интернационал сўзлар луғати. – Тошкент: Ўзбекистон СССР давлат нашриёти. 1959 йил, 69-б.
5. Умурув Х. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент: Фан. 1983, 23-б.
6. Умурув Х. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004 йил, 50-б.
7. Солижонов Й. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси. Филол. ф.д. дисс. –Тошкент, 2002. 74-б.
8. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. 266-б.
9. Қаюмов А. Ҳозирги ўзбек насрида миллий характер ва бадий маҳорат. Фил. фан. бўйича ф.д.(PhD) дисс. – Фарғона, 2018. 102-б.
10. Аввалбосева Д. Имо-ишора тили. – Тошкент: Юрист-медиа маркази нашриёти. 2016 йил, 10-б.
11. Психофизиология: Учебник для вузов. 4-е изд./ Под ред. Ю.И.Александрова. – Спб.: Питер, 2014.
12. Мухтор А. Чинор. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015 йил.
13. Мухтор А. Туғилиш. – Тошкент: ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963 йил.
14. O. G. (2020). Melody and musicality in Liryсs. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 656-664.
15. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 245-249.



Нодир ҒАФҒОРОВ,

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти

E-mail: [гафғаров1970@mail.ru](mailto:gaфғаров1970@mail.ru)

Филология бўйича фалсафа доктори (PhD) М.Холмуродова тақризи асосида

АЙРИМ СПОРТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ

Аннотация

Мақолада ўзбек спорт терминологиясининг тадрижий тараққиёти, ривожланиш тенденциялари, ўзига хос хусусиятлари, бошқа соҳавий терминлардан афзаллиги, жамоавий ва яқка турдаги спорт турларининг тавсифи, терминларнинг микросистемаси билан боғлиқ номланишлар, спорт терминологиясида эришилган ютуқлар ва истиқболда бажарилиши зарур бўлган вазифалар, янги таснифлаш йўллари ҳақида мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: Спорт терминлари, жамоавий спорт ва яқка спорт турлари, мустақиллик даври спорт терминологияси, тасниф, тавсиф, янги спорт ўйинлари, футбол, волейбол, қўлтўпи, чавгон.

STRUCTURAL-SEMANTIC DESCRIPTION AND CLASSIFICATION OF SOME SPORTS TERMS

Annotation

The article describes the gradual development of Uzbek sports terminology, development trends, peculiarities, advantages over other industry terms, description of team and individual sports, names related to the microsystem of terms, achievements in sports terminology and future tasks, new ways of classification. made.

Keywords: Sports terms, team sports and individual sports, sports terminology of the independence period, classification, description, new sports games, football, volleyball, handball, chavgon.

СТРУКТУРНО-СЕМАНТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ И КЛАССИФИКАЦИЯ НЕКОТОРИЕ СПОРТИВНЫХ ТЕРМИНОВ

Аннотация

В статье описывается эволюционное развитие узбекской спортивной терминологии, тенденции развития, особенности, преимущества других отраслевых терминов, описание видов спорта коллективных и индивидуальных видов, названия, связанные с микросистемой терминов, достижения в спортивной терминологии и задачи, которые необходимо выполнить в будущем, новые способы классификации.

Ключевые слова: Спортивная терминология, командные и индивидуальные виды спорта, спортивная терминология периода независимости, классификация, описание, новые спортивные игры, футбол, волейбол, подлокотник, всадник.

Кириш. Ўзбек спорт терминологияси Х-ХI асрларда пайдо бўлган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида дастлабки спорт турларининг номлари келтирилган. Масалан, човгон ва шу каби халқ ўйинлари тилга олинган. Мазкур ўйинларнинг ўйналиш тартиблари ҳақида ҳам маълумот берилган. Шунга қарамай, уни ўрганишга бағишланган асарлар ҳали унчалик кўп эмас. Мустақиллик йилларида мамлакатда спорт соҳаси сезиларли даражада ривожланди. Бунинг натижасида спорт терминологияси ҳам ўз-ўзидан янги босқичга кўтарилди. Айрим миллий спорт турлари дунё миқёсида оммалашди. Спортчилар ўз иқтидорлари билан нафақат спортни, балки миллий тилимизни ҳам жаҳонга ёйилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, миллий курашнинг жаҳонда оммалашувчи “чала”, “ёнбош”, “ҳалол” каби миллий сўзларимизнинг янги мақом касб этгани, яъни ихтисослашиб, соҳа термини айлангани бу борада муваффақиятли натижа ҳисобланади.

Спорт терминологиясини тадқиқ этишда Н.Андреев ва В. Замбржицкий, И. Юрковский, И. Протченко, А.Рйлов томонидан ўрганилди; профессионал спорт маданияти А. Элистратовнинг номзодлик диссертациясининг тадқиқот объекти бўлди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам А.Ҳожиёв, Ҳ.Дадабоев, А. Дадабоев каби олимлар илмий изланишлар олиб борган. Шунингдек, Н.Кулдашева ўзбек спорт терминларини француз тилига миллий-маданий хусусиятлари нуқтаи назаридан қислаб ўрганади.

Аввало, термин сўзига тўхталадиган бўлсак, бу билан боғлиқ мулоҳазалар оз эмас. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида термин сўзи қуйидагича тавсифланади:

ТЕРМИН [лот. terminus - чек, чегара] Фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. Ботаника терминлари. Заргарлик терминлари. Пахтачилик терминлари. М, Йўлдош.. Элмуродга нотаниш терминларни.. тушунтира кетди. Шухрат, Шинелли йиллар. Терминлар илмий коммуникациядан жонли сўзлашувга ўтганда, халқ учун тушунарли сўзларга айлана боради.

Масалан, футбол ва яна айрим жамоавий спорт турларида “ҳужумчи”, “химоячи”, “дарвозабон” терминлари мавжуд. Тўғри, бу бошқа тилларда бошқача айтилиши мумкин, аммо ўзбек тилида худди шу маънода қўлланиб келинади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур ўз қуйидагича изоҳланади:

ХУЖУМЧИ 1 харб. Душман устига бостириб борувчи, ҳужум қилувчи. Ҳужумчи танкчилар. Ҳужумчи учувчилар. М, Комиов ротадан ўттиз жангини танлаб олдида, улар бири ун кишидан учта ҳужумчи группа тузди. «Гулистон».

2 спрт. Команданинг ҳужум қизигида ўйновчи спортчи; зид. химоячи. Болалар кўчани бошларига кўтариб, чангитиб, тўп тепишарди. Улар тарафма-тараф бўлиб олишган, икки томоннинг дарвозабони, ҳужумчию химоячилари бор. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Бу тўпни олтинчи минутда ҳужумчи Б. Иброхимов киритди. Газетадан.

Спорт терминологиясига доир қатор тадқиқотлар, шу жумладан монографиялар, диссертациялар ва мақола-ларни таҳлилдан сўнг, биз спорт терминологиясини тавсифловчи асосий хусусиятлар рўйхатини тақлиф қиламиз:

1. Шаффофлик. Деярли барча тилшунослар спорт терминологиясининг бу хусусиятини ажратиб кўрсатадилар. У бошқа фаолият соҳаларидан: тиббиёт, санъат, сиёсат, саноат соҳасидан тушунчаларни (ва шунга мос равишда атамаларни) ёркин фарқ қила олади.

2. Оммавийлик. Спорт терминологияси энг кўп ишлатиладиган терминлардан биридир. У нафақат мутахассислар, балки мухлислар, шунингдек, спортдан жуда узоқ бўлган одамлар орасида ҳам қўлланилади, у махсус нашрларда, радио ва телевиденида, бадий матнларда метафорик маънода қўлланилади.

3. Тажрижийлик. Спорт терминологияси жадал ривожланмоқда: янги спорт турлари (Workout) ўз термин тизимлари билан пайдо бўлади, эски терминлар ўрнини янгилари эгаллайди (масалан, классик кураш ўрнини аралаш жанг кураши эгаллади).

4. Умумийликдан ажралош.

5. Терминология табиатини баҳолаш. Атамага қўйиладиган асосий талаблардан бири – коннотациянинг йўқлигига қарамай – спорт атамалари анча ифодали, образли, эмоционал, баҳоловчи бўлиб, бу асосан мазкур терминологиянинг спонтан (табiiй) келиб чиқиши билан изоҳланади.

6. Вариативлик. Бу, асосан, ўзбек тилидаги терминнинг халқаро хорижий тил эквиваленти қўшилганда содир бўлади.

7. Спорт терминологиясининг техник терминологияга яқинлиги спорт ва техник фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли ҳаракатларни бажариши. Винокурнинг қайд этишича: “ҳаракатлар ва жараёнлар номлари техник термин қисми сифатида жуда кенг гуруҳини ташкил қилади”.

Бу иккала термин системасида ҳам кўп сонли сўзли термин бирикмалари билан ифодаланadi. Спорт терминологияси спортнинг касбий маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, уни миллий маданият ичида нутқий этикет ҳам деб ҳисоблаш мумкин. Юқорида таъкидлангани каби касбий маданиятга мутахассисларнинг рамзлари, кадрятлари, меъёрлари ва хулқ-атвори намуналари, шунингдек, махсус тил қиради. Ўзбек тилшунослигида махсус лексемалар ишлатилган ва маълум бир касб вакиллариининг коммуникатив эҳтиёжларини таъминлайдиган тил муҳитини ифодалаш учун бир қатор номлар мавжуд: касбий мулоқот тили. Бу махсус тилнинг асосий вазифаси мутахассислар, соҳа вакиллариининг ўзаро муваффақиятли ва самарали мулоқот қила олишини таъминлаш.

Спортнинг махсус сўз туркумининг табақалаштириш моделини тақдим этишдан олдин махсус сўз туркумларини таснифлаш муаммоси ўзбек ва бошқа тилшунослар асарларида қандай ҳал этилганини кўриб чиқайлик. Ёндашувлардан бири О.Ахманованин “Умумий ва рус лексикологияси бўйича иншолар” монографиясида келтирилган. Тадқиқотчи махсус сўз бирикмаларини тилнинг лексик тизимининг бир қисми деб ҳисоблайди.


Спорт соҳасидаги тушунчалар тизимининг асоси спорт тушунчаси бўлиб, биз маълум бир спорт турини тушунамиз. Анъанага қўра, спортнинг икки гуруҳини ажратиш одатий ҳолдир: жамоавий спорт ва индивидуал спорт. Ушбу таснифнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, биз спорт терминологиясининг ўз кузатувларига таянамиз ва спорт фаолиятини фарқлашга янги ёндашувни тақлиф қиламиз.

Спортнинг ўзига хос хусусиятларига асосланиб, уларни динамик ва статик (тушунчалар тизимининг иккита ўзаро боғлиқ қуйи тизими) га бўлиш мумкин. Спортчилардан жисмоний ишлашни талаб қиладиган ва уларнинг жисмоний фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришга асосланган динамик спортга эътибор қаратиш лозим. Статик спорт турлари ҳаракатланишнинг нисбатан етишмаслиги билан ажралиб туради ва ҳар қандай жисмоний фазилатларни ёки уларнинг бутунлигини мукаммаллаштиришни ўз ичига олмайди.


Динамик спорт турлари ўз навбатида мавсумий яъни ёзги ва қишгага бўлинади. Ушбу бўлинишга мувофиқ ёзги ва қишқи Олимпия ўйинлари ўтказилади. Қишқи спорт турлари – бу қор ёки муздан фойдаланадиган спорт турлари, ёзги спорт турлари – бу шартлар талаб қилинмайдиган спорт турларидир. Ўзбекистон шароитида қишқи спорт турларининг ҳаммаси ҳам амалда мавжуд эмас, борлари ҳам фаол бўлмайди, чунки бу иқлим билан боғлиқ.

Терминологик тизимда белгиланган ҳар бир концепция муайян мантиқий тоифага тегишли бўлади. Жумладан, ўйин номлари дастлабки таснифланишга асос бўлса, уларнинг ҳар бири кейинги таснифланишларга асос вазифасини бажараверади.

Бу жадвал шаклида қуйидагича бўлади:




Жамоавий спорт терминлари ўз ичида яна ички терминологияга эга бўлади:



Тилга ташки умумий предмет – тушунчавий хусусият билан боғланган лексик бирликлар мажмуи маълум бир мавзувий гуруҳни ифодаловчи деб қарасак, спорт терминологиясининг мавзу гуруҳлари ушбу тоифаларга қандай боғлиқлигини ҳам ўрганиш лозим бўлади.

Масалан, энг оммавий спорт турларидан футбол ва волейбол атамалари ҳар бири алоҳида тур сифатида ўз ички терминологиясига эга. Масалан, футбол бўйича 20 йил олдин ўзлашма терминлар амалда эди: “штанга”, “углавоий”, “рука” “штраф” ва бошқалар. Миллий терминологияга эътибор кучайгандан сўнг бу сўзлар ўз терминларимиз билан атала бошлади:



Ҳар бир спорт турини ифодаловчи термин мана шундай ички бўлинишларга эга бўлиб, терминлар тизимини ҳосил қилиб бораверади.

Шунингдек, спорт турлари ва кичик турлари номлари. Бу спорт терминологиясининг энг кўп сонли гуруҳларидан бири: ҳар бири ўз номига эга бўлган бир неча минг спорт тури мавжуд. Масалан, футбол (кичик футбол, катта футбол), кўл тўпи, теннис (катта теннис, кичик теннис) ҳоказо.

Спортнинг турли хил даражалари мавжуд. Масалан, чанги кичик спорт тури – слалом, гигант слалом ва пастлик, эштак эшиш кичик тури – академик эштак эшиш, байдарка ва каноэда эштак эшиш. Одатда, спортчига бир даража бўйича ёки барча мусобақаларда иштирок этиш имконияти берилади. Бу спорт терминологиясидаги таснифлашнинг ички тизими бўлиб, алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Умуман олганда, спорт терминларининг лисоний-структур, конитив, дискурсив тадқиқ этиш мазкур соҳада ўзбек тилининг қўлланилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Маҳмуд Кошғарий. Девони луғотит турк. 1-жилд. Т.: Фан, 1960. 102-б.
2. Кулдошева Н. Ўзбек-француз тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари диссертация автореф. Бухоро. 2020. 52-б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон. 2020. 4-жилд. 74-б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон. 2020. 5-жилд. 554-б.
5. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Сборник статей по языковедению. - М., 1939. - С.224.
6. Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии М.: Учпедгиз, 1957. — 295 с.
7. Шоломицкий Ю. С. Физическая культура и спорт в советской Средней Азии и сопредельных странах востока. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Москва, –1972. –25 с.
8. Исмоилов Р., Норкин М. Русча ва ўзбекча спорт -физкультура терминлари изоҳли луғати. – Тошкент, 1961. –95 б.;
9. Рафиев Х.Т. Некоторые вопросы преподавания физической культуры в Узбекских школах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, –1972. –25 с.;
10. Бобоёров М. Х. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Самарқанд, 2009. –22 б.
11. Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. –32 б.;
12. Худойберганова Д. Мустақиллик даврида спортга доир лексемалар тараққиёти//Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий анжуман (ижтимоий фанлар). –Бухоро, 2017. –124 б.



УДК: 42/48 +8-21

Ойбек ДАДАЖОНОВ,

Фаргона давлат университети стажёр-тадқиқотчиси

E-mail: oybek.dadajonov.89@inbox.ru

Қарши давлат университети немис тили ва адабиёти кафедраси доценти, (PhD) Маҳмудов А.Й тақризи асосида

НЕМИС МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ДРАМАСИДА ҚАХРАМОН ХАРАКТЕРИ ТАЛҚИНИ

Аннотация

Мақолада немис маърифатпарварлик адабиётида, хусусан, Лессинг драмаларида давр ва қахрамон муаммоси ёритилган. Бадний таҳлиллар асосида қахрамон характери ёритувчи поэтик усуллар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Маърифатпарварлик, драма, ҳаёт, қахрамон, характер, образ, жамият, ҳукмдор

POETIC METHODS OF DESCRIBING OF THE CHARACTER OF THE PROTAGONIST HAVE BEEN STUDIED ON THE BASIS OF ARTISTIC ANALYSIS

Annotation

The article deals with the problem of time and heroism in the German Enlightenment literature, particularly in the Lessing dramas. On the basis of artistic analysis, poetic methods of illuminating the character of the protagonist have been studied.

Keywords: enlightenment, drama, life, hero, character, image, society, ruler

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ГЕРОИЧЕСКОГО ПЕРСОНАЖА В НЕМЕЦКОЙ ДРАМЕ ПРОСВЕЩЕНИЯ

Аннотация

В статье рассматривается проблема времени и героизма в немецкой просветительской литературе, в частности в драмах Лессинга. На основе художественного анализа изучены поэтические приемы освещения характера главного героя.

Ключевые слова: просвещение, драма, жизнь, герой, персонаж, образ, общество, правитель.

Қириш. XVIII аср Европа давлатларида мутлоқ ҳокимият тўлиқ шаклланган бўлса, Германияда миллий-сиёсий бирликка эга бўлмаган, тарқоқ феодал давлатлар кўпайиб борар эди. Мамлакат юзлаб ҳукмдорлар томонидан бошқарилар, уларни ҳокимлари эса ўзига маъқул бўлган сиёсатни олиб борар эди. Жамиятдаги миллий-сиёсий парокандалик мамлакат тараққиёти учун тўсқинлик кила бошлади. Адабиётшунос Р.Абдуллаева Германия тарихининг ана шу даври ҳақида фикр билдириб, мамлакат бир қаро тун қўйнига чўмганлигини, “ҳатто немис халқининг энг яхши ва энг кучли донишмандлари ҳам ўз мамлакатларининг келажига мутлоқ ишончини йўқотиб қўйганлигини” [1] таъкидлайди.

Вазиятдан чиқиш учун немис жамиятининг пешқадам вакиллари энг тўғри йўл сифатида фуқароларнинг маънавий савиясини оширишни, олий мақсад килиб олдилар. Фуқаролар энди санъат ва адабиёт келажак учун муҳим масалаларни ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этишини тушуна бошладилар.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Кант таъкидлаганидек: “Маърифатли бўлиш учун маърифатни ўзи етарли бўлмайди. Инсонлар ўз тақдирларини белгилашлари учун, аввало, ўзлари етук бўлишлари керак.” [2]. Немис маърифатпарварлари ислохотга йўналтирилган ҳаракатнинг зарурий шарт сифатида танқидий мулоҳаза юритиш деб ҳисобладилар. Мавжуд зарурий ўзгаришларни босқичма-босқич, узок муддатли ва тинч ташкил этиш жараёнини тузиш кераклигини англаб етдилар. Мана шу ерда инсон қалбининг чексиз мослашувчанлигига ишонч ўз ифодасини топди. Маърифатчилик ижтимоий онгининг кейинги ривожига жиддий таъсир кўрсатди, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, адабиёт ва санъатда туб бурилишлар ясади. Берtrand Русселл маърифатчилик даври ҳақида шундай дейди: “Маърифат зулмат ҳукмрон бўлган жойда том маънода нурни ёйишга қаратилган мустақил интеллектуал фаолиятдир” [4]. Европада маърифатчилик ғоялари таъсирида янгича эстетик принципларга таянган

адабиёт шаклландики, унинг асосида дунё ва инсонни ўзгартиришга қодир ғоявий адабиёт керак, деган ақида ётади.

Ижодкорлар ўша давр ҳаётини ўз драматик асарларида акс эттирдилар. XVIII аср феодал Германияси шароитида шаклланган драма жанри классицизм трагедиясига қарама-қарши қўйилди. Драмаларнинг сахнада намойиши билан маърифатпарварлик ғояларини халққа етказиш учун жуда қулай эди. Айнан немис драматургларидан “Лессинг, Гёте, Шиллер маърифатпарварлик даврида драматургия ва театр соҳасида эришилган ютуқларга яқун ясаб, маърифатпарварлик реализмидан XIX аср танқидий реализмига ўтиш йўлини белгилаб бердилар” [3]. Натижада немис театри эришган улкан муваффақиятлар жаҳон театри ва адабиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Бу даврда немис драматургиясининг забардаст вакили Лессинг ўзининг драматик асарлари билан немис адабиётини янги босқичга олиб чиқди. Бу давр Лессинг учун фавқулодда сермахсул бўлиб, драматург маърифатпарварлик реализмининг асосий тамойилларини назарий жиҳатдан асослаб берди. Драматург бу йилларда ўзининг машҳур асари “Эмилия Галотти” (“Emilia Galotti”, 1772) драмасини ёзиб тугатади. Драма воқеалари XVIII асрда ҳаёлий Италиянинг Гуасталла князлигида содир бўлади. Асарда муаллиф Германияда ҳукмронлик қилаётган княз ва феодаллар сулоласининг тажовузкорлиги, ўзбошимча ғайри-инсоний ҳаракатларини кескин қоралайди. Драмада дворянлар ва буржуазия ўртасидаги ҳокимият муносабатлари тасвирланган бўлиб, улар ўртасидаги кескин қурашлар аён бўлади. Мартин Эсслинг “Эмилия Галоттини инсон хулқ-атвори ва шахслараро муносабатларининг акс эттиришининг энг аниқ шакли деб” [5] ҳисоблайди.

“Эмилия Галотти” нафақат Лессинг ижодида, балки немис драматургияси тарихида ҳам муҳим воқеа бўлди. Қолаверса, у Шиллер драматургиясининг юзага

келишига замин ҳозирлади. Гёте ўз даврида бу драмага баҳо бераркан, “у тиранлар разолатига қарши қўйилган илк дадил қадам бўлди” [6] деган эди.

Дарҳақиқат, адиб ушбу асари билан жамияти муаммоларига очикчасига норозилигини изҳор этади ва инсонларни маърифатпарварлик руҳида тарбиялашни мақсад қилиб олади. Асар беш парда, 43 кўринишдан иборат. Трагедия 1772 йили ёзилган бўлиб, дастлабки қораламалар 1757 йилда қоғозга туширилгани ҳисобга олинса, драматург асарнинг сюжети устида 15 йил иш олиб боргани маълум бўлади. Воқеалар Италиянинг шимолидаги афсонавий Гуасталла шаҳарчасида XVII асрда рўй беради. Асар муайян ҳаётини воқеага асосланган. Гап шундаки, Римда патрицийлар ҳукмронлиги даврида Аппий Клавдий деган кимса плебейлар вакили Люцийнинг қизи Виргинияга кўз олайтиради. Қизини зolimга раво кўрмаган ота унга ханжар уради. Виргиниянинг ўлимидан ғазабланган плебейлар патрицийлар ҳокимиятини ағдариб ташлайди. Лессинг ана шу сюжетни қайта ишлаб, оригинал асар яратган. Фақат трагедиядаги воқеалар Римнинг олис тарихида эмас, балки ижодкор яшаган даврга яқин кунларда бўлиб ўтади. Драмада барча саргузаштлар бир-бири билан узвий боғлиқликда тасвирланган бўлиб, қахрамонларнинг характерлари маҳорат билан очиб берилган. Римда юз берган воқеа мисолида жамиятдаги муаммолар ҳам назарда тутилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Драманинг асосий қахрамони Эмилия Галотти характер жиҳатдан босиқ, ҳалол, поклик ва саодат ўзининг ҳаётини кўра кадрлироқ бўлган, ҳудожўй қиз мисолида тасвирланади. Шу билан бирга, жуда тарбияли, ота-онасини йўриғидан чиқмаган қиз эди. Буни қуйидаги кичик монологдан билишимиз қийин эмас: “Онажон, биласиз, мен ҳаммаша сизнинг меҳрибонларча айтган барча эзгу фикрларингизга риоя қилиб келганман” [7].

Бу жойда қиз черковда тўсатдан шаҳзода билан учрашиб қолганини, шаҳзода унга илтифотли сўзлаб, шилқимлик қилганини ўз онасига гапириб берган эди. Юқоридаги гаплари билан эса Эмилия шаҳзодага ҳеч қандай ноҳўя гаплар айтмаганини, шаҳзода бўлишига қарамадан бир оғиз сўз ҳам демаганини тушунтиради. Бу хатти-ҳаракати билан Эмилия яхши тарбия кўрган, кенг дунёқарашли қиз эканлигини кўрсатади. Драманинг кульминацион нуқтаси, асар охирида Эмилия отаси Одоардо билан кўришишганда содир бўлади. Айнан шу сахна орқали Лессинг ниятини амалга оширади. Воқеалар ривож китобхон ўйлаган каби бўлганида, асарнинг фожеавийлиги йўқоларди. Бу ерда ёзувчи бош қахрамонини ўлими орқали буржуа жамиятига қақшатқич зарба беради.

Эмилия жонига қасд қилмади. Бу ишни унинг отаси бажаради, яъни ота ўз қизининг кўксига ханжар уради, бундан қиз мамнун эди ва ўлими олдида шундай гапларни айтади: „Бўрон баргларида жудо қилмай туриб, ҳазон бўлди гул рухсат этинг, отажон, табаррук кўлингиздан ўпай“ Эмилия жон талвасида бўлишига қарамай, отасини бу қилган ишдан миннатдор эди. Чунки у ўзини ўлими билан шаънини, шарм ҳаёсини ва севган ёри Аппианга бўлган чин севгисини ҳам сақлаб қолди. Лекин, афсус, зolim шаҳзода ҳамда унинг маҳрами Маринелли бу икки ёшни ҳаётига зомин бўлишади. Ушбу қотиллик XVIII асрда буржуазиянинг “номусли қотиллик” билан боғлиқ бўлган нозик шараф тушунчасини келтириб чиқарди.

Драмадаги асосий қахрамонлардан бири, шаҳзода Гетторе Гонзага характерини ҳақида ҳам бир қанча мулоҳазаларни айтиш мумкин. У асарда на ёвуз ҳукмдор, на ақлли, иродали шахс сифатида гавдаланади. Лессинг иродасиз шаҳзода сиймоси мисолида князларни танқид қилади. Шаҳзода Эмилия суратини кўрганда ҳаяжондан

ўзини тута олмайди. Бунинг сабаби, Эмилияга ошиқлигидир.

“Мен кўзларимга ишонмаяпман. Контини, нахотки, бу сизнинг асарингиз бўлса?! Ёки бу мен орзу қилган асарми?...Эмилия Галотти!” [7].

Шаҳзода суратга қарши биланок аввал уни кўрганини эслайди ва рассом Контини уни черковда учратганини айтади. Драматург талқинига кўра, шаҳзода Гонзага тўсатдан узок, чекка қишлоқда тарбияланиб воёга етган Эмилияни кўриб қолади. Ҳалол, маънавий пок қиз граф Аппианига никоҳланган бўлсада, унга эришиш йўллари излай бошлайди. Бунинг учун шаҳзода барча хунрезликларга тайёр эканлигини кўрсатади.

Лессинг давр муҳитидан келиб чиққан ҳолда, ҳукмдор қахрамон образини бир нечта кўринишда тасвирлайди. Масалан: “Донишманд Натан” “Natan der Weise, 1779” драмасида султон Салоҳиддинни, шаҳзода Гонзага феъл-атвориға акси ҳолда гавдалантиради. Буни Салоҳиддин билан Натан ўртасидаги биринчи суҳбатда кўриш мумкин.

Салоҳиддин:

Ўйлама, мен халқнинг раъийи-таъбиға

Кибр-нафрат билан боқмаганман ҳеч.

Зеро, у донишманд атаган инсон

Кимлигин билмоққа кўп мақтал эдим

Халойик билмас ҳеч аҳли башарнинг,

Асл манфаати нимада эрур; [8].

Адиб қахрамон Салоҳиддин тимсолида ўзи яшаб тургун давр ҳукмдорларга қаттиқ зарба беради. Аслида давлат бошида турган султон ёки шаҳзода қандай иш олиб боришлиги, халқи учун нима қилиш зарурлигини кўрсатиб беради. Бундан ташқари ҳукмдор ва зодагонларнинг зиёлиларга муносабатини ҳам кўрсатиб ўтади. Сабаби Лессинг яшаб ўтган жамиятдаги илм аҳлиларга бўлган муносабатни кўриб, чуқур қайғуга тушади ва барча алам-ситамларини асарларида кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо ёзувчи жоҳил ҳукмдорларга қарши энг тўғри йўлни танлайди, яъни жаҳолатга қарши маърифатни маъқул жавоб кўради. Асарда султон Салоҳиддинни олийжаноблигидан ҳатто донишманд Натан ҳам ҳайратда қолади. Ва таажуб билан ўйга толади.

Натан:

Ҳм-м-м! Ҳм-м-м!

Вожаб!-Бу не ҳол! Бу нечук эрмак”?

Мендан талаб қилар десам инжу зар,

Ҳақиқатни сўйла деди дафатан,ё

Тиллога топилмас соф ҳақиқатни!

Сийқа ҳақиқатлар унга бир чақа! [8].

Султон Натанни бой савдогарлигини билсада, унинг давлатига кўз олайтирмайди. Натан эса султонни умуман бошқа одам сифатида тасаввур қилган эди. Салоҳиддин уни ҳузурига чорлаши, маблағ билан боғлиқ деб билади. Чунки мамлакатнинг ғазнаси, уруш туфайли анчайин камайиб қолган эди. Шуни алоҳида айтиш керакки, Лессинг маърифатпарварлик маъносида Натан характеридаги икки хусусиятни кўрсатиб беради. Инсонпарварлик ҳамда оқилона фикрлаш билан Натан маърифат даврининг муҳим шартларини бажарди. Мамлакатини молиявий ҳолатидан хабардор савдогар бор бойлигини султонга инъом этади. Бу ҳолатдан Салоҳиддин ҳам ҳайратга тушади ва унга дўстликни таклиф қилади. Лессинг саҳийлик, бағрикенглик билан биргаликда, оддий фуқаро ҳамда султон ўртасидаги илиқ муносабат ва мамлакат учун ҳар бир шахс қайғуриш лозимлигини кўрсатади. “Донишманд Натан”да ақлли, доно ҳукмдор образи кўрсатилган бўлса, “Эмилия Галотти” да буни аксини кўриш мумкин. Ҳукмдорлар қанчалик ёвуз ва жоҳил бўлмасин, уларнинг амрига бўйсунмайдиган мард, довюрлар ҳам топилган. Бундай қахрамон “Эмилия Галотти” даги граф Аппиани тимсоли-

да рўй беради. Драмада кам кўриниш берган граф Аппиани Эмилиани севгилиси, бўлажак ёри. У асарда жуда келишган, бой ҳамда обрўли киши сифатида талкин этилади. Шу билан бирга жасур, мард, чўрткесар, керак бўлса қайсар ҳамдир. Ўжарлигига сабаб шахзода графни ўз хузурига чорлаган вақтида, уни қарорига бўйсинмайдиган ва шундай дейди: “Мен бугун ҳеч қаерга боролмайман... эртага ҳам, индинга ҳам” [7].

Шахзода граф Аппианини хузурига чақирган куни, уни тўйи эди. Шу сабабли шахзода чорловини рад қилади. Мамлакат ҳукмдорининг муҳим топшириғига бўйсунмайди. Натижада чопар Маринелли ва граф ўртасидаги суҳбат салбий кўриниш олади. Суҳбатнинг бундай ривожланишида шахзоданинг хизматкори Маринеллининг роли катта. Унинг ташрифи туфайли воқеалар ривожини умуман бошқа тарафга ўзгартириб кетади. Аввалига граф Аппианига суикасад шахзодада йўқ эди. Буларнинг бошида маддоҳ Маринелли туради. Драманинг бундай фожиали якунланишида Маринелли асосий сабабчилардан бўлади. Чунки графни никоҳ қунини била туриб, шахзодан бу ишга ундаган айнан Маринелли эди. У унаштирилган Эмилиани шахзодага қандай қилиб бўлмасин олиб келишни ўйлайди ва ҳукмдорига қуйидаги маслаҳат солади:

“Шахзодам, сиз никоҳингиз муносабати билан Масса шахрига элчи юборишингиз керак-ку, ахир: ўша элчи граф бўла қолсин, шу шарт биланки, у бугуноқ жўнасин. Гапимни ўқингизми?” [7].

Маринеллининг гапларидан кўринадигани, шахзода тўлиқ унинг измидан юрганини кузатамиз. Бу ерда фитнанинг бошида фақат Маринелли турибди. Унинг мақсади ўлароқ Эмилия шахзоданики бўлиши керак эди. Шахзода ва Маринеллининг ҳийласи иш беради, улар ўйлаган мақсадларига етадилар, режаси бўйича ишлар силлиқина кетади, бироқ воқеалар ривожини аянчли якун топади. Лессинг Маринелли образини мисолида, ҳукмдор ёнида юриб, унинг қарорларига ўз таъсирини кўрсатадиган, нияти ёмон кишиларни гавдалантиради. Бундай одамларнинг давлат бошида туриши оддий халқ бошига

кўп мусибатларни ёғдиради. Бундай ҳолатни адиб ўзи яшаб ўтган жамиятда кўп учратади.

Лессинг драмани фожиали якун топишида ўзига яраша омилларни ҳисобга олган бўлса ажаб эмас. Чунки ёзувчи ҳар бир образини жамиятдаги воқеа, ҳодисалар фонидида тасвирлашга ҳаракат қилади. Бу билан у немис маърифатчилик адабиёти тарихида жанговар, инқилобий ижоди билан муҳим аҳамият касб этади. Томас Манн (1875-1955) Лессинг таваллудининг 200 йил муносабати билан шундай ёзади: “У ҳаётини нур билан яшаб ўтди. Аҳмоқлик, ёлғончилик, дангасалик ва кулликка қарши курашди ва инсоннинг рухий эркинлигини жиддий ҳимоя қилди. Ҳақли равишда уни маърифатпарвар деб аташ мумкин” [9]. Лессинг буржуа манифаати учун, руҳонийлар ва зодагонларнинг таккабурлигига қарши ақл нури билан кураш олиб борди.

Г.Э.Лессинг бутун ижодий фаолиятини соғлом фикрли, инсонпарвар ва сабр-тоқатли шахсни тарбиялашга бағишлади. У ҳар қандай хурофий ақидаларга танқидий ёндашди. Адабиётшунос Д. Қуროнов таъкидлаганидек, “Драмада қаҳрамон тўсиқларини енгиб ўтишга интилади, унинг дилида шуни удалашга ишонч, пайти келиб қарши томоннинг англашига, ўзгаришига умид устувор.” [10] Жамиятда авж олган диний ақидаларга қарши курашда Лессинг ўз қаҳрамонларидан умиди катта бўлиб, ижтимоий ўзгаришларни хоҳлади. Сабаби бу даврда жамият диний ақидалар билан куршаб олинган, мамлакатда дунёвий билимлардан кўра, диний билимлар асосий ўринга ўтди ва дунёвий билимлар эътибордан четда қолди.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Шундай қилиб Лессинг немис маърифатпарварлик адабиётида “Эмилия Галотти” драмаси орқали XVIII аср немис жамиятидаги ахлоқсизлик ва тарбиясизликни жирканч томонларини кўрсатиб берган бўлса, “Донишманд Натан” орқали диний бағрикенглик билан биргаликда инсонпарварлик ва оқилона фикрлашни тарғиб қилди. Драмалардаги қаҳрамонлар давр нуқтайин назаридан қаралганда, Лессинг идеалидаги ҳақиқий буржуа кишиси, характеристикаси тасвирлаб берилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаева Р. Мени алқамаган киши қолмади. Жаҳон адабиёти. 2018.1-сон
2. Peter Faulstich. Aufklärung, Wissenschaft und lebensentfaltende Bildung. Hamburg. Verlag, Bielefeld. 2011. S-42
3. Турсунбоев С. Жаҳон театр тарихи. Тошкент. Фан ва технология. 2008. Б-104
4. Russell Bertrand: Denker des Abendlandes. Eine Geschichte der Philosophie, München. 2001, S-319
5. Martin Esslin, Was ist ein Drama? Eine Einführung, München. 1976, S-82.
6. Холбеков М. Толерантлик-бағрикенглик дегани. Жаҳон адабиёти. 2008. Б-7
7. Лессинг Г.Э. Эмилия Галотти. Тошкент. Янги нашр. 2011. Б-33,12,19,21
8. Лессинг Г.Э. Донишманд Натан. Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси. 2005. Б-29,31
9. Peter Faulstich. Aufklärung, Wissenschaft und lebensentfaltende Bildung. Hamburg. Verlag, Bielefeld. 2011. S-97
10. Қуროнов Д. Адабиёт назарияси асослари. Тошкент. Академнашр. 2018. Б-414.



UDK: 821.512.133

Махсума ДЕҲҚОНОВА,
Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси
E-mail: dehqonovataxsuma@gmail.com

ФДУ профессори, ф.ф.д. А.Сабирдинов тақризи асосида

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИГА БИР НАЗАР

Аннотация

Ўзбек адабий танқидчилиги тараққиётининг ўз шаклланиш тарихи, тенденциялари, муаммолари мавжуд. Ҳар бир давр адабиётининг салмоғини кўрсатиб берадиган ойнаси бу-адабий танқидчиликдир. Ўзбек адабиётида адабий танқидчилик ҳам турли даврларда ўзини намойиш этди. Адабиётшуносликда насрий, назмий, драматик асарлар кенг, чуқур ва атрофлича ўрганилиб, танқидчиликнинг адабиётимиз ривожига муҳим ўрни асослаб берган. Мақолада ўзбек адабий танқидчилигининг тараққиёти ва шаклланиши бўйича талқинлар ёритилган.

Калит сўзлар: Адабий танқидчилик, илми нақд, тараққиёт тарихи, тараққиёт тенденциялари, таҳлил, талқин, танқидий фаолият, даврлаштириш.

ВЗГЛЯД НА РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРНОЙ КРИТИКИ

Аннотация

Развитие узбекского литературоведения имеет свою историю, тенденции и проблемы. Окно, которое показывает вес литературы каждого периода, - это литературная критика. Литературная критика в узбекской литературе также проявлялась в разное время. В литературе широко, глубоко и всесторонне изучены проза, поэзия и драматургия, что обосновывает важную роль критики в развитии нашей литературы. В статье рассказывается о развитии и становлении узбекского литературоведения.

Ключевые слова: Литературоведение, касса науки, история развития, тенденции развития, анализ, интерпретация, критическая деятельность, периодизация.

A LOOK AT THE DEVELOPMENT OF UZBEK LITERARY CRITICISM

Annotation

The development of Uzbek literary criticism has its own history, trends and problems. The window that shows the weight of the literature of each period is literary criticism. Literary criticism in Uzbek literature has also manifested itself at different times. In literature, prose, poetry, and drama have been studied extensively, deeply, and comprehensively, justifying the important role of criticism in the development of our literature. The article describes the development and formation of Uzbek literary criticism.

Keywords: Literary criticism, science cash, history of development, development trends, analysis, interpretation, critical activity, periodization.

Кириш. Шарқ адабиётшунослигида “илми нақд” бадий асарни баҳолайдиган соҳа тарзида ривожланган. Юнончада “критик” сўзи билан ифодаланган танқид кенг маънода “мулоҳаза билдирмоқ”, “фикр юритмоқ” маъноларида қўлланиб келинган. Мунаққидлар матн билан ишлашда сўз замиридаги маъно қатламини англаш, шарҳлаш орқали бадий асарнинг қимматини белгилашган. Яратилган бадий асарга баҳо берилар экан, мунаққид берадиган хулосалар танқидчиликда шаклланган маълум мезонларга асосланади. Қадимда муайян асарнинг ютуқ ва нуқсонларини кўрсатишда мунаққиднинг юксак диди, дунёқараши муҳим аҳамиятга молик бўлган. “Ал-мўъжам”, “Бадойиъ ус-саноеъ” каби асарлар Шарқ танқид илми тарихини ёритишда муҳим роль ўйнаган. Аристотелдан тортиб Гегелгача адабий танқид доимий ҳаракатдаги эстетика тарзида тақдим этилиб, бадий асар яхлит тузилма тарзида ўрганилган. Шарқда шарҳ, тафсирнинг қадри баланд бўлиб, зехни кучли алломалар бундай шарафли, масъулиятли вазифани ақл, фаросат ва эҳтирос омухталигида уддалаганлар. Ҳар бир сўз, белги, имошорани илғаш, аниқ ҳамда тўғри шарҳлаш, асослаш катта илмий салоҳиятни талаб этган. Масалан, Муқаддас китобга тафсир битиш тилни пухта билиш, сўзнинг маъно хусусиятини англаш, қувваи ҳофизага эғаликни тақозо этган бўлса, бошқа диний ва дунёвий асарларга шунга ёндош йўллар билан муносабат билдирилган. Ибн Синонинг Форобий томонидан Арастунинг “Метафизика”сига битилган шарҳларига муносабати буни яққол

тасдиқлайди. Фарб танқидшунослиги эса, асосан, матн талқинига эътибор қаратган.

Асосий қисм. Адабиётшуносликда танқид тарихига тааллуқли талай асарлар яратилганига қарамай, бу соҳада умумий методика ҳали майдонга келганича йўқ. Ҳозирча илмда ҳамма учун манзур тушган бирдан-бир қоида – танқид тарихини адабиёт тарихининг асосий босқичлари билан алоқадорликда ўрганишдир. Бу йўналишнинг илмий ҳамда амалий жиҳати шундаки, у адабий-тарихий жараёнда адабиёт ва санъат асарларининг адабий танқид билан параллел ва узлуксиз ривожланишнинг назарда тутилишидир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, адабий танқиднинг асосий вазифаси муайян бир (ёки бир неча) қаламқаш ижодини, адабиётимизда алоҳида воқеа сифатидаги бадий асарларни таҳлил этиш, шу асосда, адабиёт ривожига туртки бўладиган муаммоларни кўтариб чиқиш, текшириш, эстетик моҳиятини очиш ва баҳолаш, шунингдек, умумлаштиришдан иборат. Адабий танқидчилик ҳақида сўз кетганда, профессор Б.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: “Бадий матн борми, демак, унинг яратувчиси, қабул қилувчиси, ўзлаштиришга ёрдам берувчи, йўл кўрсатувчиси бўлган. Шарқда, Фарбда, ҳозирми, қадимда, бадий матн, уни яратиш, қабул қилиш, талқин, таҳлил қилиш, баҳолаш муаммоси, тарихи бўлган” [1]. Бадий асар борки, у ўқилади, таҳлил этилади, талқин қилинади. Шу маънода, ўзбек адабий танқидчилиги тизимли равишда тараққий этиб келмоқда.

Манбаларда ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари турлича даврлаштирилади. Хусусан, “Ўзбек совет адабий танқиди тарихи”(1987) китобида куйидагича даврлаштирилган: 1.Ўзбек совет адабий танқидининг вужудга келиши ва илк қадамлари (1917-1932); 2.Ўзбек совет адабий танқиди социалистик реализм эстетикаси билан куролланиш йўлида (1932-1941); 3.Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабий танқиди (1941-1945); 4.Улуғ Ватан урушидан кейинги давр ўзбек адабий танқидчилиги (1945-1956); 5.Адабий танқид тарихида янги босқичнинг бошланиши (1956-1961); 6.Адабий танқиднинг тез ва кенг ривожланиш йўлига кириши (1962-1972); 7.Ўзбек адабий танқиди янги босқичда (1972-1980).

Юқоридаги даврлаштиришдан кўриш мумкинки, босқичларга бўлишда адабий танқидий жараённинг ўсиши эмас, балки жамиятдаги сиёсий ўзгаришларга таянган. Ўзбек адабий танқидчилиги тараққиёт босқичларини даврлаштириш бўйича кўплаб адабиётшуносларимизнинг қарашлари турлича бўлган. Бу борада, А.Расулов ва Н.Худойбергановлар [2] даврлаштиришида тарихи ва фан сифатида шаклланишига эътибор қаратган бўлса, В.Раҳмонов[3] “жадидчилик”, “шўро” ва ундан “кейинги давр”га ажратган. С.Содиқ[4] ҳам танқидчилик тараққиётини тўрт босқичга бўлишни тавсия қилган. Б.Назаров, А.Расуловлар ҳам танқидчиликни тўрт босқичда даврлаштирган ва даврлаштириш сабабларини изоҳлаб кетган [5].

Ўзбек адабий танқидчилиги дастлаб матбуотда ўзини намояндалар этган. Ҳар бир давр адабиётшунослиги ўз ўзидан газета ва журналларда бўй кўрсатади. Ўзбек адабий танқидчилигининг дастлабки намуналари ҳам, асосан, матбуотда кўрина бошлаган. Айниқса, жадидлар бу соҳада шижоат кўрсатган. Жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади бўлган, халқ онгини ўстириш ғояси ҳам, асосан, матбуот орқали амалга оширилган. Бу даврда А.Фитрат, А.Қодирий, А.Саъдий, Элбек адабиётшунослик ҳақидаги фикрларини ёритиб борган. Албатта, биринчи танқидий мақолаларни чуқур илмий-назарий тадқиқот деб бўлмаса ҳам, бу соҳанинг биринчи қадамлари ва тарихий тараққиёт даврини ушбу тадқиқотлар белгилаб туради.

Шўролар даврига келиб адабий танқид анча олға силжиди. Аммо бу давр тадқиқотларида асарни партиявийлик, синфийлик томондан текшириш, бадиий асарга жамиятнинг акси сифатида қараш муҳим омил бўлиб

қолган. Социалистик реализм айна шу даврнинг меваси эди. Асарнинг баҳоси шу унсурлар билан белгилаган. Умуман олганда, адабий танқидчилик бир қолига солинган. Шўро даврида илмий тадқиқотларнинг ҳажми ортган бўлса-да, баъзан Шўро даври ижтимоий-сиёсий талабларидан чиқа олмаслик ҳолатлари ҳам сезилади. Лекин шунга қарамасдан, бу даврда адабиётшунослик катта ютуқларни қўлга киритди. Ёзувчи ва шоирлар асарлари, ижоди, шахсияти кенг, чуқур ва атрофлича ўрганилиб, ижодкорларнинг адабиётимиз ривожидagi муҳим ўрни асослаб берилди. Бу ўринда юқоридаги адабиётшунос олимларнинг хизматлари катта бўлганини унутмаслик керак.

Мустақиллик йиллари мамлакатимиз ҳаётида кенг қўламли ишларни амалга ошириш учун имкониятлар яратилди. Айниқса, адабиёт соҳасида сўз эркинлиги ва сўз мустақиллигига эришилганлиги адабиёт намояндаларининг ҳам, унинг тафтишчиларининг ҳам орзуларини рўёбга чиқарди. Бадиий ижодда ҳам, унинг тадқиқида ҳам янгиланишлар, ўзгаришлар кўзга ташланди. Маълумки, жамиятда бўлаётган ўзгаришлар, биринчи навбатда, адабиётда кўзга ташланади. Адабиётшунослик ҳам мустақилликдан кейин янги тус олди. Адабий танқидчилик инсон руҳияти, унинг маънавий оламига кириб борди. Адабий танқидчилик соҳаси билан шуғулланган қалами ўткир ижодкорлар ҳам мустақил тузум даврида айта олмаган фикрларини, тафаккур маҳсулини айта олиши учун имкониятлар яратилди. Шўро даврида яратилган асарларга қайтадан баҳо берилди. “Истиқлол туфайли маънавий кадрларга, маданиятга, жумладан, сўз санъатига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Янги давр нафақат адабиётимиз тарихига, балки замонавий адабий-бадиий жараёнга ҳам янги ғоявий-эстетик мезон билан ёндашишни тақозо қилди”[5] Мустақиллик йиллари асарлар қайтадан туғилди. Ёзувчи ва шоирлар ижодидаги рамзийлик, образлар хилма-хиллиги, ботиний моҳият, кўнгил кечинмалари қайтадан кашф этилди.

Хулоса. Адабий танқидчилик адабиётнинг бир бўлагидир. Иккиси бир-бирини тўлдириб боради. Бадиий асарларнинг узоқ яшаб қолиши учун хизмат қиладиган, асар савиясини юқори эканини кўрсатадиган ойна - адабий танқидчиликдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Назаров Б, Расулов А, Аҳмедова Ш, Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – 395 б.
2. Худойберганов Н, Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. –Т.: 1990. – 58 б
3. Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. –Т.: Yangi asr avlodi. 2004
4. Содиқ С. Танқидчилигимизнинг машаққатли йўли. / Мустақиллик даври адабиёти. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. –Т.: 2006.
5. Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. – Тошкент: Yangi nashr, 2010. – Б. 5



УДК:159.9(575.1)

Aziza ZOIROVA,
Researcher at Karshi State University
E-mail:zoirova@mail.ru

Based on a review by Prof. J.A. Yakubov of USUWL,

THE STYLISTIC SIMILARITY OF THE WRITER AND THE TRANSLATOR IN THE TRANSLATION OF THE NOVEL “CORNINA OR ITALY”

Аннотация

Феминистик руҳдаги асарлар ўзига хос таржима услубини талаб этади. Таржимоннинг онтологик билимлари аёлларга нисбатан ташбеҳ ва ўхшашликларга бой бўлган шарҳларнинг фалсафий мазмунини очиқ бериш учун муҳимдир қасбга эгадир. Онтология мавжудлик фалсафасини акс эттиради ва феминистик асарларни таржима қилиш жараёнида аёлнинг атрофдаги муҳитга бўлган муносабатини чет тилида етарли даражада етказиб беришини талаб этади.

Калит сўзлар: Стилистика, Коринна ёки Италия, киноя, ўхшашлик, таржима, ёзувчи услуби.

СТИЛИСТИЧЕСКОЕ СХОДСТВО ПИСАТЕЛЯ И ПЕРЕВОДЧИКА В ПЕРЕВОДЕ РОМАНА «КОРНИНА ИЛИ ИТАЛИЯ»

Аннотация

Произведения в феминистском духе требуют особого стиля перевода. Онтологическое знание переводчика важно для раскрытия философского содержания комментариев, богатых аллюзиями и аналогиями, касающимися женщин. Онтология отражает философию существования и в процессе перевода феминистских произведений требует адекватной передачи отношения женщины к окружающей действительности на иностранном языке.

Ключевые слова: Стилистика, Коринна или Италия, аллюзия, аналогия, перевод, стиль писателя.

THE STYLISTIC SIMILARITY OF THE WRITER AND THE TRANSLATOR IN THE TRANSLATION OF THE NOVEL “CORNINA OR ITALY”

Abstract

Works in the feminist spirit require a unique style of translation. The ontological knowledge of the interpreter is important in revealing the philosophical content of the comments, which are rich in allusions and analogies concerning women. The ontology reflects the philosophy of existence and in the process of translating feminist works requires an adequate delivery of the woman's attitude to the surrounding reality in a foreign language.

Key words: stylistics, Cornina or Italy, allusion, analogy, translation, writer's style.

Introduction. At a time when the exchange of information is accelerating, ideas of social significance can also penetrate the whole world through various means. Delivering the most accurate interpretation of an idea requires reference to the works of art that are its root. In this respect, the works of Germain de Stal are of particular importance as primary sources.

The reason why the novel is called by two names is, firstly, that the protagonist of the work is Corinna, and secondly, that the course of events took place mainly in Italy. The work reflects the role of nineteenth-century European women in society, cases of emancipation, and the heartaches of women. It also depicts the image of the Italian state, historical monuments, natural landscapes skillfully depicted by the writer.

Literature review. It is known from historical facts that most female writers published their works under male pseudonyms. Aurora Dupont - George Sand, Maria Markovich - Marko Vovchok, Nadezhda Khvoshchinskaya - V. Krestovskiy, Lydia Veselitskaya - V. Mikulich, Madina Khakusheva - Askhad Guazov are among them. This is because the works written by them have not been published, their talents and skills have not been recognized. However, some critics, particularly the English writer and scholar J.M. Ludlo, have noted [1] that women also wrote great novels. French writers Georges Sand and Germain de Stal are among such talented artists.

In 1807, the publication of Germain de Stal's novel Corinna or Italy aroused the interest of European readers.

Research Methodology. Comparative literature, contrastive and descriptive translation and interpretation analysis of linguistic terms and stylistically analysis of literary translation during the research for the article.

Although Corinna, the protagonist of the play, did not commit immorality, her actions are condemned by society. Corinna embodies the image of a woman who is interested in intellectual conversations, debates, and has a strong passion for art in her heart. He fights for his love, but his love ends in defeat. Germain de Stal's novel Corinna or Italy is precisely the basis for our research in a gynocritical approach. Because George Sand's novel Indiana was written by a female author under a male pseudonym, and the play is dominated by female destiny. However, since a male translator, comparative analysis of the study shows that, translated the work from French into Uzbek the style of a male translator is noticeable in the passages that reveal the inner and outer image of a woman. The difference between these works is that Indiana is as simple, heavy, calm, knowledgeable as ordinary women, undecided in her decisions, while Corinna is a strong, educated, intelligent and beautiful image. However, destinies are similar, the problems are the same, because no matter what situation a woman is in society, the tasks and responsibilities they face are equal. A comparative analysis of both works reveals some ambiguities in the description of the idea of feminism by literary and political critics, but the essence of this idea is reflected in the fact that in its time there was a sharp division of women and certain social barriers to their development.

Analysis and results. The fact that the writer and translator are women in the creation of the portrait of a woman in the play further enhances the artistic and aesthetic value of the work. The two creators, i.e., the writer and translator soul, as well as the spiritual closeness, are evident in the proportionality of the original and the translation. It should be noted that the ideological essence of the passages presented in the translation analysis is in the center of our attention. The main purpose of the analysis is to determine whether the translator in the units of speech, i.e., dialogues and figurative expressions, adequately conveys the idea of feminism and to coordinate the experiences. We refer to the analyzes.

In the play, the artistic portrait of Corinna is beautifully depicted through linguistic means. Her unparalleled beauty, being both a writer and a poet, an improviser, in short, being considered the most beautiful woman in Rome, arouses the reader's interest in this image. These sentences are in the source language: "il demanda quelle en était la cause; on lui répondit qu'on devait couronner le matin même, au Capitole, la femme la plus célèbre de l'Italie, Corinne, poète, écrivain, improvisatrice, et l'une des plus belles personnes de Rome"[2].

In Translation: "... в чём причина торжества, ему отвечали, что нынешним утром Капитолии будут венчать лаврами Коринну, самую знаменитую женщину Италии, - поэтессу, писательницу, импровизаторшу и одну из первых в Риме красавиц"[3].

In the example above, it can be seen that the image of the woman has been brought to the level of almost deification. The originality of these sentences has a positive connotation, which is also preserved in the translation.

The next example is a logical continuation of the pictorial expression of the image of the woman above, which is revealed more fully and vividly in this text. Corinna's high esteem for the crowd, her voice being the sweetest voice in Italy, her beautiful dance like a nymph in the form of a girl in ancient Greek myths, and her rhythmic performance of tragic works are expressed through stylistic painting. It is safe to say that this led to the translation being read as if it were the original. The same episode below, in source language: "Oswald se promenait dans les rues de Rome en attendant l'arrivée de Corinne. À chaque instant on la nommait, on racontait un trait nouveau d'elle, qui annonçait la réunion de tous les talents qui captivent l'imagination. L'un disait que sa voix était la plus touchante d'Italie, l'autre que personne ne jouait la tragédie comme elle, l'autre qu'elle dansait comme une nymphe, et qu'elle dessinait avec autant de grâce que d'invention ; tous disaient qu'on n'avait jamais écrit ni improvisé d'aussi beaux vers, et que, dans la conversation habituelle, elle avait tour à tour une grâce et une éloquence qui charmaient tous les esprits" [4].

In Translation: «Освальд бродил по улицам в ожидании появления Коринны. Поминутно слышалось ее имя: каждый старался прибавить нечто новое к рассказам о том, что в ней соединились все таланты, способные пленят, воображение. Один говорил, что во всей стране не найти такого проникновенного голоса; дорогой уверял, что никто лучше ее не играет в трагедии; третий утверждал, что она танцует как нимфа, а рисунки ее необычайно изящны и полны затейливой выдумки; все вместе сходились, однако, на том что, никто до нее не написал и не импровизировал таких дивных стихов и что, в самой простой беседе она покоряет умы то непринужденностью своего разговора, то племенным красноречием»

In every word, in every sentence, in every conversation, the writer reveals the image of Corinna even more vividly with great skill and art. The great female figure, who has been dropped from many history books due to gender inequality issues, is revived in this play. Just as Corinna was

able to lead a team through her theatrical roles, it was pointed out by the author that in real life and in society, a woman can take her place and follow people.

Jermen de Stal describes the love, respect, and martyrdom of the people for the hero as follows:

In Source Language: "tout le monde criait : Vive Corinne ! vive le génie ! vive la beauté !"[6].

In Translation: "Да здравствует Коринна! Да здравствует гений! Да здравствует красота!"

In the play, no one knows who Corinna is, what her ancestry is, what family she belongs to, but her behavior, demeanor, self-confidence, and dress like a nobleman make her think that she belongs to the upper class.

In the next text, too, the appearance of the protagonist is artistically described with great skill, and this figurative expression is translated by the translator as in the original.

In Source language: "Elle était vêtue *comme la Sybille du Dominiquin*, un schall *des Indes tourné* autour de sa tête, et ses cheveux du plus *beau noir* entremêlés avec ce schall ; sa robe était *blanche* ; une draperie bleue se rattachait au-dessous de son sein,..; sa taille grande, mais un peu forte, à la manière des statues grecques,.. elle donnait à la fois l'idée d'une prêtresse *d'Apollon*, qui s'avançait vers le temple du *Soleil*, et d'une femme parfaitement simple dans les rapports *habituels de la vie* ; enfin tous ses mouvemens avaient un charme qui excitait l'intérêt et la curiosité, l'étonnement et l'affection."

In Translation : Индийская шаль, повязанная тюрбаном, из-под которого выбивались прекрасные черные волосы, белое платье, голубая накидка,.. Руки Коринны были ослепительной красоты; ее высокая статная фигура придавала её сходства с греческой статуей... Коринна напоминала жрицу бога Аполлона..."

Adiba draws on ancient Greco-Roman myths and the expression of colors in the creation of portraits of women, as well as uses metaphors associated with the names of historical figures. While the qualities of the protagonist described in the example above, and even the comparison of her to the sun, call for the glorification of the female figure, the use of words specific to long-term history indicates the writer's level of knowledge. Corinna's black hair, dazzling white hands, her beautiful figure standing like a Greek statue, and the fact that her deep thoughts are compared to Apollo's (d'une prêtresse d'Apollon in Russian, jritsu boga Appolona) also testify to the writer's worldview and extralinguistic knowledge. Realizing this, the translator managed to fully preserve the original analogies in Russian as well. It should be noted that the spiritual and emotional closeness of the writer and translator is completely re-created in the translation, and the original emotional-expressive color is preserved in the language of translation..

In Source Language : "Il vanta l'entretien de Corinne : on sentait qu'il en avait *goûté les délices*. « *L'imagination et la simplicité, la justesse et l'exaltation, la force et la douceur se réunissent*, disait-il, dans une même personne, pour varier à chaque instant tous les plaisirs de l'esprit on peut lui appliquer ce charmant vers de Pétrarque." [7]

In Translation: "Поэзия Коринны, прибавил он, это музыка ума, единственно способная передать прелесть тончайших, неуловимых впечатлений... *Блеск воображения и простота, точность суждения и душевная пылкость, сила и мягкость*, сказал он, объединены в одном лице и непрестанно дарят нам все новые духовные наслаждения; к Коринне можно применить чудесный стих Петрарки." [8]

In this regard, as Nozima Khalikova points out, it is worth noting that the appearance, character, inner world, psyche of the protagonist depends on the artistic details, the importance of preserving the means of expression in the re-creation of the creative style, the integrity of the author's and

translator's voice. Although the author of the work is unusually feminine, he has made sufficient use of artistic means. In the example given, one can see a high level of metaphor and antithesis. Authoress uses the metaphorical phrase "goûté les délices" to describe the poems written by Corinna. Using the method of interpretation, the translator translates the main essence of the phrase as "this music uma, edinstvenno sposobnaya peredat prelest tonchayshix, neulovimyx vpechatleniy", that is, "light as a musical melody and does not give a grip." Also, the style of analogy with the name of the great poet Petrarch shows that the writer's female talent can be sufficiently accepted by society. In fact, in the West, especially in France, women's abilities were not so highly valued in the 18th century. The essence of the work is that, although the events are similar to ordinary novels, there is a great uprising at its core. Jermen de Stal has highlighted through some episodes that strong women can attract a wider audience. Corinna's recognition as a strong and independent woman is displeasing to her father and Mr. Oswald. She is expressed through a variety of artistic, pictorial means that Corinna is not just a light-hearted theater actress, but a strong woman who, through her potential, has gained attention in utterly foreign lands. Although the translator took a creative approach to these images, he retained the positive character in them. Jane Elisabeth Wilhelm, a scholar who has studied the translation of J. de Stal's works, points out that this work caused significant changes in society: "On dira à l'époque qu'il faut compter trois puissances en Europe: l'Angleterre, la Russie and Mme de Staël. Exilée à Coppet par Bonaparte qui la considère comme dangereuse, elle deviendra la proie de l'opposition à la dictatorial impériale et l'égérie du libéralisme politique". In the given sentence J. de Stal is recognized as one of the most powerful states in Europe and is recognized as Napoleon Bonaparte as the great liberal variable

of this period. However, it is clear that the author's works were first and foremost welcomed by the common people, and the government and the elite did not support such freedom. The translator must also rely on his intuition, feel the writer and the work in his heart and experience it in his own body.

The success of the work was due to the translation of Jermen de Stal's novel Corinna and Italy by translator Marina Chernevich. In particular, the translator has restored the original artistic means of expression, such as analogy, metaphor, adjective, antithesis, and phraseological expression, in the language of translation. In her works, Authoress portrays the image of a woman with great skill. The image of a woman, her views, her inner feelings are combined in the image of an "ideal woman". Finding the key to style in translation depends on the correct definition of the relationship between the style of writing, the idea of the work and the author's worldview, the ability to accurately reflect the characteristics of rhythm, tone, syntactic style and series of images. Unless an optimal style key is found in the translation of the work, the translation cannot be in a state of equivalence to the original.

Conclusion/Recommendation. The closeness of the literary style of the writer and the translator was clearly demonstrated in the example of creative approaches. While Authoress demonstrated his literary potential by using metaphors, antitheses, strophic anaphora, and mythical names in his imagery, the translator was able to use his creative and extra linguistic knowledge effectively in translating these imagery into Russian. Although the translation of the word has changed, the essence and purpose have been revealed.

It should be noted that the plot of the works written by writers, the artistic idea, the style of creating a portrait of a woman have once again proved that in world literature, women writers are also able to create great novels.

REFERENCES

1. Ludlow J.M. Victorian feminist. Oxford. 1992.
2. Madame de Stoël Holstein. Corinne ou Italie. –Paris 1807
3. Wilhelm, J. E. (2004). La traduction, principe de perfectibilité, chez Mme de Staël. *Meta*, 49(3), 692–705. <https://doi.org/10.7202/009387ar>
4. Файзуллаева У. Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвирланиши. Филол.фан.док.дисс (PhD).. автореф. –Самарқанд, 2020.
5. Жермен де Сталь. Коринна, или Италия. Эксмо, 1807.
6. Мухамедова Н.Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва унинг ижтимоий сиёсий талқини. Филол.фан.номз (PhD)... дисс. Тошкент, 2019.
7. Норузи Махназ. Женские образы в современной русской и персидской прозе. Автореф.дисс. канд.филол.наук. Москва 2011.
8. Холикова Н. Таржимада иждокор услубини қайта яратиш маҳорати. (Ж.Ҳ.Чейз асарлари таржимаси мисолида). Фалсафа.фан.док (PhD).дисс... автореф. –Бухоро 2020.
9. Ширинова Р.Х. Бадий таржимада олам миллий манзарасининг қайта яратилиши. Фан доктори (DSc) дисс...автореф. –Тошкент, 2017.



УДК: 070:654.17/19(575.1

Шавкат ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти, ф.ф.н.
E-mail: ibragimov_shavkat@inbox.ru

ЖИДУ профессори, филол. фан. док. Ф.И.Муминова тақризи асосида.

ТЕЛЕВИДЕНИЕДА ШАРҲ ВА ШАРҲЛОВЧИ

Аннотация

Ушбу мақолада шарҳ жанрининг ўзига хос хусусиятлар ва телевидение талқинида фактларни таҳлил қилиш, таққослаш, фикрни далиллаш, умумлаштириш ва хулоса яшаш каби турли усуллардан кенг фойдаланиш маҳорати таҳлил қилинади. Кўрсатувларда журналист танлаган мавзу ва муаммоларни шарҳлашда қай даражада ёритилаётганини таҳлил этган ҳолда мавжуд ютуқ ва нуқсонларни аниқлаш, таҳлил натижаларини илмий-назарий жиҳатдан умумлаштиришни мақсад қилганмиз.

Калит сўзлар. Шарҳ, шарҳловчи, таҳлилий жанр, обзор, комментарий, таҳлил, муаммо, кўрсатув, телеканал, журналист.

ОБОЗРЕНИЕ И ОБОЗРЕВАТЕЛ НА ТЕЛЕВИДЕНИИ

Аннотация

В этой статье анализируется специфика жанра обозрение и умение использовать широкий спектр методов при интерпретации телевидения, таких как анализ фактов, сравнение, мнение, обобщение и составление выводов. В свидетельствах мы стремились выявить текущие достижения и недостатки, научно обобщить результаты анализа, проанализировав степень охвата проблем в интерпретации выбранной темы и проблем журналиста.

Ключевые слова. Обозрение, обозреватель, аналитический жанр, обзор, комментарий, анализ, проблема, передача, телеканал, журналист.

REVIEW AND COLUMNIST ON TELEVISION

Annotation

This article analyzes the specifics of the review genre and the ability to use a wide range of methods in interpreting television, such as fact analysis, comparison, opinion, generalization and drawing conclusions. In the testimonies, we sought to identify current achievements and shortcomings, scientifically summarize the results of the analysis, analyzing the extent of coverage of problems in the interpretation of the chosen topic and the journalist's problem

Keywords. Review, columnist, analytical genre, review, comment, analysis, problem, transmission, TV channel, journalist.

Кириш. Тележурналистика амалиёти унинг назариясига нисбатан бирламчи эканлигини бу соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар яхши билишади. Ҳар бир жанр ижодий изланишда бўлган тележурналистлар томонидан яратилмоқда. Ҳозирги даврда телепублицистика жанрлари ҳақида бир нечта адабиётлар ёзилмоқда ва илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шундай бўлса ҳам публицистика жанрлари тележурналистлар ижодида ўзига хос усулларда намоён бўлмоқда. Унинг янги қирраларини ўрганиш эса биз мутахассисларга янги вазифалар юклайди. Тележурналистикада ҳар қандай ижодий фаолият воситалари, усуллар ва тасвирлаш мезонлари жиҳатидан кўп қирралидир. Айнан, бир ҳаётий воқеа, факт уларнинг моҳиятига ҳар хил даражада ёндошилиб акс эттирилиши ва кўрсатилиши мумкин. Кўпқирралик жанрлар тизимида мавзулар ўзлигини топиб “предметлаштирилади”. Барча жанрлар бўйича ижодий етукликка эришиш турли журналистик маҳорат масалаларни ҳал этиш гаровидир. Публицистик жанрлар тизимида ҳақиқий дунёни объектив акс эттириш билан бирга, журналистика олдида турган сиёсий, маънавий ва идрок этиш масалалари хилма-хил намоён бўлиб боради.

Жанрнинг назарий асосларини аниқлаш учун унинг белгиларини журналистик назарияга “жанр” тушунчасини берган санъатшунослик ва адабиётшуносликдан кидириш керак. Жанр деганда мазмун ва шакл бирлигини ўзида ифодалаган, воқеа-ҳодисани ёки инсон фаолиятини белгиланган саволлар асосида очиб берадиган, барқарор публицистик методларга эга, ҳаққонийликни акс эттирувчи ижодий тур тушинилади.

Асосий қисм. Телевидениеда кўрсатув нечоғлик мураккаб бўлмасин бари бир унинг дастурий асосини барқарор жанр қолиплари ташкил этади. *Информацион* публицистика жанрларига хабар, интервью, телевизион чиқишлар ва фикр билдириш (“сюжет”), брифинг, хисобот, репортажларни; *таҳлилий* публицистикага корреспонденция, мақола, баҳс-мунозара, ток-шоу, суҳбат, комментарий (тафсилот, изоҳ), шарҳ, талқин (обзор), матбуот-анжумани, журналистик текширув, тақриз, хат; *бадиий* публицистика жанрларига – очерк, лавҳа, эссе, фельетон, памфлетларни киритиш мумкин. Ҳар бир жанр бўйича ўқув қўлланма ва дарсликларда алоҳида тавсиф ва таъриф берилган боис биз телепублицистиканинг таҳлилий жанрига кирувчи шарҳ жанрининг Ўзбекистон телевидениесида тутган ўрни ҳақида фикр юритамиз.

Сўнги йилларда республикада телевидениесида ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаришлар рўй берди. Агар телеканалларни яхшилаб кузатадиган бўлсак, унда ранг-баранг жанрлардан фойдаланган кўрсатувларни кўрамыз. Телетомошабинлар қизиқиши ва эҳтиёжи ҳам замонга қараб ўзгариб боради. Бугунги кунда узундан-узук, монолог тарзидаги кўрсатувлар ўрнини тезкор, қисқа, аниқ ва сермазмун кўринишдаги кўрсатувлар эгалламоқда. Бундай ахборотлар жамиятимизнинг муҳим воқеаларини ўзида ифодалагани боис унинг сабаб ва оқибати ҳақидаги саволларга тўлиқ жавоб берилмаган ахборотларни кенгрок талқин қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Телевизион аудиторияга бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг моҳиятини тушунтириш вазифасини таҳлилий жанрлардан бири шарҳ жанри бажаради.

“Шарх” арабча сўздан олинган бўлиб, “изоҳлаш”, “тушунтириш” маъноларини билдиради [1]. Фикримишни аниқроқ ифодаласак, бу азалдан қадимий китобларга изоҳ бериш, уни оддий халққа тушунарлироқ қилиб шархлаш асосида келиб чиққан. Оддий китобхон учун бундай шархлар жуда қўл келган. Оммавий ахборот воситалари тизимида эса шарх ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий воқеа-ҳодисаларнинг, ҳужжат ва бошқа матнларнинг моҳияти ва аҳамиятини оммага тезкорлик билан тушунтириб, баён қилиб бериш вазифасини бажаради. Унинг асосий мақсади фактларни тўғри ва моҳирона танланган, таққосланган ҳолда томошабинлар онгида аниқ етказиш, билимини шакллантиришдир. Шарҳда фактларни таҳлил қилиш, таққослаш, фикрни далиллаш, умумлаштириш ва хулоса яшаш каби турли усуллардан кенг фойдаланилади. Матбуотда сўзга, радиода овозга ва маънога ҳам эътибор берилса, телевидениеда бундай имкониятлар устига тасвир ҳам қўшилади. Тасвир ва сўз мутаносиблиги эса жуда муҳим.

Шарх, биринчи навбатда, ижтимоий ҳаётда юз берган ёки бераётган воқеаларни кузатиш ва иккинчидан, ушбу воқеаларнинг моҳиятини таҳлил қилиш, кейинчалик олинган натижаларни умумлашдир. Одатда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва бошқа мавзулар шархнинг предмети бўлади. “Шархнинг мақсадлари орасида энг муҳимларидан бири: тингловчини ҳаётнинг турли соҳаларидаги тўлиқ расмга жалб қилиш. Ушбу ҳодисаларга бўлган муносабатига таъсир қилиш, сиёсий эътиқодлар, қарашлар, ижтимоий интилишлар, маданий қадриятлар, эстетик ғояларни шакллантиришга ёрдам бериш.

Бунинг учун шархловчи маълум бир соҳада мутахассис бўлиши билан бирга маълум бир қарашларга эга бўлиши керак. Тингловчига нафақат материалнинг мазмуни, эътиқодлари, эҳтирослари, у кўрсатган далилларга бўлган муносабати, балки жонли тарзда ҳам таъсир қилиш қобилияти, бу турли хил материалларни асосли, қизиқарли етказиши керак” [2].

Ушбу жанрдаги материалларда журналистнинг позицияси аниқ намоён бўлади. Шархнинг муҳим белгиси унинг даврийлиги. Шунга қўра, шарх ўз аҳамиятидан келиб чиқиб қундалик, ҳафталик, ойлик, йиллик бўлади. Албатта, шарх мавзуси мамлакат ёки бирор ҳудуд миқёсида долзарб масала қамрови қанчалик муҳим бўлса, глобал воқеалар ёки жараёнларга қиёсий қарашларда кузатилади.

Шарх ифодали тафсилотлардан фойдаланиш билан тавсифланади. Ушбу жанр мақола каби биргина маълумотни таҳлил қилмай, муносабатлар доирасида мантқиқий далиллар ишлатилади. Журналист бу ҳолатда таҳлилчиларга қараганда кўпроқ кузатувчи вазифасини бажариб бошқарувчи шархловчи ролида бўлади.

Ҳозирги пайтда ўзбек ОАВда учраб турадиган обзорни шарх билан аралаштириб юбориш ҳолатлари учрайди ёки улар ушбу жанрни ўзларича шарҳда эълон қилишаверади. Бу мутлақ хато қараш бўлмасдан ушбу жанрни тушинмасликдир. Обзор жанри кўп йиллик тарихга эга бўлиб, асосан, матбуот ва радиода кўп қўлланилган. Обзор жанри билан шарх жанри вазифаси бошқа-бошқа бўлиб, обзор жанрида турли объектлардан келган бир мавзудаги хабарларни умумлаштиришдан иборат эканлигини кўп журналистлар яхши билишади. Масалан, газеталарда берилган хатларга обзор рункидаги материаллар жўйлардан юборилган хабарлар бир хил мавзуда бўлишини инobatга олиб ушбу хабарларнинг қисқача обзори эълон қилинар эди. Эсингизда бўлса керак, бундан ўн-ўн беш йиллар илгари “Ўзбекистон” телеканалда эрталаб “Республика газеталари шарҳи” кўрсатуви берилиб газеталарда берилган материалларнинг қисқача мазмуни билан таништирилар эди. Лекин бу

кўрсатув шарх жанрида бўлмасдан обзор жанрида тайёрланар эди.

Шарх ҳақида, умуман оммавий ахборот воситалар ҳақида биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг мана бу фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб топдик: “Очиғини айтиш керак, бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шакллари эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениедаги чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро мезонларга муносиб эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий-сиёсий, иқтисодий ва халқаро шархлар йўқ, бахс – мунозара кўринмайди...”[3].

Шархларнинг ҳам бир неча тури мавжуд. Сиёсий-иқтисодий шархлар, маданий-ижтимоий, спорт билан боғлиқ йўналишлари. Шарҳда долзарблик қатга аҳамият қасб этади. Бугунги кун муаммолари телешархнинг ҳаммаши диққат марказида бўлади. Телевизион таҳлилий публицистик жанрлардан бири бўлган шарх эса ҳозирги ҳаётимизда жуда муҳим аҳамият қасб этади. Унинг тезкорлик хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, албатта, кечикиб берилган шархнинг қиймати камлигини яхши биламиз. Воқеалар қанча тез шархланса, аудиторияни шунчалик забт эта олади. Кўпгина воқеа-ҳодисалар ҳақиқатдан ҳам юз берган бўлади. Гарчи режиссёр ва сахнанинг ижодий фикрларига ҳалакит бермасда, воқеа-ҳодисани ҳеч қандай воситаларсиз, шархларсиз ҳам кўрсатиш мумкин. Лекин томошабинларнинг ҳаммаси ҳам бунинг тўғри тушунмайди. Ана шу ерда шархловчининг маҳорати иш беради. Бу ерда воқеа-ҳодисалар кадр ортидан шархланаётган бўлса ҳам, асосий фигура журналист, шархловчи ҳисобланади. Гарчи воқеа-ҳодисалар экран мониторидан бир-бир ўтиб турса ҳам, томошабин уни ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитса ҳам, асосий воқеликни шарх орқали яхшироқ тушунади. Шу ўринда, айтиш керак, шархловчи воқеа-ҳодисаларни оммага тушунтириб беришда жуда қатга роль ўйнайди.

Шархлар янгиликлар бўлиши мумкин (маълум бир оммавий ахборот воситаларига эътибор қаратган воқеалар ҳақида гапириш), мавзули (масалан, сиёсат, автомобиллар ва ҳ.к.), эълон қилиш (кеलाжақдаги рақамларнинг мавзуларини очиб бериш). Масалан: “Ўзбекистон 24” телеканалда 2022 йил 16 февралда эфирга узатилган “Тараққиёт формуласи” кўрсатувида шархловчи- модератор Дилшод Назиров “Тараққиёт формуласи | Энергосамардорлик ва тежамкорлик учун ҳар биримиз масъулмиз!” [4] кўрсатувида Энергетика вазирлиги тизимидаги мутасадди ходимлар ва боғхона қўмитаси ходими иштирок этиб мамлакатимизда энегетика тежамкорлиги масалалари ҳақида мунозара юритилади. Кўрсатувда тизимдаги мавжуд эришилган яхши натижалар билан бирга соҳадаги муаммолар ечимини ҳам муҳокама қилишади.

Шундай кўрсатувлардан яна бири “Ўзавтосаноат” АЖ фаолияти ҳақида шарх жанридаги “Миллий автосаноат: трансформация ва тармоқдаги қутилаётган ўзгаришлар”[5] мавзусидаги кўрсатувда Ўзбекистонда автомобил ишлаб чиқариш муаммолари ҳақида гап боради. Кўрсатувда “Ўзавтосаноат” АЖ раиси ўринбосари Сардор Тожиёв, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўлим бошлиғи Шоядбек Бобоев ва иқтисод фанлари докторлари Михаил Хамидулин, Бобир Валиев, Нодирбек Расуловлар қатнашиб Ўзбекистонда автомобилсозлик муаммолари, жаҳонда автомобилсозлик ҳолати ва келгусида белги-ланган вазифалар ҳамда уни ҳал этиш босқичлари ҳақида қиёсий таҳлилдан иборат шарҳи эфирга узатилди.

Бир пайтлар (албатта, мустақилликдан кейинги йиллар) Қобилбек Каримбековнинг “Харита” деган кўрса-

туви бўларди. Ўзбекистон аҳолиси бу кўрсатувни мунтазам кўриб борар эди. Шарҳловчи унда дунёдаги бўлаётган сиёсий воқеаларни таҳлил қилиб, шарҳлаб берарди. Бундан бир неча йиллар илгари “Спорт” телеканалда “Футбол шарҳи” кўрсатуви бериларди. Лекин сўнги йилларда бундай шарҳ жанридаги кўрсатувларни телеканалларимизда кўрмай қўйдик. Ҳозир бундай кўрсатувлар дастурларда мунтазам ўрин олмаган. “Таҳлилнома”, “Давр ҳафта ичида” каби кўрсатувларда сўз шарҳловчимизга деган “подводка” билан навбатдаги сюжетга ўтиб кетилди. Лекин булар ҳозирги публицистик жанрлар талабидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шарҳ талабларини тўла бажармасдан телекорреспонденция ёки телемақоладир.

Шарҳлашда кўп ҳолатларда кичик, алоҳида фактлардан умумлашма ва бутунлик томон интилиш характерли хусусиятдир. Бу қайсидир маънода тўғри ҳамдир. Чунки, шарҳ миллионлаб одамларга муаммоларнинг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради. “Шарҳлашда индуктив услубдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, воқеликни айни ҳаётини вазиятларда ёритиш, алоҳида ҳодисалар, фактлар ҳақида хабар бериш шарҳнинг асосий хусусиятларидан биридир” [6].

Шарҳловчи – алоҳида кишилар билан телекўрсатувда бирор бир нарса ҳақида суҳбат қилувчи мутахассис ҳисобланади, у ўз шахсий муҳокамаси билан видеофрагментлар мазмунини очиш ва меҳмон билан студияда суҳбат қилувчи мутахассис ҳисобланади. Шарҳловчи – тафсилотчилардан фарқи, биринчидан, у мураккаб «журналли» кўрсатувининг муаллифлигини уддалай олиши ва ёки студияда мулоқот олиб бора олиши керак; иккинчидан, шарҳловчи сиёсий мулоҳазада сиёсий тафсилотчидан баландроқ туриши керак. У тўғривоғи

энциклопедист, лекин тарғиботчи ёки ташвиқотчи эмас. Лекин тафсилотчи ёки шарҳловчилик ишларида ҳам умум ўхшашликлар борки, улар: ҳар иккиси ҳам экранда маълум мавзусида муҳокама ва қарашлари билан чиқадилар. Уларнинг шахси томошабин учун ҳам қизиқ, ҳам таниш. Иккалалари ҳам етук ёшда, етарлича ҳаётини тажриба ва хулосалашга асоси бор, таққослашни билган зиёли кишилар. Яна улар иккалалари ҳам ёрқин сўз устаси ва публицистик монологларни санъаткордек ижро этиш маҳоратига эга бўлган кишилар тоифасига киритамиз.

Дарҳақиқат, давр бугунги тележурналистикадан тезкорикни талаб қилади. Агар журналист замоннинг долзарб муаммоларини зудлик билан томошабинга етказиб бера олмаса, табиийки, у ҳаётдан орқада қолган бўлади. Янгиликларни қуруқ етказмасдан, уни атрофлича ўрганиб, таҳлил эта билиш шарҳловчининг вазифасидир. Сиёсий шарҳловчи, аввалло, сиёсатнинг маъзига етсин. Шунингдек, журналист жавобгарликни ўз зиммасига ола билиши керак. Танқид қилишга ким ҳақли? Албатта, ўз соҳасини биладиган ва билимли, “юраги бор”, шижоатли журналист. Ҳақиқатпарвар журналист қурашчан бўлади. Шарҳловчининг телевидениеда туганган ўрни ҳам мана шу ерда кўзга ташланади.

Бугунги юз берган воқеага ҳар бир ОАВ ўз шарҳловчиси орқали муносабат билдириши ва бу муносабат кенг оммага етиб бориши ҳаётини заруриятга айланиб бормоқда. Журналист шу борада катта вазифасини ўз олдига қуйди, фақат бу соҳа буйича мутахассис бўлиш эса ишни бир оз енгиллаштиради. Донишмандларнинг ҳамма нарасада чала савод булмаслигининг учун ҳамма нарсани билишга интилма, деган мақоли эсимизга келади. Йўқ, лекин, журналист ҳамма нарсадан, воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиши керак, албатта.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 –жилд.-Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. -12 б.
2. Смирнов В.В. Жанры радиожурналистики /Учебное пособие для вузов. М.: Аспект Пресс, 2002. –С.116
3. Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.:Ўзбекистон, 1995. 19-б.
4. <https://ms-my.facebook.com/elekttrarmoq/videos/-httpsmtrkuz>
5. <https://www.youtube.com/watch?v=Or6r5OcEK5U>
6. Нурматов А. Н. Шарҳлаш журналистикаси./Маъруза матни. Тошкент. 2006. 18 б.



Саодат ИКРОМАЛИЕВА,
Магистрантка Андижанский педагогический институт
E-mail: ikromaliyevasaodaro@gmail.com

На основе рецензии доцента Собирова. Д.Т, АГУ

UZBEK FOLK PROVERBS SERVE ENRICHMENT OF HUMAN THINKING

Annotation

In this article, the role and significance of proverbs, which are the masterpieces of Uzbek folklore, are explained on the basis of sources. Uzbek folk proverbs, in particular, serve to develop people's intellectual abilities. The article illustrates them with examples.

Key words: Proverb, thinking, genre, folklore, rhyming, folk art, etiquette, aesthetics, upbringing, friend, education.

УЗБЕКСКИЕ НАРОДНЫЕ ПОСЛОВИЦЫ СЛУЖАТ ОБОГАЩЕНИЮ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

Аннотация

В данной статье на основе источников разъясняется роль и значение пословиц, являющихся шедеврами узбекского фольклора. В частности, узбекские народные пословицы служат развитию интеллектуальных способностей людей. Статья иллюстрирует их примерами.

Ключевые слова: Пословица, мышление, жанр, фольклор, рифмовка, народное искусство, этикет, эстетика, воспитание, друг, образование.

O'ZBEK XALQ MAQOLLARI INSONIYAT TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHGA XIZMAT QILADI

Annotatsiya

Ushbu maqolada o'zbek xalq og'zaki ijodiyotining durdonasi bo'lgan maqollarning o'rni va ahamiyati manbalar asosida yoritib berilgan. Maqollar folklor janri bo'lib, insonlarni nutqini, fikrlash qobiliyatini rivojlantirishga xizmat qiladi. Maqollar orqali insonlarning qarashlari, o'y-fikrlari, oilaviy munosabatlari, turmush tarzi yoritib beriladi. Ayniqsa o'zbek xalq maqollari insonlarni intellektual qobiliyatini rivojlantirishga xizmat qiladi. Maqolada bular misollar orqali yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: Maqol, tafakkur, janr, xalq og'zaki ijodi, qofiya, xalq ijodiyoti, odob, estetika, tarbiya, do'st, tarbiya.

Введение. Мышление есть высшая форма психической деятельности человека, процесс отражения в уме предметного бытия. Мыслительная среда, социальная инструмент познания событий, действительности, а также основное условие осуществления деятельности человека. Это высший познавательный процесс, более полно и точно отражающий действительность, чем интуиция, восприятие и воображение. Мышление – это особая функция человеческого мозга. Его нейрофизиологической основой является взаимодействие первой и второй сигнальных систем. В процессе мышления у человека возникают мысли, мнения, идеи, гипотезы и т. д., и они выражаются в сознании человека в виде понятий, суждений, умозаключений. Наши народные пословицы играют неопределимую роль в расширении и развитии мышления.

С годами между эпохами создавались новые, а диапазон значений старых - тех, что существуют в живом общении и языке, - расширялся или сужался. Даже некоторая их часть была забыта. В то время как пословицы выражают многовековой жизненный опыт, вывод постоянных ежедневных наблюдений строго поляризованным образом как законченная мысль, в них господствует многообразие значения каждого слова, устойчивость выражения, устойчивость формы. Но в зависимости от места применения их диапазон значений постоянно расширяется. Именно поэтому каждое слово в статье требует особого внимания. У них есть слова, которые исторически имели совершенно разные значения. Кроме того, каждый народ имеет свои религиозные верования, образ жизни, культуру, мировоззрение, которые частично нашли отражение в изучаемых статьях фольклора [2].

Одним из факторов, отражающих культуру нации, национальные ценности самобытности народа, является устное творчество народа, которое уникально для этого народа. Пословицы, один из важнейших жанров фольклора и один из важнейших жанров фольклора, являются одной из важнейших тем в языкознании и фольклористике. Изучение пословиц, одного из важнейших жанров фольклора, да и народного творчества в целом, имеет сегодня большое значение. Фольклористы веками устраивали экспедиции за пословицами в отдаленные селения своих стран и из года в год собирали уникальные пословицы из просторечия на разные темы.

Пословицы – это примеры накопленной годами мудрости народов мира. Пословицы использовались людьми по отношению к понятиям образования, за счет самого главного богатства, оставленного их предками.

Народные пословицы, возникшие как уникальное явление языка, философии и художественного творчества, представляют собой жанр, представляющий собой лаконичную, но глубокую форму фольклора [3].

Анализ литературы по теме (Literature review). В узбекском фольклоре интерес к артикулу с литературной точки зрения, использование его для повышения художественности произведения и обеспечения беглости литературного языка всегда были в центре внимания художников слова. Интерес к статье с литературоведческой точки зрения, ее использование для повышения художественности произведения и обеспечения беглости художественного языка всегда были в центре внимания художников слова. Юсуф Хос Хаджиб, Ахмад Яссави, Рабгузи, Лутфи, Алишер Навои, Бабур, Абулгази Баходирхан, Мунис, Огахи, Нодира, Муками, Фуркат, Аваз, Хамза, Садриддин Айни, Фитрат, Чолпон, Абдулла Кодира, Ойбек Если внимательно изучить произведения

Гафура Гулама и десятков других художников, мы убедимся, что в них много статей, иногда точно таких же, иногда с изменениями.

Методология исследования (Research Methodology). Пословицы - это короткие, часто ритмичные слова, имеющие прямо-образный план или только образный план и выражающие грамматические отношения в законченных предложениях и выражающие некоторые умозаключения [4]. Они относятся к речевым жанрам фольклора, как это неясно, например, в сказках и песнях, а в устной речи, между прочим, употребляются для слов. Пословица в обобщенной форме описывает характеристики людей или событий, дает им оценку или определяет направление действия. Их назначение — краткие формулы для выражения отношения людей к различным жизненным событиям. Содержание пословиц ясно. Все вместе они отражают более полную жизнь, чем другие жанры фольклора. Темы произведений других жанров (сказки, исторические песни) в известной степени ограничены, а темы пословиц практически безграничны. Они представляют собой законченное предложение без смысловых понятий и предложений. Изучение пословиц с лингвистической точки зрения составляет предмет фразеологии.

Эта пословица является одним из самых популярных жанров узбекского народного творчества. — Термин «пословица» происходит от арабского слова «кавлун» — говорить, выражать общие выводы публики о тех или иных событиях и реалиях. В них мысль выражена в четкой, логической последовательности, иногда правильной, иногда образной [5].

Педагогические идеи, высказанные в статье, будут адресованы не только личности, но и широкой общественности. В ней описываются педагогические идеи, проверенные в реальной жизни. Он компактный, совершенный, но популярный. В пословицах также выражены направления педагогического мышления народа, его педагогическая культура, духовно-нравственные воззрения, критерии жизни и труда, любовь и ненависть, мечты и стремления. Поэтому

Л.Н. Толстой говорил: «В каждой статье я вижу образ людей, создавших эту пословицу». Поскольку народные пословицы создаются в процессе труда, в них доминирует тема труда.

Лень осуждается в пословицах, воспевающих любовь и уважение к труду:

Bulbul chamanni sevar, odam – Vatanni;

Vatan gadosi – kafan gadosi;

Ona yurtning omon bo'lsa, rangi ro'ying somon bo'lmas ...

Botirlik, saxiylik, adolat, insof qadrlanadi:

Arslon izidan qaytmas, yigit so'zidan;

Erni nomus o'ldiradi; Botirdan yov qo'rqar;

Yo'lga chiqsang, yo'ldoshli chiq! ...

Ilmni egallash targ'ib etiladi:

Ilm – aql chirog'i;

Ilm ko'p, umr oz, zarurini o'rgan;

Kitob – bilim manbai ...

Пословицы часто имеют стихотворную форму. Они отличаются от других видов фольклора компактностью, изысканностью и разработанностью. В пословицах отражены мечты и чаяния народа, идеи патриотизма и гуманизма. Пословицы, как и другие формы фольклора, могут быть источником побуждения учащихся начальных классов к патриотичности, трудолюбию, честности и отваге, образованности и мудрости. Вера в Родину, преданность, самопожертвование составляют основу народных пословиц. Пословицы об уважении и любви к Родине призывают нашу молодежь с самых младших классов ценить Родину, жить горем народным [6].

Bulbul chamanini sevar

Odam- Vatanini.

Vatanning vayronasi-

Umrning g'amxonasi.

Eldan ayrilguncha, jondan ayril!

Yurtdan ayrilganni yov chopadi

Vatanni qo'rig'an – nomus-orini qo'riydi. Ona yurtning omon bo'lsa,

Rangi-ro'ying somon bo'lmas.

Otini ayagan yo'lda qolmaydi,

Elini siylagan cho'lda qolmaydi.

Приведенные выше узбекские народные пословицы обогащают человеческий разум и играют важную роль в развитии людей, верных Родине, работающих на благо развития Родины. Они не только положительно влияют на нравственное воспитание детей, но и расширяют их кругозор, способствуют совершенствованию мыслительных способностей, приводят к появлению новых слов в словарном запасе [7].

Изобразительное воспитание (эстетическое воспитание: лат. социального воспитания. Умственное, нравственное, трудовое воспитание немисливо без эстетики. Чуткость, понимание и оценка красоты, понимание художественной культуры, словом, умение строить свою жизнь по законам красоты – важнейшие качества совершенного человека.

Понимание человеческого красоты не возникает внезапно, а формируется под влиянием общества и людей, окружающей среды. Соответственно законы художественного развития человечества связаны с законами общественного развития [8].

Воспитание деликатности есть, прежде всего, воспитание в каждом художественного чувства и художественного вкуса. Не следует понимать, что высшая тонкость лишена разума. В формировании гармонично развитой личности эти две стороны дополняют друг друга. В истинном произведении искусства эмоция сочетается с глубоким идейным и интеллектуальным содержанием. Прекрасное образование есть тренировка ума с помощью ума, или, точнее, тренировка ума с помощью чувств. Эти две стороны неразрывно связаны.

Анализ и результаты (Analysis and results).

Воспитание изощренности настолько важно сегодня, что изобретательность стала жизненной потребностью каждого в труде, производстве и повседневной практической деятельности.

Мудрость проявляется в том, как человек поступает, одевается, ведет себя, относится к людям, подходит к тем или иным событиям в обществе и так далее.

Эстетическое воспитание осуществляется от рождения до конца жизни. Поэтому она является средством приобщения подрастающего поколения к ощущению красоты и изящества не только в школе, но и во внеклассных и внеклассных мероприятиях, различных конференциях.

В нашем народе говорят: «Kamtarlik ham husn»- «Смирение тоже прекрасно». Эта единственная фраза имеет глубокий смысл [9]. Благодаря деликатному воспитанию у молодых людей формируется характер смирения. Это качество — самый красивый, самый красивый знак. «Kishining chiroyi yuzida»-«Красота мужчины в его лице», — говорят наши. Эта красивая улыбка является примером солнца в людях и сияет в сердцах. Человек читает произведение и у него светлеет лицо. Или приятная мелодия, когда он слушает песню, его голова тихонько качается. Красивая картинка. Когда он смотрит на картину, он не может оторвать от нее глаз, его сердце переполняется радостью.

Эстетический вкус, эстетические способности, эмоциональная культура не проявляются сразу, не даются в готовом виде от природы. Наряду со всеми человеческими способностями чувство прекрасного необходимо воспитывать, развивать и совершенствовать. Во всем этом проявляется человеческая красота. Не напрасно наши люди говорят: «Yaxshi husningni yomon xulqing buzadi» - «Ваш хороший характер испорчен вашим плохим поведением» [10].

Вопросы эстетического воспитания широко освещены в фольклорных источниках. Творец народной педагогики - учитель народ. Основная цель народной педагогики - воспитание подрастающего поколения. При этом главной целью является воспитание молодежи не только как духовно зрелых людей, но и как физически, эстетически, экологически и юридически.

Мы можем видеть на примере пословиц, являющихся разновидностью фольклора: пословицы - опыт людей в процессе жизни и жизнедеятельности, мировоззрение, отношение к той общественной жизни, в которой они живут, прошлая жизнь и ее уроки, представляет собой психическое состояние человека, надежды и мечты. Поэтому она может оказать положительное влияние на воспитание детей, особенно на эстетическое воспитание. Примеры пословиц:

Didsiz o'tirgan yerini changitar.
Kamtarlik ham husn.
Kishining chiroyi yuzida.
Kulgi chehra yoritar.
Oq ko'ngillikning yuzi ko'rkam.
Turq boshqa-yu, ko'rk boshqa.
Xushxulqlik -jamol, Kamtarlik-kamol.
Yaxshi qiz -yoqadagi qunduz,
Yaxshi yigir- yoqadagi yulduz.
Yaxshining yuzi oftobni ilitar.
O'ziga boqmagan, o'zgaga boqmas.
Kamtar bo'lding-gavhar bo'lding.

Такие пословицы, как «Oq bo'lmasin, pok bo'lsin» - «Пусть не будет белым, пусть будет чистым», «Pokliging-sog'liging» - «Чистота- здоровье», «Sog' yuray desang ozoda bo'l» - «Хочешь быть здоровым-будь чистым» их приучили знать и ценить. Их [11].

Использование пословиц в эстетическом воспитании мышления человека, являющегося разновидностью фольклора, приводит к положительным результатам.

Узбекские народные пословицы имеют богатый ресурс и в воспитательном направлении развития мышления человека.

Ayg'ir qanday bo'lsa, ot shunday. Beshikda tekkan, kafanda ketar. Bir kattaning gapiga kir, Bir - kichikning. Bir qilgan - madad, Ikki qilgan - odat. Bola boqqandan olov yoqqan yaxshi. Bola - yoshidan, Xotin - boshidan. Bola ko'rganini qilar, Ota - bilganini.

Выводы и предложения (Conclusion/Recommendations). Таким образом, процесс мышления возникает в результате потребности человека в познании, его стремления расширить и углубить свои знания об окружающем мире и жизни. Характерной чертой мыслительного процесса является понимание мыслителем предмета мысли. Человек думает о том, что он воспринимает и воображает [12]. Поэтому понятие мыслит о целом классе вещей. Человек думает о своем мышлении и других психических процессах, а также о различных объективных свойствах самого себя, т. е. становится объектом мысли. Не может быть сухого мышления без опоры на что-то одно [13].

Сравнение, анализ и синтез, абстрагирование и обобщение, классификация и систематизация штрихи являются основными видами мыслительных операций. В этом процессе изучение узбекских народных пословиц, особенно их привитие подрастающему поколению, неизбежно будет способствовать развитию мышления человека, становлению его зрелой личностью. В связи с этим предлагаю следующее:

- увеличение узбекских народных пословиц в школьных учебниках;
- расширение направлений использования статей в социальных сетях;
- Добавить разделы статей в школьные и вузовские экзамены;
- организация фольклорных конкурсов среди населения.

ЛИТЕРАТУРА

1. Педагогика./проф.М.Х.Тохтаходжаева под общ.ред.-Т.: Национальное общество философов Узбекистана» Издательство, 2010.
2. Мавлонова Р. и др. Педагогика Т.: Препод. 2010 г.
3. Зуннунов А. История узбекской педагогики. Т.: Учитель. 1997. 267-б
4. Бердиева О. Новые педагогические технологии в образовательном процессе // Народное образование. - Ташкент. - 2013. - №1. - В Страница 225,104.
5. Имамов И., Мирзаев К., Саримсаков Б., Сафаров О. Узбекское народное устное поэтическое творчество.- Т.: 0'учитель. 2010- В324, стр. 43-56.
6. «Узбекские народные пословицы» Т. Мирзаев, А. Мусакулов. Ташкент (2005)
7. Узбекские народные пословицы. -Ташкент: Г'. Издательство Гулом, 2009.
8. Сувонкулова Х. Узбекские народные пословицы. -Т.: Искры литературы, 2014. - 152 с.
9. Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Словарь значений, Ташкент: Национальная энциклопедия Узбекистана, 2004. - С. 448.
10. Джаббаров И. Узбекская народная этнография. Т., Учитель, 1994. - 311 с.
11. Краткий узбекско-русский словарь пословиц, Ташкент: Учитель, 1993. 183 страницы.
12. www.ziyonet.uz
13. www.lib.ru



Сухроб ИСМАТОВ,

научный сотрудник Самаркандского государственного университета

E-mail: wwwismatovsuxhrob1979@gmail.com

Рецензент: Ж. Хамраев д.ф.н., заведующий кафедрой иностранных восточных языков, профессор

МЕЖКУЛЬТУРНО-КОММУНИКАТИВНЫЕ ФУНКЦИИ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПЕРЕВОДА

Аннотация

В зависимости от темы статья имеет следующее содержание – Художественный перевод-коммуникативно-прагматические аспекты рассматриваются вопросы коммуникативно-прагматических характеристик художественного перевода посредством анализа специфика литературно-художественной коммуникации и перевода. Прагматические и коммуникативные аспекты художественного перевода изучаются в ракурсе культурологического подхода к художественному тексту.

Ключевые слова: межкультурная коммуникация, менталитет, интеграция, художественной литературы, перевод, национальный колорит.

INTERCULTURAL COMMUNICATION FUNCTIONS OF ARTISTIC TRANSLATION

Annotation

Depending on the topic, the article has the following content - Literary translation - communicative and pragmatic aspects, the issues of communicative and pragmatic characteristics of literary translation are considered by analyzing the specifics of literary and artistic communication. Pragmatic and communicative aspects of literary translation are studied from the perspective of a culturological approach to a literary text.

Key words: intercultural communication, mentality, integration, fiction, translation, national flavor.

BADIIY TARJIMANING MADANIYATLARARO ALOQA VAZIFASI

Annotatsiya

Mavzudan kelib chiqqan holda maqola quyidagi mazmunga ega - badiiy tarjima - kommunikativ va pragmatik jihatlar, adabiy-badiiy muloqotning o'ziga xos xususiyatlarini tahlil qilish orqali badiiy tarjimaning kommunikativ va pragmatik xususiyatlari masalalari ko'rib chiqiladi. Badiiy tarjimaning pragmatik va kommunikativ jihatlar badiiy matnga kulturologik yondashuv nuqtai nazaridan o'rganiladi.

Kalit so'zlar: Madaniyatlararo muloqot, mentalitet, integratsiya, badiiy adabiyot, tarjima, milliy lazzat.

Введение. Статья посвящена анализу коммуникативно-прагматических аспектов художественного перевода с позиций сохранения художественно-эстетического своеобразия оригинала и обеспечения художественного воздействия в соответствии с замыслом автора художественного произведения. В работе ставится и решается проблема выявления прагматически обусловленных стратегий художественного перевода и коммуникативно-прагматического анализа текста художественного перевода в сопоставлении с оригиналом.

Актуальность исследования связана с тем, что оно отвечает на назревшую в переводоведении потребность разработки теоретического аппарата коммуникативно-прагматического подхода к художественному переводу как творческой деятельности. Несмотря на активные исследования переводческой прагматики, в настоящее время не систематизированы коммуникативно-прагматические аспекты художественного перевода. Отсутствует последовательное описание прагматически обусловленных мотивов художественного перевода и применение переводческих стратегий.

Анализ литературы по теме (Literature review).

Анализу проблем художественного перевода посвящены работы российских переводоведов как Копанева [1972], Гарбовского [2004], также важным проблемам коммуникативно-прагматического характера в применении к художественному переводу подвергались анализу в работах А.В.Фёдорова, Л.С.Бархударова, Я.И.Рецкера, А.Лиловой, А.Д.Швейцера, В.Н.Комиссарова, В.Г.Гака, К.Райс, С.Флорина, С.Влахова, Н.К.Гарбовского, З.Д.Львовской и др. Работы

крупных теоретиков перевода позволили установить специфику художественного перевода, связанную с оказанием эмоционально-эстетического воздействия на читателя, вовлечением на активный процесс авторского миропонимания и созданием образов, созвучных замыслу автора оригинала. Важные выводы и рекомендации по использованию изобразительных средств в художественном переводе были сделаны практикующими переводчиками, крупными мастерами художественного перевода Н.Любимовым, М.Лозинским, Л.Гинзбургом, Н.Галь, Ю.Яхниной и др.

Методология исследования (Research Methodology).

В процессе изучения проблемы и практического анализа в работе применяется ряд методов исследования. Используется комплексная методика описательно-аналитического, семантико-стилистического и литературоведческого анализа текстов оригинала и перевода, а также приемы переводческого парафразирования, субституции и трансформации, позволяющие определить набор вариантов перевода и аргументировать выбор в пользу того или иного варианта. Примеры переводов рассматриваются в сопоставлении с оригиналом на основе учета его образно-эстетической специфики, обусловленной замыслом автора, и одновременно с лингвокультурологических позиций.

Анализ и результаты (Analysis and results).

Термин «межкультурная коммуникация» тесно связан с понятиями «менталитет», «язык», «интеграция», «диалог культур».

«Параметры культуры как ее отличительные свойства существуют не изолированно друг от друга, а в

сложной функциональной взаимозависимости, как единый комплекс. Межкультурное взаимодействие в решающей степени обусловлено не абсолютной спецификой культур как постоянных величин, а соотношением нормативно-ценностных систем конкретных контактирующих культур, находящихся в состоянии постоянного динамического процесса развития» [5, 6].

Интеграция – это процесс, обозначающий синтез типологических свойств разных культур. Интеграция этнокультур – ИТ-явление взаимодействия, когда современная цивилизация, которую сейчас уже можно как рассматривать субстрат будущего общечеловеческого супететноса, получает Software Update и новые Принципы для общежития, мышления, культуры. Диалог культур в современном мире является одним из главных регуляторов в международном сообществе. Вся наша планета вовлечена в диалог культур. С помощью диалога человечество пытается разрешать конфликты, устранять очаги раздора и непонимания, знакомиться с культурами различных народов. Диалогичность мышления человечества, полифония различных мнений, идеологических платформ и позиций – главная черта глобализации третьего тысячелетия.

Одной из форм межкультурных связей является художественный перевод. Объективным соотношением художественно-смысловой информации, заключенной в оригинале и переводе, определяется посредническая функция перевода. Чтобы дать всестороннюю оценку этой функции необходимо провести последовательный сравнительный анализ методики переводческой работы, с учетом динамики развития воспринимающей литературы и рассмотреть переводческие приемы на фоне конкретного языкового обихода, уделяя преимущественное внимание характеру подхода переводчика к оригиналу, ко всем его компонентам. Между переводом и конкретным результатом его воздействия лежит целый комплекс проблем, связанных, с одной стороны, с поэтикой переводчика, а с другой – с поэтикой воспринимающего автора.

Язык является одним из важнейших средств общения между людьми, с помощью которого они обмениваются идеями и общаются. Общение между людьми происходит в двух формах: устной и письменной. Если два или более человека говорят на одном языке, общение не составляет труда, но когда люди говорят на разных языках, общение не так просто.

Перевод, являющийся духовным наследием народов, способствует дальнейшему развитию жизни и образа жизни людей. Как народы никогда не могут жить в полной изоляции друг от друга, так и их материальные и культурные памятники, литература и искусство никогда не сохранялись в пределах одной национальной границы. Величайшие произведения искусства и литературы, созданные человечеством, не знали границ, они менялись время от времени. На самом деле дискуссия о науке, литературе, искусстве и переводе должна начинаться с вопроса о грамотности народа, об общем, культурном уровне, о состоянии печати и издательского дела в стране. Литература, книги, переводы создаются для людей, умеющих их читать, понимать и ценить, ведь ценность каждой книги оценивается общей, культурной готовностью, востребованностью и вкусом человека, который ее читает. Произведение, созданное на высоком научном, общественно-политическом и художественном уровне, особенно если оно изображает жизнь других народов, либо если оно принадлежит иностранному писателю или ученому, требует активного наблюдения со стороны читателя. Каждый перевод – продукт своего времени.

Перевод – это инструмент прямого духовного общения между народами. Потому что он передает богатство культуры, многовековые стремления, идеи и взгляды народа людям, говорящим на другом языке, показывает народную книгу сердец.

Произведения художественной литературы, написанные на разных языках мира, обмениваются с размахом. Без перевода не может быть «чистой» национальной «чистой» культуры, неизменного «чистого языка» литературы, развивающегося только за счет собственных внутренних ресурсов и не пользующегося культурными богатствами, созданными другими народами, далекими и близкими.

Без перевода были бы изолированы бессмертные памятники науки и искусства, созданные национальными культурами и великими гениями человечества.

Перевод – это инструмент интернационализма и дружбы народов. Национальные культуры обогащают друг друга посредством перевода. Его влияние ощущается повсюду в языке, в мышлении, в культурной и литературной жизни, в искусстве. Перевод играет важную роль, особенно в художественной литературе.

Тот факт, что литература братских народов и прогрессивная мировая литература переводятся на узбекский язык, свидетельствует о больших успехах нашего переводоведения. Он служит сближению нашей национальной культуры с лучшими традициями мировых культур, укреплению дружбы между народами, позволяет узбекским читателям знакомиться с прогрессивной мировой литературой.

Хотя обычно говорят о переводе с одного языка на другой, но, в действительности, в процессе перевода происходит не просто замена одного языка другим. В переводе сталкиваются различные культуры, личности, разные складывания мышления, различные эпохи, уровни развития и традиции. Люди переводят с незапамятных времен. Перевод, следовательно, является важным средством, обеспечивающим выполнение языком его коммуникативной функции в тех случаях, когда люди выражают свои мысли на разных языках.

Художественный перевод имеет свои особенности, к которым относятся устное творчество переводчика, владение литературным талантом. Ведь перевод одной и той же фразы разными людьми получается совершенно разным. Такой перевод является настоящим искусством, так как эстетический эффект достигается языковыми средствами, в том числе ритмом, рифмой, аллитерацией.

Художественный перевод имеет специфические особенности, он предполагает речевотворчество переводчика, обладание литературным талантом. Ведь перевод одной и той же фразы у разных людей получается совершенно различным. Такой перевод – настоящее искусство, так как эстетический эффект достигается соответствующими языковыми средствами, в том числе ритмикой, рифмой и аллитерацией.

Перевод художественных произведений национальных писателей мира – кропотливый творческий труд. Данный вид перевода не только активизирует мыслительную деятельность, художественный вкус, расширяет кругозор, но и углубляет знания как иностранного, так и родного языков. Художественный стиль – наименее изученный из всех существующих стилей, поскольку он самый подвижный, творчески развивающийся. Художественный стиль не знает никаких преград на пути своего движения к новому, ранее неизвестному. Более того, новизна и необычность выражения становится условием успешной коммуникации в рамках этого функционального стиля.

В художественных произведениях затрагивается разнообразный круг тем, в основном это жизнь, мысли

героев, поиск пути и смысла жизни и другие, однако количество художественных средств, используемых для создания произведения, практически безгранично.

Для перевода художественного произведения необходима лексика языка, включающая синонимы и омонимы, профессиональные термины, диалектные, устаревшие и вульгарные слова, баловство и минимизацию, сленг, пословицы и идиомы, а также музыкальность, мелодичность слов, многие из них необходимо знать значение, нормы произношения языка, особенности выражения и уменьшительно-ласкательного, формы юмора и юмора.

Переводчик Гайбулла Саломов описывает три этапа в процессе воссоздания художественного произведения:

1. Как переводчик воспринимает (понимает) оригинал.
2. Как реалистично интерпретировать произведение, цель автора и его неповторимый стиль.
3. Уметь найти альтернативные средства восстановления образца словесного искусства на родном языке [6, 38].

Научная характеристика художественного перевода состоит в том, что важно передать смысл не словами, а смыслом, тон в тоне, образ в образе, юмор в юморе. Художественный перевод отличается от других видов перевода тем, что недостаточно правильно перевести слово, предложение или целое произведение. Переводчик тоже должен быть художником.

Художественный перевод играет важную роль в формировании и укреплении культурных связей между народами, ознакомлении других народов с культурным богатством, бытом, бытом и духовными достижениями одного народа. Благодаря переводу узбекские школьники продолжают знакомиться с произведениями русских и зарубежных писателей на родном языке. Огромный переводческий опыт российских специалистов послужил школой узбекского перевода. Кроме того, русский язык всегда был посредником в переводе мировой литературы на узбекский язык. Нехватка специалистов-иностранцев, отсутствие достаточного опыта перевода и другие подобные факторы повысили спрос на перевод, что, в свою очередь, привело к увеличению иностранных произведений в узбекской литературе. Но помимо этих успехов, мы стремимся выделить ряд недостатков в этой работе.

Перевод — сложный процесс, в котором переводчику может не хватать художественной интуиции, способностей и широкого кругозора для достижения полной цельности.

Помимо хорошего знания языка переводимого произведения и родного языка, стиля переводчика, характера изображаемых в произведении персонажей, быта, обычаев, условий быта, психологии, а также истории, литературы, религии и национальные взгляды должны иметь глубокое понимание процессов. Для адекватного перевода произведение должно быть не только представлено как художественное целое, но его язык и стиль должны быть представлены такими, какими их описал сам автор. Если переводчик не знает языка произведения и переводит его с использованием дублирующих переводов или копий не прямых переводов, проблемы с совместимостью исходного текста и перевода увеличатся. При переводе оригинала с других копий содержание и форма произведения изменяются, что приводит к утрате авторского индивидуального стиля и многим другим ошибкам. Чтобы перевод удалось восстановить оригинальность произведения, переводчик должен передать характер периодов, художественный

стиль автора, речь главных героев произведения как можно более непосредственно - с оригинала.

В процессе художественного перевода бывают случаи, когда, как мы видели выше, не всегда удается понять смысл предложения из микроконтекста. В таких случаях переводчикам придется полагаться на свои фоновые знания. В узбекском языке принято добавлять суффикс «-сиз» и местоимение «сиз» в конце слов при общении с солидными и пожилыми людьми. В русском языке так обстоит дело со словами «ты» и «вы». В английском языке этот показатель в любом случае «you». Поэтому переводчику необходимо определить, говорит ли главный герой «ты» или «вы» через большой общий контекст. Таким образом, сохраняются нормы этикета:

Why, last night, dad, we heard her say, I played it ever so much. Honest – I have been playing it. And it's such a splendid instrument; you don't know how I love it. I didn't like to play loud when you were so sick.

Nega unday deysan otajon, -dedi qiz, -kecha kechqurun juda ko'p chaldimku. Xudo haqqi, otajon rostdanam chaldim. Nimasini aytasan shunday ajoyib pianino ekanki, asti qo'ya ber, u menga juda, juda yoqib tushdi. Sen betob bo'lganing uchun qattiq chalgim kelmadi.

Восстановление национального своеобразия оригинала тесно связано с проблемами перевода художественного произведения. Общеизвестно, что в художественных произведениях факторы действительности того или иного народа выражаются в форме художественных образов. Специфические черты и характеристики образов выражаются в игре через фразеологизмы.

В каждом языке они имеют свою форму выражения. Фразеологизмы прочно закрепляют культурную самобытность народа в системе языка, тем самым придавая ему определенный национальный дух.

Национальный колорит выражений формируется при участии в них определенных единиц. Как известно, в состав фразы могут входить и разные географические названия. Например, следующие выражения включают названия стран, городов, деревень, рек и пустынь. Некоторые из этих выражений уникальны для узбекского народа по содержанию и культуре. Ошибки в переводе таких единиц часто приводят к неточностям во всем тексте. Использование таких выражений не соответствует самобытности языка оригинала и, следовательно, вредит национальному колориту. Если в практике перевода опасно включение слов исходного текста в текст перевода, то очень опасно переводить такие языковые единицы, выражающие национальную сущность, потому что перевод может вообще не соответствовать оригиналу. Такие случаи сразу заметны для носителей определенного языка. Это может привести к потере деталей и содержания.

Между тем известно, что словарный запас каждого национального языка обогащается не только за счет его внутренних возможностей, но и под влиянием других языков. Ассимиляционные слова занимают прочное место в словарном запасе языка. Кроме того, переводчику следует обратить особое внимание на сходные слова, имеющие разное значение для каждого народа.

Выводы и предложения (Conclusion/Recommendations). Перевод имеет большое значение в выполнении священной задачи воспитания нашего народа в духе дружбы, приобщения к великим достижениям мировой науки, техники, культуры и общественной мысли.

Перевод – понятие историческое и диалектическое, каждый период имеет свое значение. Перевод отличался от оригинала. Согласно требованиям реалистического перевода, переводчик должен воссоздать

единство формы и содержания, сохранив при этом черты национального и индивидуального стиля как оригинального художественного произведения. Переводчик подразумевает, что произведение является одновременно и явлением его собственной литературы, и образом другого народного творчества иностранного происхождения.

При определении степени, в которой переводчик должен отразить национальное своеобразие произведения,

подача книги зависит от знания читателем иностранной культуры. В то же время переводчик воспитывает читателя, знакомит его с чужой культурой, чужими традициями. Безупречный перевод требует не только квалифицированного переводчика, но и компетентного читателя. Переводчик может стать отличным способом расширить знания читателя об иностранной культуре.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бархударов Л. С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории перевода – Москва: ЛКИ, 2010. – 169 с.
2. Воскобойник Г.Д. Тождество и когнитивный диссонанс в переводческой теории и практике/ Воскобойник Г.Д.//Вестник МГЛУ. Серия Лингвистика. Вып. 499. - М., МГЛУ, 2004. - 181с
3. Дюришин Д. Посредническая функция художественного перевода // Перевод - средство взаимного сближения народов: Худож. публицистика/Сост. А.А. Клышко. Предисл. С.К. Апта / Д. Дюришин. - М.: Прогресс, 1987. - С. 166- 176.
4. Копанев П.И. Вопросы истории и теории художественного перевода/ П.И.Копанев. - Минск: Изд-во Белорусского госуниверситета, 1972. - 244 с
5. Куликова, Л. В. Межкультурная коммуникация: теоретические и прикладные аспекты: на материале русской и немецкой лингвокультур. Красноярск, 2004. 196 с.
6. Саломов Ф. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 224 б.
7. Эсенбоев З. Таржима санъати, Адабиёт ва санъат нашриёти. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 178 б.



Shaxnozaxon KOMOLOVA,
O'zbekiston Milliy universiteti tayanch doktoranti
E-mail: komolova-shahnoza@mail.ru

Professor, f. f. n. Sh. S. Imyaminovning taqrizi asosida

STUDY OF PAREMIOLOGY IN UZBEK AND GERMAN LANGUAGES

Annotation

The article provides a comparative analysis of paremia in the Uzbek and German languages and the history of their occurrence and stages of development. Proverbs and sayings, which are a small genre of folklore, were collected by scientists and compiled into a collection. The features of proverbs in the German and Uzbek languages and the general similarity in both languages are studied, the necessary recommendations are given.

Key words: Aremis, proverbs and sayings, paremiological dictionary, wise sayings, aphorisms, structural-semantic classification, figurative meaning.

ИЗУЧЕНИЕ ПАРЕМИОЛОГИИ В УЗБЕКСКОМ И НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация

В статье проводится сравнительный анализ паремий в узбекском и немецком языках, история их возникновения и этапы развития. Пословицы и поговорки, представляющие собой небольшой жанр фольклора, были собраны учеными и составлены в сборник. Изучаются особенности паремий в немецком и узбекском языках и общее сходство в обоих языках, даются необходимые рекомендации.

Ключевые слова: Паремы, пословицы и поговорки, паремиологический словарь, мудрые изречения, афоризмы, структурно-семантическая классификация, переносное значение.

O'ZBEK VA NEMIS TILLARIDA PAREMIOLOGIANING O'RGANILISHI

Annotatsiya

Maqolada o'zbek va nemis tillaridagi paremiyalar va ularning yuzaga kelish tarixi, rivojlanib borish bosqichlari qiyosiy tarzda tahlil qilingan. Xalq og'zaki ijodining kichik janri hisoblangan maqol va matallar olimlar tomonidan yig'ilib, to'plam holatiga keltirilgan. Nemis va o'zbek tillaridagi paremiyalarning xususiyatlari hamda har ikki tildagi umumiy o'xshashliklari o'rganilgan, shu bilan birga kerakli tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: Paremiyalar, maqol va matallar, paremiologik lug'at, hikmatli so'z, aforizmlar, struktur va semantik tasnif, ko'chma ma'no.

Kirish. Xalq og'zaki ijodi bir necha turlarga bo'linadi. Maqol va matallar xalq og'zaki ijodining katta qismini tashkil etadi. Ularni xalq yaratadi. Shu sababli ularni xalq ijtimoiy va madaniy hayotining ensiklopediyasi deb atash mumkin. Maqollar nafaqat o'zida ifodalangan fikrning hikmatli, ma'noziligi bilan, balki hayotdagi turli-tuman vaziyatlarga ulardagi mazmunning mos kelishi bilan ham xarakterlanadi. Og'zaki tarzda avloddan-avlodga o'tib kelgan paremiyalar, ilk bor adabiyotshunoslikka oid manbalarda o'rganib kelingan. Keyinchalik olib borilgan ilmiy izlanishlar tildagi bu maxsus birliklar o'zida lingvomadaniy va soziomadaniy xususiyatlarni mujassam etishini ko'rsatib berdi. Shu sababli paremiyalar tilshunoslikning yangi paydo bo'lgan tarmoqlari bo'lmish lingvomadaniyatshunoslik, kognitiv tilshunoslik, soziolingvistika kabi yo'nalishlarida o'rganila boshlandi. XX asrning boshlariga kelib ushbu soha alohida fan sifatida shakllana boshladi va bu sohada qator ilmiy tadqiqotlar qilina boshlandi. Hozirgi kunda paremiologiya sohasida olib borilayotgan qiyosiy tarzdagi ilmiy tadqiqotlar alohida e'tiborli masala hisoblanadi. Ushbu olib borilayotgan tadqiqotlar orqali turli xalqlarning madaniyati va ijtimoiy hayotida ma'lum bir umumiylikni ko'rish mumkin. Buni turli xalqlarda mavjud paremiyalarning ko'pchiligidagi o'zaro o'xshashlik yaqqol ko'rsatib beradi. Masalan, yolg'on orqali yoki qing'ir yo'llar bilan ish bitirish kabi holatlarni oxiri yaxshilik bilan tugamasligi haqida ogohlantirish mazmunidagi paremalar turli tillarda turli jumalalar orqali ifodalaniladi. O'zbek tilida "Qing'ir ishning qiyig'i qirq yilda ham chiqadi" deyishsa, nemis xalqi "Mit der Lüge kommt man durch die ganze Welt, aber nicht wieder zurück yoki Mit Lügen kommt man selten

durch." deb aytishadi. Inglizlar esa „Murder will out“, ruslar "На лжи далеко не уедешь. Шила в мешке не утаишь" deyishadi. Mana shu paremalarning turli tillarda o'zgacha ifodalanishi ularning tashqi tomoni bo'lsa, ularning turli xil tillarda bir xil mazmunga ega ekanligi paremalarning ichki tomoni hisoblanadi. Turli xil tillardagi paremalarning bir xil ma'no anglatishidan shuni anglash mumkinki, tillari boshqa bo'lgan xalqlarning ijtimoiy turmush tarzida bog'liqlik mavjud. Biz buning sababini insonlarning tili, yashash sharoiti, urf-odatlar turli xil bo'lsa ham ularning histuyg'ulari bir-xil ekanligida deb bilamiz. Har bir xalq yolg'onchilik, dangasalik, ikkiyuzlamachilik kabi yomon illatlarni qoralaydi va insondagi ezgulik, rahmdillik, mehnat-sevarlik va boshqa yaxshi hislatlarni doim ulug'laydi. Xalq mana shu tuyg'ularini ixcham, sodda va tushunarli qilib paremalar orqali ifodalaydi.

Tilshunoslik tarixiga nazar tashlasak, paremalarni to'plash va ma'lum bir holatga keltirish ishlari ancha avval boshlanganiga guvoh bo'lamiz. M. Qoshg'ariy bundan ropparosa o'n asr avval xalqlarning o'g'itlari va hikmatlarini yig'ib, ulardan 400 ga yaqinini o'zining kitobiga kiritgan. Paremalarni to'plash ishlarini xronologik tarzda ko'rib chiqadigan bolsak, XIX asrga kelib, Gulxaniy ana shu davrning o'ziga xos xikmatli iboralarni yig'ib, „Zarbulmasal“ nomli kitob yaratdi. Ushbu asarida 200 ga yaqin hikmatli so'z va iboralar o'z aksini topgan. Vengeryalik olimi H. Vamberi ham maqollar to'plash bilan shug'ullangan va 1867 yilda Laypsig shahrida „Chig'atoy tili darsligi“ deb nomlangan to'plam nashr ettirgan. Ushbu lug'atida o'zbek xalq maqollaridan 112 tasi keltirib o'tilgan va nemis tiliga tarjima

qilingan. Sulaymon Rojij o'zining "Zarbulmasal" asarida 400 dan ortiq maqollar bilan ishlagan. 1895 yilda esa N. Ostroumov mingdan ortiq maqol va matallarni to'plab nashr qildiradi. N.P. Ostroumovning to'plamlarida sakkiz yuzdan oshiq maqollar keltirilgani izohlanib, bu nashrlarning turkiy xalqlar maqolini o'rganishdagi o'rni va ahamiyati tadqiq etildi. O'zbek folklorshunoslaridan H.Zarifov, T.Mirzaev, B.Sarimsoqov, B.Soatov, O.Madaevlarning tadqiqotlarida ham maqol va matallarning munosabati masalasiga to'xtalib o'tilgan [1]. Asta – sekin paremiyalar to'planib, kitob holida nashr etila boshlandi. Paremiyalarni to'plab, kitob holida chop ettirgan olimlardan B. Rahmonov, Sh. Rizaev, Sh. Jo'raev, O'. Azimov, H. Zarifov, B. Karimov, M. Afzalov, S. Ibrohimov, O'. Xolmatov, S.Xudoyberganov, Sh. Shomaqsudov, Sh. Shorahmedov, T. Mirzaev, B. Sarimsoqov, A. Musoqulov va boshqalarni misol qilib ko'rsatish mumkin. Olimlar paremiyalarni yig'ib, ularni to'plam holida chop ettirish bilan birga tilshunoslikning paremiologiya sohasi uchun kerakli ilmiy ma'lumotlar berdilar. M. Abdurahimov, X. Abdurahimov, M. Sodiqova, H. Karomatov, K. Karomatov, H. Berdiyev, R. Rasulov kabi olimlar shular jumlasidandir. Bundan tashqari o'zbek xalq maqollari va matallarining turli tillarga tarjima variantlari ham nashr qilindi. Olimlar nafaqat tilshunoslik sohasida, balki tarjimashunoslik yo'nalishi uchun ham kerakli manbalar yaratdilar. Bu borada Y. Chernyavskiy, N. Gatsunaev, V. Ro'zimatov, A. Naumovlarning mehnatlarini alohida ta'kidlab o'tish joiz. Ushbu to'plamlar tahlil qilinsa, materiallar asosan bir-birlarini takrorlashini guvohi bo'lamiz. Lekin bu to'plamlar o'zining xajmi, tuzilishi va tartibiga ko'ra bir-biridan farqli jihatlariga ega. M.Afzalov, S.Ibrohimov, S.Xudoyberganovlar tomonidan tayyorlangan to'plam 2500 dan ortiq maqollarni o'zida mujassamlashtirgan va ushbu maqol va matallar 34 ta mavzuga ajratilgan. R. Jumaniyozov tomonidan nashr qilingan to'plam esa 1047 maqolni o'z ichiga oladi va ular 22 mavzuga bo'lingan. B. Rahmonov nashr etgan to'plamga jami 564 maqol va matallarni kiritgan, Sh. Jo'raevning to'plamiga esa 711 maqol va matallar kiritilgan. Shu tariqa urinishlar natijasi o'laroq 1987—1988 yillarda o'zbek xalq maqollari to'planib, mukammal tayyorlandi. Ushbu to'plam ikki jildda nashr etilgan bo'lib, jami 13000 ga yaqin xalq maqol va matallarini o'z ichiga jamlagan.

O'zbek xalq maqolari va matallarini o'zida jamlagan paremiologik lug'atlardan biri H. Berdiyev, R. Rasulovlarning "O'zbek tilining paremiologik lug'ati" to'plamini tahlil qilishga harakat qildik. Ushbu paremiologik lug'at jami 8441 ta maqol, matal va aforizmlarni o'z ichiga oladi. Shu o'rinda maqol, matal va aforizm atamalariga izoh berib ketsak, orinli bo'ladi.

Maqollar – ixcham, lo'nda va o'tkir mazmunga ega hamda grammatik jihatdan tugallangan fikrni ifodalovchi, ham ko'chma ma'noda, ham o'z ma'nosida qo'llana oladigan hikmatli so'zlardir: Shamol bo'lmasa, daraxtning shoxi qimirlamas.

Matallar – grammatik jihatdan to'liq gap shakliga ega, ma'nosiga ko'ra tarbiyaviy ahamiyatga ega, pand-nasihatga yo'g'rilgan, maqoldan farqli o'laroq faqat o'z ma'nosida, ya'ni to'g'ri ma'noda qo'llanadigan, qisqa, ixcham xalq o'gitlaridir. Kattaga hurmatda bo'l, kichikka izzatda bo'l!

Aforizmlar – umumlashtirilgan fikrni ifodalovchi lo'nda, hikmatli iboralar [2]. Maqol va matal tipidagi ushbu paremalarning barchasi deyarli bir xil vazifani bajaradi. Ulardagi ifodalangan mazmun insonlardagi yaxshi fazilatlarini ulug'laydi, ezgulikka, xushyor bo'lishga chaqiradi. Yolg'onchilik, dangasalik va boshqa shu kabi yomon illatlardan qaytaradi. Shunday ekan, maqol, matal va aforizm kabi paremalarning inson kundalik hayotidagi o'ziga xos o'rni katta. Ularni bir-biridan ajratish mushkul bo'lsada, ammo ularning bir-biridan sezilarli farqli jihatlar mavjud. Maqollarning matallardan sezilarli farqi ular ham to'g'ri ma'noda, ham ko'chma ma'noda qo'llana olishidir. Masalan,

mushuk tekinga oftobga chiqmaydi maqolini tahlil qilsak, unda ikki xil ma'noni ko'rish mumkin: to'g'ri va ko'chma ma'no. To'g'ri ma'nosi mushukning oftobga chiqishidan muddaosi oftobda toblanish yoki isinish bo'lsa, ko'chma ma'noda esa, inson arzimagan xizmati yoki yumushi uchun birovdan nimadir ta'ma qilishiga nisbatan qo'llanadi. Matallarda esa bunday ko'chma ma'no tushunilmaydi. Masalan, yaxshidan ot qoladi, yomondan dod qoladi. Ushbu matalda anglashilgan ma'no to'gridan-to'g'ri tushuniladi. Ya'ni yaxshi va yomon insonlar jamiyatda o'zidan keyin xulqi, odobi, tarbiyasiga ko'ra yaxshi yoki yomon nom qoldirishi eslatib o'tiladi. Bunday matallar farzandlar tarbiyasi uchun ham juda ahamiyatli bo'lib, ularga eslatma beradi, ogohlantiradi va xulosa chiqarishga chaqiradi. Aforizmlarni esa o'z navbatida ikkiga bo'lish mumkin. Nutqiy aforizmlar va til aforizmlari. Aforizmlar asosan biror bir shaxsga tegishli hikmatli fikr bo'lib, ularning ayrimlari ommalashib til aforizmlariga aylanib ketadi. Ommalashmay qolganlari esa nutq aforizmi deyiladi. Bunga misol tariqasida quyidagi hikmatli iboralarini kiritish mumkin. Aytur so'zni ayt, aytmay so'zdin qayt. Bilmaganni so'rab o'rgangan – olim, orlanib so'ramagan – o'ziga zolim. Alisher Navoiyning ushbu hikmatli iboralarini hozirgi kunda bilmagan insonlar bo'lmasa kerak. Shu sababli ham bu aforizmlar allaqachon xalq ichida ommalashib til aforizmiga aylangan. Yana bir misol, odami ersang demagil odami, onikim yo'q xalq g'amidin g'ami kabi aforizmi esa u darajada ommalashmagan va nutq aforizmi shaklida qolgan.

Paremalar ma'lum bir davrning holatidan, xalqning turmush sharoitidan kelib chiqqan holda yuzaga keladi va u xalqning tilida birga yashaydi. Tahlil qilingan paremiologik lugatda keltirilgan maqol va matallarning 270 dan ziyodrog'i tarixiy paremalar ekanligi va ular ma'lum vaqt o'tishi bilan birga xalq turmush sharoitlariga moslashtirilganligi aniqlandi. Masalan, azobli qulni otning ustida it qopar [2] maqolining yuzaga kelish tarixi uzoq o'tmishga borib taqaladi. Tarixdan ma'lumki, o'tmishda quldorlik davri ma'lum bir muddat hukm surgan. O'sha davrda yashagan qullarning azobli va ayanchli holatlarini aks ettirish uchun ushbu maqol yuzaga kelgan deb o'ylaymiz. Vaqtlar o'tishi bilan quldorlik tizimiga ham barham berildi va asta sekin ushbu maqol sayqallanib, zamonga hamda insonlarning yashash tarziga muvofiq o'zgartirildi. Tabiatan insonlarning turmush tarzi va yashash sharoiti bir-biridan farq qiladi. Yashash sharoitidan kelib chiqib insonlarga boy, o'ziga to'q hamda kambag'al odam deya ta'rif beriladi. Yuqorida keltirilgan maqol keyinchalik Kambag'alni tuyaning ustida it qopadi tarzida o'zgartirilgan. Ilgari yashagan ajdodlarimizning, asosan, ko'pchiligi kambag'allikdan azob chekkan. Shu sababli xalq maqollarida kambag'allik, faqirlik va yo'qchilik kabi musibatlar turli xil maqol va matallarda o'z aksini topgan. Kambag'alni tuyaning ustida it qopadi maqoli ham majoziy ma'noga ega. Odatda it tuyaning ustida ketayotgan insonni qopa olmaydi. Lekin bu maqolda mubolag'a tarzida: "Kambag'alning peshonasi shu qadar sho'rki, tolei shu qadar pastki, unga yaqindagi falokat u yoqda tursin, yiroqdagi falokat ham kelib yopisha qoladi" demochi bo'lalilar [3]. Maqol va matallar qanchalik tarixiy bo'lmasin, baribir ular tildan umuman yoq bo'lib ketmaydi. Ulardagi ma'lum komponentlar o'zgarishi mumkin, lekin zamon va insonlarning sharoitiga moslashtirilgan holda xalq tilida yashayveradi. Bunday tarixiy maqol va matallar barcha tillarda mavjud. Xalqning bu kabi xazinalarini jamlab, kelgusi avlodlar uchun kitob holatida chop ettirishni olimlar o'z oldilariga maqsad qilishgan.

Maqol va matal tipidagi paremalar H. Berdiyev, R. Rasulovlarning paremiologik lug'atida struktur va semantik xususiyatlariga ko'ra tasniflangan. Tuzilishi va semantik jihatlariga ko'ra ham paremalar o'z navbatida bir necha turlarga bo'linadi. Paremalar struktur jihatidan sodda va murakkab paremalarga ajratilgan. Semantik jihatiga ko'ra,

ham o'z ma'nosida, ham ko'chma ma'noda qo'llanadigan, faqat o'z ma'nosida qo'llanadigan paremalarga ajratilgan. Paremalar turli tillarda ham o'ziga xos tarzda o'rganilib, turli xil tasnif qilingan. Nemis tilshunosligida paremalarni I.M. Zailer, F. Harsderffer, J. Shottelius, K.K. Nopicha va boshqalar o'z ilmiy tadqiqotlarida o'rganagan. I.M. Zeilerning "Ko'cha donoligi yoki nemis maqollarining ma'nosi va ruhiyati" ("Die Weisheit auf der Gasse oder Sinn und Geist deutscher Sprichwörter", 1810) nomli kitobi nemis tilidagi maqol va matallarning birinchi ilmiy tadqiqoti hisoblanadi. K.K. Nopich "Maqollar adabiyoti" ("Literatur der Sprichwörter, 1822") nomli kitobida 1820 yilgacha bo'lgan davrdagi nemis tilining paremiologik fondini bibliografik tarzda tasvirlab beradi. 1922 yilda Fridrix Zeilerning "Nemis tili paremiologiyasi" ("Deutsche Sprichwörterkunde", 1922 y.) nomli kitobi chop etildi. Bu ish bilan u nafaqat nemis tilining paremiologik boyligini ko'rsatib bermoqchi bo'ldi, balki paremiologik birliklarning struktur va semantik jihatdan tahlil qilib, ularning tilda paydo bo'lish manbalarini ham keltirib o'tadi. Paremiologiya sohasida olib borilgan tadqiqotlarning asosida, avvalo, xalq orasida yuzaga kelgan maqol va matallarni aniqlash, ularni tasniflash kabi masalalar turadi. Olib borilgan tadqiqotlarning amaliy natijasi sifatida paremiologik lug'atlar yaratiladi. Ko'plab nemis tili paremiologik lug'atlari orasida G. Shraderning to'plami alohida ahamiyatli. Uning birinchi nashri 1894 yili chop etilgan. Shunday paremiologik lug'atlardan yana biri Kryuger-Lorensenning 1960 yilda chop etilgan lug'atlaridir. Nemis olimlarining tadqiqotlarida maqol va matallar, asosan, frazeologizmlar

tarkibida keltirib o'tilgan. E.V. Rozen frazeologiya tarkibiga matallar, maqollar klassik adabiyot namunalaridan sitatalar, qanotli so'zlar kabilarni kiritadi. Lekin ayrim nemis olimlari, xususan, D.Xoyzermanning asarlarida maqollar va frazeologik birliklar orasida farqlar ko'rsatib o'tilgan. Z. Iskoz, A.Lenkoyalarning "Nemis tilining leksikologiyasi" kitobida frazeologik birikmalarni semantik tasnif va struktur – semantik tasniflarga ajratadi. Struktur – semantik xususiyatiga ko'ra frazeologik birikmalar juft so'zlar, qanotli so'zlar va maqollarga ajratiladi.

Maqollar tuzilishi va mazmun jihatidan boshqa frazeologik birikmalardan farq qiladi. Ular jumla ko'rinishida mavjud bo'lib, aniq bir fikrni ifodalaydi. Maqol va matallar grammatik jihatdan tugallandanda jumla hisoblanadi. Maqollar zamirida tavsiyalar va axloqiy ko'rsatmalar yotadi. Paremalar asosidagi tavsiyalar xalq tafakkurining umuminsoniy manbaidir. Har ikki tildagi paremiologiya sohasida olib borilgan ilmiy izlanishlar natijalari paremalaning semantik va struktur jihatlarini ko'proq yoritib berishga qaratilganligini ko'rsatadi. Ayni paytdagi va kelgusidagi tadqiqotlarda paremiyalarning funksional jihatalariga, yosh avlod tarbiyasidagi tutgan o'rniga va boshqa shu kabi jihatalariga ham alohida e'tibor qaratilishi maqsadga muvofiq deb o'ylaymiz. Demak, paremalarni o'rganish nemis va o'zbek tillarida bir necha asrlar avval boshlangan va, asosan, ular frazeologiya tarkibida o'rganib kelingan. XX asrga kelib paremiologiya alohida sohaga aylandi va bu sohani o'rganish ancha jadallashdi.

ADABIYOTLAR

1. Саримсоқов Б. Мақоллар / Ўзбек фольклори очерклари 3 томлик.1-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.89
2. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиялогик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 12-б.
3. Шамақсудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар маҳзани. "Ўзбек миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001. 168- б.
4. Алефиренко Н.Ф., Семенов Н.Н. Фразеология и паремиялогия: Уч. пос. для бакалаврского уровня филологического образования. М., 2009.
5. Боболардан қолган нақллар. (Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Жўраев ваУ.Сатторов). – Т.: Фан, 1998.
6. Байер Х. Немецкие пословицы и поговорки: сборник / Х. Байер, А. Бай-ер. – М.: Высшая школа, 1989 – 391 с.\
Даль, В.И. Пословицы русского народа. 2 тома / В.И. Даль. – М.: Белый город, Воскресный день, 2012
7. Даль В. И. Пословицы русского народа. М.: Азбука-Аттикус; Авалонь, 2012
8. Дандис А., 1978: О структуре пословицы, in Паремиялогический сборник: пословица, загадка (структура, смысл, текст). Москва
9. Deutsches Sprichwörter-Lexikon [Электронный ресурс]. URL: http://proverbs_de.deacademic.com
10. Шалагина В.К. Немецкий пословицы и поговорки / В.К. Шагалкина.-М.:Институт международных отношений, 1962.
11. Duden-Deutsches Universalwörterbuch: Das umfassende Bedeutungswörterbuch der deutschen Gegenwortsprache. Mannheim Bibliographisches Institut, 2011.



УДК: 398.22 (09)

Tuxtamurod KUCHKAROV,
O'zbekiston Milliy universitetining Jizzax filiali dotsenti
Baxtiyor TUYLANOV,
O'zbekiston Milliy universitetining Jizzax filiali o'qituvchisi
E-mail: murod0566@mail.ru

f.f.f.d.(PhD) M.A.Jo'rayev taqrizi asosida

“SHIROQ” RIVOYATI VA UNING TARIXIY-GENETIK ASOSLARI

Аннотация

Maqolada Shiroq haqidagi qadimiy epik syujet sak-massaget qabilalarining folklor an'analari doirasida shakllangan bo'lib, rivoyat va dostonlarda ajdodlarimizning o'z yurtini bosqinchi dushmanlardan himoya qilish maqsadida olib borgan mardonavor kurashi hamda ana shunday hayot-mamot janrlaridagi jasorati tasvirlangan. Antik davr tarixchilarining kitoblarida qadimgi sak va massaget eposining bir necha namunasi qoldiq holdagi epik bayonlari keltirilgan. Sak-massaget qabila birlashmasining yirik urug'laridan biri hisoblangan Shiroqlarning jasorati va qahramonliklari tasvirlangan “Shiroq” (yoki “Siraq”) rivoyati o'zbek folklorining arxaik qatlamiga mansub epik syujetlar sirasiga kirishi haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: Folklor, rivoyat, epik syujet, sak-massaget, skif, sirak, sarmat, aors, konflikt, Kanik, Jilbulok chashmasi.

ЛЕГЕНДА О “ШИРАКЕ” И ЕЕ ИСТОРИКО-ГЕНЕТИЧЕСКИ ОСНОВЫ.

Аннотация

Статья основана на древнем эпическом сюжете Ширика в фольклорных традициях сакско-массагетских племен. Книги древних историков содержат эпические описания остатков нескольких образцов древнего сакского и массагетского эпоса. Легенда о «Ширике» (или «Сираке»), описывающая мужество и героизм сираков, одного из крупнейших родов сак-массагетского племени, является одним из эпических сюжетов архаического пласта узбекского фольклора.

Ключевые слова: И фразы: фольклор, легенда, эпический сюжет, сак-массагет, скиф, сирак, сармат, аорс, конфликт, каник, родник Джилбулак.

THE LEGEND OF “SHIRAK” AND ITS HISTORICAL-GENETIC BASICS.

Annotation

The article is based on the ancient epic story of Shirak in the folklore traditions of the Sak-Massaget tribes. The books of ancient historians contain epic descriptions of the remnants of several examples of the ancient sak and massaget epic. The legend of “Shirak” (or “Siraq”), which depicts the courage and heroism of the Siraks, one of the largest clans of the Sak-Massaget tribe, is one of the epic plots of the archaic layer of Uzbek folklore.

Keywords: A nd phrases: folklore, legend, epic plot, sak-massaget, skif, sirak, sarmat, aors, conflict, Kanik, Jilbulak spring.

Kirish. Antik davr tarixchilarining kitoblarida qadimgi sak va massaget eposining bir necha namunasi qoldiq holdagi epik bayonlari keltirilgan. Masalan, “Ko'r qullar rivoyati”, “Doroning Skifiyaga yurishi”, “Skiflar ovi”, “To'maris”, “Skiflar qozoni” (Gerodot), “Shiroq” yoki “Sirak” (Polien), “Zarina va Striangey” (sitsiliyalik Diodor), “Amorg va Sparetta” (Ktesey) eposlari shular jumlasidandir. Jumladan, Poliennning “Harbiy hiylalar” kitobida keltirilgan “Shiroq” (yoki “Sirak”) rivoyati qadimgi saklarning vatanparvarlik, yurtsevarlik va ozod diyord uchun kurash g'oyasini o'zida mujassamlashtirgan qahramonlik eposining ixcham bayoni hisoblanadi. Ushbu rivoyatning qisqacha mazmuni quyidagicha: “Doro qo'shini bilan saklar o'rtasida urush bor edi. Saklar o'z yerlarini jon-jahdlari bilan himoya qilishar, ammo dushman qo'shini son jihatdan ko'p bo'lgani uchun ular qurshovga tushib qolishadi. Ana shunda sak qabilasi sardorlari Saksfar, Omarg va Tomiris maslahatga to'planadilar. Ular bu qiyin ahvoldan qanday xalos bo'lish haqida maslahatlashib turishganida davraga saklarning bir otboqar cho'poni Shiroq kirib keladi-da, sardorlarga yuzlanib: “Agar mening oilamga, bolalarimga g'amxo'rlik qilishga qasamyod etsangizlar, men el-yurtini Doro qo'shinining bosqinidan xalos qilardim”, – deydi. U Eron qo'shinini hiyla bilan halok etajagini aytadi va oilasiga, bolalariga, avlodiga g'amxo'rlik qilishga qasam ichdirib, shu va'dani olgach, o'sha zahotiyiq yonidan pichog'ini chiqarib, o'zining quloq-burnini kesadi, boshqa a'zolariga ham jarohat yetkazadi, so'ngra go'yoki saklardan

ozor chekib Eron qo'shini tomon qochib o'tgan kishi bo'lib, Doroning huzuriga keladi.

Shiroq ana shunday ahvoli xarob holda Doroning qarorgohiga borib arz qiladi va o'zini saklardan alamzada kishi qilib ko'rsatadi. “Meni shu ahvolga solganlardan o'ch olishim kerak, shuning uchun sizlarga yordam beraman”, deydi Shiroq. Shundan keyin u Eron qo'shinini saklar kutmagan yerdan olib borajagini, u yerda turib, sak qo'shiniga to'satdan hujum qilib, g'alaba qozonishlarini aytadi. Eron qo'shini bir haftalik oziq-ovqat olib yo'lga tushadi. Qo'shin uzoq yo'l yuradi. Oziq-ovqat tamom bo'ladi. Bir mahal ular tevarak-atrof qum barxanlaridan iborat jazirama sahrodan iborat cho'lning qoq o'rtasiga yetib boradilar. Ana shundagina Eron qo'shini aldanganini anglaydi. Eron sarkaridan biri Shiroqdan: “Shunday ulug' podshoni aldab, katta qo'shinni biror quduq bo'lmagan, biror qush uchmaydigan, biror jonivor ko'zga ko'rinmaydigan, na olg'a yurish, na ortga qaytish mumkin bo'lmaydigan sahroga boshlab kelishdan muroding nima edi?” – deb so'raydi. Shiroq esa mag'rur turib: “Men sizlarni yengdim! Bu bilan o'z hamyurtlarim hayotini saqlab qoldim, endi ana shu suvsiz sahroda Eron qo'shinini halok etaman”, – deb javob beradi. Buni eshitgan Ranosbat darhol Shiroqning boshini tanasidan judo qiladi. Bu orada dushman lashkarining ko'p qismi ochlik va suvsizlikdan tinkasi qurib, nobud bo'ladi. Buni ko'rib tashvishga tushgan Doro suv so'rab Apollonga iltijo qiladi, biroq vaqt o'tgach, yomg'ir yog'adi. Eron qo'shining qolgan-qutganlari arang Baqtriya daryosi (Amudaryo) sohiliga yetib oladilar” [1].

Qadimgi sak eposining yorqin namunalaridan biri hisoblangan “Shiroq” rivoyatida miloddan avvalgi VI-V asrlarda O’rta Osiyoda yuz bergan real tarixiy voqealarning epik talqini o’z ifodasini topgan. Rivoyatda oddiy otboqar Shiroqning o’z ona diyorining ozodligi va tinchligi yo’lida jonini fido qilganligi, o’zining mislsiz jasorati tufayli vatandoshlarini halokatdan saqlab qolganligi bayon etilgan. Tarixiy ma’lumotlarga qaraganda, miloddan avvalgi 520-485 yillarda ahmoniylar hukmdori Doro I o’zining tish-tirnog’igacha qurollangan son-sanoqsiz qo’shini bilan saklar o’lkasiga bostirib kirgan. Ko’chmanchi chorvadorlik, yarim o’troq va o’trok dehqonchilik bilan shug’ullanib kelgan sak qabilasining jasur yigitlari dushmanga qarshi mardonavor kurash olib borgan.

Poliennig “Harbiy hiylalar” asari orqali saqlanib qolgan qadimiy sak eposi namunasi – “Shiroq” rivoyati mohiyatiga ko’ra qahramonlik xarakteriga ega. Antik davr yozma manbasiga kiritilganligi tufayli unot bo’lib ketishdan saqlanib, bizgacha yetib kelgan bu rivoyatning syujet qurilishi “konflikt” (saklarning dushman qurshovida qolishi va urug’ sardorlarining maslahatga yig’ilishi) va “yechim” (otboqar Shiroqning dushman qo’shinini aldov yo’li bilan cho’lga olib chiqib, mag’lub qilishi) qismlaridan iboratligi bu asar qachonlardir saklar folklorida qahramonlik eposi sifatida keng ommalashganligini ko’rsatadi. Folklorshunos olim K.Imomov to’g’ri yozganidek, “To’maris”, “Shiroq” rivoyatlarning jangnoma tipini tashkil etgan. Har ikkisida tarixiylik to’laligicha saqlangan. Sabab shuki, mazkur rivoyatlar yuzaga kelgan davrdan uzoqlashmasdan, shakliy tuzilishi o’zgarimasdan, variantlashmasdan oldin yozib olingan. “To’maris” asosini bosqinchi Eron shohi Kayxusravga qarshi jang voqealari tashkil etadi. “To’maris”, “Shiroq”, “Zarina va Odatida” nomi bilan O’rta Osiyoda shuhrat topgan rivoyatlar jang, mardlik, qahramonlikni madh etuvchi alohida guruh sanaladi”[2].

“Shiroq” rivoyati syujetining yuzaga kelishiga saklar hayotida ro’y bergan real tarixiy voqelik asos bo’lgan. Chunki tarixiy manbalarda bayon etilishicha, Turonga bostirib kirgan Doro lashkari saklar, so’g’diylar va massagetlarning qattiq qarshiligiga duch kelgan. Ular mahalliy aholining kuchli irodasi va jasoratini sindira olmay, ortga chekinishga majbur bo’lishgan. Bunda, tabiiyki, Shiroq singari haqiqiy vatanparvar yigitlarning jasorati, mardonavor xatti-harakatlari muhim rol o’ynagan.

Rivoyatning asosiy qahramoni Shiroq bo’lib, u o’z yurtini tashqi dushmanlar hujumidan omon saqlash uchun jonini ham berishga tayyor turgan mard, bahodir o’g’lon, o’zining tadbirkorligi va aql-idroki bilan g’animlarni tuzoqqa tushirishga muvaffaq bo’lgan vatanparvar kishilarning umumlashma obrazi darajasida tasvirlanadi. Garchi rivoyat matnida bayon etilgan voqealar hayotiy uydirma asosida tasvirlangan bo’lsa-da, epik syujet real hayotiy voqelik asosiga qurilgan.

Nazarimizda, miloddan avvalgi VI-V – milodiy I asrlarda sak-massaget qabilalari birlashmasiga mansub etnoslar o’rtasida “Shiroq” rivoyati juda mashhur bo’lgan bo’lib, uning bayoni o’zaro madaniy aloqalar natijasida Orolbo’yi epik arealida ancha keng ommalashgan ko’rinadi. Chunki Abu Rayhon Beruniyning “Hindiston” asarida keltirilgan “Kanik” afsonasi [3] mazkur epik syujetning badiiy evolyusiyasi mahsuli hisoblanadi. Beruniyning hikoya qilishicha, “Kanovj rojasining Kanikka yuborgan hadyalari orasida ko’rkam, maqtashga arzigudek kiyim bo’lgan. Kanik undan kiyim tikishni xohlab, tikuvchiga tikishga buyursa, tikuvchi: “Unda odam qadamining izlari bor”, – deb tikishga rozilik bermaydi. Keyinchalik Kanik bilsaki, Kanovjning hokimi shu yo’l bilan uni xo’rlab, pastga urishga qasd qilgan ekan. Shu bahona bo’lib, ikki o’rtada janjal chiqadi va u katta urushga aylanib ketadi. O’zini tahqirlangan deb his etgan Kanik katta qo’shin to’plab, o’z askarlari bilan Kanovj hokimi

yerlariga hujum qiladi. Nima qilishini bilmay, hayron bo’lib qolgan Kanovaj vazirini maslahatga chaqiradi. Ana shunda tadbirkor va aqlli vazir Kanikni yengishni o’z zimmasiga oladi. O’zining quloq-burnini kestirib, qattiq sitam ko’rgan kishi bo’lib Kanikning oldiga boradi. U Kanovj hokimi zulm qilganini vaj qilib, Kanikka yordam berajagini ma’lum qiladi. Kanik rozi bo’lgach, u dushman lashkariga yo’l boshlab, ularni cho’lga olib ketadi. Sahroning o’rtasiga borgach esa: “Shuncha askarni bir o’zim yengdim!” – deb mag’rur qichqiradi. Askarlari suvsizlikdan nobud bo’layotganini ko’rib, g’azabi qaynagan Kanik bora solib, jahl bilan o’z nazarini o’sha joyning o’rtasiga sanchadi: nayza sanchilgan yerdan buloq suvi otilib chiqib boshlaydi. Buni ko’rgan vazir: “Men mo’jiza ko’rsatishdan ojiz bo’lganlarga qasd qilgan edim, ammo bu ishga qodir bo’lgan farishtalarga qasd qilganim yo’q”, – deydi.

Tarixiy ma’lumotlarga qaraganda, Kanik milodiy 78-123 yillarda istiqomat qilgan hind hukmdoridir. U haqiqiy afsona bilan saklar folkloriga mansub “Shiroq” rivoyati syujetining asosiy motivlari deyarli bir xil bo’lib, farqli jihatlar personajlar ismidadir. “Shiroq” rivoyatidan farqli ravishda “Kanik” afsonasida urush chiqishining sababi kiyim tikish voqeasiga bog’lanib, vatanparvar qahramonning shijoati va aql-zakovati tufayli sahroga doxil bo’lgan dushman lashkarining suvsizlikdan xalos bo’lishi yerga sanchilgan nayza o’rnidan suv chiqishi motivi orqali ifodalangan. Qayd qilish kerakki, “Kanik” rivoyatida nayza sanchilgan joydan suv chiqishi folklorning an’anaviy motivlaridan biri bo’lib, Xizr to’g’risidagi o’zbek xalq afsonalarida ham uchraydi. Masalan, “Jilbuloq chashmasi” afsonasida aytilishicha, bir kuni xo’jai Xizr buva qirq yamoq to’n kiygan bir qalandar qiyofasida Sarmish qishlog’iga to’yga boribdi. Odamlar uni gadoy gumon qilishib, to’yxonaga kiritmay quvadilar. Xizr buva qochib borayotib qarasalarki, quvg’inchilar yaqin kelib qolgan emish. Shunda u kishi hassalarini yerga bir suqib olgan ekanlar, o’sha joydan chashma paydo bo’libdi. Uning sersuvligidan dushman yo’li to’silib qolibdi. Xizr buva “shu buloq jildirab oqib turib, bandalarning dardiga shifo bo’lsin!” – deb niyat qilgani uchun bu chashmaning nomi Jilbuloq bo’lib qolgan emish [4].

Bizningcha, Abu Rayhon Beruniyning “Hindiston” asarida keltirilgan “Kanik” afsonasi sak-massagetlar folklorida ommalashgan “Shiroq” afsonasi syujetining Xorazm vohasi og’zaki epik an’anasidagi badiiy evolyusiyasi bilan bog’liqdir. Chunki ulug’ olim o’zining “Hindiston” asarini yaratish jarayonida o’zi tug’ilib-o’sgan diyorning folklor materiallari, jumladan, tarixiy rivoyatlarning syujetlaridan ham foydalan-gan ko’rinadi. Har ikki asar syujetining motivlar tarki va mazmunidagi o’xshashlikning boisi ham ularning genetik ildizi mushtarakligida, degan fikrdamiz.

“Shiroq” rivoyati syujetining yetakchi motivlaridan biri – epik qahramonning o’z quloq-burnini kesib, jabrdiyda kishi sifatida o’zga yurt hoqoni huzuriga borishi va aldov yo’li bilan uni tuzoqqa tushirishi motivi o’zbek xalq eposida, xususan, “Yusuf bilan Ahmad” dostonida ham uchraydi. Dostonning atoqli xalq baxshisi Muhammadqul Jonmurod o’g’li Po’lkan variantida tasvirlanishicha, Go’zalshoh podsho chin-mochinlik Bobo Qambarga o’zining tushini yo’rdirgandan keyin Yusuf bilan Ahmadbek ikki taraf bo’lib qoladi. Bir kuni u o’z eliga qarab:

Eshitinglar, amaldorlar, so’zimni,
Mo’ysafid chol sarg’aytirdi yuzimni.
Yusufman Ahmadni bandi qip kelsang,
O’rdada berayin Gulnor qizimni.

Gap eshitdim, xafa bo’lgan vaqtimdi[r],
Taraflarim tomosha qip saxtimdi.
Ahmadman Yusufni bandi qip kelsang,
Xizmatiga beray yarim taxtimdi, –

deb murojaat qiladi. Shunda uning a'yonlaridan Mirza Mahmud degan kishi o'rta qib, bu xizmatni ado etishni o'z zimmasiga oladi. U kattagina qo'shin bilan Urganchga qarab yo'lga tushadi va lashkarini Polopon tog'ining etagiga yashirib qo'yib, o'zi Go'zalshohdan jabr-sitam ko'rgan kishi suratida Yusuf bilan Ahmadning huzuriga boradi. Eralixon podshoning maslahatiga ko'ra Yusuf bilan Ahmad bu kelgan mehmondan gap so'rganlarida, u Go'zalshohning zulmidan shikoyat qilib, o'z jonini qutqarish uchun bu yerga qochib kelganligini aytadi:

Go'zalshohga o'zim xazinachi bo'ldim.
G'aznalarni qaroqchiga urdirib,
Axtartib har qishloqni ko'rdirib,
Otu ovozangga keldim, Yusufjon,
Xizmatim qilgani keldim, Yusufjon.

Go'zalshohman mehrlarim tosh bo'lib,
Ovqat degan dasturxoniga chosh bo'lib,
G'aznalarni qaroqchiga urdirib,
Go'zalshohman o'la-o'lguncha g'ash bo'lib,
Shonu shavkatingga keldim, Yusufjon,
Xizmatkor bo'lgani keldim, Yusufjon.

Shu tariqa hammaning ishonchiga kirib olgan Mirza Mahmud kunlardan bir kuni ov bahonasida Yusuf bilan Ahmadni bog'lab, bandi qilib Misr eliga haydab ketadi [5].

Ko'rinadiki, "Yusuf bilan Ahmad" dostonidagi ayyor Mirza Mahmudning xatti-harakatlari, ikki bahodimi aldov yo'li bilan qo'lga tushirish uchun amalga oshirgan tadbiri – o'zini hukmdoridan jabr ko'rgan kishi qilib ko'rsatish orqali maqsadiga yetishishi Shiroq obrazini yodga tushiradi. Mohiyatiga ko'ra, "Shiroq" rivoyati ham, "Yusuf bilan Ahmad" dostoni ham jangnoma epos namunalari hisoblanadi. Bu esa epik an'ananing uzluksiz rivoji va takomillashib borishi jarayonida qadimgi sak eposida shakllangan "Shiroq" rivoyati syujetining motivlari o'zbek xalq jangnoma dostonlarining shakllanishida muhim rol o'ynaganligini ko'rsatadi.

Endi shu o'rinda Polien tomonidan hikoya qilingan qadimgi sak eposi namunasi "Shiroq" rivoyatida nomi qayd etilgan personaj nomi xususida to'xtalib o'tsak. Bizning fikrimizcha, rivoyatda epik qahramon nomi sifatida keltirilgan "shiroq" so'zi aslida atoqli ot bo'lmay, Doro qo'shinini tormor etgan qahramon mansub bo'lgan urug' nomi, ya'ni etnik atama bo'lishi kerak.

Yunon mualliflarining tarixiy-etnografik va jo'g'rofiy ma'lumotlariga asoslangan Yu.S.Gagloyti aorslar va siraklarni skiflar tarkibiga kiritadi [6]. Strabonning keltirishicha, "aors va siraklar Kavkaz tog'larining janubiy qismida istiqomat qiluvchi qabilalar bo'lib, chodirlarda yashaydilar va dehqonchilik bilan shug'ullanadilar"[7]. Boshqa bir o'rinda

esa "Undan narida – Meotida va kaspий dengizlari oralig'ida nabianlar, pankanlar, shuningdek, siraklar va aorslar yashashadi. Bu siraklar va aorslar o'z yurtidan quvg'in qilinganlar bo'lishi kerak, binobarin, aorslar siraklardan shimolroqda joylashishgan. Siraklar hukmdori Abeakning ikki mingta suvoriy lashkari (o'sha paytda Farnak Bosformi egallab turgan edi) bo'lgan[8]. Milodning 20-yilida o'zining "Geografiya" asariga oxirgi o'zgartishlarni kiritgan Strabonning yozishicha, sarmat qabilalari sirasiga mansub siraklar Orol dengizidan Kavkaz tog'lari etaklarigacha bo'lgan hududda yashaganlar[9]. Diodora Sitsiliyskning Bospor taxti uchun kurashgan sirak hukmdori Arifarn haqidagi hikoyasini tahlil qilgan V.P.Shilov sirak va aorslarning Kavkazoldi dashtlarida paydo bo'lish vaqtini xronologik jihatdan miloddan burungi IV asrning oxiri deb hisoblaydi[10].

Tarixiy manbalarning guvohlik berishicha, miloddan burungi 130-125 yillar oralig'ida aors va sirak qabilalari Sharqiy Yevropa hududiga ko'chib o'tishgan. Binobarin, sarmat qabilalarining Orol dengizidan to Dunaygacha bo'lgan hududga ko'chishi Baqtriyaga yuechji-toxarlarning kirib kelishi jarayoni bilan parallel ravishda kechgan[11].

Surxon vohasida istiqomat qiluvchi o'zbeklarning etnografiyasini o'rgangan B.X.Karmishevaning aniqlashicha, qo'ng'irotlarning tortuvchi shaxobchasi ichida siyroq urug'i ham bo'lgan[12]. Etnograf olim A.Malikov qo'ng'iroq qabilasi tarkibidagi "siyroq" urug'i miloddan burungi I asrlarga mansub yozma manbalarda ham qayd etilganligini yozadi[13]. Binobarin, qoraqalpoqlarning qo'ldovli, ashamayli va muyten urug'lari tarkibida "qara siyrak" shaxobchasi borligi etnograf olim L.S.Tolstova tomonidan aniqlangan[14]. "Siyroq" urug'i yirik sarmat qabilalaridan biri – siraklarning avlodlari deb qaraladi[15]. Siraklar miloddan burungi II – milodiy I asrlarda Azov va Kaspий dengizlari oralig'idagi hududda istiqomat qilishgan. Ular I asrdan keyin ana shu hududda mavqeyi ancha kuchayib ketgan alanlar tarkibiga singib ketishgan[16]. Sarmat qabilalari esa qadimgi Qangyuy aholisi tarkibiga mansub etnoslardan biri bo'lgan. Qo'ng'iroq qabilasi tarkibidagi tortuvchi urug'ining qadimgi ajdodlari kelib chiqishi jihatidan qangyuyarlarga aloqadorligi ma'lum. "Siyroq" ham tortuvchi urug'ining shaxobchasidan biri ekanligi ham bu urug'ning genetik ildizlari sarmat-qangyuyarlarga bog'lanishini tasdiqlaydi.

Bizning fikrimizcha, sirak qadimgi sak-massaget qabilalari birlashmasi tarkibiga kirgan urug'lardan birining nomi bo'lgan. Sak qabilalari (shu jumladan, siraklar ham) esa o'zbek xalqining qadimgi ajdodlari sirasiga kirganligi uchun o'zbek etnonimlari orasida "siyroq" atamasi saqlanib qolgan. Binobarin, sak-massaget qabila birlashmasining yirik urug'laridan biri hisoblangan siraklarning jasorati va qahramonliklari tasvirlangan "Shiroq" (yoki "Sirak") rivoyati o'zbek folklorining arxaiк qatlamiga mansub epik syujetlar sirasiga kiradi.

ADABIYOTLAR

1. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.49; Бойназаров Ф. Ўрта Осиёнинг антик даври. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – Б.128-129.
2. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.
3. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 2-том. Ҳиндистон. – Тошкент: Фан, 1965. – 311-313-бетлар.
4. Ипак йўли афсоналари (жой номлари билан боғлиқ афсоналар). Тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.87.
5. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 2-жилд. "Юсуф билан Аҳмад" дostonи (Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғли варианты). Нашрга тайёрловчи: М.Жўраев. Масъул муҳаррир: Э.Очилов. – Тошкент: Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.
6. Гаглойти Ю.С. Аланы и вопросы этногенеза осетин. – Тбилиси, 1966. – С.95.
7. Страбон. География. – М., 1991. – С.177.
8. Ўша манба. – Б.193.
9. Страбон. География. – М., 1993. – С.259, 283-284.
10. Шиллов В.А. Аорсы (историко-культурный очерк) // История и культура сарматов. – Саратов, 1983. – С.36.
11. Гутнов Ф.Х. Ранние аланы. Проблемы этносоциальной истории – Владикавказ: Ир, 2001. – С.24.

12. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С.92.
13. Маликов А.М. К.Вопросу о происхождении кунградцев // Вестник Каракалпакского филиала АН РУз. – Нукус, 2008. – №1(210). – С.63.
14. Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья. – М.: Наука, 1984. – С.187.
15. Толстова Л.С. Отголоски ранних этапов этногенеза народов Средней Азии в ее исторической ономастике // Ономастика Средней Азии. – М., 1978. – С.9=10.
16. Мошкова В.Г. Краткий очерк истории савромато-сарматских племен // Степи европейской части СССР в скифо-сарматское время. – М., 1989. – С.156-157.



УДК:494.375

Sabohat QAHHAROVA,
O'zbekiston Milliy universiteti tayanch doktoranti
sabohatqahhorova922@gmail.com

ToshDO'TAU professori, fil. f.d. Xolmanova Z. T. taqrizi asosida

SEMANTIC ANALYSIS OF THE VERB "WALK"

Annotation

In recent years, research in the field of Uzbek lexicology has been focused on semantic analysis in the study of verb phrases. Particularly, the semantic types and properties of the verb, its study on the basis of the semantic field, valency forms are reflected in existing scientific research. However, the semantic analysis of the verb "walk" in Uzbek linguistics has not been explored in detail. For this reason, this article presents analytical reviews about the semantics of the verb "to walk".

Key words: Semantics, lexical units, lexemes, phrases, paraphrases, archetypes, morphosemantic words, ontological dictionaries, toponyms, paronyms.

СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ГЛАГОЛА «ХОДИТЬ»

Аннотация

В последние годы исследования в области узбекской лексикологии были сосредоточены на семантическом анализе при изучении глаголов. В частности, семантические типы и свойства глагола, его изучение на основе семантического поля, формы валентности находят отражение в существующих научных исследованиях. Однако семантический анализ глагола «ходить» в узбекской лингвистике детально не изучен. По этой причине в данной статье представлены аналитические отзывы о семантике глагола «ходить».

Ключевые слова: Семантика, лексические единицы, лексемы, словосочетания, парафразы, архетипы, морфосемантические слова, онтологические словари, топонимы, партонимы.

“YURMOQ” FE'LINING SEMANTIK TAHLILI

Annotatsiya

Keyingi yillarda o'zbek leksikologiyasiga oid izlanishlarda fe'l so'z turkumi tadqiqida semantik tahlillarga jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, fe'lning semantik turlari, xususiyatlari, uni semantik maydon asosida o'rganish, valentlik ko'rinishlari mavjud ilmiy tadqiqotlarda o'z aksini topdi. Ammo o'zbek tilshunosligida aynan “yurmoq” fe'lining semantik tahlili batafsil tadqiq etilmagan. Shu sabab mazkur maqolada izohli lug'atda qayd etilgan “yurmoq” fe'lining semalari xususida tahliliy fikr-mulohazalar berildi.

Kalit so'zlar: Semantika, lug'aviy birliklar, leksema, frazema, parafrasa, arxisema, morfosemantik so'z, ontologik lug'atlar, totonim, partonim.

Kirish. Tilshunoslikda fe'l so'z turkumi, uning ma'no turlari, yasalishi va grammatik kategoriyalari haqidagi muhim ma'lumotlar dastavval A.N.Kononov [1], A.M.Sherbak, A.G'.G'ulomov, A.P.Hojiev kabi taniqli olimlarning [2] ilmiy asoslangan asarlarida o'z ifodasini topgan va o'zbek tilshunosligida fe'l nazariyasi yuzasidan izlanishlarning rivojlanishiga turki bo'lgan. Shuningdek, fe'llarning ayrim semantik turlari (nutq, holat, yumush, sezish, yo'nalma, obyektli va obyektisiz harakat fe'llari), valentlik ko'rinishlari hamda ularning semantik xususiyatlari I.K.Qo'chqorto'ev, R.Rasulov, S.H.Muhamedova, M.K.Abuzalovalarning doktorlik [3] va O'.Sharipova, D.Abdullaeva, Z.U.Siddiqov, T.T.Musaev, G.A.Narimova, V.A.Karimjonova va boshqalarning nomzodlik ishlarida [4] tadqiq etilgan. Mana shularning o'ziyoq o'zbek tilshunosligida fe'llarning semantik tabiati qay darajada keng ko'lamda o'rganilganini ko'rishimiz mumkin. Biroq bu kabi ishlarda fe'lning lingvistik-semantik tabiati, xususan, nutqiy jarayonda eng faol hisoblangan harakat fe'li-“yurmoq” fe'lining atash semalari, uning boshqa so'zlar qurshovida anglashilgan hosila, vazifa semalari batafsil yoritilmagan. Shu vaqtga qadar fe'l turkumiga oid grammatik kategoriyalar, ma'no turlari haqida qat'iy bir fikrga kelinmaganligi ham fanni o'qitish jarayonida ba'zi qiyinchiliklarga sabab bo'lmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Turkiy tillardagi fe'llarning leksik-ma'noviy guruhlarini dastlab N.K.Dmitriyev belgilab chiqqan edi: nutq, sezgi, faoliyat, harakat fe'llari kabi [5]. Bu tasnif hozir ham

amalda qo'llanilmoqda. O'zbek sistem leksikologiyasining fe'l semantik guruhlarini, aniqrog'i, holat fe'llarini o'rganishda, ularning o'zaro sistem aloqalarini, ma'no boyligini tekshirishda R.Rasulovning tadqiqoti katta ahamiyatga ega [6]. O'zbek tilidagi harakat fe'llarini S.Muhamedova obyektli va obyektisiz harakat fe'llariga ajratib tadqiq etadi [7]. Obyektli harakat fe'llarini uchta (natijali ijroni bildiruvchi fe'llar, natijasi mavhum bo'lgan ijroni ifodalovchi fe'llar, og'iz bo'shlig'idagi harakatlarni ifodalovchi fe'llar) guruhga ajaratadi. Obyektisiz harakat fe'llarining esa oltita (gorizontal, vertikal, aylanma, tebranma harakatni ifodalovchi fe'llar, nafas va tovush chiqarish hamda og'iz bo'shlig'idagi harakatni ifodalovchi fe'llar) ma'noviy guruhlarini borligini qayd etadi.

K.Xoliqov tomonidan fe'llarning bir necha ma'noviy guruhlarini ajratilib: “Hali ilmiy tadqiqotga mansub qator fe'l razryadlari mavjud, shuningdek, fe'llarning leksik-semantik tasnifi, ularning o'ziga xos grammatik xususiyatlari atroficha o'rganilishi zarur” degan fikr o'rtaga tashlangan [8].

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Bugungi kunda o'zbek tilshunosligi hamda kompyuter lingvistikasi oldida turgan muhim vazifalardan biri bu lug'aviy birliklarning lingvistik-leksikografik bazasini yaratish masalasidir. Buning uchun, avvalo, o'zbek tilidagi har bir so'zning, jumladan, mazkur ishda aynan “yurmoq” fe'lining leksik-semantik guruhlarini, ulardagi sinonim, antonim, omonim, partonim, gipo-giperonimik munosabatlarni tadqiqotimizning metodologiyasi sifatida keltirishimiz maqsadga muvofiqdir. Bu xususda M. Abjalova maqolasida o'zbek tilshunosligida

lingvistik baza yaratishda quyidagi tamoyillarga asoslanish zarurligini ta'kidlaydi:

- so'zlar so'z turkumlarga ajratilgan bo'lishi;
- turkumlarning o'zi ham grammatik kategoriyalarga tasniflanishi;
- so'zlarning izohi kiritilishi;
- munosabatga kirisha oladigan so'zlarning birikmali va gap holatidagi bazasi yaratilishi;
- har bir so'z konseptual-semantik jihatdan guruhlariga birlashtirilishi;
- sinonim, antonim, omonim so'zlarning elektron bazasi bo'lishi kerak (Abjalova, 2021).

Yuqorida keltirilgan vazifalar bajarilgandan so'ng harakat semali asosidagi bu kabi ma'lumotlar kompyuter dasturlari (tarjima, tahrir) kabilar uchun lingvistik ta'min (tezaurus, ontologik lug'atlar) yaratishga xizmat qiladi. Shuni muhimki, o'zbek tilidagi harakat fe'llarini tahlil qilish orqali yaratilgan bu lingvistik ta'min asosida kompyuter dasturi ishlab chiqilgan bo'lib, u sanoqli daqiqalarda quyidagi ishlarni amalga oshirish imkoniyatiga ega:

- o'zbek tilidagi fe'llarning imlosini tekshiradi;
- harakat fe'llarining barcha tuslanishli shakllarini o'zbek tilidan ingliz tilidagi tarjima qiladi;
- harakat fe'llarini grammatik va semantik jihatdan tahlil qiladi;
- harakat fe'llarining valentligini va sintaktik qurshovini ko'rsatib beradi [9].

Tahlil va natijalar (Analysis and results). O'zbek tilshunosligida o'zida, asosan, harakat, aniqrog'i, yurish harakati semasini ifoda etuvchi lug'aviy birliklarga: yurmoq, qadam tashlamoq, odimlamoq, lapanglamoq, yo'rg'alamoq,

pildiramoq, gandaraklamoq, do'konglamoq, tentiramoq, sudralmoq, emaklamoq, yugurmoq, bormoq, kelmoq, ketmoq, tark etmoq, jo'namoq, quvmoq, haydamoq, qaytmoq, kirmoq, chiqmoq, oqmoq, suzmoq, sayr qilmoq, sayohat qilmoq, kezmooq, aylanmoq, olib kelmoq, olib ketmoq, olib bormoq, olib qochmoq, bosmoq, bosib olmoq, istilo qilmoq, bosib o'tmoq, qatnamoq, ergashmoq, o'tmoq, uchmoq, yelmoq, qatnamoq; boshini olib chiqib ketmoq, boshi og'gan tomonga ketmoq kabi fe'llar kiradi.

Yuqorida keltirilgan ba'zi fe'llar o'zbek tilshunoslari tomonidan oyoq bilan bog'liq harakatni ifodalovchi fe'llar [10] deb ataladi. Oyoq harakati, asosan, "yurmoq" fe'li bilan beriladi. Chunki yurish haqida gap ketganda ongimizda oyoq harakati bilan bog'liq ma'lum bir faoliyat, jarayon haqidagi axborot hosil bo'ladi, Shuning uchun "oyoq" so'zi "yurmoq" leksemasining atash semasi bilan muqim bog'lana oladigan valentligi hamdir. Mazkur fe'lni nutqda ishlatganimizda ham dastavval ongimizda uning arxisemasi bilan sintagmatik munosabatga kirisha oladigan asosan uchta leksema gavdalanadi: Mashinada yoki velosipedda (nimada?) yurmoq; ko'chada, dalada... (qayerda?) yurmoq; yayov, piyoda... (qay holda?) yurmoq kabi.

Ba'zan nutqiy jarayonda oyoq harakati umuman voqelanmasa-da, bir joydan boshqa joyga harakat qilmoq [12], jilmoq, bormoq, ketmoq kabi arxisemalarini o'zida ifoda etuvchi "yurmoq" leksemasi qo'llaniladi. Masalan, "O'zbek tilining izohli lug'ati" (2008) da yurmoq fe'lining 15 ta atash [13], ifoda semalari izohlangan bo'lib, shulardan 7 tasida oyoq bilan bog'liq harakatlar o'z ifodasini topganligini ko'rishimiz mumkin:

	"Yurmoq" fe'lining ma'nolari	Oyoq harakati mavjud	Oyoq harakati mavjud emas
1	Qadam tashlab olg'a bosmoq, qadamlab jilmoq; tez yurmoq	+ (insonning oyog'i bilan bog'liq harakati)	
2	Ma'lum yo'nalishda harakat qilmoq, bir joydan boshqa joyga jilmoq, bormoq yoki ketmoq (asosan transport vositasi haqida): mashina chap tomonga yurdi		- (transport harakati)
3	Umuman, bir joydan jilmoq, siljimoq (suzmoq, sudralmoq, o'rmalamoq va shu kabilar): Hovuzchada o'ntacha baliq yuribdi		- (butun tana, gavda harakati)
4	Kezish, aylanish, sayohat va shu kabilarda bo'lmoq: Shaharma-shahar yurmoq	+ (insonning sayr etish faoliyati)	
5	Hayot kechirmoq, yashamoq: ruslar orasida yurib, til o'rgandim.	+ (insonning yashash faoliyati)	
6	Ish-faoliyat va shu kabilarda birga bo'lmoq: nodon bilan yurma, nomusingni bukma. (maqol)	+ (insonning birgalikdagi faoliyati)	
7	Qatnamoq: markazdan qishlog'imizga avtobus yuradi		- (transportning muntazam harakati)
8	Davom etmoq (o'zi birikib kelgan so'z bildirgan holatda). Siz shu yo'sinda yura bersangiz, erta-indin o'g'ildan ajralasiz. (A. Qodiriy, "O'tgan kunlar")		- (tarz, holatning davom etishi)
9	Shaxmat, qarta, domino kabi o'yinlarda o'z navbatida, navbati kelganda harakat qilmoq, o'ynamoq: piyodadan yurmoq		-(ma'lum bir o'yin turi)
10	Harakatga kelmoq, ishlab turmoq, ishlamoq (mexanizmlar haqida): soatim yaxshi yuryapti.		-(mexanizmlar harakati)
11	Suygan yor bilan vaqt o'tkazmoq, yaqin munosabatda bo'lmoq: ayt, qachondan buyon yurding..	+ (insonlarning o'zaro munosabati)	
12	Rozi bo'lmoq, ko'nmoq, unamoq; u birovning aytganiga yuradigan odammas.		- (itoat qilish semasi)
13	Yoyilib ketmoq, yoyilmoq; tarqalmoq (gap-so'z, xabar haqida). El og'zida yurgan mish-		- (ma'lumotning tarqalishi)

	mishlar		
14	-(i)b qo'shimchali ravishdoshga birikib, harakatning davomiyligini bildiradi. Tomosha qilib yurmoq	+ (davomiy ish-harakat)	
15	Biror tomonga jo'nash, ketishga undash mayli shaklida keladi. Yur, kech qolamiz	+ (buyruq ohangida)	

Demak, "yurish" fe'li semalari bu aynan oyoq bilan bog'liq harakatni ifodalovchi semema emas, balki ular o'zaro partonimik, ya'ni butun- bo'lak munosabatidagi paradigmalari sanaladi. Bunda "yurish" fe'li semalari- butun (totonim), oyoq bilan bog'liq harakatni ifodalovchi fe'llar esa bo'lak

(partonim) hisoblanadi. Yuqorida berilgan jadvaldagi 2-, 3-, 7-, 8-, 9-, 10-, 12-, 13-ustunlarda berilgan misollarda bevosita oyoq harakati mavjud emas. Buni quyidagicha izohlash mumkin:

	"Yurish" fe'li semalari	"Yurish" fe'lining qo'lanish o'rinlari
1	Oyoq bilan bog'liq harakatni ifodalovchi fe'llar	1,4, 5, 6, 11, 14, 15
2	Butun tana, gavda bilan bog'liq harakatni ifodalovchi fe'llar	3
3	"Yurmoq" so'zi bilan bog'lana oladigan transportlar (mashina, avtobus, poyezd, metro kabilar), mexanizmlar (masalan, soat) harakati	2, 7, 10
4.	Turli xil semalar	8, 9 12, 13

"O'zbek tilining izohli lug'ati"da "yurishmoq" fe'li aynan "yurmoq" fe'lining birgalik nisbati shakli tarzida qaralib, "yurmoq" fe'lidan alohida so'zlik sifatida izohlanadi (2008). Ammo "yurishmoq" fe'lining tarkibida keltirilgan misollar mazmunida ham va unga qo'shib kelgan grammatik kategoriyalarda ham turli xillik kuzatiladi. E'tibor qaratadigan bo'lsak, bolalar hali ham ko'chada to'polon qilib yurishardi gapidagi "yurishardi" fe'li tarkibidagi -ish haqiqatan ham birgalik nisbati shakli, lekin ish yurishmasa, bulamiq dandon sindirar yoki bu ishda faqat mening omadim yurishmadi jumlarida "yurishmoq" fe'li tarkibidagi -ish qo'shimchasi fe'lining birgalik nisbati shakli vazifasida kelmagan, balki fe'l asosidan anglashilgan ifoda semaning mazmun-mohiyatini kuchaytirishga xizmat qilgan xolos.

Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, izohli lug'atda "yurmoq" fe'li yana "morfosemantik" (bir asosdan yasalgan) leksema bo'lib, ularni quyidagicha turkumlash mumkin:

- "yuramol", yurag'on" (yuramol/yurag'on ot), "yurishli" (yurishli ayg'ir) - sifat turkumiga;
- "yurish-turishi" (...yuris-turishlari Yo'lchiga tamom begona tuyuldi)- faoliyat-jarayon oti;
- "yurgizilmoq", "yurgizmoq" (traktorni yurgizmoq), "yuritmoq" (...juvozni yuritib, ... qichqirdi), "yurishmoq" (ular

ancho joygacha piyoda yurishdi) -nisbat shakllarini olgan fe'llar;

- "yo'liga yurmoq", "bosh ko'tarib yurmoq", "boshida tegirmon toshi yurgizmoq", "ko'z yurgizmoq" (Yo'lchi atrofga ko'z yurgizib, so'ng muloyimlik bilan javob berdi), "o'z so'ziga yurgizmoq" (...aldab-suldab, o'z yo'liga yurgizmoqda) kabi iboralari;

- "yurgiligi qolmadi"- qo'shma fe'l, chunki "yurgilik" leksemasi faqat "qolmadi" fe'li bilan birikkandagina yaxlit ma'noni ifodalaydi, ya'ni bu so'z nutqda yakka holda qo'llanmaydi: Oqtosh elda yurgiligim qolmadi.

Ammo izohli lug'atlarda faqat "yurgiligi" leksemasi izohi keltirilgan, hatto yuqorida keltirilgan so'zliklar (lug'aviy birliklar) tukumlararo ham izohlanmagan.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Lug'aviy birliklar semantikasini ishlab chiqishdan maqsad kompyuter tilshunosligi uchun o'zbek tilidagi so'zlarning ko'p tilli elektron, ontologik, tezaurus, Wordnet lug'atlar bazasini yaratishdir. Shu bois ushbu maqolada o'zbek tilida lug'aviy birliklarning, xususan, "yurmoq" fe'li semalarining kognitiv mohiyati, lingvistik ma'nolari tizimining leksikografik tasvirini ishlab chiqishga ilk fikr-mulozalarni tahliliy bayon qilishga harakat qilindi.

ADABIYOTLAR

1. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – Л.: СССР, 1960. – с. 187;
2. Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М. – Л.: СССР, 1962. – с. 151– 180; Гуломов А.Г. Фель. – Т.: Фан, 1954. – 88 б.; Ҳожиёв А.П. Фель. – Т.: Фан, 1973. – 192 б.
3. Кучкартаев И.К. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ). дисс. д-ра. филол. наук. – Т.: Фан, 1977. – 168 с.; Расулов Р. Глаголи состояния в узбекском языке и их валентность. автореф. дисс. ...д-ра. филол. наук. – Т., 1989. – 34 с.; Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат фельларининг семантикаси ва валентлиги. филол. фан. док. дисс. – Т., 2007. – 325 б.; Абузалова М.К. Субстанциал морфология, валентлик ва синтактик курилма. филол. фан. док. дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 32 б.
4. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М., 1976. – 354 с.; шур о. теория поля в лингвистике. – М., 1974. – 256 с.
5. Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. – М.-Л.; Изд. и 1-е тип. 1998, с.130- 156
6. Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат фельлари ва уларнинг облигатор валентликлари. Т., 1989, 141 бет.
7. Muxamedova S. Harakat fe'llari asosida kompyuter dasturlari uchun lingvistik ta'min yaratish (metodik qo'llanma). – Toshkent: TOSH DPU nashri, 2006. – B. 16-18.
8. Холиқов К. Ўзбек тилида ҳаракат йўналишини конкретлаштирувчи фельлар таснифига доир // ТошДУ илмий асарлар тўплами. 2-қисм. 501- сон. - Т., 1976. – Б.82-9. Abjalova M., Sharipov E. O'zbek tezaurus lug'ati uchun sifat turkumi bazasini yaratish masalasi // kompyuter lingvistikasi: muammolar, yechim, istiqbollar. Respublika ilmiy-texnikaviy konferensiya. Vol. 1 №. 01 (2021) 189-193-b
9. Содиқова М. Фель стилистикаси. -Тошкент: Фан, 1975. 57- б.
10. Sayfullayeva va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. (O'quv qo'llanma) Toshkent: Fan va texnologiya, 2009. 188-b
11. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лўғати. 1-жилд Тошкент: Университет, 2000. 187-б
12. Ўзбек тилининг изохли лўғати. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. 90-94-б



Абдуғафур ҚОСИМОВ,
ФарДУ профессори, филология фанлари доктори
E-mail. a_kasimovfardu0824

АнДУ профессори, филол.ф.д. Д.Қуроноф тақризи асосида

ON THE USE OF MYTHOLOGISMS IN WESTERN EUROPEAN ROMANTIC LITERATURE

Annotation

The article analyzes the features of mythology and the peculiarities of the use of mythological motifs in the literature of Western European romanticism on the example of the works of Hoffman, W. Gauf, H. K. Andersen.

Key words: Myth, mythology, romanticism, German romantics, Hoffman, V. Gauf, H.K. Andersen, E.M. Melitinsky, demyphologization.

ОБ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МИФОЛОГИЗМОВ В ЛИТЕРАТУРЕ ЗАПАДНОЕВРОПЕЙСКОГО РОМАНТИЗМА

Аннотация

В статье на примере произведений Гофмана, В.Гауфа, Г.К.Андерсена проанализированы особенности мифологизма и своеобразия использования мифологических мотивов в литературе западноевропейского романтизма.

Ключевые слова: Миф, мифология, романтизм, немецкие романтики, Гофман, В.Гауф, Г.К.Андерсен, Е.М.Мелитинский, демифологизация.

ҒАРБИЙ ЕВРОПА РОМАНТИЗМ АДАБИЁТИДА МИФОЛОГИЗМЛАРДАН ФойДАЛАНИШ ХУСУСИДА

Аннотация

Мақолада мифологизмнинг хусусиятлари ва Ғарбий Европа романтизм адабиётида мифологик мотивлардан фойдаланишдаги ўзига хосликлар Гофман, В.Гауф, Х.К.Андерсен асарлари мисолида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Миф, мифология, романтизм, немис романтиклари, Гофман, В.Гауф, Х.К.Андерсен, Е.М.Мелитинский, демифологизация.

Кириш. XXI аср жаҳон адабиёти поэтикасига мифологизм ҳодисасининг жадал кириб келиши алоҳида эстетик жараёнга айланди. Чунки кучли истеъдод эгалари янги даврнинг глобал муаммоларига ҳар тарафлама жавоб излай бошладилар. Инсонни турли тарафдан таҳлил қилишга киришдилар.

Демак, фольклоризм ва мифологизм асримиз адабиёти поэтикасининг энг муҳим категорияларидан бирига айланганлигини мураккаб моддий ва маънавий дунёни ёзувчилар томонидан турли тарзда таҳлил қилишга уринишлар билан изоҳлаш мумкин.

Адабиёт тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг барча даврларида ҳам мифология ва фольклоризмлар ўша муҳитнинг ижтимоий, маънавий муаммоларини акс эттиришнинг универсал воситаси бўлганлигининг гувоҳи бўламиз, шунинг учун ҳам бундай восита антик ва қадим Шарқ даврларидан буён санъат асарлари тузилиши учун зарур бўлган меъёр даражасига айланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги замон адабиётшунослигида кўпинча миф, афсона, эртак унсурларидан фойдаланиш умумийроқ тарзда мифологизмлар деб аталмоқда. Биз ҳам ана шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, асосан, юқоридаги терминдан фойдаланиш тўғри, деб ўйлаймиз. Чунки барча хайвонлар ҳақидаги ва сеҳрли эртакларнинг пайдо бўлиши ҳам асотирларга бориб тақалади. Е.Мелитинскийнинг фикрича, “асотирлар ҳам баъзан эртак, афсона ёки маҳаллий ривоятлар характерига эга бўлиши ва фақатгина маъбудлар ҳақида эмас, балки қахрамонлар, ҳатто тарихий прототипларига эга бўлган қахрамонлар ҳақида ҳам ҳикоя қилиши мумкин” [1]. Шу ўринда мифология тушунчаси ва унинг табиати ҳақида тўхташ лозим бўлади.

“Мифология (юнон. “Miphologia” - “сўз”, “ҳикоя”, ривоят”) халқона ёки диний фантазиянинг маҳсули бўлган ҳикоя (асотирлар) мажмуаси бўлиб, уларда табиатнинг

турли ҳодисалари бадий образ шаклида тушунтирилади ёки маданий ҳодиса ва диний маросимлар моҳияти англаб этилади, асосланади” [2]. Таниқли олим Е.М.Мелитинский таҳрири остида нашр этилган “Мифологик луғат”да эса миф ҳақида қуйидаги маълумотни ўқиймиз: “Миф деганда одатда маъбудлар, рудлар, илохийлаштирилган ёки келиб чиқиши маъбудлар билан боғлиқ бўлган қахрамонлар, ибтидода яшаб, оламнинг табиий ва маданий унсурларини яратишда бевосита ва билвосита иштирок этган дастлабки авлодлар ҳақидаги ривоятлар тушунилади [3].

Тадқиқот методологияси. XIX аср бошларида фалсафий эстетик категория сифатида Европада пайдо бўлган “мифологизм”, “миф яратувчилик” тушунчалари ўз тараққиёти натижасида назариядан бадий услуб даражасигача бўлган эволюцион йўлни босиб ўтди. Лекин ҳозирги давргача ҳам мутахассислар орасида асотир тушунчасининг талқини борасида маълум бир хулосага келинмаган. Шундан бўлса керак, XX асрнинг эллигинчи йилларида америкалик олим У.Дуглас “миф” терминининг тавсифи ҳақидаги тадқиқотида асотир атамасидан фойдаланувчи қанча олим бўлса, ушбу атаманинг ҳам ўшанча маъноси борлиги ҳақида фикр бил- дирган [4]. Турли даврларда яшаган ижодкорлар ҳам мифологизмдан турли мақсадларда фойдаланганлар.

Агар Ҳомер, Эсхил, Софокл, Еврипид ва бошда антик давр ижодкорлари мифологиядан биринчи манба сифатида фойдаланган бўлсалар, ўрта асрлар ва Уйғониш давридан бошлаб эса у ижодкорнинг орзу-ўйларини ифодалаш, жамиятдаги нуқсонларни кўрсатишда муҳим бадий поэтик воситага айланди. Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидан тортиб Низомий Ганжавий ва Алишер Навоийнинг “Хамса”ларида ҳам миф, ривоят, афсона ва эртак унсурларидан кенг миқёсда фойдаланилгани, бу соҳада Шарқ адабиёти ҳам ўзига хос анъаналарга эга эканлигидан далолат беради. Шарқ ва

Ғарб адабиётида мифологик унсурлардан фойдаланиш кенг камровли муаммо бўлиб, бу масалани Ғарбий Европа адабиёти тарихи мисолида таҳлил этиш билан чегараланамиз.

Фольклоризмнинг бадий ижодда қўлланилиши Европа Уйғониш адабиётида муҳим босқич бўлди. Данте, Рабле, Шекспир, Сервантес сингари буюк ижодкорларнинг асарларидаги мифологик сюжет ва образлар гуманистик ғояларнинг бадий талқинида асосий воситалардан саналади.

Ўрта асрлардан тортиб XX асргача бўлган даврдаги Ғарб адабиётига назар ташлайдиган бўлсак, унда мифологизмларга нисбатан турли даврда турлича муносабат, турлича ёндошиш бўлганлигига амин бўлишимиз мумкин.

Ўрта асрлардан бошлаб Европада антик давр ва босқинчи (варвар) халқлар мифологиясининг десакрализацияга (этиологизмдан халос бўлиши, асотирга хос ибтидо вақтини ноаник эртакка хос вақтга айланиши) учраши адабиётда христиан динига оид ривоятларга (диний ва поэтик жиҳатдан) эътиборни кучайтирган. Натижада хаёлий башорат, диний драма (мистерия, миракль) сингари ўрта аср адабиётининг асосий жанрларида “Инжил” ривоятлари ва авлиёларнинг мўъжизавий хаёт лавҳалари асосий поэтик воситага айланди. Бундай анъана Италия Ренессансга ўтиш даври адабиётининг йирик вакили Данте Алигьери (1265-1321) ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. У ўзининг “Илохий комедия”сида ўрта асрлар диний адабиётининг хаёлий башорат (“видение”) жанри анъаналаридан фойдаланиш билан бирга уларни янгича мазмун билан бойитди. Шоир бу билан чегараланмайди: асарга антик миф мотивлари олиб қирилади, Данте ўз дostonида қадим Рим шоири Вергилийнинг “Энеида” асари бош қаҳрамони Энейнинг марҳум отасини эърат қилмоқ учун Тартарга тушиши лавҳаларидан фойдаланган. Клерикал адабиётда фаришта, авлиёлар бажарадиган ишни Данте бошқа одамга юклайди. Шоирнинг “Дўзах” ва “Аъроф”га қилган саёҳатида мажусий шоир Вергилий йўлбошчилик қилади, ўрта асрлар “Илиада”си деб тан олинган бу дostonда муаллиф ўз замонаси воқелиги ва рухий хаётини фантастик буёқларда, реал ва мифологик дунё воқеаларининг ўзаро аралашиб келиши асосида тасвирлаган.

Жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши демифологизация (афсона, ривоятларга ишончининг сусайиши) жараёнининг чуқурлашуви сабаб бўлди. Натижада, мифлар бадий-эстетик белги (символ) сифатида турлича талқин этилишига Ғарб адабиётида кенг йўл очилди.

XVIII аср охирида Францияда бўлиб ўтган инқилоб (1789-1794) Европа ва бутун жаҳон халқлари кутган натижани бермади. Индилобнинг “Озодлик”, “Тенглик” сингари шиорлари хаётга тадбиқ этилмади. Бунинг натижасида нафақат француз, балки бошқа Европа халқлари адабиётида ёзувчи, шоирларнинг хаёлий дунёга мурожаат қилишлари кучайди. Бу борада романтиклар ижоди муҳим ўрин тутди.

Таҳлил ва натижалар. XIX асрга келиб романтиклар янги адабиётнинг биринчи “миф яратувчилари” бўлиб майдонга чиқдилар ва борлиқни акс эттиришининг фалсафий ва поэтик воситаларини уйғунлаштиришга уриндилар. Улар мифнинг юксак имкониятлари унинг маъносига эмас, балки тузилиши, реал оламни тасвирлашда қўлланилган образ ва ғояни бир-бирдан ажратиб бўлмайдиган синтетик услубида эканлигини англаб етдилар. Шунинг учун ҳам романтикларнинг бош мақсади тарихий ва замонавий ҳақиқатни аниқ ёритиш эмас, балки даврлар “таъсири”дан йироқ, адабий конфликтларни тасвирлаш бўлиб қолади. Натижада XIX аср Ғарбий Европа адабиётида инсон ва дунё ҳақидаги

ахлохий-фалсафий қарашларни ўзида мужассамлаштирувчи асотир, эртақ ва ҳикоят сингари бадий жанрлар яна долзарб бўлиб қолади.

Фольклор мотивларидан кенг миқёсда фойдаланишда немис романтикларининг хизматлари катта. Ҳали “юксак” ва “қуйи” жанрларга ажратилиш устивор бўлган XIX аср бошларидаги немис адабиётида улар эртақ ва халқ кўшиқлари бой фантазия, ҳақиқий поэзия ва табиий маънавий тарбия манбаи эканлигини ўз тадқиқот ва бадий асарлари билан исботлашиб, “қуйи жанр” деган тушунчага ўрин қолдирмадилар. (Ака-ука Гримм Гофман). Немис ва улардан сўнг Европанинг бошқа романтикларининг ҳаракатлари ҳамда ажрадий изланишлари натижасида адабий эртақ жанри юқори даражага кўтарилди. Улар фантастик сюжетлардан жамиятдаги кўплаб нуқсон ва зиддиятларни очиб беришда фойдаландилар. Масалан, Гофман (1776-1822) ижодига хос бўлган ранг-баранг, жозибадор хаёлот олами ва реал оламнинг тўқнашуви (айниқса, “Олтин хумча”, “Ценнобер” лақабли митти Цахес” асарларида) юмор, кино, гротескни келтириб чиқаради. Уларнинг уйғунлашуви эса пародоксал вазиятлар пайдо этади. Гофманга хос хусусиятлардан яна бири – қаҳрамонларнинг бир вақтда реал ва эртақ дунёсида яшашлари, бирдан иккинчисига кўчиб юришлари билан белгиланади. Буларнинг барчаси асосий мақсад - реал олам қарама-қаршилиқларини тасвирлашга йўналтирилган эди.

Яна бир немис романтиги В.Гауф (1802-1827) ижоди асосини ҳам эртақ ва новеллалар ташкил этади. Лекин ўзига хос жанр хусусиятларига қарамай, улардаги воқеалар жуғрофий ва топографик белгиларни талаб этмайдиган қандайдир сеҳрли муҳитларда содир бўлади. В.Гауфга хос бўлган ғайри - табиийликнинг оддийликка айланиши усули жаҳон адабиётида давом эттирилди ва янада такомиллаштирилди.

Немис романтизми асосчиларидан бўлган Новалис таъкидлайди: “Эртақ поэзиянинг бузилмас қондасидир. Барча поэтик нарсалар эртақка хос тарзда бўлмоғи лозим” [4], Ана шу тезиснинг амалда тадбиқ этилишини Людвиг Тик (1773-1853), Аделберт фон Шамиссо (1781-1838) сингари немис романтикларидан тортиб эртақ қироли деб ном чиқарган Ханс Кристиан Андерсен (1805-1875) асарларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Даниялик эртақчи ўз асарларида сеҳргарлар, парилар олами, ажойиб воқеалар ривожини сингари эртақка хос жиҳатлардан кўра ҳам кўпроқ инсон ва унинг табиати билан қизиқади. Ўз эртақларида халқ ижоди анъаналаридан унумли ва ўринли фойдаланади. Шу билан уларни фақат Андерсенга хос фантазия билан бойитади. Масалан, у жуда кўп асарларида халқ эртақларидаги баъзи бир қаҳрамонларга хос булган ижтимоий чегаралардан воз кечади. Андерсеннинг қирол ва қироличалари ўзларини оддий фуқаролардек тутишади. “Чақмоқтош”да қирол, қиролича ва барча сарой ахли биргаликда солдат истикомат қилувчи хоч белгиси қўйилган дарвозали уйни кидиришга чиқишади. “Чучкабоқар”да қиролнинг ўзи бечора шахзодани чўчка боқувчи қилиб ишга олади ва саройда эски туфлида юради. “Ёввойи ғозлар”даги малика сеҳрланган акаларини қутқариш учун тиканли чақар ўтдан ип эшиб қўйлақ тўқийди.

Хулоса ва таклифлар. Романтизм вакиллари ўзларининг бетакрор ижод намуналари билан фольклор ижодкор учун туганмас манба эканлигини яна бир бор исбот етдилар. Улар халқ афсона, кўшиқ, эртақларидан унумли фойдаланиш билан бирга уларга янгича мазмун, янгича руҳ олиб кирдилар ёки таниқли мифшунос Е.М.Мелетинский таъбири билан айтганда, “романтикларга мифология ёки квазимифологик фантастика, сирлилик, мўъжизавийлик муҳитини яратишга ёрдам беради” [5].

Farbii Evropa adabiyeti tarixiga nazar tashlaydigan b'lsak, reformatiya ta'siridagi XVII asr barokko adabiyeti, asosan, "Inжил" mavzu va motivlariga murojaat qilgan b'lsa, klassitsizm vaqillari burch va ehtiros masalasini echiqda k'prou antik davr mifologiyasidagi obrazlariga tayanqanlar. XVIII asr Farb adabiyeti esa, demifologik jaraenning boqlanish davri b'lib, bunda asosan eptak unsurларидан шартли fabula

sifatida fojidalanilgan. XIX asr realizm adabiyetida bu jaraen u'zining eng yuqori chuqqisiga kutarildi va deyarli mifologik motivlariga murojaat qilinmadi.

Romantizm adabiyeti vaqillari, xususan, E.T.A.Gofman u'z asarlarida esa poetik unsurлар eptakka hos tarzda b'lish kerakligi haqidagi тезисни амалда isbotlashga urinqanlar.

АДАБИЁТЛАР

1. Мелитинский Е.М. Поэтика мифа. -М.: Наука, 1976. -С.172.
2. Словарь литературоведческих терминов. -М.: Просвещение, 1974. -С. 190.
3. Мелитинский Е.М. Общее понятие мифа и мифологии. // Мифологический словарь. -М.: Сов. энциклопедия, 1991. -С.653.
4. Вейман Р. История литературы и мифологии. -М.: Прогресс, 1975.
5. Литературные манифесты западноевропейских романтиков. -М.: Московский университет, 1980.-С.98.
6. Мелитинский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976. -С. 286.



УДК:378.2

Гулбахор ҚУРБОНОВА,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси
G.mail: gulbahor8808@gmail.com

ЎзМУ Жиззах филиали доценти, ф.ф.ф.д. (PhD) Қўчқоров Т.О. тақризи асосида

NURALI KABUL'S ARTISTIC INTERPRETATION OF THE ANIMAL WORLD AND HUMAN RELATIONS

Annotation

The world was created in such a way that human is glorified by their intelligence and consciousness, which distinguishes him from other animals. Fiction also praises the intellectual potential of human, as well as the positive and negative effects of nature on humanity. This is the main theme of the story "Abyssal Sky" by the talented artist Nurali Kabul. This article analyzes how the story reflects the sacrifices of human beings for their own benefit. As proof of the author's opinion, the story is subjected to a comparative analysis with examples of literature from different nations.

Key words: Spiritual experience, child, conflict, friend, "White ship", "Mumu", animal, society, nature, honesty, savagery, kindness, rebellion, tragedy.

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОТНОШЕНИЯ ЧЕЛОВЕКА К ЖИВОТНОМУ МИРУ В ТВОРЧЕСТВЕ НУРАЛИ КАБУЛА

Аннотация

Человек величается своим разумом, интеллектом среди всего созданного в мире. Художественная литература берет себе задачу именно воспевать способности человечество, а также показывает доброе или отрицательное отношение человека к природе. Это проблема является главной идеей повести «Тубсиз осмон» современного талантливого узбекского писателя Нурали Кабул. В данной статье ведется слово о художественной интерпретации писателя, актуальности темы произведения, которое посвящается отношению человека к природе, где сюжет рассказывает о людях, убивающих животных дикой природы ради собственного же желания. А также анализируется правдивость и обоснованность точки зрения автора повести, в сопоставлении образцами произведений литератур других народов.

Ключевые слова: Психологическое переживание, ребенок, конфликт, друг, "Белый корабль", "Муму", животный мир, общество, природа, зверство, доброта, бунт, трагедия.

НУРАЛИ ҚОБУЛ ИЖОДИДА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ ВА ИНСОН МУНОСАБАТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Аннотация

Дунё яралибдики, унда инсон ўз ақл-заковати, онги билан бошқа ҳайвонот оламидан ажралиб туриши билан улуғланади. Бадий адабиёт ҳам инсонга табиатан берилган шундай имкониятни мадҳ этиш билан бирга, инсоният томонидан табиатга берилган, берилмаган ижобий ва салбий таъсириларни бот-бот кўрсатиб келмоқда. Истеъдодли ижодкор Нурали Қобулнинг "Тубсиз осмон" кассасида ҳам айнан ана шу мавзу бош ғоя қилиб олинган. Ушбу мақолада кассадаги инсонларнинг ўз манфаатлари йўлида жонзотларни қурбон қилиши ақс эттирилганлиги таҳлилга тортилган. Ёзувчи фикрининг исботи сифатида касса турли халқлар асарлари билан қиёсий таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Рухий кечинма, бола, зиддият, дўст, "Оқ кема", "Муму", ҳайвонот, жамият, табиат, ҳалоллик, ваҳшийлик, меҳр, исён, фожиа.

Кириш. Бадий адабиётнинг вазифаси инсон ва унинг ижтимоий муҳитда тутган ўрни, ахлоқий-маънавий олами, фаолияти кабиларни маълум бир категориялар орқали ўқувчига етказиб бериш. Бадий асар бирор ҳайвон, жонивор ёки ўт-ўланлар ҳақида бўладими, барибир унинг тағ замирида инсон характери, инсонга хос хусусиятларни очиб бериш ётади. "Зотан адабиётнинг ўзига хос хусусиятини белгиловчи бош мақсади ҳам инсоннинг турли хил руҳий кечинмалари, унинг маънавий олами, ҳаётда тутган ўрни ва орзу интилишларини тасвирлашдан иборатдир" [1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ёзувчи ҳаётда ўзи кўрган, билган, ҳис қилган нарсаларни қоғозга туширса, бундай асарлар ишончли чиқади. "Тубсиз осмон" кассасининг ҳам муваффақиятларга эришувига, йилнинг энг яхши асари мукофотига сазовор бўлишига ҳам эҳтимол, асар воқеаларининг ёзувчи ҳаётида содир бўлганлиги сабабдир. Қайси бир асарни ўқимайлик, унда ёзувчи қалбининг зарраларини кўрамиз. Абдулла Қаҳҳор хикоялари (масалан, "Бемор" хикояси), Зулфия шеърляти (масалан, "Хотирам синиклари" достони), Шукур Холмирзаев асарлари. Бу каби ижодкорлар қаторини узок давом эттириш мумкин. Бугунги кун китобхонларининг

севимли ёзувчиларидан бири Улуғбек Ҳамдам ҳам берган интервьюларининг бирида қатор хикоя, романларида ўзининг ҳаёти ва яқин кишиларининг тақдирлари асослигини, "ҳамиртуруш" бўлганлигини айтиб ўтган (масалан, "Мувозанат" романида). Нурали Қобул ҳам кўплаб асарларида ўзининг шахсий ҳаёти, оиласи, яқин қариндошлари, ўзи улғайган кишлоқ одамлари тақдир ҳақида ёзган. "Тубсиз осмон", "Кулон қудукқа қуласа", "Яшашга кечикма", "Бугдой пишиғига етмаганлар" каби кассалари шулар жумласидандир.

Таҳқиқот методологияси. "Тубсиз осмон" кассаси бола тилидан баён қилинади. Асар бола руҳияти, унинг дардли кечинмалари ва жамият (ташки муҳит)нинг бола руҳиятига таъсири натижасида келиб чиқадиган зиддиятлар асосига қурилган. Биргина боланинг ҳаёти орқали ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқишга эриша олганлиги ёзувчининг маҳоратидан далолат беради.

Асар "Мен отаримизнинг кўп йиллик кўрикчиси – кадрдон Бўйноғимнинг болалашини ҳар галгидек сабрсизлик билан қутардим" деб бошланади. Шу жумланинг ўзидаёқ болаларча бегуборлик, ҳайвонларга бўлган қизиқиш ва севиш туйғулари сезилиб турибди.

Асар қахрамонлари 7 ёшли Норбўта, отаси - Жўрабой, онаси-Норхол, синглиси-Мўтабар, эна, савхоз директори, чўпонлар-Ҳамро, Мамадазим.

Бола бола калби билан Бўйноқнинг болалашини сабрсизлик билан ва зўр қувонч билан кутарди. Бола учун қувончли бўлган бу ҳолат, она учун акси эди. “-Ҳе, туғмай туғқуз кет! Яна ҳаммаёқни босиб кетадиган бўлди! Неча марта айтдим сизга, шу қари қанжикни йўқотинг, деб! Усиз ҳам егим кўзиларни боқиш жонимга тегиб кетди!- деб нолирдилар аччиғи чиққан пайтларда аям дадамга”[2]. Онаси бу гапни Норбўтага эшиттирмай айтишга ҳаракат қилади. Боланинг ёнида Бўйноқни деярли жерқимайди ҳам. Лекин ночора боласи учун кадрдон дўстдек бўлиб қолган, унинг қувончига айланган хайвон ҳақида бир нима деёлмасам ҳам вазият, ўша даврдаги ижтимоий муҳит шуни-Бўйноқни, унинг энди туғилажак болаларини йўқотишга мажбур қилади.

Аҳоли гавжум яшайдиган қишлоқдан узокда, қир-адирлар бағрида чўпонлик қилиб кун кўрадиган бу оиланинг фарзанди, албатта, атрофда тенгқурлари бўлмаганлиги сабабли ит билан, кўзи билан, табиат билан дўст бўлиши табиий ҳол. “У билан қачон бунчалик кадрдон бўлиб қолганимни эслаёлмайман. Назаримда, эсимни таниб кўзимни очибманки, Бургуттепанинг ёнидаги кўтонимизда Бўйноқни кўргандайман. Шундан бери бир-биримизни кўрмасак туролмаймиз” [2]. Бола Бўйноқни қанчалар яхши кўрса, унга меҳр берса, Бўйноқ ҳам Норбўтага худди шундай илиқ муносабатда бўларди. У билан ўйнардир, ҳатто бола йиқилиб тушаётса юмшоқ тушсин деб тағига ўзини ташларди, бола тоққа чиқса унга ҳамроҳлик қилиб, уни кўриб борарди. Хуллас, ҳақиқий ажралмас дўстлар эди.

Норбўта билан Бўйноқнинг даврасига кейинчалик етим кўзи қўшилади: “Кейин бизга онасини Жийдалиннинг даштида жондор тортиб кетган, аям шишада сут берадиган, дадам дуч келган совликни ушлаб эмизадиган кўк етим кўзи қўшилди... Шу кундан бошлаб у доим орқамиздан эргашиб юрадиган, кун бўйи Бургуттепада ёки Тераклисойдаги каттақон оқ терак остида биз билан ўйнайдиган бўлди”. (2.184) Шундай қилиб дўстлар сафи кенгайди. Онанинг ташвиши эса кўпайди. Болаларига, итларга, етим кўзиларга қараш, уларни овқатлантириш керак. Шундоқ ҳам рўзгорни базўр тебратиб, наридан бери кун кўраётган она учун бу оғирлик қиларди. Шу сабабли она турмуш ўртоғига ҳеч бўлмаса яқинда болалайдиган Бўйноқдан қутилиш ҳақида тез-тез дийдиё қила бошлайди. Аслида Бўйноқнинг бу уйда қолишига онасининг ўзи сабабчи. Чунки Мамадазим чўпоннинг қўлида ишлаб юрган вақтда отаси кучукча олиб келади. Унинг ҳамма жойи қора бўйни оқ бўлгани учун онаси Бўйноқ деб ном беради. Отаси Мамадазим блан чиқишмай қолгач, унинг отаридан кетади. Ўша вақти “итнинг итини йўқот” деганда онаси итда нима айб, Норбўта унга жуда ўрганиб қолди деб олиб қолади.

Отаси-Жўрабой виждонли, оқкўнги, фақат уруш кўрганлиги сабаблари чўртқесар, ўз сўзида туриб оладиган, тезоброқ инсон. У Мамадазимдан бўшагандан кейин ўзи отар олишга аҳд қилади. Директор олдига борганида ўзини анча тарозига солган директор учинчисидан рози бўлади. “Олти юз сараланган тўқли бераман. Бу йил сенга кўзи режаси йўқ. Йигирмата яхши қўчқор топиб, ҳеч кимга билдирмай сурувга қўйиб юборасан. Тўқиллар семиз. Қочин пайтида кечалари ўрилган бедапоёга бир-икки ёйиб оласан. Фақат ҳеч ким сезмасин. Камида ярми кўзилайди. Кўзиларнинг ҳисоб-китобини фақат иккимиз қиламиз. Бу ҳақда кейин гаплашамиз” [2]. Жўрабой ҳозир бирдан “йўқ” деса отарни ололмаслигини ўйлаб, индамайди, ичида эса норозилик билдиради.

Ёзувчи “директор бово” мисолида кўплаб шу каби раҳбарларни назарда тутган, менимча. Халқнинг бойлиги, уларни оқилона бошқариш топширилган “директор бово”лар кўрсатиб берилган. Адиб қахрамоннинг ҳатти-ҳаракатини кўрсатиш орқали унинг маънавий дунёсини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Халқ молидан, халқ мулкидан оқилона фойдаланиб уни кўпайтириш, тўғри тақсимлашга ҳаракат қилиш ўрнига халқ мулкини талон-тарож қилиб, яширинча йўллар билан шахсий ўзлаштиришга уриниш очиб берилган. Шу ўринда бола тилидан айтилган ёзувчининг қуйидаги фикрларига эътибор қаратайлик: “Дадамнинг айтишларича, кўпчиликнинг ризкига кўз олайтирганнинг у дунё-ю бу дунёси обод бўлмасмиш”.

Жўрабойнинг характери эса директорнинг бутунлай акси. Ҳаттоки қўй-кўзиларнинг жунини олаётган вақтда хотини оқ кўзининг жунини пақирга солиб олиб кетган вақтидаги бир оғиз гапида ҳам бунинг исботини кўришимиз мумкин. “ Бор аянга айт! Жунни олиб келиб жойига қўйсин! – дедилар қаҳр билан. – Битта кўзининг жуни билан давлат бойиб қолаармиди? Ма, олиб бор шу матоҳини! Даданга давлат – уй, давлат – хотин, давлат – бола-чақа. Кошки, шунчалик жонини жабборга берганини биров билса! – Аям жаҳл билан челақни менга узатдилар” [2].

Норхолнинг гапларида ҳақиқат бор эди. Ўз меҳнати билан эмас, ўзгалар (Жўрабойга ўхшаганларнинг) меҳнати билан қорнини қаппайтирадиган, фарзандларини тўғри йўналтириб, тарбиялаб эмас, давлатнинг қўйларини сотиб пул билан олийгоҳларга киргизадиган раҳбарлар қандай қилиб Жўрабойларнинг кадрига етишсин. Ахир, уларда самимийлик, виждон, ватанпарварлик тушунчалари йўқку. Шуни билгани учун ҳам Норхол куярди “Икки йил чорвага яқинлашганларнинг тағида “Волга”си бор. Отанг эсини таниганидан бери қўй бокса ҳам, эски “патпат”и янги бўлмайди. Ҳайрият, ёмон бўлса ҳам Мамадазим ҳеч нима орага тушиб, шу “патпат”ни олиб берган эди. Бирор гап дегудай бўлсанг, “Қора нон бўлсам ҳалол ейман” дейди. Худди ҳамма ҳарому даданг ҳалол бу дунёда!- дердилар аям жиғибийрон бўлиб” [2].

Виждонан иш тутгани, ғиромлик қилмаслиги сабабли Жўрабойнинг бири икки бўлиши қийин-лашаётгандир. Лекин у фарзандларига, оиласига ҳалол лўқма егизади. Норхол ҳам етишмовчиликлар сабаб жиғибийрон бўлиб турса ҳам барибир эрини ҳурмат қилар, турмуш ўртоғи нима деса маъқуллаб жимгина ўтираверардилар.

Норбўтанинг синглиси Мўтабарнинг қисса давомидаги тасвирлари жуда ишонарли, жуда чиройли чиққан. Мўтабарнинг акасига бўлган муносабатларида, ота-онасига қилган хархашаларида ўз ёшлигингизни, беғубор болалик, инжиқ ва тозатабиат кизни кўрасиз. Бу ўринда ёзувчи ҳеч қандай муболаға қўлламаган, кизалоқ қандай бўлса шундайлигича тасвирлаган. Шунинг учун бу эпизодга меҳрингиз тушиб қолади. Ака-сингил муносабатлари ҳам бор бўйича самимий ёритилган: “- Кел Мўттижон, икковимиз ачом-ачом қилиб ётамиз- дедим.

-Ҳо-хо, керак эмас. Сен билан ётмайман, сен Бўйноқ билан ётгансан. Устинг харом бўлди, қўлларинг ҳам харом,- деди.

-Ҳм-м, дадам билан аям бор-да, бўлмаса ўша эчкининг думига ўхшаган сочларингни юлиб олардим!- дедим кўрпачанинг остидан муштимни кўрсатиб. У бўлса мени масҳара қилиб, оғзини қийшайтирди. Мен индамадим. Яна бирор нарса десам ҳамма гапни, Бўйноқ билан бирга ухлаганимни, бир косада овқат еганларимни дадамга чақиб беради. Бўйноқ билан бирга ухлаб ётганимни у икки марта кўрган. “ Дадамларга айтаман “, деганда чумчуқ ушлаб бериб алдаганман. Хуллас, Мўтти мен билан ўйнашдан кўра аямнинг орқасидан эргашиб,

гингирлаб юришни яхши кўради. Менинг ҳам у билан ўйнашга тоқатим йўқ. Билмай туртиб юборсанг ҳам бакириб йиғлайди. Қизиқ, бирор нарсани сўраганда бермасанг, худди калтак егандай уввос солиб йиғлайди” [2]. Мўтабар ҳақидаги фикримизни Норбўта айтган юқоридаги нарса билан якунламоқчимиз. Шу биргина парча орқали ёзувчининг Мўтабарни яратилган маҳорати кўриниб турибди. Ҳақиқий ўзбек кизалоғи.

Таҳлил ва натижалар. Нурали Қобулнинг “Тубсиз осмон” кассасини ўқиш давомида асар сюжетига ўхшаш Шукур Холмирзаевнинг “От эгаси”, Иван Тургеневнинг “Муму”, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асарлари ва улардаги қаҳрамонлар кўз олдингизда гавдаланади.

Тўғри, Шукур Холмирзаевнинг “От эгаси”, Иван Тургеневнинг “Муму” ҳикоялари якуни ўзгачароқ, ҳар иккисидан ҳам асар қаҳрамонлари ўзлари учун сеvimли бўлган ҳайвонларини ўзлари ўлдиришади. Лекин бу тўртта асарда ҳам ғоя бир – табиатни, ҳайвонларни севиш, ардоқлаш. Яна ўхшашликлари – Норбўтада ит, оқ терак ва етим кўзи бор. “Оқ кема”даги болакайда дурбин, портфел, тошлар бор. Инотда қабристон, кишлок ва оти бор, Герасимда аввал Татьяна, кейин кучукчаси бор. Инот ўз отини яхши кўргани учун бошқаларга бермаслик мақсадида отиб ўлдиради. Герасим эса кучукчасига бўлган меҳри сабабли, уни бошқага бермаслик учун чўктириб ўлдиради. “Тубсиз осмон” билан “Оқ кема”да эса ҳолат бошқача якун топади.

Азалдан “ҳақиқат қиёсда билинади” дейди халқимиз. Қиёсий таҳлилдан мақсад қиёсланувчи объектларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, улар орасидаги умумийликларни юзага чиқаришдир. Нурали Қобулнинг ёзувчилик маҳоратини кенгрок очиб бериш мақсадида “Тубсиз осмон” кассасини Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асари билан қиёслаймиз.

“Тубсиз осмон” бола тилидан ҳикоя қилинади. “Оқ кема” асарида ҳам кўплаб воқеалар муаллиф нутқидан ташқари бола тилидан ҳикоя қилинади. Норбўта ҳам, “Оқ кема” даги бола ҳам етти ёш.

“Ўша йили у етти ёшга тўлиб, саккизга қадам кўйганди” (3.3).

“Мен келаси йили саккизга кираман, Бўйноқ эса ўн олтига” (2.182).

Ҳар иккисининг ҳам дўстлари юқорида санаб ўтганимиздек, онгсиз мавжудотлар, ҳайвонлар, жонсиз нарса-буюмлар.

Норбўтанинг Бўйноқ, етим кўзи билан дўстлашиш жараёنларини юқорида кўриб ўтдик. У яшаётган муҳитда унга энг яқин бўладиганлари шу дўстлари эди. “Оқ кема” кассасидаги бола яшайдиган жой ҳам шунга ўхшаш: “Қоровулхонада бор-йўғи уч оила яшайди... Уч ҳовлида ёлғиз битта бола бўлиб, у ҳар сафар кўчма дўконни биринчи бўлиб кўрар эди” [3]. Қолган икки оиладан бири бефарзнад, иккинчисининг эса эмизикли қизчаси бор. Шу сабабли бола ёлғиз, жўраларсиз, мана шу нарсалар – дурбин, тошлар – “чўкиб ётган туя”, “бўри”, “эгар”, “танк” куршовида яшарди.

“Тубсиз осмон”да Норбўтанинг бунақа шароитда яшашига ота-онасининг тутган йўли, чорвачилик, пода бокиб кун кўриши, турмуш, тирикчилик қилиши сабаб бўлса, “Оқ кема”даги боланинг бундай шароитда яшашига ҳам ота-онаси сабабчи эди. Фарқи шундаки, Норбўтанинг ота-онаси биргаликда, ҳамжиҳатликда оила тебратиш, тирикчилик қилиш учун бу ерларда яшаётган бўлса, “Оқ кема”даги болакайнинг ота-онаси турмушнинг муштирага чидолмай оила деб аталмиш кўрғонни бузиб, иккиси ҳам ўзлари учун янги, яхши ҳаёт излаб кетганлиги сабабли, бола ёлғиз. Афсуски, “Оқ кема” қаҳрамони ота-онасиз, бобоси ва ўғай бувиси билан яшайди. Норбўта эса ота-

онаси, бувиси, синглиси билан бирга бахтли яшайди. Норбўтанинг Бўйноқ ити бўлса, боланинг Балтек ити бор.

Юқорида биз Норбўтанинг дўстлари сафи қандай кенгайганлиги ҳақида билдик. “Оқ кема”даги боланинг дўстлари сафи ҳам шундай кенгайиб боради. Боланинг портфелга айтган гаплари бор: “Мен ахир, дурбин билан ҳам худди шундай гаплашаман, энди биз учтамыз – мен, сен ва дурбин” [3]. Норбўта эса “мен, Бўйноқ, оқ терак, етим кўзи” дейди. Ҳар иккиси ҳам ўзининг дўстлари билан инсонлар билан гаплашгандай гаплашишади.

Норбўта билан боланинг машғулоти ҳам ўхшаш. Бири кўй-кўзиларини далага ҳайдайди, яна бири бузокни яйловга ҳайдайди. Асар воқеалари давомида ҳар иккала бола мактабга чиқади. Уларнинг энг сеvimли машғулоти ҳам ўхшаш: Норбўта Бўйноқ билан табиатни айланиб, ясама ёғоч милтиги билан табиатни кўриқлайди, “Оқ кема”даги бола эса дурбин ва портфелини олиб, оқ кемани кутади. Иккаласининг табиатга бўлган муносабати ҳам бир хил. Норбўта совхоз кўйларини қийнаганда (қон укол қилиб, туғишни кўпайтириб, насли бузганда, ҳали туғилмаган кўзичокларни она қорнидан ёриб олиб, ёқа ва шапка учун уларнинг терисини шилган, Қодирқулнинг қилмишларини кўрганда) осмонга тикилиб, фақат тубсиз осмонда бунақа разилликлар – ҳайвонларни, жониворларни қийнамаса керак деб, ёш бўлса ҳам инсонларнинг табиатга етказётган зиёндан афсус чекиб зорланади.

“Оқ кема”даги бола ҳам Ўразқулнинг қилмишларини кўрганда, бобоси ва холаси азобланган вақтларда балиққа айланиб, сувга тушишни ва оқ кема сари сузиб кетишни орзу қилади. Ҳар иккиси ҳам мовий чексизликларга узоқ тикилиб, бу дунёда бўлаётган жиноятлар, фақат шу мовий кенгликларда бўлмаслигига ишонади.

“Тубсиз осмон” кассасидаги Қодирқул носфуруш билан “Оқ кема”даги Ўразқул жуда ўхшаш образлар. Ҳар иккиси ҳам табиат неъматларини ўз манфаатлари учун қурбон қилишдан таб тортмайдиган қаҳрамонлар. Қодирқул қорин ғамида теракларнинг пўстини шилиб, нос тайёрлаб сотади, муқаддас ва шифобахш бўлган сувга оёқларини ботириб булғайди. Ўразқул ҳақида асардан парча келтириб, хулоса чиқаришимиз мумкин: “Ўразқулнинг кўнглини топсанг, қарабанки, дарахт кесиш таъқиқланган ўрмондан иккита-учта ёғочни тахлаб олиб кетасан-да” [3]. Кесиш мумкин бўлмаган қайрағочларни кесиш ҳам гапми, жониворларни ҳам кўнгилхушлик учун ов қилади.

Хулоса ва таклифлар. Боланинг яшаш муҳити қандай инсонлар, кимлар билан яшаш бола психологиясига таъсир кўрсатмай қолмайди. “Оқ кема”даги бола ота-онасиз улғайганлиги учун, бобосидан бошқа ҳеч кимга керак эмаслигини ҳис қилгани, ўғай бувисининг нолишларидан безор бўлганлиги учун ўз фикрларини ошкор айтолмайди. Мўмин чолга ўхшаб у ҳам исёнсиз яшайди. Норбўта эса болагини ҳис қилдирадиган муҳитда, ота-онаси, ҳамма нарсани эринмай тушунтирадиган бувиси, унинг хатлари ва чизган расмларини эътиборсиз қолдирмайдиган акасининг меҳрини ҳис қилиб яшайди. Шунинг учун ҳам у ўз фикрларини яқинларига айта олади. Хаттоки, инсонларнинг жониворларга бераётган зулмига қарши чиқиб, исён қила олади. Табиатни–теракарларни Қодирқулдан, кўзичокларни қассобдан қутқариш учун ҳаракат қилади.

Ҳар икки қиссани ўқиш давомида ўйлаб қоламан, баъзан ҳар нарсанинг чегараси бўлгани каби ҳайвонот оламига бўлган меҳрнинг ҳам чегараси бўлгани маъқулми, негаки, иккита болакай ҳам жониворларга бўлган меҳрмуҳаббати чексизлиги туфайли фожиали ўлим топди. “Тубсиз осмон”даги Норбўта Қоровузни қутқариш учун,

“Оқ кема”даги бола Шохдор Она бугидан айрилгани, яна уни ўз отаси отганлигини билиб, ҳаётнинг шавқатсизликларига чидалмай балиқ каби сузиб Оқ кемага етиш, балиққа айланиб қолиш орзуси туфайли сувга тушади, афсуски, у балиқ эмас эди, балиқ

бўлолмасди. Шу сабабли ўзи севган чексиз уммонга ғарк бўлди.

Бу қисса болалар, ўсмирлар ва қатта ёшдаги китобхонларга ҳам бирдек манзур бўла оладиган ўқимишли асардир.

АДАБИЁТЛАР

1. Дониёрова Ш. Ижодкор ва услуб. Т. “Турон замин зиё”. 2014. 104 б.
2. Қобул Нурали. Жоҳиллик ва қотиллик: қиссалар / Н.Қобул. –Тошкент: “IJOD-PRESS”, 2017. 240 б.
3. Айтматов Чингиз. Сомон йўли: қиссалар. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – 312 б.
4. Қозокбой Йўлдош. Очкич сўз [Матн] Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2019.
5. Қўшжонов М. Қиссанинг иккинчи ҳаёти // “Шарқ юлдузи”. -1971. №4. –В.23.
6. Норматов У. Етуклик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. –Б. 208.



Санжар МАВЛЯНОВ,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

E-mail: sanjarmavlyanov18@gmail.com

ТошДУТАУ профессори, ф.ф.д.С.Мухамедова тақризи асосида

**DIPLOMATIC ACTIVITY, THE LANGUAGE OF DIPLOMACY AND ITS TERMINOLOGICAL STRUCTURE
(DIPLOMATIC STYLE AS A SUB-STYLE OF OFFICIAL STYLE)**

Annotation

This article discusses the language of diplomacy, the diplomatic style, the concept of the language of international relations and the principles of its formation, the issue of diplomatic terms, which emerged within the official style after the independence of Uzbekistan.

Key words: Formal style, diplomatic terminology, diplomatic language, semantic field.

**ДИПЛОМАТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ, ЯЗЫК ДИПЛОМАТИИ И ЕГО ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКОЕ
УСТРОЙСТВО (ДИПЛОМАТИЧЕСКИЙ СТИЛЬ КАК ПОДСТИЛЬ ОФИЦИАЛЬНОГО СТИЛЯ)**

Аннотация

В данной статье рассматриваются язык дипломатии, дипломатический стиль, понятие языка международных отношений и принципы его формирования, вопрос о дипломатических терминах, возникших в рамках официального стиля после обретения Узбекистаном независимости.

Ключевые слова: Формальный стиль, дипломатическая терминология, дипломатический язык, семантическое поле.

**ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ, ДИПЛОМАТИЯ ТИЛИ ВА УНИНГ ТЕРМИНОЛОГИК ТАРКИБИ
(ДИПЛОМАТИК УСЛУБ РАСМИЙ УСЛУБНИНГ ҚУЙИ УСЛУБИ СИФАТИДА)**

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон давлатининг мустақилликка еришганидан сўнг расмий услуб доирасида пайдо бўлган дипломатия тили, дипломатик услуб, халқаро алоқалар тили тушунчаси ва унинг ўзига хос шаклланиш тамойиллари, дипломатик терминлар масаласи муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: Расмий услуб, дипломатик терминология, дипломатия тили, семантик майдон.

Кириш. Ҳар бир мамлакат ўз мустақиллигига еришар экан ҳар жабҳада мустақил фаолият олиб боришга интилади. Бунда еса бошқа республика ва мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Истиқлолга еришган мамлакат ўз ҳудуди ва ўз ҳудудидан ташқарисида самарали фаолият олиб бориш учун мамлакат ичида ҳамда ҳамкорлик асосида давлат ташқарисида турли тузилма ва ташкилотларнинг фаолиятини йўлга қўйишга ҳаракат қилади. Бу ишларни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳуқуқий асос ва меъёрлар мукамал бўлиши, стратегияни белгилаб олиш катта аҳамият касб этади. Мустақил ўзбекистон ҳам ўз эркинлигини қўлга киритгач, ҳар жабҳада эркин фаолиятни йўлга қўйишга интилди ва бунини муваффақиятли даражада уддалади десак муболаға бўлмайди. Истиқлолнинг илк йилларида миллатнинг зиёли ва халқпарвар кишилари томонидан мамлакатнинг тараққиёт йўли белгиланиб, халқ манфатлари, инсон ҳуқуқлари устворлиги меъзонлари асосида қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилиниб, республиканинг ривожланиш стратегиялари белгиланди. Бу стратегияларнинг ҳақиқатдан ҳам самарали экани давлатнинг кейинги йиллардаги тараққиётида намоён бўлди. Сўзимизнинг тасдиғини юртимизда олиб борилаётган ҳар қандай фаолият билан далиллаш оламиш аммо биз диссертация мавзусига мувофиқ дипломатик ишларнинг самарали ташкил этилганлиги, ташқи сиёсатда, ташқи алоқалардаги Ўзбекистоннинг самарали ҳаракатлари билан далиллашни жоиз деб билдик.

Ўзбекистонда дипломатик фаолиятнинг расмий бошланиш даври сифатида 1990 йилларни кўрсатишимиз мумкин. Ушбу вақтга қадар мамлакатимиз мустақил ҳудуд сифатида бошқа бир давлатнинг таркиби ва

тасарруфида бўлганлиги сабабли мустақил равишда ташқи алоқаларга кириша олмаган. Республикаимиз истиқлолни қўлга киритгач эркин равишда ташқи алоқаларни олиб бора бошлади. Мамлакатда ташқи ишлар вазирлиги ташкил этилиб, давлатнинг ташқи сиёсати ва дипломатик фаолияти бевосита манашу вазирлик томонидан олиб борила бошланди.

Тадқиқот методологияси. Вазирлик 1994 йил ўз фаолиятини қонуний ташкил этиш ҳуқуқига мамлакатда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” [1] 1994 йил 25 февралдаги 769-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикасида Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари тўғрисида” [2] 1994 йил 16 мартдаги 140-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, “Ўзбекистон Республикасида Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари тўғрисида” [3], 1994 йил 16 мартдаги 140-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан эга бўлди. Қайд этиш жоизки, юқорида келтирилган ҳуқуқий ҳужжатлар ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этилишида уствор аҳамият касб этади.

Вазирлик фаолияти ва дипломатик хизматларнинг ташкил этилиш масалаларига қисқача эътибор қаратсак, ташқи ишлар вазирлиги ўз олдига “Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети принципларини ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий йўлини амалда рўёбга чиқариш, хорижий мамлакатлар билан муносабатларда, шунингдек, халқаро ва минтақавий

ташкilotларда Ўзбекистоннинг давлат манфаатларини ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” каби вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб олган ва ушбу функцияларни самарали олиб бормоқда.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тизимига кирувчи ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий меъёрларда белгиланган принсиплардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органидир”. “Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита раҳбарлигида амалга оширади”.

Вазирлик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ 24 та функцияни амалга ошириши, бу вазифаларни бажариш учун 6 та ҳуқуқий ваколатга эга эканлиги қатор меърий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган ва булар вазирликнинг расмий веб саҳифасида баён қилинган.

Биз юқорида мустақиллик йилларида мамлакатимизда дипломатик ишларнинг шакллантирилиши ва ташқи ишлар вазирлигининг ташкил этилиши, унинг фаолиятига асос бўлувчи қонун ҳужжатларга тўхталдик. Шу ўринда дипломатик фаолият тушунчаси ва дипломатик фаолият қайси жабҳаларда намоён бўлиши масалаларига эътибор қаратсак.

Дипломатик фаолият бу дипломатияга оид, давлатнинг ташқи сиёсатига, чет мамлакатлар билан алоқасига ёки шу соҳага тегишли дипломатик муносабатлар, дипломатик корпус, дипломатик хизмат кўрсатиш ва бошқа дипломатик ҳаракатларга боғлиқ фаолият ҳисобланади. Давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолияти, ноҳарбий тадбирлар мажмуидир. Дипломатик фаолиятнинг асосий вазифаси ва мазмуни - давлатлар томонидан ташқи сиёсий мақсадларга дипломатик усул ва воситалар билан эришиш ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда ташқи ишлар вазирлиги томонидан дипломатик фаолиятнинг қатор кўринишлари жисмоний ва юридик шахсларга, мамлакатлар, уларнинг фуқароларига, давлат ва нодавлат ташкilotлар, уларнинг вакилларига тақдим этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги консуллик бошқармаси ҳамда хорихдаги консуллик муассасалари томонидан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар 13 тани, юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматлар 4 тани ташкил этаётгани вазирлик расмий саҳифасида очиқ кўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси (двхкб) томонидан кўрсатиладиган хизматлар 34 тани, ТИВ ДВХК “Кўчмас мулк билан ишлаш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар 8 тани, шу ташкilot таркибида фаолият олиб боровчи бўлинмалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар 6 тани ташкил этмоқда. Умуман олганда, ташқи ишлар вазирлиги томонидан 65 дан ортиқ хизмат тақдим этилаётганлиги юртимизда дипломатик фаолият олиб борилиши ва дипломатик хизмат кўрсатиш юқори даражада ташкил этилганлигидан далолат беради.

Дипломатик фаолиятнинг юқори эканлиги дипломатик хизмат кўрсатиш билан бирга яна қатор меъзон ва омиллар билан ҳам баҳоланади. Шулардан бири халқаро муносабатлардаги фаолият ҳисобланади. Халқаро алоқаларнинг кенгайиши мамлакат тараққиёти учун янги имкониятларни очиш билан бирга жаҳоннинг маълум бир ўлкасида истиқомат қилувчи ҳамюртларга ҳам дипломатик хизматлар тақдим этилишида янги ешикларни очади. Дипломатик фаолиятнинг кенгайиши қўшимча имтиёз ва имкониятлар беради.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг дунё бўйлаб дипломатик алоқаларига, дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасаларининг географик харитасига назар солсак. Ташқи ишлар вазирлигининг расмий саҳифасида келтирилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон 35 та давлатда ўз ваколатхона ва консуллик идораларини очган ва қатор мамлакатларнинг йирик шаҳарларида эҳтиёждан келиб чиқиб 26 та бош консуллик идораларини ташкил этган [4]. Ҳозирда дипломатик фаолиятнинг кенгайиш доирасини янада ошириш мақсадида самарали ҳаракатлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси дипломатик алоқалар ўрнатган давлатларга, уларнинг хронологик даврига эътибор қаратсак: 1991 йил 1 – 1992 йил 59 – 1993 йил 14 – 1994 йил 11 – 1995 йил 8 – 1996 йил 5 – 1997 йил 6 – 1998 йил 2 – 1999 йил 4 – XX асрда – 110 – XXI асрда 27; Жами 137 та.

Умуман олганда, мамлакатимиз мустақиллигини тан олган ва дипломатик алоқалар ўрнатган давлатлар сони 137 тани ташкил этмоқда. Эътиборлиси шундаки, улардан 110 таси XX асрнинг сўнги ўн йиллигида дипломатик алоқалар ўрнатган бўлса, 27 таси XXI асрда дипломатик алоқаларга киришган. Сўнги 5 йилда уларнинг сони 4 тага ошгани ҳам аҳамиятли.

Республикада дипломатик фаолият шаклланиб, тараққий этар экан шунга боғлиқ равишда дипломатия тили ҳам вужудга келди. Дипломатия тили тушунчаси жаҳоннинг дипломатик фаолияти юксак мамлакатларида шаклланиб, халқаро алоқаларда амал қиладиган услуб сифатида намоён бўлади. Биз кўйида дипломатия тили тушунчасига, дипломатик фаолиятда юқори малакага эга бўлган жаҳон давлатларининг дипломатик услубига, халқаро алоқалар тили тушунчасига, дипломатия тили тадқиқи бағишланган изланишларга, уларда ёритилган масалаларга ҳамда Ўзбекистонда дипломатик тилининг шаклланиш омиллари, дипломатик услуб, дипломатик терминлар масаласига эътибор қаратамиз.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон дипломатияси шаклланишининг юқорида тавсифланган хусусиятлари, дипломатик алоқа ва дипломатик хизматнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон дипломатик ҳужжатлари, дипломатик алоқалар тили ва услубининг шаклланишига замин яратди.

“Дипломатик тил” тушунчаси: Ўзбек адабий тилининг дипломатик қуйи услубининг умумий хусусиятларига хос кўринишидир.

Дипломатик тил бу:

1. Расмий дипломатик муносабатлар амалга ошириладиган ва дипломатик ҳужжатлар расмийлаштириладиган тил;

2. Умумий қабул қилинган дипломатик луғатга киритилган атамалар ва иборалар мажмуи.

Юқорида келтирилган маъноларнинг биринчиси “ўзбек адабий тилининг дипломатик қуйи услуби” лингвистик тушунчасига, кейингиси эса “ўзбек тилининг дипломатик луғати” (“дипломатик лексика”) тушунчасига мос келади.

Шуни таъкидлаш керакки, илмий адабиётларда “қуйи тизим” атамаси XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб ривожланган тиллар таркибида шакллана бошлади ва шу даврлардан эътиборан ушбу жиҳатлар лингвистиканинг тадқиқ предметларидан бирига айланди. Илмий манбаларда “қуйи тизим” атамаси билан бир қаторда “субтил” атамаси ҳам ишлатилади. Хусусан, рус тилшунослигида “қуйи тизим” атамаси билан бир қаторда 60 йилларда пайдо бўлган “субтил” атамаси фаол қўлланилади.

Жаҳон тилшунослигининг замонавий тадқиқотчилари “қуйи тизим”ни умумий тил турига кўра ташкил этилган, лекин ҳажми жиҳатидан кичикрок, касбий йўналтирилган ўзига хос қуйи тиллар (услуб)ни ҳосил

қилишини таъкидлайдилар. Субтил тушунчаси лингвистлар томонидан турлича таърифланади. Хусусан, Суперанская субтил атамасига “миллий тилга қараганда ҳажми жиҳатидан кичикроқ ва унда бўйсунувчи мавкега эга бўлган, сунъий равишда ўстирилган, тематик тарзда ташкил этилган, ихтисослаштирилган лингвистик воситалар тизими” [5] деб изоҳ беради. Бизнингча “қуйи тизим” бу - ўзбек тилининг махсус шаклини, аниқ касбий йўналишга эга бўлган кўринишини, маълум бир касбий фаолиятда зарур бўлган тил бирликларини билдиради. Қуйи услуб бу - умумий адабий тилга кўра ташкил этилган, ҳажман ундан кичик, касбий йўналтирилган, ўзига хос қурилишга эга, маълум бир касбий фаолиятда фойдаланиладиган тил бирликлари мажмўи ҳисобланади.

Г.Й.Солганикнинг фикрича, “расмий услубнинг ҳар бир матни ҳужжат характериға эға, шунинг учун расмий ишбилармонлик услубида лингвистик ифода усулларининг қатъий стандартлари қўлланилади” [6].

Тилининг қўлланиш соҳалари ижтимоий онг шакллариға мос келадиган инсон фаолияти турлари билан боғлиқ: сиёсат, ҳуқуқ, фан, санъат. Фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга эға соҳалари ижтимоий-сиёсий, бадий, илмий, тадбиркорлик. Айтилган соҳаларға мос равишда ўзбек адабий тилининг услублари, шунингдек, ўзбек расмий нутқининг услублари ажралиб туради. Расмий иш услуби бошқа функционал услублар орасида барқарорлиги, стандартлашганлиги, алоҳида хусусиятга эға эканлиги, тил материаллини тақдим этишнинг қабул қилинган меъёрлариға тўлиқ мос келиши билан ажралиб туради.

Дипломатик суб-услуб дипломатик алоқа ва дипломатик хизмат соҳаларида қўлланади. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, ушбу услуб, асосан, дипломатик ҳужжатларда қўлланилади: давлат шартномалари, дипломатик ноталар, ҳуқуқат баёнотлари, ишонч ёрлиқлари, меморандумлар, давлат, ҳуқуқат раҳбарларининг хабарлари ва бошқалар шулар жумласидан. Ушбу услубнинг қўлланиш доираси хусусида дунё тилшунослигида бир қатор изланишлар олиб борилган [7]. Ўзбек тилшунослигида ўзбек тилининг дипломатик қуйи услубининг стилистик ва лексик ўзига хослиги бўйича умумлаштирувчи ишлар мавжуд емас.

Ҳозирги вақтда замонавий дипломатик ҳужжатларнинг баъзи хусусиятлари кўриб чиқилган бир нечта асарлар мавжуд бўлсада, бу тадқиқотлар дипломатия тилининг имкониятларини очиб бериш учун етарли емас. Араб тадқиқотчиси Х.Трабелсининг фикрича, “дипломатик соҳада қўлланиладиган тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, дипломатик суб-услубни тавсифлаш замонавий тилшунослик учун, унчалик катта бўлмасада, маълум аҳамиятга эға [8]. Бизнингча ўзбек тилининг дипломатик қуйи услуби муаммолариға оид амалга ошириладиган ишларда, дипломатик ҳужжатларнинг айрим жанрларининг хусусиятлари, дипломатик этикет, дипломатия соҳасидаги мулоқотнинг дискурсив хусусиятларининг кўриб чиқиши мақсадға мувофиқдир.

Дипломатияға оид илмий адабиётларда келтирилган материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш ўзбек дипломатия тили бирликларини дипломатик қуйи услубға мансуб эканлигини таъкидлашға имкон беради. Шу ўринда қайд этиш жоизки дипломатик қуйи услуб ўзбек тилининг расмий ишбилармонлик услубининг вариантларидан биридир. Замонамиз олимларидан бўлган Трабелсининг қарашлариға кўра: “Дипломатик суб-услуб расмий-ишбилармонлик функционал услубининг турларидан бири бўлиб, у бир қатор кичик услубларни ўз ичига олади: сиёсий, ҳуқуқий, дипломатик, клерикал, савдо, бизнес ва бошқалар. Дипломатик ва сиёсий нутқлар ўхшашлик касб этади. Бирок дипломатик

маърузачи вазминлик даражаси ва очиклиги, мақсадли аудитория, сўз бойлиги ва мазмуни, нутқ стратегияси ва тактикаси, мақсади билан ажралиб туради” [9]. Дипломатик қуйи услуб расмий ишбилармонлик услубининг ўзига хос тури сифатида, тил имкониятларини тежаш ва маълумотларнинг ортиқчалигини бартараф этиш учун мўлжалланган сезиларли даражада стандартлаштириш билан тавсифланади. Бошқа томондан, дипломатия тили дипломатик қуйи услубни журналистикаға яқинлаштирадиган ҳиссий ва экспрессив бўёқдорлиги билан ажралиб туради.

Дипломатик қуйи услубни тизимли ташкил этиш тўғрисидаги умум эътироф этилган қоидалар бир неча олимлар томонидан қайд этилган. “Расмий-ишбилармонлик услубининг умумий стилистик хусусиятлариға эға бўлган дипломатик ҳужжатларнинг қуйи услуби ўзининг табиати ва мақсадиға кўра жанр-услуб хусусиятлари билан ажралиб туради ва ҳуқуқнинг асосий вазифасидан келиб чиқади, унинг ўртасидаги муносабатларни тартибга солишчи мавзулар белгиланган функцияға асосланади. Дипломатик ҳужжатлар ташки муносабатларнинг турли томонларини, уларнинг даражаларини акс эттирганлиги, мустаҳкамлаганлиги сабабли турли жанрларда мавжуд бўлади. Уларнинг лингвистик хусусиятлари турли даражаларда(лексик, морфологик, синтактик) намоён бўлиб, услубий тизимнинг уйғун кўринишини яратади”[10].

Дипломатик тил лексикаси, терминологияси ва дипломатия қуйи услубиға қуйидаги маъновий гуруҳларға кирувчи лексик бирликларни киритиш мумкин.

Халқаро тоифаға кирувчи аниқ атамалар: ратификация, преамбула, статистик кво, персонa нон грата;

Халқаро дипломатик терминология ва халқаро ҳуқуқ терминологияси: атташе, де-марш, коммуніке, консуллик, конвенция; (тадқиқотчиларнинг кузатишлариға кўра, бундай терминология махсус луғатнинг умумий сонининг 90% ни ташкил қилиши мумкин);

Дипломатик ҳужжатлар ва дипломатик нутқларға тантанали оҳанг берадиган сўзлар; муҳтарам меҳмон, зиёрат, ҳамроҳлик, барака, эҳтиёж, куч, фаровонлик, дахлсизлик ва бошқалар;

Тарихий одоб-ахлоқ лексик бирликлари (Ҳазрати, Олий, Ҳазрати, Мадам), шунингдек, қўшимча луғат (дипломатик хушмуомалаликнинг расмий протоколи шакллари: ҳурмат гувоҳномаси, ишончли қабул қилиш) эҳтиром (чуқур ҳурмат билан) ва бошқалар.

Изланувчилар қайд этганидек, “дипломатия тилиға хос бўлган одоб ва илтифот луғати ушбу фаолият соҳаси нутқ маърузалариға эмоционал экспрессив ранг емас, балки тантанаворлик бахш этади” [11].

Тадқиқотларда дипломатик луғат кўпинча дипломатик нутқ муаммолари билан боғлиқ холда кўриб чиқилади. Жумладан, С.Гасға кўра, дипломатик луғат дипломатик нутқ учун асосий белгилувчи омил ҳисобланади [12].

Тадқиқотчилар дипломатик луғат таркибиға махсус дипломатик терминологияни шунингдек, нутқни шакллантириш хусусиятиға эға бўлган умумий сўзларни киритишади.

Ҳозирги кунда ўзбек тили дипломатик терминларининг изоҳли луғати мавжуд емас. Аммо айрим олимлар томонидан дипломатия терминлари луғатлари шакллантирилган. Жумладан, бизға маълум И.У.Шамсимухамедовнинг “Ўзбек тили дипломатик терминлари изоҳли луғати” [13] да дипломатия, консуллик хизматлариға оид терминлардан 400ға яқини изоҳланган. Бизнингча, ўзбек тили дипломатик терминларининг изоҳли луғатининг ўзигини:

- дипломатик терминология;

- дипломатик ва консуллик хукуки терминологияси;

- халқаро ҳуқуқ атамалари ташкил этиши лозим.

Юқорида таъкидланган дипломатик луғат ва терминологиянинг хусусиятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дипломатик лексика ўзбек тилининг ўзига хос қуйи тизими бўлиб, ўзбек адабий тилининг бошқа функционал навларига хос бўлган тегишли қуйи тизимлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Дипломатик атамалар ўзбек тили дипломатик лексикасида катта аҳамият касб этиб, ўзига хос функцияларни ифодалайди. Уларнинг услубий аҳамияти дипломатик қуйи услуб тизимида мавжудлиги, дипломатик алоқа соҳасида, дипломатик нутқда доимий ишлатилиши билан изоҳланади.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда дипломатик фаолиятнинг шаклланиши ўзбек дипломатик тилининг вужудга келишига замин яратди ва дипломатик фаолият, консуллик хизматлари, халқаро алоқаларда ўзбек тилининг расмий қуйи услуби сифатида қўллана бошлади. Жаҳоннинг дипломатияси ривожланган мамлакатларида

юзага келган дипломатия тилининг дипломатик суб-услуги Ўзбекистон ташқи сийсати, халқаро алоқалари, дипломатик фаолияти ва консуллик хизматларида ўзбек адабий тилининг расмий ишлармонлик услубининг қуйи услуби сифатида намоён бўла бошлади. Шу билан бирга ўзбек дипломатия терминологияси шаклланиб, дипломатия йўналишида қўлланувчи лексик бирликларнинг йирик састави вужудга келди. Қайд этиш жоизки, ўзбек дипломатик терминлар кўлами ташқи сийсат, дипломатик фаолият, консуллик хизматлари, халқаро ҳуқуқ ва халқаро алоқалар кенгайиши ҳисобига ошиб бормоқда. Шу боисдан ҳам ўзбек дипломатик терминларининг изоҳли луғатини тузиш бугунги кун учун долзарблик касб этмоқда. Шунингдек, дипломатик қуйи услуб хусусиятларини тадқиқ этиш, дипломатик ҳужжатларнинг айрим жанр жиҳатларини ёритиш, дипломатик этикет, дипломатия соҳасидаги мулоқотнинг дискурсив хусусиятларини кўриб чиқиш дипломатик ва у билан боғлиқ лингвистик муаммоларни очишда катта аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. <https://www.mfa.uz/uz/pages/legalacts>
2. Суперанская А.В. и др. Общая терминология: Вопросы теории. -М.: Изд-во ЛКИ, 2007. С. 6-8.
3. Солганик Г.Я. Стилистика современного русского языка и культура речи: Учебное пособие. Изд. 2. - М.: Академия, 2004. - 256 с.,
4. Русский язык. Энциклопедия / Под ред. Ю.Н. Караулова. - М.: Большая российская энциклопедия, 2003. – 541-543 с., Культура русской речи: Энциклопедический словарь- справочник /Под ред. Л.Ю.Иванова, А.П. Сковородникова, Е.Н. Ширяева и др.- М.: Флинта: Наука, 2003. – 596-597 с.
5. Солганик Г.Я. Стилистика современного русского языка и культура речи: Учебное п Василева особие. Изд. 2. - М.: Академия, 2004. - 8 с.
6. Молочков Ф.Ф. Дипломатический протокол и дипломатическая переписка / Ф.Ф.Молочков. - М., 2003. - 79 с.
7. Трабелси Хайфа. Лингвокоммуникативный анализ дипломатического дискурса. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -М., 2013. 8 с.
8. Трабелси Хайфа. Лингвокоммуникативный анализ дипломатического дискурса. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -М., 2013. 22 с.
9. Семенов В. JL Практика дипломатического протокола и этикета.— М.: Международное агентство "А.Б & Т2", 2002. 126 с.
10. Гась С. Г. Образ России в дипломатическом дискурсе // *Investigationes Linguisticae*, vol. XVI; Poznan, december, 2008. -P. 25- 32.
11. Шамсимухамедов И.У. Ўзбек тили дипломатик терминлари изоҳли луғати. Нашриёт Тошкент – 2020.



Nodira MANSUROVA,
Toshkent moliya instituti katta o'qituvchisi
Email: nodira_anvarovna@mail.ru

PhD N. S. Ataeva taqrizi asosida

INGLIZ TILIDA BOSHQARUV TERMINOLOGIYASIGA OID TERMINLARNING ASOSIY MORFOLOGIK VA MORFOLOGIK-SINTAKTIK SO'Z YASASH USULLARI

Annotatsiya

Maqola menejment sohasida ingliz tilidagi ko'p komponentli terminologik birliklarni shakllantirishning sintaktik modellarini aniqlash va tahlil qilishga bag'ishlangan. Menejment sohasidagi terminologiyaning asosiy morfologik, morfologik-sintaktik va sintaktik so'z yasash modellariga ko'ra affiksatsiya, so'z yasash va abbreviaturaga nisbatan terminlar yasalishi ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: Menejment, termin, terminologiya, so'z yasalishi, model, modellashtirish, sintaksis, ilmiy tushuncha.

BASIC METHODS OF MORPHOLOGICAL AND MORPHOLOGICAL-SYNTACTIC WORD FORMATION OF MANAGEMENT TERMINOLOGY IN ENGLISH

Annotation

The article is devoted to the identification and analysis of syntactic models of formation of multi-component terminological units in English in the field of management. The basic morphological, morphological-syntactic, and syntactic word-formation models of management terminology are considered to be terms related to affixation, word-formation, and abbreviation.

Keywords: Management, term, terminology, word formation, model, modeling, syntax, scientific concept.

ОСНОВНЫЕ МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И МОРФОЛОГО-СИНТАКСИЧЕСКИЕ ПРИЕМЫ ТЕРМИНОЛОГИИ МЕНЕЖМЕНТА В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация

Статья посвящена оценке и анализу синтаксических моделей наблюдения многокомпонентных терминологических единиц в менеджменте на английском языке. Рассмотрены образование терминов относительно аффиксации, словообразования и аббревиатуры, по отношению к моделям основной морфологической, морфо-синтаксической и синтаксического словообразования в сфере менеджмента

Ключевые слова: Менеджмент, термин, терминология, словообразование, модель, моделирование, синтаксис, научное понятие.

Kirish. Ingliz tilida menejment sohasida so'zlashiladigan atamalar - bu boshqaruvning maxsus tushunchalari tarkibiy va mantiqiy tarmog'ini to'liq qamrab olish uchun mo'ljallangan leksik birliklar to'plami. Ingliz tilidagi boshqaruv terminologiyasining asosiy tuzilmaviy xususiyatlarini va xususan, o'rganilayotgan leksik birlikmalarning strukturaviy tasnifini hamda ular yordamida shakllangan asosiy morfologik va morfologik-sintaktik so'z yasash modellarini ko'rib chiqamiz.

Menejment sohasidagi barcha terminlarni sodda yoki bir komponentli va murakkab - ko'p komponentli guruhlariga bo'lish mumkin. Bir komponentli terminlar bir o'zakli va qo'shimchalar qo'shish orqali yasalgan bo'lishi mumkin. Bir o'zakli terminlar: audit - audit, account- hisob, capital - mablag', control - boshqarish, nazoratqilish, company - kompaniya, client - mijoz, float - pul almashinuvi uchun summa, stock - aksiya, bid - ulush, taklif; va bir so'zdan iborat va suffikslar yordamida hosil bo'lgan atamalar: manager - menejer, staffing - ishga olish, organization - tashkilot, employability - bandlik, ish qobiliyati, malmanagement - samarasiz boshqaruv, administrator - administrator, acquiree - sotib olingan kompaniya, approaching - kadrlarni yollash, centralization - markazlashtirish, coaching - maslahat berish, downsizing - xodimlarni ommaviy ishdan bo'shatish, employability - ishlash qobiliyati, enterprise - kompaniya, innovation - innovatsiya.

Eng ko'p sonli terminlar affiksatsiya yo'li bilan tuzilgan birliklardan iborat. Qo'shimchalar va prefikslar yordamida hosil bo'ladigan termin-so'zlarning tarkibi juda xilma-xildir. Eng ko'p uchraydigan qo'shimcha -er; trader, financier, insider, broker, bidder, merger, router; -ion suffiksi

orqali yasalishi: depression, regulation; -ment: installment, management; -ity: volatility, -ize: monetize.

Prefikslar orqali yasalish: co-locating, subcontract/subcontracting, micromanagement.

Boshqa semantik guruhlar: Menejment terminlarining boshqa turlari qatorida murakkab terminologik birliklar guruhini ajratilgan va ular ikki komponentli terminlar turiga ham kiradi: feedback - fikr-mulohaza, turnover - aylanma, pul aylanmasi, workweek - ishhaftasi; va bundan tashqari murakkab qisqartirilgan atamalar ham mavjud; organogram - tashkiliy sxema; hamda boshqa struktura usulida yasalishi: eustress - euphoric stress - ijobiy stress, flextime - flexible time - moslashuvchan jadval; abnormal hours - nostandart ishvaqti, absenteemanagement - bilvosita boshqaruv, administrative manager - ma'muriy menejer, benefits manager - to'lovlar bo'yicha menejer, capacity planning - ishlab chiqarish yukini rejalashtirish, career management - martaba boshqaruvi, debt capacity - qarz potentsiali, economic analysis - iqtisodiy tahlil, flat organization - ravon tashkiliy tuzilma, human resources - tashkilot xodimlari, job management - Mehnat tashkiloti, organization development - tashkilotni rivojlantirish, quality policy - sifatsiyosati.

Uch komponentli terminlar: absentee management system - masofadan boshqarish tizimi, abuse of office - mehnat qoidalarini noto'g'ri qo'llash, board of directors - direktorlar kengashi, bottom up management - pastdan yuqoriga boshqaruv, business process outsourcing - biznes jarayonlari autsorsingi, ishlab chiqarish jarayonining autsorsingi, cash flow analysis - pul oqimlarini tahlil qilish, certified project manager - sertifikatlangan loyiha menejeri, chief financial officer - bosh moliya direktori, client relations

management – mijozlar bilan o'zaro munosabatlarni boshqarish, democratic leadership style – demokratik yetakchilik uslubi;

To'rt komponentli terminlar: accident and health insurance – baxtsiz hodisa va sog'liq sug'urtasi, classical school of management – klassik boshqaruv maktabi, fast moving consumer goods – kundalik tovarlar, line and staff management – chiziqli-funksional (chiziqli-shtat) boshqaruv tizimi, management by wandering around – shaxsiy uchrashuvlar orqali boshqaruv, process theory of motivation – motivatsiyaning situatsion nazariyasi, vertical division of labour – vertikal mehnat taqsimoti);

Beshkomponentli terminlar: accidental death and dismemberment insurance – to'satdan o'lim yoki shikastlanish sug'urtasi, Fiedler's contingency model of leadership – Fiedlarning vaziyat modeli, project evaluation and review

technique – rejalarni baholash va qayta ko'rib chiqish usuli, structured analysis and design technique – strukturaviy tahlil va loyiha metodologiyasi;

Olti komponentli terminlar: management by walking around and listening – shaxsiy uchrashuvlar orqali boshqarish (boshqaruv), jamoa bilan muloqot orqali boshqarish, qo'l ostidagilar orasidan boshqarish, operations-to-custom needs chain – "ishlab chiqarish – iste'molchi ehtiyojlari" zanjiri.

L. B. Tkacheva [24, p. 40] tomonidan berilgan terminologiya tasnifiga muvofiq, ushbu guruhga dastlabki qisqartmalarni joylashtirish ham mantiqan to'g'ri keladi:

ABC – activity-based costing – faoliyat bo'yicha xarajatlarni hisobga olish, CAD – computer assisted design – kompyuter yordamida loyihalash, CIO – chief information officer – boshqaruv axborot tizimlari bo'limi menejeri, STAR – situation target action result – xulq-atvor intervyu texnikasi, HR-manager – xodimlar menejeri, HR-technology – kompaniyaning samaradorligini, boshqaruvchanligini oshirish texnologiyasi, collective IQ – aqlning kollektiv darajasi, EBIT margin – soliqlar va foizlar oldidagi foyda marjasi. Tahlil qilingan namunada shunday zanjirli terminologik shakllanishlar mavjud: non-value-added (work) – iqtisodiy jihatdan foydasiz (ish), just-in-time (production) – (ishlab chiqarish) o'z vaqtida, off-the-job (training) – (mashg'ulot) ishdan tashqari, day-to-day (management) – operativ boshqaruv, above-the-line (advertising) – buyurtma qilingan reklama

Ko'p komponentli terminlar – erkin (strategic goal – strategik maqsad, knowledge management – bilimlarni boshqarish, line manager – liniya menejeri) va bog'langan (letter of credit akkreditiv, return on equity – aktsiyadorlik (kapitalning) rentabelligi, credit risk – kredit xavfi, flat payment – bir martalik to'lov) usulda yasalishi mumkin.

Ingliz tilida terminlarni shakllantirishning eng samarali morfologik usullaridan biri

termin yasashining prefiks, suffiks va prefiks-suffiks usullarini o'z ichiga olgan affiksatsiya hisoblanadi. Umuman olganda, ushbu model menejment terminologiyasida juda keng tarqalgan, prefiks modeli bo'yicha tuzilgan atamalar soni ham juda ko'p.

dis- +N: disposition – buyruq, foydalanish imkoniyati; disproportion – nomutanosiblik;

sub- + N: sublicense – sublitsenziya, subunit – kichik birlik

Termin yasashining suffiks usullaridan biri -ing va -ion / -ation kabi eng ko'p uchraydigan formatlarni ta'kidlash kerak.

-ing qo'shimchasi orqali yasaluvchi modellarga quyidagilar kiradi:

V + ing: approaching – kadrlarni ishga olish; bargaining – Muzokaralar olib borish; benchmarking – benchmarking; coaching – maslahat, murabbiylik, controlling – nazorat qilish, counseling – munozara, maslahatlashuv; directing – yetakchi, boshqaruvchi; boshqaruv, etakchilik,

muvoqlashtirish; discounting – chegirma; forecasting – bashorat qilish, meeting – yig'ilish, majlis; monitoring – monitoring; motivating – motivatsiya, organizing – tashkilotni yaratish; prioritizing – ustuvor vazifalar va yo'nalishlarni aniqlash; recruiting – ishga olish; staffing – kadrlar bilan ta'minlash, kadrlar bilan ta'minlash; supervising – nazorat, kuzatuv; planning – rejalashtirish;

N + ing: factoring – komissiya, tijorat vositachiligi, savdo vositachiligi, marketing – savdo, sotish, marketing; mentoring – murabbiylik, rahbarlik.

V + ion: allocation – taqsimlash (resurslar); consolidation – shirkatlarning birlashmasi (konsolidatsiyasi); coordination – muvofiqlik, muvoqlashtirish; delegation – delegatsiya; diversification – diversifikatsiya; emulation – raqobat; evaluation – baholash; innovation – innovatsiya; integration – integratsiya; motivation – rag'batlantirish, motiv; promotion – ko'tarilish, (ishda); persuasion – ishonch, e'tiqod; standardization – standartlashtirish; organization – tashkilot;

V + ation: centralization – markazlashtirish; prioritize – ustuvorliklarni belgilash (belgilash);

N + ation: alienation – begonlashish; departmentation – tashkilot qurilishi; documentation – hujjatlar, hujjatli ma'lumotlar.

Kam uchraydigan qo'shimchalar quyidagilar: -er, -or, -ism, -ity; -ee, -ment, -s, -cy va boshqalar. Bu qo'shimchalar yordamida terminlar yasashining asosiy modellarini ajratib ko'rsatamiz:

V + -er: accepter – qabul qiluvchi; achiever – muvaffaqiyatli (muvaffaqiyatli) shaxs; centralizer – markazlashtirish tarafdori, forfeiter – moliyaviy agent, forfayter, forfayter; facilitator – yordamchi, vositachi; leader – rahbar, lider; manager – menejer; merger – qo'shilish, ikki yoki undan ortiq kompaniyalarni bittaga birlashtirish;

N + -er: insider – insayder, tashkilot a'zosi;

V + -or: acceptor – qabul qiluvchi, administrator – administrator; competitor – raqobatchi; raqib; indicator – ko'rsatkich; innovator – novator; supervisor – inspektor, liniya menejeri, nazoratchi;

N + -or: auditor – auditor, licensor – litsenziar;

N + -ism: careerism – karerizm; fordism – Ford tizimi; managerism – boshqaruvchilik;

Adj + -ity: diversity – xilma-xillik, o'zgaruvchanlik; integrity – yaxlitlik, ishonchlik; productivity – mahsuldorlik;

V + -ee: absentee – yo'q, qochgan, darsdan qochgan; acquiree – sotib olingan (yutilgan) kompaniya; mergee – ob'ekt (qo'shilish natijasida sotib olingan kompaniya);

N + -ee: auditee – tekshirilgan tashkilot; licensee – litsenziat;

V + -ment: achievement – muvaffaqiyat, g'alaba; assessment – baholash; endowment – omonatni tayinlash, fondni o'tkazish omonatni tayinlash, fondni o'tkazish; improvement – takomillashtirish; management – менеджмент;

Adj + -s: ethics – axloq; strategics – strategiya; synectics – sinektika; tactics – taktika;

N + -cy: adhocracy – adhokratiya, ishchi guruh; agency – agentlik;

Adj + -cy: efficiency – samaradorlik;

N + -ure: architecture – arxitektura (tashkilotlar); debenture – qarz olish-berish bilan bog'liq bo'lgan majburiyatlar;

V + -ive: executive – boshqaruvchi, boshqaruvchi rahbar; objective – maqsad, intilish;

N + ship: managership – boshqaruv, rahbarlik, rahbarning lavozimi (direktor, boshliq);

N + ed: skilled – zarur ko'nikmalarga ega, malakali;

N + -ist: managerist – menejer va boshqalar.

Prefiks-suffiks modeliga ko'ra quyidagi terminologik birliklar shakllangan:

de- + V + -ation: decentralization – markazsizlashtirish;
de- + V + -ing: delayering – darajalarni, darajalarni qisqartirish (tashkilotning ierarxik tuzilishida);
over- + V + -ing: overseeing – nazorat, kuzatuv;
em- + V + -ment: empowerment – vakolat berish, ishonchnoma;
mal- + V + -ion: maladministration – noto'g'ri boshqaruv; yomon boshqaruv;
mal- + V + -ment: malmanagement – samarasiz boshqaruv; yomon boshqaruv;
mis- + V + -ment: mismanagement – samarasiz boshqaruv; noto'g'ri boshqaruv;
re- + V + ion: recertification – qayta sertifikatlash;

re- + V + -ment: reinvestment – qayta investitsiyalar;
re- + V + ing: retraining – qayta tayyorlash va boshqalar.

Ayrim bilim sohalari terminologik lug'atini va uni shakllantirish usullarini o'rganish umumiy holda zamonaviy tilshunoslik, xususan, nazariy va amaliy terminologiya uchun nihoyatda muhim ahamiyatga ega. Terminlarning chastotali strukturaviy modellarini o'rganish menejment sohasiga oid terminologiyani tartibga solish, unifikatsiya qilish va standartlashtirish, neologizmlar atamalarini shakllantirishda tarkibiy terminologiya nominatsiyasining ayrim normalarini ishlab chiqish, shuningdek, inventarizatsiya qilish uchun asos bo'lib xizmat qilishi mumkin.

ADABIYOTLAR

1. Tursunov Sh.A., Rashidova Sh.B. "Menejment va marketing asoslari" Toshkent-2012.
2. Ткачева Л. Б. Основные закономерности английской терминологии. Томск: Изд-во Томского ун-та, 1987. 200
3. Шаталова К. С. Новицкая И. В. "Структурный и семантический анализ биржевых терминов" Томский Государственный Университет (Россия, Томск)
4. Алимуратов О.А., Горбунова Н.Н. "Основные синтаксические словообразовательные модели, реализуемые в англоязычной терминологии менеджмента" Пятигорский государственный лингвистический университет
5. Горбунова Н. Н. "Основные морфологические и морфолого-синтаксические словообразовательные модели, реализуемые в англоязычной терминологии менеджмента" Пятигорский государственный лингвистический университет



Фарангиз МАХМУДОВА,
Қарши давлат университети ўқитувчиси
E-mail: mfarangiz27@gmail.ru

Қашқадарё ВХТХҚТМОХ маркази доценти З.С.Ўроқова тақризи асосида

САИД АҲМАД ҲАЖВИЯЛАРИДА ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ НУТҚИЙ ВОКЕЛАНИШИ.

Аннотация

Лексема серкирра моҳиятли лисоний бирлик, унинг таснифида бу жиҳат асосий диққат марказида туриши лозим. Бадий асарда тил бирликларининг ҳар бири маълум вазифа бажаради. Ёрдамчи сўз мустақил сўз ва гапда грамматик маъно ифодалашнинг алоҳида турини ташкил этади. Ёзувчи С.Аҳмад комедияларида қўлланган ёрдамчи сўзлар бир қатор ифода имкониятларига эга. Унинг комедияларида ёрдамчи сўзлар эволюциясини кузатиш мумкин. Саид Аҳмад комедияларида ёрдамчи сўзлар эволюциясига қисқача тўхталамиз.

Калит сўзлар: Тил бирликлари, нутқ бирликлари, ёрдамчи сўз, мустақил сўз, грамматик маъно, эволюция, юклама, кўмакчи

ГОВОРЯ О ВСПОМОГАТЕЛЬНЫХ СЛОВАХ В КОМИКСАХ САИДА АХМАДА.

Аннотация

Лексема – это языковая единица, имеющая многогранный характер, и при ее классификации этот аспект должен быть в центре внимания. В пьесе каждая языковая единица выполняет определенную функцию. вспомогательное слово является самостоятельным словом и отдельным видом выражения грамматического значения в предложении. Вспомогательные слова, используемые в комедиях писателя С.Ахмада, обладают рядом выразительных возможностей. В его комедиях можно наблюдать эволюцию вспомогательных слов. Кратко остановимся на эволюции вспомогательных слов в комедиях Саида Ахмада.

Ключевые слова: Языковые единицы, речевые единицы, вспомогательные, словонезависимые, грамматическое значение, эволюция, нагрузка, вспомогательные.

SPEAKING OF AUXILIARY WORDS IN SAID AHMAD'S COMICS.

Annotation

A lexeme is a linguistic unit with a multifaceted nature, and in its classification this aspect should be the main focus. In a play, each of the language units performs a specific function. Auxiliary word is an independent word and a separate type of grammatical meaning expression in a sentence. Auxiliary words used in the comedies of the writer S.Ahmad have a number of expressive possibilities. In his comedies one can observe the evolution of auxiliary words. We will briefly dwell on the evolution of auxiliary words in Said Ahmad's comedies.

Key words: Language units, speech units, auxiliary, word independent, grammatical meaning, evolution, loading, auxiliary

Кириш. Лексема серкирра моҳиятли лисоний бирлик, унинг таснифида бу жиҳат асосий диққат марказида туриши лозим. Чунки лексеманинг ҳар бир қирраси алоҳида бир таснифга асос бўлади. Унинг ҳар бири ўз ўрнида аҳамиятли.

Тилда барча туркум ўз амалий аҳамиятига эга. Маълумки, кўмакчи, боғловчи ва юклама ёрдамчи сўз туркуми гуруҳини ташкил этади. Сўзлар семантик таснифига кўра мустақил, номустақил ва луғавий маъносиз сўзга [1] бўлинади. Фель, от, сифат, сон, равиш, тақлид мустақил луғавий маъноли сўз туркумига, олмош ва сўз-гап номустақил луғавий маъноли сўзга, кўмакчи, боғловчи, юклама эса луғавий маъносиз сўз гуруҳига киритилган.

Сўзлар морфологик таснифига кўра ўзгарувчан ва ўзгармас лексемаларга бўлинади. Фель, от, сифат, сон ўзгарувчи; тақлид, равиш, кўмакчи, боғловчи, юклама ва сўз-гап эса ўзгармас лексемалар гуруҳига мансуб.

Лексемалар синтактик таснифига кўра гап бўлаги бўлишга хосланмаган, гап бўлаги бўлишга хосланган ва синтактик алоқа воситаси бўлишга хосланган сўзлар гуруҳига бўлинади. Ундов, модал, сўз-гап гап бўлаги бўлишга хосланмаган гуруҳга; фель, от, сифат, сон, равиш, тақлид, олмош гап бўлаги бўлишга хосланган сўзлар туркумига; кўмакчи, боғловчи, юклама эса синтактик алоқа воситаси бўлишга хосланган сўзлар сирасига киритилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. “Ўтган асрнинг 30-йилларида асос солинган ўзбек тилшунослиги тилни синхрон ўрганиш борасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Унинг бирликлари – ички системанинг ташкил этувчилари аниқланиб, тавсифий усулда кенг планли ишлар олиб борилди ва натижада фанимиз нисбий мустақил фан сифатида шаклланди. Аср сўнгига ижтимоий ҳаётда юз бера бошлаган ўзгаришлар тилшуносликда ҳам ўз аксини топиб, унинг таққик усуллари сираси бойиб борди” [2].

Дунёдаги барча тилларда ёрдамчи сўзларнинг вазифаси бир хил: нутқ ифодалаш жараёнида сўзларнинг ўзаро муносабатга киришувини таъминлаш. Ёрдамчи сўзлар Ҳинд-Европа тилларида бу вазифани ўзлари кўпроқ белгиланган сўз билан бажарса, ўзбек тилида бу вазифа сўзлар ва кўшимчалар билан биргаликда амалга оширилади. Аммо агглютинатив тиллардаги ёрдамчи сўзлар билан флектив тиллардаги ёрдамчи сўзларнинг грамматик табиатида ўзига хос фарқлар бор. Бу тиллардаги ёрдамчи сўзларни бир хил ёндашув билан текшириб бўлмайди.

Ёрдамчи сўзлар мустақил сўз туркумлари билан доимий ва узлуксиз алоқадорликда. Бу нафақат ёрдамчи сўзларнинг матнда мустақил сўзларнинг воқеланишлари учун хизмат қилади, балки ёрдамчи сўзлар хазинасининг узлуксиз равишда мустақил сўзлар ҳисобидан бойиб ва кенгайиб боришида, бу жараённинг узлуксизлигида,

ёрдамчи сўзлар тизимида тарихан мустақил сўз бўлиб, ҳозир тарихий ўзагидан батамом узилиб кетган ёрдамчи сўзлар билан (чунончи, била) бир сафда ёрдамчилашишга илк кадам ташлаётган (чунончи, мақсадида, сабабли) мустақил сўзлардан ўз алоқаларини узмаган бирликлар ҳам туришида намоён бўлади. Шу боис ёрдамчи сўзлар “соф” (мустақил сўзлар билан алоқаси узилган ёки батамом қоронғилашган сўзлар) ва “функционал” (шаклий-маъновий алоқалари мустақил сўзлар билан узилмаган) каби турларга бўлинади [3].

Тадқиқот методологияси. Бадий асарда тил бирликларининг ҳар бири маълум вазифа бажаради. Ёрдамчи сўз мустақил сўз ва гапда грамматик маъно ифодаланиши алоҳида турини ташкил этади. Ёзувчи С.Аҳмад комедияларида қўлланган ёрдамчи сўзлар бир қатор ифода имкониятларига эга. Унинг комедияларида ёрдамчи сўзлар экологиясини кузатиш мумкин.

Маълумки, эволюция (биологияда) тирик организмларнинг тарихий ўзгариши. Эволюцияда табиий танланиш таъсирида мутациялардан организмларнинг ташки муҳит шароитига мосланишига олиб келадиган белгилар ва хусусиятлар комбинацияси шаклланади. Эволюцион ўзгаришлар дастлаб йўналтирилган ўзгаришлар тарзида популяцияларда намоён бўлади “Эволюция” сўзи биринчи марта Швейцария табиатшуноси ва файласуфи Ш.Бонне (1762) томонидан эмбриологияга оид ишларда қўлланган [4]. Демак, тил бирликлари ҳам эволюцион ҳодисадир.

Ёрдамчи сўзларнинг умумий функционал белгиси “боғлаш”дир. Шу белги асосида кўмакчи, боғловчи, юктамалар сўз ва гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Аммо бу вазифа боғловчи ва кўмакчилар учун ўзгармас, барқарор саналади. Юктамаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўз ёки гапларга сўроқ, таъкид, кучайтирув, айириш-чегаралаш, ўхшатиш каби қўшимча маъноларни беради ва функционал “боғлаш” белгисига нисбатан беқарор, ўзгарувчан саналади, яъни “боғлаш” белгиси бўлиши ҳам, бўлмалиги ҳам мумкин.

Таҳлил ва натижалар. Юктамалар бошқа ёрдамчи сўзларга нисбатан прагматик кийматининг юқорилиги билан характерланади. Хусусан, унда шахсий муносабатнинг нуткий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ифодаланиши прагматик ҳосланишнинг асосини ташкил қилади. Бу ҳолат бадий асарларда ёрқин намоён бўлади. Қаҳрамон эмоцияси, кайфиятини очишда, китобхонга етказишда катта аҳамиятга эга. Фикрни С.Аҳмад комедияларидан мисоллар келтириш орқали изоҳласак.

Юктамалар маъносига кўра бир неча турга бўлинади. Ҳар бир тур ўз сўзи ва қўшимча маъно ифодаловчи аффиксига эга. Жумладан, -ку, -да, -у (-ю), -оқ (-ёқ), ахир, ҳаттоки, ҳатто, нахот, ғирт, ҳам кучайтирув-таъкид юктамаси гуруҳини ташкил этади. Бадий асарда бу юктамалар асосан, диалогик нутқда қўлланиб, сўзловчининг воқеа-ҳодиса ҳақидаги таъкид муносабатини ифодалаб келади.

1. Уста Боки. (будка олдини супуриб). Ох, тонгги концертдан зўри бўлмайди-да(Келинлар кўзғолони)[5].

2. Раҳима. Биздан нима ёмонлик кўрдингиз, ахир? Овқатингиз тайин, ўрнингиз солиғлиқ, кирингиз ювиқлик, яктагингиз у ёқда турсин, пайтавангизга ҳам дазмол босамиз, ўнгиғаям, тескарисигаям босамиз. Дурустроқ кийиниб юринг, деймиз. Кимсан, бутун мамлакатга таниқли лимончи селекционер бўлсангиз (Куёв)[6].

3. Дадам ейиш-ичишдан кам эмаслар. Кийимлари ювуксиз қолгани йўқ. Аммо қариганда биттатанмаҳрам зарурлигини биламан. Аммо олтмиш етти ёшга кириб уйлансалар, эшитган қулоқкажуда хунук гап-да(Куёв).

4. Жўра. Тўй эмас-ку, тўйчиқ қилиб берасизлар-да.

5. Назми. Албатта чалдирмайсиз-да. Ё ёнбошига лента тақилган, олдига кўғирчоқ бойланган “Чайка”да кишлоқ айлангирмоқчимисизлар?(Хандон писта)[7]

Юқоридаги парчаларда қўлланган юктамалар орқали таъкидлаш билан бирга сўзловчининг ўз фикрини уқтириш прагматик маъноси ҳам реаллашган. Бир жумлада ҳам қўшимча, ҳам сўз мақомидаги юктамани қўллаш орқали таъкидлаш маъноси кучайтирилган. Қаҳрамон шу воситаларни қўлламай гапирса, фикрни уқтириш ва кучайтириш маънолари ўз-ўзидан “сўнади”. Бу маъно кирралари намоён бўлмаса, нутқ интенцияси мавҳумлигича қолади.

С.Аҳмад комедияларида -чи юктамасининг куйидаги маъноларни ифодаланиши кузатиш мумкин:

1) сўраш: Жўра. Ҳайдамай тур болани. Қани, айтчи, Эркинбой, қайси ўртоғингни бувисинияйтпсан? Эркин. Биткомбинатда биз билан ишлайдиган фоточи ўртоғим бор. Оти Аркадий (Куёв).

2) кисташ: Фармон. Хўш, менга айт-чи, сенга она керакми, хотин керакми?Тўхта (ўйлаб қолади. Комил унга иккита бармоғини кўрсатади). Икковингиз ҳамкераксиз(Келинлар кўзғолони).

3) таъкид, уқтириш: Сотти. Келин ухлатмаган-да. Лутфи. Қўйсангиз-чи, овсин! Лутфи. Бўлмасам-чи. Ойимнинг қўлига тушдиму елками ким силаса, мушукдек мудрайдиган бўлиб қолдим. Мухайё. Мулла ақангиз-чи, беданага ишқибоз. Шундоқ сайроки беданаларни топиб келадилар. Шўрликлар ойимни кўриши билан соқов бўлади қолади(Келинлар кўзғолони).

4) дўк, буйрук: Фармон. Ҳой тўхтасанг-чи, кимсан ўзинг? (Келинлар кўзғолони) Назми. Қани, менсиз бир кадам босиб кўринглар-чи. Ишонган тоғда кийик ётмас, деб шунга айтарканлар-да. Агар дадам хотин олсалар, бўғизлайман, деган ким эди? (Куёв)

Драматург комедияларида бир қаҳрамон тилида бир неча хил юклама қўлланиб, фикрни аниқ ва эмоцияли тарзда етказиб беришга хизмат қилган: Фармон. Соттинисо, буни ҳам ёзинг. Болам бечора шу қорин оғриғидан сира қутулмади-да. Яна пул кетказиб, грелка сотиб олипти-я. Уйга келганда-ку, бутилкага иссиқ сув қуйиб берардик.

Ушбу парчада инкор (сира), таъкид (-да, -ку) ҳамда таажжуб (-я) юктамалари қўлланиб, Фармон бибининг ўғлининг қилган ишига нисбатан таажжуби (грелка сотиб олгани учун) ва таъкид орқали танбеҳи (уйга келганда-ку, бутилкага иссиқ сув қуйиб берардик) имлицит тарзида ифодаланган. Адиб бу орқали қаҳрамон нутқини индивидуаллаштиришга, унинг қаттиққўллигига томошабин (китобхон)ни ишонтиришга эришган.

Ёки: Ғани (сапчиб ўрнидан туриб кетади). Ия, ия, ҳали ниятларинг шумиди?! Онангни кетиданмени ҳам жўнатмоқчимсанлар? Ўлимимни кутиб ўтирган экансанлар-да. Йў-ўк, мен ҳали-вериўлмайман (Куёв).

Бунда сўроқ (-ми) ва таъкид (-да) юктамалари орқали нафақат сўроқ ва таъкид маъноси, балки қаҳрамоннинг кучли ғазоби, норозилиги ва алами ифодаланган. Қаҳрамон сўроқ юктамаси -ми орқали тингловчилардан жавоб олишни мақсад қилмаган. Уларга нисбатан норозилигини, хафа эканлигини кўрсатиб, драмага комедик руҳ берган. Мана бу парчада ҳам юклама орқали худди шундай муносабат реаллашган:

Ғани. Уйланолмайманми, а, уйланолмайманми? Шу зах, қоронғи уйда кўрагимни захга босиб муздек ёстикни кучоқлаб ғингшиб ётавераманми?!(Куёв).

Бу ўринда юктамалар ўз маъносидан ташқари бошқа прагматик маъноларни етказишга хизмат қилган. Бу эса юктамаларнинг бадий адабиётдаги имкониятини кўрсатади.

Қудрат. Нима қиласан, уни, опа?

Баҳри. Чақир уни. Чақир дедимми, чақир! (“Куёв”)

Ушбу диалогда эса сўрок юкламаси орқали буйруқ ҳамда таъкид маъноси ифодаланган. Буйруқ маъноси буйруқ-истак майл шаклидан ташқари юкламалар орқали ҳам ҳосил бўлиши мумкинлиги адиб маҳорати орқали намоён бўлган.

Ўзбек тилшунослигида яратилган илмий адабиётларда на...на ёрдамчиси дастлаб инкор боғловчиси сифатида изоҳланди ва анча мунозараларга сабаб бўлди. Бирок кейинги йиллардаги дарсликларда бу ёрдамчи инкор юкламаси сифатида кўрсатила бошланди. Бу баҳс-мунозарали фикрларга Р.Расулов тадқиқоти билан бир ҳисобда чек қўйилди. Тадқиқотчи бу ёрдамчи бирликнинг уюшган бўлаклар ва қўшма гап таркибида келишини атрофлича таҳлил этиб, бундай қўлланилишларда боғлаш вазифасини махсус боғловчи воситалар амалга ошириши, на...на ёрдамчиси эса таъкидли инкорни ифодалашга хизмат қилишини ёрқин мисолларда кўрсатди, унинг ҳам... ҳам ва бошқа ёрдамчи воситалар билан парадигматик алоқаларини тавсифлади [8, 46]. Кейинчалик бу фикрни академик А.Ҳожиев ҳам маъқуллади [9]. Фақат шуни таъкидлаш керакки, бу ёрдамчи сўзнинг бирламчи субстанциал вазифаси юкламалик бўлса, иккиламчи вазифаси боғлашга хизмат қилишидир.

С.Аҳмад комедияларида бу восита оддий бўлишсиз шакли инкордан кўра анча кучли ва таъкидли бўлиб қўлланган. Жумладан: Тилинг жуда ҳам бурробоўлиб кетди. На каттани биласан, на кичикни. Айб ўзимда (Куёв).

Адиб комедияларида юкламалар ўз “боғлаш” маъносининг сусайганлиги ва бунинг эвазига “субъектив муносабат” маъноси кучайганлиги билан характерланади. Юкламаларнинг умумий грамматик маъноси, яъни субстанциал қиймати “қисман боғлаш”, “асосан, субъектив муносабат ифодалаш” оралик грамматик маъноларига парчаланган.

Кўмакчи мустақил сўз билан бирга келиб, олдин турган сўзни кейинги сўз билан грамматик алоқага киритади. Бу билан келишикларга ўхшайди. Кўмакчилар бадиий адабиётда сўзларни тобелантириб боғлаш билан бирга бир қатор грамматик маъноларни ҳам ифодалайдики, бу орқали маълум маънони чиқаришга эришилади. С.Аҳмад комедияларида биргина билан кўмакчиси қуйидаги грамматик маъноларни ифодалаб, фикрни шакллантиришга хизмат қилган:

1. Асқар. Сен билан қанақа гаплашса бўлади, ука? Қанақа? (Келинлар кўзғолони)Раҳима. Вой, сиз билмайсиз. Дадам шу Раҳбар хола билан Термизга қочиб кетганларида,тоғаси аэропланда учиб бориб беш кун деганда топиб, олиб келган. Келгандан кейинТошкентдаги катта дўхтирларга кўрсатишган экан (Куёв). Бир куни ховлига ўзбекча биладиган битта ўрис билан Абдуллажон деган биолог олим кириб келди (Хандон писта).

Ушбу гапларда билан кўмакчиси ёрдамида бир-галик грамматик маъноси ифодаланган.

2. Балки,ёшлик пайтларимда ўз кўзим билан кўргандирман, ё бировдан эшитгандирман (Хандон писта).Ушбу мактуб хатни кўз ёшларим, жигар қонларим билан ёздим. Бахтсиз ёрингиз Зумрад, деб билгайсиз (Куёв).Маъмур ўртага тушиб олиб, рубоб билан роса ашулани оляпти (Келинлар кўзғолони). Юқоридаги жумлаларда эса мазкур кўмакчи восита маъносини ифодалаган.

3. Хуллас, сиз, ўртоқ Лутфи Бобоева, жудаям хушмуомалалик билан капкирни қозонга уриб, овқат қиялсиз (Келинлар кўзғолони).Союздан секретар ўрис хотин телефон қилиб эрталаб соат ўнга зудлик билан ўртоқ Туйғун Шукуржоновга учрашинг, деб хабар қилди. Соат ўнларга бориб пирог пишди. Салтанат пирог эмас, захар етгандек минг азоб билан икки тишламани аранг ютди. Қимизхон ҳар дам олиш куни невараларини

қанчалик орзиқиб кутса, кетишларини ҳам шундоқ бесабрлик билан кутарди. Эшик тепасидаги кўнғирок шитоб билан жиринглади(Хандон писта).

Ушбу гапларда эса билан кўмакчиси ҳолат маъносини ифода этиб келяпти.

4. Шўрликлар оймни кўриши билан соқов бўлади қолади(Келинлар кўзғолони).Ёркини чақиринглар, кеч кириб, қоронғи тушиб қолди. Деворга парда-мардасиниоссин. Дадам келишлари билан кинони бошлаймиз (Куёв).

Юқоридаги мисолларда эса бу кўмакчи тезлик грамматик маъносини реаллаштириб, матн мазмунини очишга, китобхон (томошабин)га етказишга мустақил сўзларга кўмак берапти.Кўринадикки, билан кўмакчисининг ифода имконияти ранг-баранг бўлиб, боғлаш вазифаси билан бирга биргалик, ҳолат, восита, тезлик каби грамматик маъноларни ифодалаб, ёзувчи мақсадини ёритишга, жумланинг тугал шаклланишига хизмат қилган.

Боғловчи қўшма гап таркибидаги содда гап ва уюшган бўлаклар орасидаги турли муносабатларни ифодалаш учун қўлланилган ёрдамчи сўздир. Боғловчи грамматик жиҳатдан ўзгармайди, мустақил лексик маънога эга эмас. Шунинг учун улар гап бўлаклари ҳамда айрим гапларнинг тузилиши/маъносига кўра турли муносабатларни кўрсатиш учун қўлланади. Ўзбек тилида боғловчи ўзи боғлаган сўз ва айрим содда гапларни ўзаро қандай муносабатда эканлигини кўрсатиш билан бирга, шу муносабатнинг турини ҳам кўрсатиб туради.

Тенг боғловчилар тенг муносабатли бирликларни боғлаб, улар орасида бириктириш, зидлаш, айириш каби морфологик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Аммо ва лекин элементларининг жуфтлашиб, аммо-лекин тарзида плеонастик қўлланиши дастлаб сўзлашув нутқида, кейинчалик эса адабий тилда ҳам меъёр ҳолатига келган. Бундай ҳолат С.Аҳмад комедияларида кўп учрайди. Жумладан: Маҳкам (Асқарни туртиб). Хўп деб кўя қол. Бўлмаса қутулмайсан. Асқар. Бўпти. Аммо-лекин бошқа тарафларга бориб юрманг (Келинлар кўзғолони). Тўхта. Йиғламанг. Аммо-лекин биласизми, оймнинг унволлари қанақа?Нигора. Биламан, шаҳарда у кишини Генерал кампир деб аташар экан (Келинлар кўзғолони).Қудрат. Синглим, дадамиз бари бир ҳаммасини ололмайдилар. Биттасини оладилар.Аммо-лекин танлаб олиб берамиз (Куёв).

Бу восита матнда бирданига икки вазифани – ҳам боғловчилик, ҳам юкламалик вазифасини бажармоқда.

Бир қатор лингвистик манбаларда ва боғловчисининг қўшма гап таркибидаги гапларни боғлаши, бундай гапларда бир пайтлилик муносабати, воқеа-ҳодисаларнинг бир вақтда бўлганлиги;кетма-кетлик;натижа; зидлик, қарама-қарши қўйиш каби маъно-муносабатлари ифодаланиши таъкидланади. С.Аҳмад комедияларида бу боғловчи, асосан, содда гап таркибида уюшиб келган бўлакларни боғлашга хизмат қилган. Жумладан: Азиз томошабинлар. Бугун биз сизларга “Қишлоғимиз ва раёнимизнинг пири бадавлат кампирлари” деган фильм намойиш қиламиз. Яхши кийиниш, ўзига оро бериш, қуй ва қўшиқ тинглашгаинтилиш кучаяркан. Тажанглик ўрнини аллақандай мулоиймлиқ эгалларкан (Куёв). Атрофи кунгира панжаралар билан ўралган уч қаватли бу уйни микрораёндагилар “Оқ уй” деб аташарди. Унда обком ва горком ходимлари яшайдилар.Битта ҳайхотдек катта хонада бош буғолтир, учта ёрдамчиси, тўртта кичик буғолтир, иккита ҳисобчи ва кассир Донохон ишлайди (Хандон писта).

Қуйидаги жумлада эса адиб ва боғловчиси орқали ўз интенциясини имлицит тарзида ифодалаган: “Тошкентлик қайноналар...” Мана эшитдингизми? “Тошкентлик қайноналар, Ҳожинисахон, Ойшахон, Султонхон ая ва бошқалар томонидан...” Эшитдингизми?

Ва бошқалар томонидан... келинларга бой-феодалларча муомала қилинаётганини биз алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Ушбу фелъетон юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборишингизни сўраймиз”(Келинлар кўзғолони).

Уста Боқи ва бошқалар ифодаси замирида Фамон ҳам назарга тутилаётганини ва мулоҳазасини ёзиб юбориши мумкинлигини айтиб иддао қилади. Олдин Фармон кампир “менинг исмим йўқ” деб эътироз қилганида уста Боқи ва бошқаларга у ҳам киришини таъкидлаб, Фармон кампирнинг “попугини пасайтиради”. Адиб ва боғловчиси орқали бадий мақсадини амалга оширади.

Кўринадики, ёрдамчи сўзларнинг хусусий грамматик маънолари ўзлари қўшилиб келган сўзларнинг луғавий ва грамматик маънолари билан уйғунлашиб, гап қурилиши ва унинг коммуникатив мақсадига жиддий таъсир этади, шу матнда ҳал этувчи, етакчи омилдек туюлади, бўртиб, қалқиб чиқади. Умумий грамматик маъно эса минглаб хусусий зарраларга “парчаланиб” кетиши оқибатида хусусийликлар ичига сингиб кетгандек бўлади. Лекин хусусий грамматик маънолар қанчалик хилма-хил ва ранг-баранг, у ёки бу матн учун ҳал этувчи, муҳим бўлмасин, умумий грамматик маънонинг зарралари

ҳисобланади ва ўзида умумий грамматик маънонинг хусусиятларини сақлайди[3/18].

Хулоса ва таклифлар. Ўзбек тилидаги ёрдамчи воситалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, грамматик маъно ифодалаш, сўзларни ўзаро тенг ёки тобе ҳолда боғлаш, нутққа киритиш, гап бўлақлари мавқеини таъминлаш, тобе-ҳокимлик муносабатини сақлаб туриш, тил услублари учун имконият яратиш, нутқий тежам-корликни таъминлаш, тилнинг онтолик хусусиятларини кўрсатишда катта аҳамиятга эга. Ёрдамчи сўзлар синтактик воситалар ҳисобланиб, улар сўз бирикмаси ва гап тузиш жараёнида таянч вазифа бажаради. Улар нутқда ўрни билан вазифадош тил бирликлари сифатида намоён бўлади.

Забардаст ёзувчи С.Аҳмад комедияларида ёрдамчи сўзлар мана шундай кенг имкониятга эгаки, боғловчи, кўмакчи ва юкламалар қўлланишининг эволюциясини кузатиш мумкин. Ижодкор комедияларида ёрдамчи сўзлар фақат боғлаш ва қўшимча маъно юклаш вазифасинигина эмас, балки кенг ифода имкониятларини яратиб берган. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек тилида воситаларнинг кўплиги ва ривожланганлиги нутқда қўлланишининг чегараланиши ва ихтисослашишга имконият беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2010. – Б. 147. – 336 б.
2. Юлдошева Н.Э. Ўзбек тили синтаксиси тадқиқ усуллари ҳақида./ НамДУ илмий ахборотномаси / 2021 йил 11-сон, –Б.398.
3. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларидаги лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси. Филология фанлари доктори (ДСс) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – 77 б. – Б. 16.
4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-e/evolyutsiya-uz-2/>
5. Аҳмад Саид. Келинлар кўзғолони. Комедия. – Тошкент, 1976
6. Аҳмад Саид. Куёв. Комедия. – Тошкент, 1986
7. Аҳмад Саид. Хандон писта Комедия. – Тошкент, 1994
8. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол.ф.номз...дисс... - Самарқанд, 1994.
9. Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида эргаштирувчи боғловчили гапларнинг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.



Dilnavoz MURODOVA,
Teacher of Karshi State University
e-mail: dil7navoz@gmail.com

Rewiew d.f.s K.Pardayev

AMERICA DESCRIPTION IN THE PIONEERS BY JAMES FENIMORE COOPER

Annotation

The *Pioneers*, published in 1823, is the fourth novel in the series in terms of plot chronology. William Cooper's most impressive replication of a Waverley-type novel is *The Pioneers*. Its status among the early Leatherstocking tales is comparable to Guy Mannering's in Scott's early Scottish novels. James Fenimore Cooper depicts life in a new settlement on New York's Lake Otsego in the last years of the eighteenth century in this famous novel. He goes over the year's events in detail, including the Christmas turkey shot, maple tree tapping, evening bass fishing, and militia marshalling. Cooper, on the other hand, is interested in the evolution of the cultural and philosophical foundations of the American experience.

Key words: James Fenimore Cooper, *The Pioneers*, American experience, Templeton's community, Leatherstocking series, American Indian civilization

ОПИСАНИЕ АМЕРИКИ В ПИОНЕРАХ ДЖЕЙМСА ФЕНИМОРА КУПЕРА

Аннотация

«Пионеры», опубликованные в 1823 году, являются четвертым романом в серии с точки зрения хронологии сюжета. Самая впечатляющая копия романа типа Уэверли Уильяма Купера - «Пионеры». Его статус среди ранних рассказов о Кожаном чулке сравним со статусом Гая Мэннеринга в ранних шотландских романах Скотта. В этом известном романе Джеймс Фенимор Купер описывает жизнь в новом поселении на озере Отсега в Нью-Йорке в последние годы восемнадцатого века. Он подробно рассказывает о событиях года, в том числе о стрельбе по рождественской индейке, постукивании по кленовым деревьям, вечерней ловле окуня и сборе ополченцев. Купера, с другой стороны, интересует эволюция культурных и философских основ американского опыта.

Ключевые слова: Джеймс Фенимор Купер, «Пионеры», американский опыт, община Темплтона, сериал «Кожаный чулок», цивилизация американских индейцев.

JEYMS FENIMORE KUPERNING PIONERLAR ASARIDA AMERIKA TAVSIFI

Annotatsiya

1823-yilda nashr etilgan «Pionerlar» romani syujet xronologiyasi jihatidan turkumdagi to'rtinchi romandir. Uilyam Kuperning Ueyverli tipidagi romanining eng ta'sirli nusxasi «Pionerlar»dir. Uning «Charvoz chorvachiligi» haqidagi dastlabki hikoyalardagi maqomini Skotning ilk Shotlandiya romanlaridagi Guy Mannering bilan solishtirish mumkin. Ushbu mashhur romanida Jeyms Fenimor Kuper XVIII asrning so'nggi yillarida Nyu-Yorkdagi Otsego ko'lidagi yangi aholi punktidagi hayotni tasvirlaydi. U yil voqealarini, jumladan, Rojdestvo kurkasini otish, chinor daraxtlarini urish, kechki baliq ovlash va militsiyani yig'ish haqida batafsil ma'lumot beradi. Kuper esa Amerika tajribasining madaniy va falsafiy asoslari evolyutsiyasi bilan qiziqadi.

Kalit so'zlar: Jeyms Fenimor Kuper, Kashshoflar, Amerika tajribasi, Templeton jamoasi, Leatherstocking seriyasi, Amerika hind sivilizatsiyasi.

Introduction. Cooper's first big work is *The Pioneers*, which he wrote solely for his own pleasure. The Spy's popular popularity gave him more freedom and confidence, prompting him to turn to what turned out to be his most fertile source of material: New York State's frontier life (Brenner, G., 1970). This is the first novel in the Leatherstocking series, and it features a complex double organization that is an experimental reaction to what Robert Spiller describes as Cooper's major aesthetic problem: the translation of forms formed in aristocratic civilized Europe to his democratic frontier material (Thomas P., 2020). On the one hand, *The Pioneers* chronicles daily life in the new village of Templeton on Otsego Lake from Christmas 1793 through the following autumn (Nasrullah M., 2018). The transfer of ownership to the largest section of land in the area from Judge Marmaduke Temple to Edward Oliver Effingham is essential to this plot; nevertheless, there is a secret order behind this arrangement that progressively exposes itself as the story unfolds. The interaction of these two structures emphasizes the transfer's providential inevitability and importance.

The seasonal sequence of events reflects the character of Templeton's community at this time in its development. Templeton is depicted as being caught in the middle of two

different types of order. Natty Bumppo, the Leatherstocking, and his elderly Indian buddy John Mohegan, whose real name is Chingachgook, represent the old order (Brenner, G., 1970). The forest serves as their habitat and as a conduit for divine justice. Natty has grown into the best man that such a life can generate as a result of his relationship with Chingachgook and his existence in the forest. He mixes authentic Christian values with the greatest of American Indian civilization's talents and expertise. Given the material circumstances of their environment, Natty and the Indian live an ideal life, but that environment is changing. Otsego Lake is settling down and becoming more civilized. Chingachgook has stayed because he wants to live where his forefathers did. Natty decides to stay with his pal. Their presence turns becomes a subject of contention.

Cooper exhibits a faith in a providential ordering of history that will lead to the realization of his concepts of a rational republic in *The Pioneers*, which is a hopeful fiction (Nasrullah M., 2018). The primary anarchic displacements of aboriginal inhabitants and conventional European ruling classes are resolved in this novel by stating that the American republic is the culmination of these two traditions. Despite its

flaws, the American experiment appears to be bound for a singular success in this tale (Philbrick, T., 1964).

Many critics have praised various parts of James Fenimore Cooper's early novel *The Pioneers* (1823), but few have given it the coherence and unity that are the first measures of a great work of art. The orthodox critical view holds that Cooper failed to integrate the three major elements of his novel: the lengthy descriptions of natural scenery and village habits and occupations; the conflict between Natty Bumppo and Judge Temple, which is usually regarded as the narrative's thematic center; and the main plot, the discovery of Oliver Effingham as the true heir to Judge Temple's vast land holdings. Typically, this approach emphasizes Cooper's materials' different origins as the source of their discordance. The novel must be lacking in unity since it draws on both the real world of personal remembrance and family heritage as well as the powers of pure imagination. Cooper wedded his "warm boyhood recollections to a superannuated plot concerning the temporary expropriation of an estate," writes Alexander Cowie. As a result, "there is a more definite disjunction of the action from the illustrative material in *The Pioneers* than in any of Cooper's frontier tales." Professor Cowie asks us to ignore the novel's plot in order to enjoy "the location and characterization for their own sake."

Cooper's deliberate use of what his "Introduction" terms "the distinctive glories of the 'composite order,'" an order made up of dissimilar pieces, is revealed in a formalistic reading of *The Pioneers*. Given the novel's dual premise of determining who owns the Templeton estates and who Oliver Edwards is, Cooper repeats equivocal collaborations, "mixtures," and "minglings" that collectively hamper clear identification in several scenes, descriptive digressions, character qualities, and incidental details. They also insist on acknowledging a composite identity, as Cooper's symbolic usage of Oliver demonstrates. His "kinship" to the novel's major characters encompasses both the various historical stages of nature and civilization—rude frontier and civilized society (Natty Bumppo and Judge Temple) as well as pagan barbarism and aristocratic culture (Mohegan and Oliver's Grandfather)—as well as all historical claims to the land, making him the land's ultimate owner. More importantly, the novel's structure yoked historical facts regarding Cooperstown's beginnings, descriptive pieces, pastoral aspects, invented tales, cliched borrowings, comedy, melodrama, and social issues. These diverse ingredients not only force one to acknowledge the novel's "composite order," but also prompt a reconsideration of Cooper's latent esthetic in this and previous works.

James Fenimore Cooper depicts life in a new settlement on New York's Lake Otsego in the last years of the eighteenth century in this famous novel. He goes over the year's events in detail, including the Christmas turkey shot, maple tree tapping, evening bass fishing, and militia marshalling. Cooper, on the other hand, is interested in the evolution of the cultural and philosophical foundations of the American experience (Permaul, Nadesan, 2021). He writes on the difficulties inside the settlement, focusing on the difference between the natural norms of Natty Bumppo, a hunter and woodsman, and his Indian friend John Mohegan,

and the more rigorous framework of law required by a more complicated society. *The Pioneers*, arguably America's first best-seller (over 3,000 copies were sold within hours of publication), recalls a vivid and accurate picture of the American pioneering experience today (Philbrick, T., 1964).

The work, which was first published in 1823, is the first of Cooper's five *Leatherstocking Tales* and the one that most closely reflects his own experience growing up in a frontier community. Cooper earned a name after his second novel, *The Spy*, and in his third book, the autobiographical *Pioneers* (1823), Cooper developed Natty Bumppo, a uniquely American icon of rugged individualism and the pioneer spirit. *Pioneers* was dubbed "our first national novel" by Emerson (Murodova D., 2022). From Christmas dinner and a turkey shoot to church and bar, deer hunt and forest fire, local courting and courtroom drama, he paints vivid scenes of rural life. The novel's central fight is about who owns America and by what standard of justice.

The author of *The Pioneers*

Otsego Hall, his father's manorial estate near Lake Otsego in upstate New York, was where James Fenimore Cooper (1789-1851) grew up. He was educated at Yale and spent five years at sea, first as a foremast hand and later as a navy midshipman. When his wife contested his claim that he could write a better book than the English novel he was reading to her, he was thrust into a literary career at the age of thirty. *Precaution* (1820), a novel of manners, was the consequence. His second work, *The Spy* (1821), was an immediate success, and he began his series of *Leatherstocking Tales* with *The Pioneers* (1823). By the time *The Last of the Mohicans* was published in 1826, he had established himself as a great novelist. Cooper and his family lived and traveled in France, Switzerland, Italy, and Germany from 1826 to 1833. *The Prairie* and *The Red Rover*, two of his most popular pieces, were both published in 1827. After a succession of somewhat unsuccessful works of essays, travel sketches, and history, he returned to fiction – and to *Leatherstocking* – with *The Pathfinder* (1840) and *The Deerslayer* (1841). (1841). His popularity fell in his final decade, owing in part to his waspish attacks on critics and political opponents (Permaul, Nadesan, 2021). An edition of his writings published shortly before his death in 1851 led to a reappraisal of his fiction and helped to restore his position as the first of American writers.

Conclusion. William Cooper's most impressive replication of a Waverley-type novel is *The Pioneers*. Its status among the early *Leatherstocking* tales is comparable to Guy Mannerling's in Scott's early Scottish novels. *The Pioneers* begins on Christmas Eve, just as Judge Temple's daughter returns home from a finishing school after six years away. In many ways, the trial of *Leatherstocking* is the novel's core event, yet to grasp the themes posed by the trial, one must first understand the Temple-Effingham dispute. When seen from a national perspective, it is clear that, as useful as the Effinghams were during the early years of colonization in North America, men like Temple must be the future. Cooper's thorough understanding of the contextual reality of frontier life is evident throughout *The Pioneers*, to the point where the book is an indispensable document of American social history (Thomas P., 2020).

REFERENCE

1. Brenner, G. (1970). Cooper's "composite order": 'the pioneers' as structured art. *Studies in the Novel*, 2(3), 264–275.
2. Murodova D. (2022). American literature and James Fenimore Cooper. *Journal of Academy of Xorazm Ma'mun* №3 (87)
3. Nasrullah Mambrol. (2018). Analysis of James Fenimore Cooper's Novels
4. Permaul, Nadesan. (2021). II. The pioneers. 10.13140/RG.2.2.32672.71684.
5. Philbrick, T. (1964). Cooper's *The Pioneers*: Origins and Structure. *PMLA*, 79(5), 579–593.
6. Thomas Philbrick. (2020). *Cooper's The Pioneers: Origins and Structure* Published online by Cambridge University Press: 02 December 2020



Мафтунна МУСТАФОКУЛОВА,
Жиззах давлат институти ўқитувчиси
E-mail address: maftun0305@gmail.com

ЎзМУ Жиззах филиали доценти Т.Кучкаров тақризи асосида

THE POSITIVE, NEUTRAL AND NEGATIVE CONNOTATIVE SENSES OF THE ADJECTIVE “SLY” IN TRANSLATING FROM ENGLISH INTO UZBEK

Annotation

The current article is devoted to the particular practical views of the meaning of adjective as well as it focuses on the denotative and connotative meaning of the adjective in translating the sentences. Moreover, it deals with the specialized connotative characteristics of lexemes which might be involved in most common used words, particularly, on the examples of English sentences.

Key words: Denotation, connotation, sly, positive, neutral, negative, authentic examples, analysis, pragmatics, sentences, practice.

ПОЗИТИВНОЕ, НЕЙТРАЛЬНОЕ И ОТРИЦАТЕЛЬНОЕ КОННОТАТИВНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПРИЛАГАТЕЛЬНОГО «SLY» ПРИ ПЕРЕВОДЕ С АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА НА УЗБЕКСКИЙ

Аннотация

Настоящая статья посвящена частным практическим взглядам на значение прилагательного, а также акцентирует внимание на денотативном и коннотативном значении прилагательного при переводе предложений. Кроме того, речь идет о специализированных коннотативных характеристиках лексем, которые могут быть задействованы в наиболее употребительных словах, в частности, на примерах английских предложений.

Ключевые слова: Денотация, коннотация, хитрый, положительный, нейтральный, отрицательный, аутентичные примеры, анализ, прагматика, предложения, практика.

ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАДА “SLY” ЯЪНИ “АЙЁР, МАККОР” СИФАТИНИНГ КОННОТАТИВ МАЪНОСИДАГИ ИЖОБИЙ, НЕЙТРАЛ ВА САЛБИЙ МАЪНОЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Аннотация

Ушбу мақолада сифатнинг маълум маъноларига назар солиш билан бирга, унда гапларни таржима қилишда унинг денотатив ҳамда коннотатив маъноларига ҳам қатъи аҳамият қаратилади. Бундан ташқари, мазкур мақола кўп қўлланиладиган сўзларнинг коннотатив хусусиятларини инглизча гаплар мисолида кўриб чиқади.

Калит сўзлар: Денотация, коннотация, айёр, ижобий, нейтрал, салбий, ҳаётий мисоллар, таҳлил, прагматика, гаплар, амалий.

Кириш. Сифат сўз туркуми тилшуносликда нарса белгисини билдирувчи сўзлар туркуми қаторига киради. Грамматикада белги сўзи кенг тушунчали бўлиб, у белгини ранг тури, ҳажм, шакл кўриниши каби хусусиятларини билдиради. Масалан: қизил, кенг, ёқимли ва бошқалар. Шу хусусиятларига кўра ва маъносига кўра бир неча турга бўлинади: ранг тус билдирувчи сифатлар: оқ, сариқ, қизил, нимранг каби; маза таъм билдирувчи сифатлар – ширин, нордон, аччик, бемаза каби; хусусият билдирувчи сифатлар: меҳрибон, содда, муғомбир, ювош каби; шакл-кўриниш билдирувчи сифатлар — гавдали, новча, узунчоқ, ясси каби; ҳажм-ўлчов билдирувчи сифатлар: кенг, тор, оғир, енгил каби ва бошқа.

Биз ушбу мақолада сифат сўз туркумининг хусусият билдирувчи гуруҳига кирувчи “айёр” лексемасини инглиз тилидан ўзбек тилига таржимада прагматик жиҳатдан коннотатив маъноларини кўриб чиқамиз.

Инглиз тилидан ўзбек тилига таржимада сўзларнинг прагматик жиҳатдан коннотатив маънолари бисёрдир. Масалан: чиройли сифатини бир қатор синонимлари қуйидагилардир: гўзал, бетакрор, жозибали, мафтункор, сулув. Мазкур синонимик қаторнинг доминантаси “чиройли” сўзи ҳисобланади. Ушбу коннотатив маъноларнинг синонимик қаторида ижобий, нейтрал ва салбий маънолари ва уларнинг гапда ўзига хос вазибалари мавжуд.

Биз қуйида сифатнинг хусусият билдирувчи гуруҳига кирадиган сўзларни кўриб чиқамиз.

Мазкур мақолада биз “sly” ўзбекча “айёр, маккор” лексемаларини синонимик қаторини кўриб, коннотатив маъноларини ўрганиб чиқамиз. Айёр, маккор сифатларини инглиз тилида қуйидагича синонимлари бор: sly, cunning, canny, wily, crafty, foxy, leery, artful, tricky, sneaky, sleight of hand, scheming, guile, disingenuous, devious, conniving, calculating [қ.: Cambridge Advanced Learner’s Dictionary-3rd Edition]. “sly” сифати ушбу синонимик қаторнинг доминантаси ҳисобланиб, биз мана шу синонимларнинг ижобий, нейтрал ҳамда салбий коннотатив маъноларини ҳаётий мисолларда кўриб чиқамиз.

Ижобий маъноли синонимлар: canny, artful, guile, devious.

Нейтрал маъноли синонимлар: foxy, leery.

Салбий маъноли синонимлар: cunning, wily, crafty, tricky, sneaky, scheming, disingenuous, conniving, calculating.

Cunning: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – айёр, маккор. Масалан: In this world one has to be cunning and cruel [қ.: sentenceyourdictionary.com]. Мазкур гаптаги cunning сифати айёр деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Бизнингча эса гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Бу дунёда ҳар бир инсон айёр ва золим бўлиши шарт.

Canny: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – муғомбир, эҳтиёткор. Мисол учун:

Barrie gets the goals but is also very canny player [к.: sentenceyourdictionary.com]. Ушбу гапдаги canny сифати эҳтиёткор деган ижобий коннотатив маънони ифодалайди. Фикримизча гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Берри мақсадларига эришадиган ва шунингдек жуда эҳтиёткор ўйинчи.

Wily: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – хийлагар, маккор. Мисол келтирсак: Even now, we have no clear case against this very wily man [к.: sentenceyourdictionary.com]. Ушбу гапдаги wily сифати маккор деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Фикримизча гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Ҳаттоки ҳозир ҳам бизни бу ўта маккор кишига қарши аниқ далилимиз йўқ.

Crafty: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – моҳир, хийлагар. Масалан: But the ataman was as crafty as he was cruel [к.: sentenceyourdictionary.com]. Гапдаги crafty сифати хийлагар деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Бизнингча мазкур гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Бироқ Атаман зolim бўлганидек хийлагар ҳам эди.

Foxy : 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – муғомбир, тулки. Мисол учун: However, I thought the both babes were rather foxy this year [к.: sentenceyourdictionary.com]. Ушбу гапдаги foxy сифати тулки яъни тулкидек айёр деган нейтрал коннотатив маънони ифодалайди. Фикримизча гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Менимча, бу йили бу иккала жонон ҳам анчагина тулки.

Leery: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – муғомбир, қув. Масалан: I've always been a bit leery of authority figures [к.: Cambridge Advanced Learner's Dictionary-3rd Edition]. Ушбу гапдаги leery сифати эҳтиёткор деган ижобий коннотатив маънони ифодалайди. Бизнингча гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таржимавий таҳлили қуйидагича бўлар эди: Мен доим ҳокимият вакилларига эҳтиёткор бўлиб келганман.

Artful: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – муғомбир, моҳир. Масалан: The prime minister dealt with the interviewer's questions in a very artful way [к.: Cambridge Advanced Learner's Dictionary-3rd Edition]. Ушбу гапдаги artful сифати моҳирона деган ижобий коннотатив маънони ифодалайди. Фикримизча гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таржимавий таҳлили қуйидагича бўлар эди: Бош вазир журналистнинг саволларига моҳирона жавоб берди.

Tricky: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – муғомбир, айёр. Масалан: It's tricky being the only singleton when all your friends have settled down [к.: sentenceyourdictionary.com]. Мазкур гапдаги tricky сифати муғомбир деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Фикримизча гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Барча дўстларинг жойлашиб олган бир пайтда ягона ҳиссиз шахс бўлиш муғомбирликдир.

Sneaky: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – хийлагар, айёр. Масалан: In point of fact he is worse because he is so bloody sneaky [к.: sentenceyourdictionary.com]. Мазкур гапдаги sneaky сифати хийлагар деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таржимавий таҳлили қуйидагича бўлар эди: Аслида, у ёмонроқ сабаби у ўта хийлагар.

Scheming: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – хийлагар, айёр. Масалан: The novel

is about an elderly man and his scheming son who is impatient to inherit the family fortune [к.: merriem-webster.com]. Мазкур гапдаги scheming сифати хийлагар деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Бизнинг фикримизча гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таржимавий таҳлили қуйидагича бўлар эди: Асар чол ва унинг оила бойлигини мерос қилиб олишни сабрсизлик билан қутаётган хийлагар ўғли ҳақида.

Guile: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – хийлагар, шайтонларча хийла. Масалан: You might have to use considerable guile to find out what's going on [к.: sentenceyourdictionary.com]. Ушбу гапдаги guile оти хийла деган ижобий коннотатив маънони ифодалайди. Гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Сиз нима бўлаётганини аниқлаш учун муҳим хийла ишлатишингиз шарт.

Disingenuous: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – мунофиқона, сохта, маккор. Масалан: I don't appreciate when you equivocate with me, it seems disingenuous [к.: sentenceyourdictionary.com]. Гапдаги disingenuous сифати мунофиқ деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Мазкур гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Сен мен билан гаплашган пайтингда умуман эътибор бермайман чунки бу мунофиқона маккор туюлади.

Devious: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – хийлагар, маккор. Масалан: You have to be a bit devious if you are going to succeed in a business [к.: Cambridge Advanced Learner's Dictionary-3rd Edition]. Мазкур гапдаги devious сифати хийлагар деган ижобий коннотатив маънони ифодалайди. Гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: Бизнесда муваффақиятга эришаман десанг, озроқ маккор ҳам бўлишга тўғри келади.

Conniving: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – хийлагар, маккор. Масалан: She's a conniving, self-serving, arrogant creature. Heartless too [к.: sentenceyourdictionary.com]. Мазкур гапдаги conniving сифати маккор деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: У маккор, ўз фойдасига ишлайдиган, димоғдор мавжудот. Юраксиз ҳам.

Calculating: 1) Денотатив маъноси – айёр; 2) Коннотатив маъноси – худбин, маккор. Масалан: He wasn't like this before – so cold and calculating [к.: sentenceyourdictionary.com]. Мазкур гапдаги calculating сифати маккор деган салбий коннотатив маънони ифодалайди. Гапнинг прагматик жиҳатдан тўғри таҳлили қуйидагича бўлар эди: У олдин бунчалик совуқ ва маккор эмас эди.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида лингвопрагматика муаммолари тадқиқига алоҳида эътибор кучайиб бормоқда. Лингвопрагматик тадқиқотлар ичида матн (дискурс) прагматикаси масаласи кўпгина тилшунос олимларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Юқоридаги тадқиқотларимиз натижасидан кўриниб турибдики, ҳар бир ўқувчи ва таржимон нафақат луғат таржимасига, балки унинг контекстдаги прагматик омилларини ҳам инобатга олиши керак. Шунингдек, улар контекстдаги ҳар бир лексеманинг денотатив ва коннотатив маъноларидан ҳам хабардор бўлишлари даркор. Шу қаторда коннотациянинг ижобий, салбий ва нейтрал маънолари мавжудлиги ва шунинг учун тил ўрганувчилари маълум бир сўзни аниқ бир контекстда қўллашдан олдин уларни коннотатив маъноларидан хабардор бўлишлари лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари – Тошкент: Фан, 2007. – 1246
2. Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари: Филол. Фан. Ном... дисс. Автореф, -

Тошкент, 2004. - 256

3. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – 166б
4. Albert Rowe, Joan Rowe «The Word Finder, 1987».
5. Elisabeth Noreback «Tell me you are mine, 2008».
6. Cambridge Advanced Learners' Dictionary. Third Edition, 2018.
7. Jane Austen «Pride and Prejudice, 2008».
8. Elizabeth Noble «Things I Want My Daughters to Know, 2008».
9. Cambridge English Corpus, 2012-2015.
10. <http://examples.yourdictionary.com/examples-of-connotative-words>.



Манзура НАМАЗОВА,

Қарши давлат университети тадқиқотчиси

E-mail: manzuraorakova570@gmail.com

ҚарДУ профессори, ф.ф.д. Б.Йўлдошев тақризи асосида

THE STAGES OF AMIR KHUDOYBERDI'S CREATION

Annotation

In Uzbek literature, the works of Amir Khudoiberdi have not yet been comprehensively studied. The study of the poet's work is also important in determining the influence, position, and place of local artists in literature. Also, the issue of art and literature, which is one of the means of spiritual and educational environment, education and their formation in our country, has always been in the forefront. Therefore, as the President of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev said: "... attention to literature and art, culture is first of all attention to our people, attention to our future, as our great poet Cholpon said, we have no right to forget that literature, culture and nation can live"[1]. This fact also determines the relevance of the topic.

Key words: Soviet-era art, independence-era art, folk epics, series of emotions, literature.

ЭТАПЫ ТВОРЕНИЯ АМИРА ХУДОЙБЕРДИ

Аннотация

В узбекской литературе произведения Амира Худойберди до сих пор всесторонне не изучены. Изучение творчества поэта также важно для определения влияния, положения и места местных художников в литературе. Также вопрос искусства и литературы, являющихся одним из средств духовно-просветительской среды, образования и их формирования в нашей стране, всегда стоял на первом плане. Поэтому, как сказал Президент Узбекистана Ш.М.Мирзиёев: «...внимание к литературе и искусству, культуре – это прежде всего внимание к нашему народу, внимание к нашему будущему, как сказал наш великий поэт Чолпон, мы не имеем права забыть, что литература, культура и нация могут жить» [1]. Этот факт также определяет актуальность темы.

Ключевые слова: искусство советской эпохи, искусство эпохи независимости, народный эпос, серия эмоций, литература.

АМИР ХУДОЙБЕРДИ ИЖОДИ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация

Ўзбек адабиётшунослигида Амир Худойберди асарлари то ҳозирга қадар яхлит ҳолда илмий тадқиқ қилинган эмас. Шоир ижодини ўрганиш маҳаллий ижодкорларнинг адабиётдаги таъсири, мавқеи ва ўрнини белгилаб бериши билан ҳам аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимизда маънавий-маърифий муҳит, тарбия ва уларни шакллантириш воситаларидан бири бўлган санъат ва адабиёт масаласи ҳар доим бош ўринларда бўлиб келган. Бинобарин, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб айтганидек: "...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ" [1]. Мана шу ҳолат ҳам мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Калит сўзлар: Шўро давридаги бадиий ижод, мустақиллик даври бадиий ижоди, халқ дostonлари, туйғулар силсиласи, адабиёт.

Кириш. Ҳар бир ижодкорнинг сўз майдонига кириб келиши муайян босқичлардан иборат. Фақат (истисно ҳолатдагина) дунё адабиётида камдан кам ижодкорларгина мўъжизадек тўсатдан пайдо бўлади. Уларнинг ижодий эволюцияси текширилганда илк асарлариёқ баланд пардаларда, юксак савияда яратилади. Алишер Навоийнинг болалик чоғларида "малик ул-калом" Лутфий эътирофига сазовор бўлган "Оразин ёпғоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш..." мисраси билан бошланувчи ғазалига берилган юксак баҳо бунинг ёркин далилидир. Лекин бундай ижодкорлар адабиёт тарихида бармоқ билан санарли.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Миллий лирика муаммолари ҳам, алоҳида олинган шоирлар ижоди ҳам адабиётшунослигимизда турли жиҳатлардан фундаментал тадқиқотлар даражасида ўрганилган. Диссертация иши учун объект сифатида танланган шоир Амир Худойберди ижоди адабиётшуносларимиз томонидан турли миқёсларда ўрганилган. Истиклол даври ўзбек поэзиясида ижодкор услуби, индивидуаллик ва маҳорат масалалари тадқиқи борасида Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Сувон Мелиев, Нўъмон Раҳимжонов, Дамин Тўраев, Бойназар Йўлдошев,

Дилмурод Қуроно, Илҳом Ғаниев, Нурбой Жабборов, Нодира Афоқова, Улуғбек Ҳамдамов, Гулбахор Ашурова, Гулноза Эрназарова қабилар муайян илмий тадқиқотларни амалга оширганлар. Бинобарин, академик Матёқуб Қўшжонов шоирнинг адабий портретини яратган. Тадқиқотчи Нодира Афоқова шоир асарларида қўлланган бадиий санъатларни мумтоз адабиётга қиёсан ўрганган бўлса, Гулбахор Ашуровани ҳам шоирнинг бадиий маҳорати масаласи қизиқтирган. Шунингдек, миллий адабиёт, шеърият назарияси йўналишида яратилган қатор тадқиқотларда ҳам у ёки бу мавзу муносабати билан адабиётшунослар Д.Тўраев, Б.Йўлдошев, Д.Қуроно, Н.Раҳимжонов, А.Пиримқуловлар томонидан Амир Худойберди ижоди илмий таҳлилга тортилган. XX аср ўзбек шеърияти учун эталон бўла оладиган шоирлар асарлари билан Амир Худойберди ижодини қиёслаш ҳамда шоир шеъриятини шу давр адабиётига оид тадқиқотларда четлаб ўтиш ҳам мумкин эмас ҳам аслида.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мақоланинг мақсадидан келиб чиқиб, ишда аналитик, тарихий-типологик, психоаналитик методлардан фойдаланилди.

Тахлил ва натижалар (Analysis and results).

Амир Худойберди ижодида инсон образининг тадрижини текшириш шоирнинг нафақат бадий-фалсафий қарашлари, балки қалбда кечган ижодий эврилишлар кардиограммасини аниқлаштириш имконини беради. адиб ижодини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

- Шўро давридаги бадий ижоди
- Мустақиллик даври бадий ижоди

Шоирнинг шўро даврида яратилган шеърлари баландпарвозликдан холи, содда, халқона оҳанглarga йўғрилган, шунинг баробарида шахс ва жамият тубсиз жарлик борлигини кўрсатиб туради, мурасасозлик кайфияти ҳукмрон, тоталитар мафкурага нисбатан аввалига норозилик, 1986 йилдан кейинги ижодида эса исёнкорлик руҳи устивор.

“Аравани тўхтатинг”(1986), “Бир гуруҳ қароқчи”(1988), “Бир бюрт кўрдим, бор эли батракмижоз”(1989), “ Мен миллатман”(1987), “ Иқро”(1987), “ Қобил бобо”(1987), “ Сибирга бадарға қиламан сени...”(1987), “Тушларимда ” (1987), “ Она халққа топиниш”(1987), “Таъбирсиз туш ”(1986), “Куёшпараст ўғил ”(1987), “Бир фикр бор дилимда”(1987), “ Табиат”(1987) сингари шеърларида шўро тузуми. Тили, маданияти, дини, этикодиди, ўтмиши ажратиб қўйилган эрксиз, зулм-зўравонлик остида яшашга мажбур қилинган халқнинг қалбда кўмилиб ётган ҳасрат, дард, аламлар шоир юрагидан портлаб чиқади.

“Асл ўзлимсан, асл ўзбегимсан, Қаро кўзлимсан, Ўзим сенга чечан Забонимни берай. Гуруримдан эшган Камонимни берай. Ғанимлар чекинса, Кўзголар эсанг. Хонлар кўксига Қўркув солар эсанг. Манглайингдан ўпсин Ота Қуёш, ўғил! Ўзимодим ўзинг, Туғил, жоним, туғил!”[4,59] “Куёшпараст ўғил” шеърдан келтирилган юқоридаги парчада ҳар бир сўз, ҳар сатр самимий, ўз миллатини жонидан ортиқ севган, халқнинг озодлигини қўмсаган ва бй йўлда қатта курашга бел боғлаган, ич-бағри нафрат, ғазаб, исёнга тўлиб кетган лирик қаҳрамон “куёшпараст ўғил” – Озодликка “жоним” деб мурожат қилади. Манашу сўз шеър моҳиятини асл ҳолича идрок қилиш учун қалит вазифасини ўтайди. Инсон севгилисига шундай дейиши мумкин. Лирик қаҳрамоннинг севгани озодлик, истагани, интиқлик билан кутаётгани, интизор бўлгани озодлик. Шеърда шўро тузумининг жабр-зулмлари оқибатида эл бошига тушган мусибатлар шоирни ғазабини қасосга айлантиради: “ Куёшпараст ўғил, Юрагимда туғил! Етар уйимизни Ёндиргани мўғул! Етар ёғилларнинг Асрий яғмоси! Туғил қонимдаги Юртнинг қасоси!” Шоир тарихни эслар экан Қайсар санган найза, Чингиз урган тиг, қўш бургут тамғали ёвлар отган милтиқ жароҳатлари ҳали-хануз азоблаётганини таъкидлайди. Зулм, мутелик, душманга итоат қилиш алақибат халқнинг руғини ўлдирганлигидан шоир зорланади, мунгланади, хайқиради, наъра тартади. “Лойга айлаторди қонимизни замон” мисраси орқали халқ табиатига сингиб бораётган қулликни, мутеликни лаънатлайди, афсус-надомат ичра тўлғонади ва яна қадим туркийда юртдошларини саволга тутаяди:

Кўзинда ўт ёнган
Эранларим қани?!
Эл деб эр умрини
Беранларим қани?!
Куёшни сотганлар
Қасамлари увол –
Қуриди Аму, Сир,
Қуриди-қу Орол!
Манглайи шўр юртнинг
Тупроғи шўр, ўғил!
Қонимдан захарни
Парчала-да, туғил! [4, 58]

Шеърда халқ дostonларига хос бўғин тартибидан фойдаланилган. Халқ дostonларида ҳаракат тезлашган, жанг тафсилотлари берилган давҳалар қисқа, одатда етти бўғинли сатрларда баён қилинади. Мазкур шеърда ҳам шу анъанага мувофиқ ҳаяжонли, оловли хайқирик олти-етти бўғинли сатрлар орқали фойдаланган. Йўқотишлардан аламзада бўлган лирик қаҳрамон миллатдошига тарихни эслатар экан, уни курашга, исёнга даъват этади. Шеърнинг энг қатта ютуғи у шоирнинг қалбидан туғилган, бундай шеърларни ватанни севмай туриб ёзиб бўлмайди. Ватан, истиқлол ҳақида ёзилган ва ёзилаётган минглаб шеърлар борки, қуруқ, ҳиссиз. Бундай шеърлар одатда, пайдо бўлиши билан йўқолиб кетади. Уларнинг ўқувчи томонидан қабул қилинмаслигининг сабаби ҳиссиз ва ёлғонлигида. Адабиёт, шеърят ёлғонни кўтармайди, ёлғон ёзганларни аёвсиз жазолайди, аввало, ўз бағридан қувиб солади, кейин эл ичиди беобрў ва бебурд қилади. Бунга яқин тарихимиздаги жилд-жилд китоб ёзганларнинг бугунги аянчли қисмати энг ибратли мисол бўла олади.

Улуғ алломалари, соҳир адиблари, энгилмас жаҳонгирлари билан шуҳрат тутган туркий элнинг бир қадар улуғ жоғиалари ҳам бордир. Бириси шуқим, бу эл тарихнинг энг ҳал қилувчи лаҳзаларида баъзан гумрохликка, баъзан мутақаббирликка берилиб, раҳнамо бўлғудай фарзандлари атрофида бирлаша олмади. Ўзи ўтирган соҳни кесиш, деганларидай, унга фақат иқбол ва саодат соғинган муносиб фарзандларини осиди, отди, қувғин ва таъқибларга дучор этди. Исмоил Бухорий ва ибн Синонинг, Мирзо Улуғбек ва Мирзо Бобурнинг, Жалолиддин Мангуберди ва Фурқатнинг, Беҳбудий ва Фитратнинг, яна не-не жўмардларнинг қисмати бунга мисол. Аммо тарих ҳамиша бу элни хидоят йўлига бошловчиларни, унга кўзгу тутувчиларни ҳам майдонга чиқариб келди.

Табиатан фикр одами бўлмиш шоир ҳар нафас ўтар ҳаёти, эртанги кунини, табиийки, кечаги – ўтган кунлари билан қиёслайди. Чунки ўтмиш, тарих – адолат тарозуси, шафқатсиз ойинайи ҳаёт.

Ақсарияти ҳали асл ҳақиқатларни англаб етмаган, ғафлатдан кўзи тўлиқ очилмаган, мустабид мафкура кўзини пардалаган, фикрига занг солган бир авлод билан замондош бўлган шоир ижодининг биринчи даврида эрк, озодлик туйғулари етакчилик қилади. Улар миллатдошларининг озодликни, истиқлолни туб моҳияти билан англаб етгачина улар учун ҳақиқий ҳаёт, кураш, эрк ва озодлик, Ватан ва миллат қадри муқаддас бир туйғуга айланишини ҳис қилади ва шеърларида шунга интилади.

Жаҳон адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири, бутун умр инсон эрки ва озодлиги учун курашган ёзувчи Ж.Оруэллнинг асарларида шўролар, яъни собиқ совет тузуми фош қилинган. Унинг китобларида келтирилган башоратларнинг юздан ортиғи бугунгача амалда ўз тасдиғини топган. Адибнинг мажоз йўли билан ёзилган, эртанги эслатиб юборадиган «Молхона»нинг эртанг эмаслиги аён бўлди. Бутун дунёга ҳукмфармолик қилган СССР парчаланиб кетди, унинг номигина қолди, холос. Ҳақиқатга айланган эртанг қаҳрамонлари тарих олдида ўзига муносиб баҳосини олди. Ўзгартирилган тарих ўз аслига қайтди.

Ақллилар ҳукмдори деб тан олинган А.Камюнинг “санъат воқеликка бўйсунмайди, аксинча, воқелик ўзига хос бир тарздаги санъат талабларига бўйсунмайди”, - деган сўзлари ҳақ эканлиги яна бир қарра ўз исботини топди.

Ёзувчининг “1984” романида жамиятнинг ҳар бир аъзосини, жумладан бош қаҳрамон Уинстонни ҳам Фикр полицияси тинимсиз таъқиб этади. У доимий тарзда телеэкран орқали кузатиладиган миллионлаб одамлардан бири. Телеэкрандаги шишанинг синиғи каби мияга санчиладиган мусиқа овози Уинстоннинг ўйлашдан тўхтата олмайди. Қаҳрамон чўнтағидагидан олган тангага

караб, унда оғир, сокин, химоячи чехрага тикилиб туриб, дохийнинг қора мўйловлари остида яшириниб турган кулгунинг маъносини анлашга уринади.

“Уруш– тинчликдир.

Эрк– кулликдир.

Билимсизлик– кучдир”

Коммунистик партиянинг моҳияти, ўтмиши, буғуни, келажаги, иш юритиш шакли ва тизими, барча кирдикорлари, ёлғонлари мана шу уч жумлада яширинган эди.

Шўро давлати одамларнинг тилини ҳам кишанлаган эди. Қатагонлар халқнинг тинка-мадорини курутган, одамлар бир-бирга ишонмайдиган, ҳатто ота ўз фарзандидан ҳадиксирайдиган даврлар ҳам бўлган. Ж.Оруэллнинг “1984” романида, Одил Ёкубовнинг “Музкаймоқ” ҳикоясида худди шундай ҳолатга дуч келамиз ва бундай асарлар адабиётда анчагина.

Амир Худойбердининг 1987 йилда ёзилган “Бир фикр бор дилимда...” сатри билан бошланувчи шеъри ҳам айни шу мавзуда. Унда машғум даврга хос бўлган фикр назорати реал акс этган.

Бир фикр бор дилимда,

Чиқаролмам тилимга.

(Деворлардан кўркаман)

Гўё барча деворлар,

Қулоғи динг турарлар.

О, кўркаман...

Бу фикрнинг даҳшати

Ўлим каби ягона... [4, 65]

Бу лавҳа биздан олдинги авлоднинг ҳаёт тарзи. Улар мана шундай таҳлика ва кўрқув ичида кун кечиришга, ҳаммадан ҳадиксараб яшашга мажбур эдилар. Эслатганимиз, Ж.Оруэллнинг “1984” романида кизча отасининг уйкусида айтган сўзини фикр полициясига етказди ва ота қамқоққа олинадди. Ёки бош қахрамонлар Уинстон ўз фикрига эгаллиги учун отиб ташланади, севгилиси Жулия эса каламушларга ем қилинадди. Шоир қаламга олган мавзу аслида реал воқеликдан олинган ва лирик қахрамондаги кўрқув бекорга эмас.

Уйкусираб айтмай деб,

Хушёрдирман хобда ҳам.

Бу фикр ёзилмаган

Ҳеч қайси китобда ҳам...

Кўркаман яна наҳот

Фано ҳукми ҳақ эса?!

У дилимга қўшилиб

Ўзим билан чириса?! [4, 65]

Адабиётда бир даврда яшаган икки иждоқорнинг бир хил асар ёзиши кузатиладиган ҳодиса. Турли даврларда, турли хил ижтимоий тузумда яшаган ёзувчи-шоирлар ҳам айнан бир мавзуда бир хил асарлар ёзишлари мумкинлиги ҳам фанга маълум. Ж.Оруэлл асарлари юртимизга ХХI асрнинг 20 йилларида кириб келди. Собиқ иттифоқ даврида Оруэллнинг асарлари нари турсин, дунёда шундай ёзувчи борлигини катта-катта иждоқорлар ҳам билишмасди. Унинг асарларини мамлакатга олиб кириш катъий тақиқланган ва бу

асарларни олиб киришга уриниш жиноят саналиб, қамок жазосига ҳукм қилинарди.

Шоир ижодининг иккинчи босқичи мустақилликдан кейинги даврда ижтимоий мавзудан ташқари диний-тасаввуфий мавзу ҳам катта ўрин эгаллайди. Миллий истиклолга эришилгандан сўнг бир қатор маданий кадрятлар сирасида дин ва тасаввуфга ҳам муносабат ўзгарди. Ўзбек шоирлари илоҳий ва ирфоний мотивларни бемалол истифода этиш, Қуръоний, тасаввуфий мавзуларда асарлар ёзиш, ҳадисларни бадиий талқин қилиш имкониятига эга бўлдилар. Шунинг натижаси ўлароқ А.Орипов, С.Сайид, Т.Қаҳқор, С.С.Бухорий, Ш.Қурбон, А.Маҳкам, М.Кенжабек каби шоирларнинг бевосита қуръоний, тасаввуфий мавзудаги асарлари пайдо бўлди; деярли барча шоирлар илоҳий-ирфоний образлардан маълум даражада фойдалана бошладилар. Алоҳида таъкидлаш керакки, истиклол даври лирикасида илоҳий-ирфоний мотивларнинг бадиий талқини ислом ёки тасаввуф билан таништириш, уни тарғиб қилиш характерида бўлиб, асосан, ахлоқий-тарбиявий моҳият касб этади.

Шоирнинг “Илоҳий садо” китобига киритилган “Татаббуъ”, “Иккинчи Машраб”, “Илоҳий садо”, “Ваҳдат”, “Тавалло”, “Лим-лим” шеълари, ғазаллари, мухаммаслари ва “Тахайюлот” дostonида илоҳий ишқ ҳояси тараннум қилинган. Насимий, Мансури Халлоҷни ўзига пир деб билган шоир уларнинг руҳига илтижо қилиб, мадад сўрайди.

Туйғулар силсиласининг ўзи бир олам. Шундай оламки, кишини ҳамиша ўзи томон чорлайди, ўзини бахшида қилади. Туйғуларни яшаб ўтиш мумкин, бироқ уларни тугатиб бўлмайди. Уларнинг ҳар биттаси инсоннинг ҳар бир кунидек бошқадир, янгидир, сирлидир. Буни мунаққид Озод Шарафиддинов ўз тилида шундай шарҳлайди: “Шоирлар билан альпинистлар ўртасида муайян муштараклик бор: улар ҳаётлари давомида ҳамиша чўққиларга интилишади. Шоир ҳам, альпинист ҳам ҳеч қачон биринчи бўйсундирилган чўққи билан кифояланиб қолмайди. Чунки чўққилар кўп. Биринчисига кўтарилсанг, унинг ортидан нигоҳинг қаршида янги чўққи пайдо бўлади. Ундан кейин эса яна ва яна... Ҳаёт шунақа. Энг юксақ, энг нури чўққилар ҳамиша олдинда”. Бу албатта, янги бўлмаса-да, яхши айтилган фикр.

Хулоса (Conclusion). Адабиёт – сўз санъати демак. Унинг ҳар қандай ифодавий имконияти сўз билан чегараланади. Айни дамда, сўзнинг ифодавий имконияти чексиз эканлигини таъкидламоқ зарур. Юқорида айтиб ўтганимиздай, иждоқор сўз воситасида ҳам ўқувчиға мусаввирлардай тасвир асосида таъсир ўтказиш имкониятига эга. Яъни мусиқа ва тасвирий санъатнинг ифодавий имкониятларидан кенг фойдаланиши мумкин. Шоир бадиий ифодада бошқа санъат турлари имкониятига мурожаат этаркан, муайян сўз, жумланинг бадиий-тасвирий имкониятига жиддий аҳамият қаратади. Мусаввир томошабинни лол қолдириш мақсадида рангларни маҳорат билан танласа, шоир ўқувчи учун сўзларни маржондек теради.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир / Халқ сўзи газетаси. 2017. 4 август.
2. Каримов О. Бадиий образнинг кўп маънолик хусусияти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1989, № 3. – 21-26-б.
3. Мамажонов С. Гоя ва образ // Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати. Т, 1985. 40-б
4. Худойберди Амир. Таҳаммул. Т.: Musiqqa, 2015. 287-б.
5. Ҳамидова М. Ҳалима Худойбердиева лирикасининг бадиий хусусиятлари. – Филол.фан.номз...дисс. – Т.: 2004. – 226.
6. Қосимов Я. Миллий бадиий тафаккур тараққиётининг етакчи тамойиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1997, № 2. – 9-16-б.
7. Қўшжонов М. Рухий олам кенгликлариди // Гулистон. – 2003, № 2. – 26-27-б.



УДК:8.82(091)

Мунира НИЗАМОВА,
и.о.проф. кафедры русского литературоведения НУУз

Рецензент – к.ф.н., доцент Матенова Ю.У.

РАЗВИТИЕ ПРОБЛЕМАТИКИ РАННЕГО ТВОРЧЕСТВА У.ГОЛДИНГА В РОМАНАХ 1970-80-х ГОДОВ

Аннотация

В статье делается попытка решить некоторые вопросы, связанные с содержательной стороной философского романа-притчи английского писателя, лауреата Нобелевской премии У.Голдинга. Анализ романов последнего периода его творчества («Зримая тьма», 1979) и «На край света: морская трилогия», 1991) позволяет выявить дальнейшее развитие и углубление проблематики ранних произведений писателя. По-прежнему в центре его внимания проблемы нравственного характера – какова природа человека, доброе и злое начало в нем; вина и ответственность; возможности человека в современном мире. Однако Голдинг отказывается от притчевой формы романов, обращается к актуальным социальным проблемам.

Ключевые слова: Философский, роман-притча, аллегория, мораль, проблематика, праведник, гуманизм, «тьма души».

DEVELOPMENT OF THE PROBLTMATIC OF W.GOLDING'S EARLY WORKS IN THE NOVELS OF 1970-s

Annotation

The article attempts to solve issues related to the content of W. Golding's philosophical novel-parable. An analysis of Golding's novels of the last period of his work "Visible Darkness" and "Rituals of Swimming" makes it possible to reveal the development by the writer of the problems of his early works. Novelist is interested in problems of a moral nature: what is a person; good and evil; guilt and responsibility; what are the possibilities of a person in modern world.

Key words: Philosophical, novel-parable, allegory, morality, problems, righteous man, humanism, "darkness of the soul".

V. GOLDING ILK LJODI MUAMMOLARINI 1970-80-YILLAR ROMANLARIDA RIVOJLANISHI

Annotatsiya

Maqolada V. Goldingning falsafiy roman-masalining mazmumi bilan bog'liq ayrim masalalar ko'rib chiqiladi. Adibning so'nggi davridagi asarlari "Ko'rinadigan zulmat" va "Dunyoning oxirigacha: dengiz trilogiyasi" (1991) tahlil qilish bizga yozuvchini erta asarlarida ko'tarilgan muommolarini ishlab chiqishni aniqlashga imkon beradi. Golding birinchi navbatda, axloqiy xarakterdagi muommolar bilan qiziqadi: inson nima; odamdagi yaxshi va yomon moyillik; ayb va javobgarlik; zamonaviy dunyoda insonning imkoniyatlari.

Kalit so'zlar: Falsafiy, roman-masal, allegoriya, axloq, muommolar, solih inson, insonparvarlik, "ruh zulmati".

Введение. Уильям Голдинг (1911-1993) принадлежит к тем художникам, которые обладают своей философией, своим особым отношением к современной жизни. Он исследует остро им ощущаемые несовершенства человеческой природы и общества, его интересуют проблемы Добра и Зла, жизни и смерти, свободы выбора и ответственности. Произведения Голдинга представляют разновидность современного философского романа – романа-притчи, в котором совмещаются заранее заданная философская схема и образное исследование жизни. Отличительной особенностью его произведений является взаимопроникновение и взаимовлияние этих двух начал: содержание произведений не исчерпывается рациональной схемой, и изображаемая действительность во многом определяет их своеобразие.

Анализ литературы и методология. Методика исследования включает элементы историко-генетического, историко-функционального и типологического анализа. Свое понимание жанра философского романа-притчи писатель изложил в статье «Притча» (1965). Он рассматривал притчу как художественную модель действительности, которая «должна давать четкую картину предмета изображения» [4]. Поэтому в притче происходит отбор наиболее характерного, очищение от всего, что не имеет непосредственного отношения к основной проблеме произведения. Притча показывает общие характерные особенности действительности «в их концентрированном, контрастном виде» [1]. Эта способность в иноказательной, метафоричной форме выразить общечеловеческие проблемы объясняет выбор

Голдингом жанра философского романа-притчи. Его произведения, сохраняя специфические черты жанра, продолжают традицию английской притчи, берущей начало в «Утопии» Т. Мора, произведениях Дж. Беньяна и Дж. Свифта. Свою задачу он видит в том, чтобы заставить человека самому искать и находить ответы на «вечные» вопросы: в чем сущность человека, почему зло торжествует? Создатель притч, считает Голдинг, моралист, в любом его рассказе заключен «урок человечности». Свой роман-притчу он называет таким уроком человечности, «трагическим уроком», так как его герои не выдерживают проверки жизнью. «Человек страдает от ужасного неведения своей собственной природы», – считает писатель [4]. Этот мотив – узнать человека, его противоречивую природу – впервые появившись в «Повелителе мух» (1954), проходит через все ранние произведения романиста («Воришка Мартин», «Наследники», «Свободное падение», «Шпиль»).

Обсуждение и результаты. «Шпиль» стал рубежным для Голдинга. В 1966 году в беседе с В. Ивашевой, высказавшей предположение, что: «Шпиль» производит впечатление финала... Вы здесь закрываете дверь за собой и всем тем, что писали раньше, и должны начать что-то новое», Голдинг признавался: «Да, закрытая дверь...Это действительно финал...Так или иначе, я покончил с аллегориями и притчами. И теперь я хочу начать создавать характеры. В том, что я буду дальше писать, видимо, все будет по-другому» [3]. В сборнике «Горячие врата» (1965) Голдинг писал, как важно было для него быть понятым читателем. [6]. Выпущенный в

1967 году роман «Пирамида», сохраняя некоторые голдинговские мотивы, является реалистическим нравоописательным романом. Изображение характеров и нравов провинциальной Англии в «Пирамиде» нередко приближается к социальной сатире. Объектом критического рассмотрения служат сословные предрассудки, снобизм персонажей – типичных представителей английского среднего класса. Продолжая традицию теккеревской «Книги снобов», Голдинг рисует галерею снобов, находящихся на различных ступенях социальной пирамиды.

70-е годы – период молчания писателя. Открывающий это десятилетие сборник повестей «Бог-Скорпион» не отличается новизной проблематики: как и в ранних книгах, автор предостерегает от опасности, которую представляет для человечества технический прогресс, не подкрепленный нравственным развитием. В критике заговорили о творческом кризисе, однако, произведения 80-х годов опровергли это мнение. Голдинг находился в процессе поиска новых тем, новой формы. Творчество писателя в эти годы развивалось по двум направлениям – метафизическому и социальному. Произошел мощный всплеск: за последнее десятилетие своей жизни Голдинг выпустил романы «Зримая тьма», «Бумажные людишки», «Двойной язык» и трилогию «На край света», публикация которых объясняет возросший в последние десятилетия века интерес литературоведов к его творчеству. Изменилась стилистика и поэтика писателя, но по-прежнему в центре его внимания социально-философская проблематика.

В романе «Зримая тьма» (1979) Голдинг соединил иносказательность «Шпиля» с бытописательностью «Пирамиды», выдвинув на первый план актуальную социально-политическую проблематику. Голдинговское выражение «тьма души» объясняет глубинный смысл названия романа. «Тьма» – многозначный символ: это и олицетворение греховности, испорченности человеческой природы, и воплощение «зверя», которого герои обнаруживают в себе. Три самостоятельные сюжетные линии, переплетаясь, создают сюжетно-идеологическую структуру романа. Трагические судьбы персонажей служат еще одной иллюстрацией мотива «тьмы человеческой души». Это история Софи, молодой девушки, жестокой и порочной, сознательно идущей на преступления, чтобы доказать свободу своих чувств и своих моральных принципов. С образом Софи и ее друга, бывшего офицера Джерри, в роман входит тема исследования истоков и психологии терроризма. Нелепа судьба школьного учителя Педигрю, уволенного из-за своих гомосексуальных наклонностей, утраченного чести, ставшего изгоем и постепенно опускающегося на дно. Софи, ее сестра-близнец Тони, Педигри, Джерри – люди, давно утратившие нравственные ориентиры. Им автор противопоставляет Мэтти. Его история по-настоящему трагична. «Рожденный в огне», он – полуживой, обгоревший, но истово желающий жить – впервые появляется в эпизоде бомбардировки фашистской авиацией Лондона.

Постоянный в прозе Голдинга интерес к процессу познания человеком себя и своего предназначения в мире получил наиболее полное выражение в образе Мэтти. Лишенный прошлого, корней, близких, изуродованный физически и обделенный судьбой духовно, Мэтти искупает грехи собственного рождения и чужие преступления. Ценой жизни он спасает из горящего здания школы ребенка, похищенного Софи и Джерри. Но даже этот поступок «праведника» Мэтти, «человеческого факела», не может рассеять мрак действительности. Образ-метафора «тьма души» восходит, по мнению А. П. Саруханяна, к «Потерянному Раю» Мильтона,

подсказавшем название книги: «пламена преисподней не дают света, а лишь сгущают до осязаемости вечную тьму, в какую ввергнуты грешные души» [2].

В романах «Ритуалы на море» (Rites of Passage, 1980), «Две четверти румба» (Close Quarters, 1987) и «Огонь в трюме» (Fire Down Below), опубликованных автором под общим названием «На край света: морская трилогия» (To the Ends of the Earth, 1991), действие происходит в начале XIX века на корабле, следующем из Англии в Австралию. По форме романы трилогии синтетичны: здесь соединены черты классического английского морского романа XIX века (произведения Р.Л.Стивенсона и Д.Конрада), романа воспитания (первым образцом которого был роман Д.Дефо «Приключения Робинзона Крузо»), исповедального романа (форма дневника, писем) с традиционным для Голдинга жанром философского романа.

Повествование развивается на нескольких уровнях одновременно: достоверно-реалистическом, социально-метафизическом и философском. В трилогии рассказывается о молодом английском аристократе Эдмунде Тэлботе, отправляющемся в Австралию, чтобы при поддержке родственника, влиятельного государственного чиновника, сделать политическую карьеру. Для амбициозного и удачливого Тэлбота нет ничего важнее карьеры, но, прибыв в Австралию, он узнает о смерти своего благодетеля, что в корне меняет его жизнь. Рассказ этот выполнен в форме дневника путешествия, который Тэлбот собирает преподнести прикованному к инвалидной коляске родственнику, чтобы скрасить его скучные будни. Форма романа-дневника служит для Голдинга средством раскрытия процесса самопознания героя. Вторая сюжетная линия романа связана с образом пастора Колли, объясняющего в письме к сестре причину произошедших с ним трагических событий. Рассказ о плавании с подробным описанием корабля, экипажа, взаимоотношений пассажиров, нравов, царящих в замкнутом пространстве корабля, выполнен в традициях морского романа, но автор переосмысливает, наполняет новым содержанием типичные для этого жанра ситуации. В его изображении корабль приобретает символические черты, это британское общество XIX века с его социальной иерархией и кастовостью, и шире, корабль и море – весь мир, все человеческое сообщество.

Философский план связан с образом пастора Колли, человека чистого и восторженного, верящего в благие помыслы и поступки людей, в справедливость. Сын крестьянина, он, несмотря на свой сан, пария в корабельном обществе. Социальное происхождение делает его уязвимым и беспомощным, что отчетливо видно в центральном эпизоде символического «крещения» новичков, впервые пересекающих экватор. Невинный обряд посвящения по прихоти капитана корабля и Тэлбота превращается в жестокое издевательство над пастором, унижение его человеческого достоинства. Но Колли губит не только его социальная близорукость, незнание жестоких законов общества, но и неведение о том, как «темно сердце человеческое». Главная мысль Голдинга, вложенная в уста пастора: «Человека оскверняет не то, что творят над ним другие, а то, что он творит над собой сам» [7]. Колли позволил напоить себя и склонить на грех с матросом. Осознание того, что он оказался способен на такое, заставляет пастора уйти из жизни.

Поздние произведения Голдинга английские исследователи называют «очень сильными и очень мрачными», подчеркивая в то же время, что они «полны надежды» (Ф. Кермоуд: Full of hope) [5]. Можно согласиться с этим утверждением, учитывая, что почти в каждой книге Голдинга 80-х годов есть образ праведника,

святого, с которым автор связывает надежду на возможность улучшения человеческой природы. В «Зримой тьме» это образ мученика Мэтти, в морской трилогии – образ пастора Колли: нравственная победа над злом, добытая ценой мученической смерти, превращает его в святого. Но и обычному человеку-грешнику Голдинг оставляет право выбора. С особой убедительностью этот процесс познания себя и мира представлен в образе главного персонажа трилогии Тэлбота, который после смерти пастора Колли убеждается, что Англия, как и все современное человеческое сообщество, представляет собой кастовое общество, границы внутри которого незыблемы. Философское начало поздних романов Голдинга, таким образом, связано с воплощением в них процесса познания героем закономерностей и случайностей в человеческой судьбе, изображением процесса осмысления человеком себя, своего существования.

Заключение. Одной из наиболее важных для Голдинга в поздних романах является проблема греховности человеческой природы, и это прежде всего сближает их с «Повелителем мух», «Наследниками»,

«Воришкой Мартином». Проблема человеческих взаимоотношений, взаимное непонимание людей, поднятая в романах «Свободное падение», «Шпиль», вновь, со всей остротой возникает в «морской трилогии», «Бумажных людишках». Произведения 1970-80-х годов, демонстрируя новые тенденции в художественной манере писателя, новые грани в раскрытии «голдинговской проблематики», содержат в себе лучшие черты его прозы, позволяющие поставить их в один ряд с «Повелителем мух» и «Шпилем». Голдинг всегда был убежден в неотделимости литературы от морали. Об этом он говорил в своей Нобелевской лекции: «Именно книги могут заставить человека подумать о необходимости создания такой ситуации, когда у мира будет хотя бы относительная гарантия мира, а сами люди будут серьезнее относиться к собственным поступкам, понимая, какие злоеющие последствия они могут иметь. Нам нужно больше человечности, больше внимания, больше любви. В своем неведении мы должны быть добрее и человечнее... Ведь мы – чудо творения» [8]. И это – вершина гуманизма писателя.

ЛИТЕРАТУРА

1. Аверинцев. Притча.// Краткая литературная энциклопедия. М.: 1971,Т. 6.
2. Английская литература. 1945-1980. Отв. ред. А. П. Саруханян. – М.: Наука. 1987.
3. Ивашева В. Эпистолярные диалоги. - М.: Сов. писатель, 1983.
4. Golding W. The Cost of a Vision. / The Time's Literary Supplement. April 16, 1964.
5. Golding W. Lord of the Flies. Text, notes and criticism. – N.Y.: 1988.
6. Golding W. The Hot Gates. – L.: Faber and Faber, 1965.
7. Golding W. To the Ends of the Earth: a Sea Trilogy. – L.: Faber and Faber, 2005.
8. Golding W. Nobel Lecture: <http://www.au.nobel.se/laureates/literature-1983-bio.html>.



Моҳинабону РАХИМОВА,
Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси
E-mail: mohinabonu1992@mail.ru

Ф.ф.ф.д., PhD P.Т.Тошнӣзова тақризи асосида

ЭССЕ МАТНИДА СИНОНИМЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек тилидаги эссе матнларида синонимларнинг қўлланилиши, уларнинг лексик-стилистик хусусиятлари атрофлича ёритилган. Синонимлар публицистик матнларда, хусусан, эссе жанрида муҳим стилистик восита ролини бажаради. Улар экспрессивлик, таъсирчанликни таъминлаш, ижобий ва салбий ҳолатларни очишда, турли муносабатларни ифодалашда муҳим рол ўйнайди.

Калит сўзлар: Публицистика, услуб, вақтли матбуот тили, публицистик услуб жанрлари, антоним сўзлар, газета тилининг ўзига хослиги, ўзбек тилшунослигида публицистик услубнинг ўрганилиши.

ВОЗМОЖНОСТИ МЕТОДИЧЕСКОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИНОНИМОВ В ТЕКСТАХ ЭССЕ

Аннотация

В данной статье подробно описаны использование синонимов в текстах эссе узбекского языка, их лексические и стилистические особенности. Синонимы выполняют важную стилистическую посредническую функцию в публицистических текстах, особенно в жанре эссе. Они играют важную роль в предоставлении различных отношений в обеспечении выражений экспрессивности, чувствительности, открытия положительных и отрицательных ситуаций.

Ключевые слова: Публицистика, стиль, язык периодических изданий, жанры публицистического стиля, синонимы, особенности газетного языка, изучение публицистического стиля в узбекском языкознании.

POSSIBILITIES OF METHODOLOGICAL USE OF SYNONYMS IN ESSAY TEXTS

Annotation

This article describes in detail the use of synonyms in Uzbek essay texts, their lexical and stylistic features. Synonyms perform an important stylistically intermediary function in journalistic texts, especially in the essay genre. They play an important role in providing different relationships in providing expressions of expressiveness, sensitivity, opening positive and negative situations.

Key words: Journalism, style, language of periodicals, genres of journalistic style, synonyms, features of newspaper language, study of journalistic style in Uzbek linguistics.

Кириш. Синонимларни ўрганиш масаласи бўйича ҳам ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқотлар олиб борилган. Бадий асар тилини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотларда ижодкорларнинг тилнинг муҳим ифода воситаси бўлган синонимлардан фойдаланиш маҳоратига жиддий эътибор берилгани маълум. Б.Чориев, [1] З.Ҳамидов, [2] А.Абдиев, [3] Н.Хаджимусаева, [4] Ҳ.Ибрагимов [5] каби бир қатор ишларда ижодкорнинг синонимлардан фойдаланиш маҳорати алоҳида таҳлилга тортилган.

Эссе жанрида синонимларнинг қўлланиши ва услубий хусусиятларини ўрганишда Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, А.Шомақсудовларнинг тадқиқотларига асосланамиз. Ҳақиқатан ҳам, лексик ва грамматик синонимлар контекстда ўзининг стилистик имкониятларини тўла намойиш қилади.

Синонимлар – талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно ноизқлиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлар билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир [6]. Синонимлар фикрнинг аниқ, ранг-баранг бўлишини, нутқ объектига нисбатан субъектнинг ижобий, салбий ва ҳолис муносабатини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Умуман, синонимия нутқда ўзига хос хусусиятлари билан кўзга ташланади. С.Каримов таъкидлаганидек, “Синонимияни нутқий ижоднинг чегараланмаган имкониятларини юзага келтира олувчи ўзига хос майдон дейиш мумкин. Ёзувчининг тил устида қилган меҳнати, энг аввало, синонимик бирликлар устида ишлаш машаққатидир. Фикрни аниқ ифодалай оладиган элементни ахтариш ана шу қийинчиликнинг моҳияти

ҳисобланади. Синонимик қатордан мос, керакли бирликни танлаб олиш экспрессивликни, субъектив баҳони аниқ ифода этишнинг энг тўғри йўли бўлганлиги туфайли у бадий адабиётда зарур лингвистик восита саналади” [7].

Шу жиҳатдан, синонимия кенг қамровга эга. Синоним сўзлар нутққа аниқлаштириш, таъсирчанлик, бир хиллик ва такрордан қочиш каби маъно бўёқлари беради. Синонимлар лингвистилистик қўлланиш хусусиятига кўра бир неча кўринишларда учрайди:

1. Синонимлар бир ўринда кетма-кет қўлланиб бир қатор маъно аниқлаштириш хусусиятларига эга бўлади. Чунончи:

а) бир жойда кетма-кет боғловчисиз қўлланиб, гапда уюшиқ бўлак вазифасида туради ва ҳаракат ҳамда ҳолатнинг тинимсиз такрорланиши билдиради. Масалан, Бу фикрни беихтиёр давом эттиргинг, янада чуқурлаштиргинг келади – қалбни унутадиган бўлсак наинки замон ва поэзияни, умуман одамни, бани башарни, дунёи дунни англаб етишга бўлган уринишларимиз зое кетади... Ўтмишда юз берган кўплаб зиддияту тўқнашувлар, катағону қирғинлар ўлчов тарозиларининг мос эмаслигидан, нобоплигидан келиб чиққан. Жумладан адабиёт, қалб, муҳаббат дағалдан-дағал, сохтадан-сохта мафкура посангисига қўйиб ўлчанган. Қарабсизки, йўқ жойдан “ғаним”лар, “душман”лар кашф этилган. Адабиёт – бирламчи қалб-муҳаббат ҳодисаси ахир, дейдиган банданинг тил-забони тагидан қирқилган (Х.Дўстмуҳаммад. Қалб ҳамиша ўртада). Мисолларда келтирилган одамни, бани башарни, “ғаним”лар, “душман”лар, тил-

забони каби синонимлар такрори таъкидлаш, кучайтириш, фикрга диққат қаратишга ургу бермоқда.

б) эссе матнида синонимларнинг такрорланиши қахрамонда юзага келган қатъиятни, рўй берган воқеа-ҳодисага эътирозли қарашини билдиради. Бош сўзи катта синонимик қаторни кўздан кечирайлик. Улуғ, буюк, зўр, азим, улкан, йирик кабилардан иборат синоним катордаги ҳар бир сўз ўз семантис-стилистик маъносига эга. Эссе жанрида катта, буюк, улуғ, йирик кабилар фаол қўлланади. Масалан, “Катта Корш комедия театрида ўзбекча “Дилхирож” ва “Ёрим уйғонсин” кўшиқлари янгради”... Дунёнинг энг оғир юки ҳам, энг буюк бахти ҳам аёлларнинг зиммасида...Халқимизнинг улуғ фарзандлари, фозил кишилари тамал тошини қўйиб кетган умумбашарий маънавият ва маърифатнинг нурамас иморатини асрамоққа қодир бўлсин улар (Э.Охунова. Аёл мафтунагман). Келтирилган мисолларда синоним сўзлардан ўринли фойдаланилган. Биринчи гапда катта сўзини буюк сўзига алмаштириш мумкин, лекин муаллиф бу сўзни кўлашда унинг матн мазмунига мослигига аҳамият берган. Улуғ ва буюк сўзларининг маъноси деярли бир хиллиги, ҳар иккаласининг ҳам кучли оттенкага эгаллиги уларни ўзаро алмаштириш имконини беради.

г) баъзан синонимларнинг бундай такрори ҳолат, ташқи кўриниш маъносини ифодалайди. Масалан, Одатда жаҳон адабиётида ўчмас из қолдирган шоирларни кўз олдимга келтирсам, уларнинг аксарияти ёш, навқирон аини кучга тўлган ҳолда қаршимда гавдаланишади (Ш.Ортиқов. Энг аҳамиятли давр). Ёш, навқирон синонимлар қахрамоннинг ташқи кўриниши, унинг ёшлиги, гўёки барча шоир, ёзувчиларнинг бартараф этилишига имконият эканлигига ургу беради.

д) синонимларнинг бу хил такрори мулоҳазани кучайтиришга хизмат қилади. Масалан, ... Бу мактуб шуниси билан мен учун аҳамиятли эдики, уни ўзининг фусункор реализми билан тилларда дoston бўлган Маркес эмас, худди мен ўзим ёзгандек туюлар, унинг ҳар битта сатри юрагимга шунчалар яқин эдики, гўё ичимдан отилиб чиқаётган нидо, алам, фарёд бир бўлиб, мактубга маҳорат билан терилган сўзларга айланиб қолгандек эди (Ш.Ортиқов. Хайрлашув мактуби).

Мисоллардаги нидо, алам, фарёд каби синонимларнинг такрорланиши қахрамон руҳиятидаги ғалаёнларни, мулоҳазада фикрий тўхташга интилиш, ундаги адабий тафаккур безовталигини ифодалашга хизмат қилади.

ё) синонимларнинг бу хил такрори ифодани аниқлаштиришга хизмат қилади. Масалан, Муаллифнинг баланд пардаларда, юксак санъат ва маҳорат билан, жазавага тушган дирижёрни эслатувчи қиёфада ўз шеърини айнан ижро этиб бериши, унинг таъсир кучини, доврўгини икки қарра ошириб юборган эди (С.Сайид. Олис ишқ соғинчи). Бу ерда муаллиф “баланд”, “юксак” синонимларидан бирданга фойдаланмаслиги мумкин эди, аммо ифодада ҳозирги ҳолат тўла акс этмай, тасвирда кескин қатъий хулоса чиқариш мумкин бўлмай қолар эди. Муаллифнинг нияти эса қахрамон характеридаги креативликни кўрсатиш, унинг қалбида яширинган маҳоратни ойдинлаштириш, сирлилигини тасвирлаш ва бу орқали ўқувчида мулоҳаза кўзгатиш, қахрамоннинг иқтидорига тан бериш ҳолатини синонимлар такрори орқали ифодалаган.

ж) синонимларнинг такрори мулоҳазадаги кескинликни, шиддатни, оҳанг баландлигини ифодалашга хизмат қилади. Масалан, Худди тўлқинсиз дарё, юлдузсиз осмон, хилосиз само, қуёшсиз коинот, муҳаббатсиз дунё, рашксиз, оташсиз юрак, нураган қошона, бекасиз уй янглиғ зерикарли, бўм-бўш, сим-сиёҳ, бўлур эди (Э.Охунова. Аёл мафтунагман). Синоним сўзлардан

кетма-кет фойдаланиш фикрни жозибадорлигини ва таъсирчанлигини оширади. Бу ерда кейинги синоним сўзларнинг ажратилган бўлак (сифатловчи) сифатида қўлланиши нутқ оҳангидаги таъкидни, кескинликни кучайтиришга хизмат қилган.

з) синонимларнинг такрори қахрамонлар руҳий ҳолати ва тасвирни умумлаштиришга, хулосалашга, ифодалашга хизмат қилади. Масалан, Бакиргим, қичқиргим, дод солгим келди. Аммо ундай қилолмадим... Йигирманчи асрнинг нозиктаъб, маданиятли, тақаллуфли кишилари сингари юзимда қилт этган исён оловламади (Н.Иброҳимова. Қичқирқ ортидаги изҳор). Моцартнинг истеъдодини уч ёшида пайқаган она шахри – Залцбургнинг муҳаббати ҳам Венанинг фавқуллодда телбаларча, мажнунсифат муҳаббати олдида ип эшолмасди. Бу муҳаббат шаҳарнинг ҳар бир фуқароси юрагида аланга мисоли тинимсиз гуриллаб ёнар, ҳеч муболағасиз кишини ёзин ўчмас, аксинча вақт ўтган сари янаям кучаярди... Зиёли, таъби нозик, диди ўткир Вена Моцартдан том маънода хайратланарди (Ш.Ортиқов. Қирол ўлди, яшасин қирол!). Кўринадики, ҳар бир парчада қахрамонлар ҳолатининг тасвири чизилган: бакиргим, қичқиргим, дод солгим синонимларида руҳий дарди ҳолат, нозиктаъб, маданиятли, тақаллуфли; зиёли, таъби нозик, диди ўткир синонимларида қахрамон характери ва кўриниши, телбаларча, мажнунсифат синонимлари хусусият, белги. Тасвирнинг ўқувчи кўз ўнгида ишончли намён этишида синонимларнинг такрори қўл келган ва улар персонажларнинг руҳий ҳолатини очиб бериш мақсадига кўра танланган бўлиб, турлича маъно нозикликлари билан фарқланади.

2. Синонимлар боғловчилар билан қўлланиб, таъкид, мулоҳаза, эҳтиёткорликни улардан англашилган маънонинг кенглигини, кўплигини, кўрсатиши, умумлаштириш, жамлаш каби маъноларни ифодалаб келади. Бунда: а) -у (ю) юклагаси боғловчи вазифасида қўлланади. Масалан: У ҳеч куч ишлатмасдан, босим ўтказмасдан онгу шуурларни забт этади.. Ялпиз, Бойчечак ва бошқа маъсум гиёҳлар ана шу меҳр-муҳаббатнинг, Эзгулик ва Абдиатнинг мунису муштипар, шу билан биргаликда, енгилмас қўшинидир (Н.Жонузоқ. Митти гиёҳ мўъжизаси).

б) ва боғловчиси билан келади. Масалан, ... Булар Марк Твеннинг “Гекльберри Финн” ва “Овсар Вильсон” романлари бўлиб, уларда улуғ ҳажвчи тўлақонли бўлмасда, ҳар ҳолда қора танлилар қисмати, изтироблари ва қайғулари, орзулари ва армонларини ачиқ юмор билан трагикомедик услубда тасвирлаб, таҳлил қилиб берди (Ш.Ортиқов. Фурсати келмаган эндишпиль). ... Ўзидан ўн беш ёш катта бўлган анча зехли ва зукко, фаросатли ва билимли раққоса аёл шоирнинг дунёқарашини ва турмуш тарзига ўткир таъсир ўтказишидан ташқари уни Европа ва Америка бўйлаб катта саёҳатга олиб кетган (Ш.Ортиқов. Энг аҳамиятли давр).

3. Синонимлар тўлиқсиз феъл ва олмош билан бирга қўлланиб, фикрни инкор этиш орқали таъкид, мулоҳазани улардан англашилган маънога диққат қаратишни, таъкидни ифодалаб келади. Ўзингизни, бир зумга, майли, бемор эмас, ўша касалга қараётган, ёнида кўз-қулоқ бўлиб турган одамдай тасаввур қилинг-чи (Н.Жонузоқ. Митти гиёҳ мўъжизаси).

4. Такрорланган синонимлар жуфт сўз шаклига келиб, умумийликни, қўпликни, жамлик маъносини ифодалайди: масалан, Ўттиз-қирқ чоғли бу узук-юлук, майда қоғозларга беҳафсала термилар эканман, бир пайтлар мана шу ёзувлар амрини бажараман дея не қўйларга тушганимни, дўст-ёронлардан қарз қўтарганимни эслайман... Шўх-шодон қулғулари эшитилади (Б.Қобул. Ота бўлиб...).

Шундай қилиб, эссе матнларида синонимларнинг кетма-кет, боғловчили қўлланишларининг ўзига хос маъно хусусиятлари мавжуд бўлиб, услубий-семантик вазифа бажаради. Улар нутқ таъсирчанлигини ошириш, экспрессив маъно бўёқдорлигини таъминлаш, нутққа жўшқинлик, мулоҳазақорлик, ўйчанлик маъноларини қўшиш, жамлаб қўрсатиш каби услубий маъно

бўёқларини беради. Хуллас, матнларда синонимлардан фойдаланишнинг амалий аҳамияти жуда катта бўлиб, биринчи навбатда тилимизнинг қай даражада бой эканлигини, ривожланганлигини қўрсатиб турса, иккинчидан, бадиий адабиётда, умуман нутқда таъсирчанликни, ранг-барангликни таъминлаган.

АДАБИЁТЛАР

1. Чориев Б. Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик-семантик хусусиятлари. – Тошкент: ТДПУ, 2007. – Б.61.
2. Ҳамидов З. Ғафур Ғулом прозаси лексикаси. – Тошкент: ЎзМУ, 2003. – Б.43.
3. Абдиев А. —Алпомиш достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Нукус, 2011. – Б.23.
4. Хаджимусаева Н. «Орзигул» достонининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик: Филол. фан. бўйича фалс. докт...(Phd) дисс. автореф. – Жиззах, 2020. – Б.46.
5. Ибрагимов Ҳ.Ҳ. Тўра Сулаймоннинг ўзбек тили лисоний имкониятларидан бадиий фойдаланиш маҳорати: Филол. фан. бўйича фалс. докт...(Phd) дисс. автореф. – Гулистон, 2021. – Б.23.
6. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.3.
7. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1994. – Б. 105.



Dildora SAFAROVA,
Jizzax davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi
E-mail: Sdildora@bk.ru

O'zbekiston Milliy universitetining Jizzax filiali dotsenti Kuchkarov Tukhtamurod taqrizi asosida

TRANSATLANTIC VECTOR IN THE WORKS OF ERNEST HEMINGWAY

Annotation

The article raises the question of the transatlantic nature of the prose of the American writer of the first half of the 20th century E. Hemingway. The purpose of the work is to determine the importance of the transatlantic direction in Hemingway's work on the material of his memoir book "The Holiday which is always with you" and other works. The scientific novelty of this article lies in the fact that in it Hemingway's work is considered for the first time as one of the earliest and most successful examples of transatlantic literature of the first half of the 20th century.

Key words: Memoir, senseless, aggressiveness, transatlanticism, transatlantic literature, transatlantic vector, Anglo-American literature, Ernest Hemingway, emotional affection.

ERNEST XEMINGUEY ASARLARIDA TRANSATLANTIK VEKTOR

Annotatsiya

Maqolada 20-asrning birinchi yarmidagi amerikalik yozuvchi E. Xeminguey nasrining transatlantik tabiati masalasi ko'tariladi. Ishdan maqsad Xeminguey ijodida transatlantik yo'nalishning ahamiyatini uning "Doim sen bilan bo'lgan bayram" memuar kitobi va boshqa asarlari materiali asosida aniqlashdan iborat. Ushbu maqolaning ilmiy yangiligi shundaki, unda Xeminguey asari birinchi marta 20-asrning birinchi yarmidagi transatlantik adabiyotning eng qadimgi va eng muvaffaqiyatli namunalaridan biri sifatida ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: Memuar, ma'nosiz, tajovuzkorlik, transatlantizm, transatlantik adabiyot, transatlantik vektor, Angliya-Amerika adabiyoti, Ernest Xeminguey, hissiy zaiflik.

ТРАНСАТЛАНТИЧЕСКИЙ ВЕКТОР В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ЭРНЕСТА ХЕМИНГУЭЯ

Аннотация

В статье поднимается вопрос о заокеанском характере прозы американского писателя первой половины XX века Э. Хемингуэя. Цель работы - определить значение заокеанского направления в творчестве Хемингуэя на материале его книги воспоминаний «Праздник, который всегда с тобой» и других произведений. Научная новизна данной статьи заключается в том, что в ней впервые рассматривается творчество Хемингуэя как один из самых ранних и удачных образцов заокеанской литературы первой половины XX века.

Ключевые слова: Мемуары, бессмысленность, агрессивность, трансатлантизм, трансатлантическая литература, трансатлантический вектор, англо-американская литература, Эрнест Хемингуэй, эмоциональная привязанность.

Introduction. The heritage of the classic of American literature of the twentieth century, Ernest Miller Hemingway (1899-1961), at first glance, may seem to be sufficiently explored. Indeed, for a long time studying the prose and journalism of this author, a huge number of scientific papers have accumulated on various aspects of his work. The bibliography on the style and method of the writer is extensive, the anti-war discourse in his works has been thoroughly studied. And yet, some urgent problems concerning the artistic heritage of Hemingway remain unexplored to this day. Thus, the transatlantic component of the poetics of the writer is still ignored.

Hemingway's brief acquaintance with Europe took place in 1918, when he, dreaming of getting to the front of the First World War, got a job as a Red Cross volunteer driver in Italy. This period also includes a terrible wound that made him a hero: all the central US newspapers wrote about Hemingway as the first American wounded on the Italian front. Much closer, the future writer was able to get to know Europe three years later, when he and his first wife, a talented pianist who dreamed of moving from America to Europe, arrived in Paris as a foreign correspondent for the Toronto Star newspaper in December 1921.

Literature review. This step in Hemingway's life seemed quite natural, and, unlike many transatlantic writers, he decided on it easily, without hesitation or inner anguish. Firstly, it was not an expatriation, the young journalist came to

Europe for an interesting but temporary job, and secondly, he not only brought his beloved woman to the capital of world art, but he himself had long sought to go there, inspired by the enthusiastic stories of a friend, a writer Sherwood Anderson, who had already been to Paris. In addition, the practical Anderson assured Hemingway that with the then exchange rate of the dollar and the French franc, one could arrange a very inexpensive, but comfortable life there.

In a monograph on the life and work of Hemingway, B.T. Gribanov is of the opinion that the young journalist needed to move to France not only and not so much in terms of financing a young family, but for further creative growth: "He intuitively felt that in order to become a real writer, he needs to breathe Parisian air, to plunge into this one-of-a-kind atmosphere of art, about which Sherwood Anderson spoke so much and colorfully" [5]. Hemingway himself, in his memoir book *A Holiday That Is Always With You*, assessed the move from the Old World to Europe as unambiguously beneficial: "This is probably a transplant, I thought, and people need it just as much as plants" [3].

The Hemingways settled in a small apartment at 74 Cardinal Lemoine Street, but, being young and unpretentious Americans, they were happy with everything that Europe, which sheltered them, could offer, and therefore the miserable apartment "without hot water and sewage" seemed "bright and comfortable" [1]. Hemingway's stay in Europe was not limited to France: on duty, he visited Italy, Spain, Germany and

Switzerland, covered military conflicts and international conferences, but it was France that became the country he truly loved.

Research methodology. Creative energy seethed in Hemingway: he constantly wrote, literally bombarding his publishers with sketches and essays containing witty and apt descriptions of the life and customs of Europeans. These characteristics were distinguished by the accuracy and objectivity inherent only in a fresh look of a foreigner. Engaging in journalism constantly expanded the circle of contacts of the young correspondent and gave invaluable experience, which later came in handy when creating works of art.

Hemingway soon became close to the circle of American literary bohemia. The life of writers, poets, critics and journalists in Paris took place in endless communication, heated literary discussions, disputes about the creative method, traditions and innovation:

"They came here with the belief that the new era, for which the First World War was the frontier, required new art, new literature" [6]. Therefore, Hemingway spent days and nights in city cafes and restaurants, was a frequenter of luxuriously furnished literary salons and studios, as well as a frequent visitor to modest private apartments.

One of such hospitable houses that opened its doors to E. Hemingway was the salon of the American writer Gertrude Stein, who lived at 27 Fleurus Street. He brought her a letter of recommendation from Sherwood Anderson, who knew her, in which, among other things, there was such a description of the young journalist:

"Mr. Hemingway is an American writer who instinctively reaches out for everything that deserves attention here ..." [5]. The importance of meeting G. Stein for the formation of his writer's individuality is emphasized by all researchers of E. Hemingway's work [4, 5, 7, 8, 9], and at the end of his life he himself highly appreciated its significance. In 1951, the writer noted that her advice to quit journalism and start writing, so as not to waste energy on something else, was the best of all that she gave him [5]. It was G. Stein, contemptuously referring to journalism, who instilled in the American correspondent the confidence that his true vocation was serious literature. She, in a conversation with Hemingway, also uttered the now well-known phrase about the "lost generation", part of which later became the scientific definition of a whole literary movement.

In addition to the authoritative literary theorist G. Stein, the aspiring American writer also met representatives of the younger generation of modernist literature and culture in Paris, many of these acquaintances grew over time into strong friendships: Ezra Pound, Francis Scott Fitzgerald, John Dos Passos, John Bishop, James Joyce and others became Hemingway's interlocutors, critics, mentors and associates. As you can see, among his new acquaintances were writers whose work also had a transatlantic vector. The pages of memories of them are imbued with the warmth of real emotional affection and gratitude.

Another important event that took place in Hemingway's life in Paris was his acquaintance with Russian literature. This discovery of the Russian world awaited Hemingway in the bookstore Shakespeare & Co, where he began to visit often after meeting another compatriot, the writer and publisher Sylvia Beach. Thanks to this store, which also served as a library, Hemingway read all of Turgenev and all the books of Gogol, Tolstoy, Chekhov and Dostoevsky, translated into English. In Chekhov, he was struck by the "transparency" of prose, in Dostoevsky - exceptional truthfulness. Russian prose captivated the imagination of the American writer for a long time, for a long time he almost never parted with these books: from the high valleys of Vorarlberg, there were always books too, so you lived in the

new world you found: during the day snow, forests and glaciers with their winter mysteries and your shelter in the Taube village hotel high in the mountains, and at night another wonderful world, given to you by Russian writers. First the Russians, and then everyone else. But for a long time only Russians" [3].

Analysis and results. During a second visit to Paris in 1924, at the home of Ezra Pound, Hemingway met Ford Madox Ford, a writer, critic and publisher who successfully published the literary magazine *English Review* in London. This magazine published the works of the best contemporary writers. After moving to Paris, the capital of the then literary life, in 1923, Ford got excited about the idea of publishing a similar magazine under the symbolic name of the *Transatlantic Review*, eliminating all capital letters in the title. "Hemingway immediately entered the company of his friends, who took an ardent part in the publication of the *Transatlantic Review*. Moreover, he voluntarily and free of charge assumed the duties of the deputy editor of the journal and shouldered a large and painstaking organizational and editorial work" [5]. This edition lasted only a year, only 12 issues were published, one each month, but it had a huge impact on the development of Anglo-American literature in the first half of the 20th century.

In Paris, Hemingway also wrote his debut transatlantic fiction, the story "Mr. and Mrs. Elliot", later included in the collection *In Our Time* (1924) and "opening a new theme in his work - the theme of American expatriates who settled in France" [5]. B.T. Gribov recognizes the unconditional importance of this story, noting that it "sounded echoes of that ironic, even contemptuous attitude towards wealthy Americans who engage in literature out of snobbery, which permeated one of his first Paris articles in *Starwicky* in 1922, "American Bohemia in Paris", and which later found its final expression in the image of Robert Cohn in the novel "The Sun Also Rises" [5]. And further: "In this story, Hemingway created a characteristic type of the American so-called "intellectual", nurtured by a Puritan environment, mocked their infantilism in life and dilettantism in literature" [5].

Another short story published at the same time as Mr. and Mrs. Elliot was called "Cat in the Rain". It was also dedicated to Americans wandering around Europe, but the emotional tone of this work is completely different: there is no ridicule or condemnation, there is only deep sympathy for the restlessness and homelessness of their compatriots, deprived of their homes, cut off from their native roots. The novel *The Sun Also Rises* (1926) can also be considered transatlantic. It also metaphorically presented the theme of the "lostness" of an entire generation, to which the writer himself belonged. In general, the transatlantic theme permeates many (almost all) of Hemingway's works. It is clearly audible in his essays, stories and novels written in different periods of his work. In particular, in the famous anti-war novel *Farewell to Arms!* (*A Farewell to Arms*, 1929), where the love relationship between an American lieutenant and an English nurse becomes the central lyrical theme, several episodes can be distinguished that have distinctly transatlantic motifs.

The protagonist of the novel, Lieutenant Henry, often reflects on the First World War, in which he participates on the side of the United States of America, but far beyond the geographical borders of this country. He tries to comprehend the terrible, inhuman essence of war, its absurd cruelty, which destroys the soul and psyche of soldiers, thinks about the devastating consequences of any war for the civilian population. And although Henry is a true patriot of his country, he is not a blind tool of militaristic forces, but a living person, acutely experiencing his own and others' pain. He understands that this war is seen on both sides of the ocean in completely different ways: those who remain in America do not have the slightest idea of what is really

happening, only those who are fighting in Europe can know this: "For a long time I have not written to the States, and I knew what to write, but I had put it off for so long that now it was almost impossible to write. There was nothing to write about" [2, p. 36]. And indeed, what can be written from the front even to close people, whose ideas about the war are formed on the basis of the appearance of the received postcards: "I sent several postcards to the Zona di Guerra, deleting everything from the text except "I am alive and well." So they will come sooner. These postcards will be very popular in America - unusual and mysterious. The war in this zone was unusual and mysterious, but it seemed to me well thought out and cruel" [2].

The American press, according to the author, lacked objectivity and specificity: "In my room in the hospital, I <...> began to read the Boston newspapers <...>. The newspapers were boring, the news was musty and narrow-minded, the news from the front was outdated. Of the American news, only the training camps were mentioned. <...> Apart from sports news, I could not read anything, and even this I read without the slightest interest" [2].

An excerpt from this novel is also indicative, illustrating the senseless aggressiveness of US foreign policy in those years, which Hemingway certainly condemned. The protagonist is aware of the hopelessness and confusion of the military situation in which civilization finds itself, clearly understands all the absurdity of the flared international one, breaks through even through the alcoholic bravado of a conversation with comrades: "They asked me if I think President Wilson would declare war on Austria, and I said that it matter of days. I didn't know what we had against Austria, but it seemed logical that since we declared war on Germany, they would also declare war on Austria <...>, and Bulgaria, too, and Japan. How so, they said, because Japan is an ally of England. <...> The Japanese want the Hawaiian Islands, I said. <...> And why do the Japanese want them? Yes, they do not want them at all, I said. <...> The Japanese are lovely little people, they love dancing and light wine. Just like the French, said the major. We will take Nice and Savoy from the French. And we will take away Corsica, and the Adriatic coast, said Rinaldi" [2].

Paris with its narrow streets and wide boulevards, beautiful gardens and parks, picturesque bridges and embankments, famous squares and islands, the richest museums and galleries, secluded cafes and luxurious restaurants, expensive shops and cheap bookstores is described by Hemingway at different times of the year and day, in different weather and in different moods. However, he invariably comes to the conclusion that "Paris is the city that is best for writers" [3].

Paris from the book "A Holiday That Is Always With You" became not only a home for Hemingway, but also a

serious school in which he learned to endure poverty and understand art. Parisian life did not indulge the young writer, and yet he recalls it with nostalgia and mild humor: "When you live starving in Paris, you want to eat especially strongly, because all kinds of delicious things are displayed in the windows of all the bakeries, and people eat at the tables right on sidewalk and you see the food and smell it. If you quit journalism and write things that no one in America will buy, and told your family that someone invited you to dinner, then it's best to go to the Luxembourg Gardens, where you won't be embarrassed all the way from Place Observatory to Rue Vaugirard sight or smell of edible. And you can go to the Luxembourg Museum, where the pictures become clearer, more penetrating and more beautiful when sucking in the stomach and the stomach failed from hunger. While I was starving, I learned to understand Cezanne much better and really understood how he created his landscapes" [1].

In general, the whole book is permeated with admiration for this place, it begins and ends with a passionate declaration of love to the city, which made a great writer out of a talented journalist: "If you are lucky and you lived in Paris in your youth, then wherever you are then, he will remain with you until the end of your days, because Paris is a holiday that is always with you" [3]. And: "Paris never ends, and everyone who lived there remembers it in their own way. We always returned there, no matter who we were and no matter how it changed, no matter how difficult or easy it was to get there. Paris is worth it, and you always got full for everything you gave to him. And such was Paris in those distant days, when we were very poor and very happy" [3].

This work, which saw the light after the death of the author, was in many ways the final and most transatlantic of all those written by Hemingway. It was this memoir book that reflected the key features of transatlantic American literature: it is the enduring feeling of longing for native America, and the irresistible admiration for Europe, and the theme of the poor American in Paris, and the sharply noticed differences between the way of life of Americans and the life of Europeans - in a word, everything what was outlined in the works of predecessors and will still be developed in the books of contemporaries and followers of E. Hemingway.

Conclusions. The work of Ernest Hemingway rightfully belongs to the best examples of Anglo-American literature of the 20th century. His harsh, dry, truly masculine prose became a new word in the literature of that time, not only laying the foundations for the direction of the "lost generation", but also being one of the earliest examples of literary transatlanticism, the main features of which are most clearly embodied in the writer's memoir book "A holiday that is always with you".

REFERENCES

1. Hemingway E. Selected / E. Hemingway - M.: Education, 1984. - 304 p.
2. Hemingway E. Farewell, weapons! / E. Hemingway // Farewell, weapons! Stories. - M.: Pravda, 1982. - P. 5-274.
3. Hemingway E. A holiday which is always with you / E. Hemingway // Farewell, weapons! Novel, stories. - Dnepropetrovsk: Promin, 1987. - S. 428-508.
4. Gilenson B. Hemingway, Ernest [Miller] / B. Gilenson // US Writers. Brief creative biographies. - M.: Raduga, 1990. - S. 549-555.
5. Gribanov B.T. Hemingway / B.T. Gribanov - M.: Mol. guard, 1970. - 448 p., ill. - (Life of remarkable people. Ser. biogr. Issue 10 (486)).
6. Gribanov B. T. Ernest Hemingway. Life and work / B.T. Gribanov // Hemingway E. Favorites. - M.: Education, 1984. - S. 282-298.
7. Turnbull E. Scott Fitzgerald / E. Turnbull - Per. from English. E. Loginova and G. Loginova. - M.: Mol. guard, 1981. - 318 p., ill. - (Life of remarkable people. Ser. biogr. Issue 12 (607)).
8. Tolmachev V.M. "The Lost Generation" and the work of E. Hemingway / V.M. Tolmachev / Foreign literature of the twentieth century: Proc. for universities / Ed. L.G. Andreeva. - M.: Higher. school, 2004. - S. 342-356.
9. Vernikova A. 100 writers of the twentieth century / Per. with him. - Chelyabinsk: "Ural LTD", 1999. - S. 190-191.



Shahnoza SULTANOVA,
Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti o'qituvchisi
E-mail:sultanova.shaxnoz0908@gmail.com

Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti professori, L.R. Raupova taqrizi asosida

TILSHUNOSLIKDA LINGVISTIK TERMINLARNING QIYOSIY TAHLILI

Аннотация

Maqolada o'zbek hamda ingliz tilshunosligi terminlarini qiyosiy tahlil qilinishi, unga doir izlanishlar nazaryasi, transformatsiya metodi vositasida ikki va undan ortiq til sistemalari chog'ishtirish va undagi xulosalar haqida so'z boradi.

Калит so'zlar: Grammatik terminlar, qiyosiy tipologiya, terminlarining qiyosiy tahlili, hosilaviy strukturalar, transformatsiya

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ТЕРМИНЫ В ЛИНГВИСТИКЕ

Аннотация

В статье обсуждается сравнительном анализе терминов узбекского и английского языкознания, теории исследований по ним, сопоставлении двух и более языковых систем методом трансформации и выводах из них.

Ключевые слова: Грамматические термины, сравнительная типология, сравнительный анализ терминов, производные структуры, трансформация.

COMPARATIVE ANALYSIS OF LINGUISTIC TERMINOLOGY IN LINGUISTICS

Annotation

The article discusses the comparative analysis of the terms in Uzbek and English Linguistics, the theory of research on it, comparison of two or more language systems by the transformation method and their conclusions.

Key words: Grammatical terms, comparative typology, comparative analysis of terms, derived structures, transformation.

Kirish. Borliqda mavjud bo'lgan narsa-hodisaning aniq mohiyati yoki qiymati uni boshqasiga qiyoslaganda, taqqoslaganda namoyon bo'ladi. Tildagi birliklar ham, hatto grammatik terminlar ham muqoyasa qilinganda ularning xususiyatlari aniq bo'ladi. Bilamizki, o'zbek tili grammatikasi rus tili grammatikasi asosida shakllangan. Shu sababdan tilshunoslik terminlarning ko'pchilik qismi rus tilidan aynan olingan yoki tarjima qilingan. Bu esa tilimizdagi birliklarning yangi qoidalarga nomuvofiq kelish holatlarini kuzatila boshlashiga sabab bo'lgan. Bu holat, ayniqsa, tilshunoslikning fonetika yo'nalishida o'z aksini topdi. Shunday bo'lishiga qaramasdan, tilshunosligimiz bir umumiy qonuniyatda jamlandi va rus tili orqali boshqa baynalmilal tillarning grammatik terminlari va qoidalari kirib keldi hamda tilshunosligimizda lisoniy terminlarning yangi nomlari paydo bo'la boshladi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Tilshunos olim J.Bo'ronov o'zining ilmiy izlanishlari davomida ingliz, rus va o'zbek tillarini qiyoslab o'rganish bo'yicha bir qancha nazariy va amaliy ishlarni bajargan. Uning xulosasiga ko'ra qiyosiy tipologiya umumiy lingvistik tipologiyaning bir qismi bo'lib, "u ikki yoki undan ortiq aniq tillar sistemalarini, tillardagi ma'lum kategoriyalarni deduktiv ravishda alohida o'rganadi, tillar sistemalaridagi lingvistik hodisalarni bir-biri bilan taqqoslab, umumiy tipologik qoida va qonunlar yaratadi. Ikki til sistemasini ikki yoqlama qiyoslashda har bir qiyoslanayotgan til sistemasining bayon etilgan materiali alohida-alohida qiyoslanadi. Har bir qatlam birligining o'ziga xos xususiyati, boshqa qatlamlardagi birliklarning o'zaro aloqalari hisobga olinadi" [1].

O'zbek hamda ingliz tilshunosligi terminlarini qiyosiy tahlil qilinishi bosh maqsadga bo'ysundirilgan quyidagilar haqida ma'lumot berishni vazifa qilib qo'yadi:

- ingliz va o'zbek tillari qardosh bo'lmagan tillar guruhiga mansubligi sababli ularning qiyosiy tipologiyasini o'rganish;

- o'zbek tili agglutinativ, ingliz tili esa flektiv til xususiyatiga ega ekanligi uchun undagi ayniyatlarni topish;

- ikki tillni qiyoslab o'rganish metodologiyasini ishlab chiqish;

- ikki tilga xos fonemalarni qiyoslab o'rganish;

- o'zbek va ingliz tillarining lug'aviy tarkibini qiyoslab o'rganish;

- mazkur tillarning morfologik sathiga oid farqlarni aniqlash-qiyoslash yordamida tillar o'rtasidagi sintaktik umumiylik va xususiyliklarni aniqlash.

Tadqiqot metodologiyasi. Ma'lum bir tilni o'rganish va tavsiflash turli usul va uslublar bilan amalga oshiriladi. Masalan, bir tilni tavsiflash namunasi o'sha tilning joriy davrdagi adabiy til kursini o'rganish hisoblanadi. Mavzumizdan kelib chiqqan holda ma'lum bir tilning grammatik terminlari boyligini o'rganish ikkinchi bir til grammatik terminlari bilan qiyoslanganda namoyon bo'ladi. Tilni bunday o'rganish fanda umumiy tilshunoslik deb yuritiladi. Qiyosiy tipologiya esa umumiy tilshunoslikning tarkibiy qismlaridan biri bo'lib, unda tillar o'rtasidagi umumiyliklar va har bir tilning o'ziga xos xususiyatlari, o'xshashliklar va farqlar o'rganilib, tillarning qiymati belgilanadi. Masalan, bir yurtning havosining sofligi, ikkinchi bir yurtning havosiga taqqoslanganda namoyon bo'ladi. Tilshunoslikda ham xuddi shunday: qiymat taqqoslangandagina yuzaga chiqadi.

Tilshunoslikda to'plangan ma'lumotlar asosida o'zbek va ingliz tillarini yangicha nuqtayi nazardan chog'ishtirib o'rganish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Tilshunosligimizning fonetika, leksika, morfologiya va sintaksis kabi asosiy bo'limlaridagi grammatik terminlarning izohlanishi bilan ingliz tilidagi grammatik terminlarning izohlanishini tadqiq qilish muhim masalalardan biridir.

Transformatsiya metodi vositasida ikki va undan ortiq til sistemalari chog'ishtiriladi. Bu metod orqali ma'lum bir kategorial ma'noni ifodalashda qo'shimcha hosilaviy strukturalardan foydalaniladi. Hosilaviy strukturalar boshqa tillardagi ifoda plani variantlarini topishda muhim rol o'ynaydi".

Genetik qardosh tillar sistemasida transformatsiyaning to'la yoki to'la emasligini, ya'ni ma'lum protsesning to'la aks ettirilgan yoki aks ettirilmaganligini tekshiradi va aniqlaydi;

Bir so'z turkumining ikkinchi so'z turkumiga to'la yoki qisman aylanish jarayonini aniqlaydi;

Genetik qardosh bo'lmagan tillarda biror kategoriyaning til iyerarxiyasining turli yarus birliklari vositasida ifodalaniş usullarini belgilaydi;

Tahlil va natijalar. Bunday terminlarning to'g'ri-noto'g'riligini tekshirib ko'rish uchun Azim Hojiyevning 2002-yilda chop etilgan "Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati" hamda Edvard Gatesning "Glossary of linguistic terms" kitoblaridagi tilshunoslikning leksikologiya bo'limiga oid lingvistik terminlarni o'zaro qiyoslab o'rganishni lozim topdik. Azim Hojiyev lingvistik terminlar izohli lug'atini qayta-ishlab, to'ldirib, nomaqbul terminlarni chiqarib, ruscha, ruscha-baynalmilal terminlarni, imkon darajasida bo'lsa-da, qo'llanishda bo'lgan yoki yangidan yaratilgan o'zbekcha terminlar bilan almashtirib, taqdim etilgan.

O'zbek tilida leksikasida polisemiya hodisasi ko'p uchraydi. So'zning o'z ma'nosidan ko'ra hosila ma'nosi salmoqdor hisoblanadi. Denotativ, ya'ni bosh ma'noga ingliz tilida berilgan ta'rif o'zbek tilida berilgan ta'rifga qaraganda to'liqroq mos keladi.

Yuqoridagi qiyoslardan tashqari ingliz tili va o'zbek tilshunosligi terminlarini bir-biri bilan o'xshash va farqli jihatlarini tadqiq qilish mumkin bo'lgan bir nechta terminlar bor. Ular quyidagilar:

Arxaizm	archaism;
Bilingvizm	bilingualism;
Varvarizm	barbarism;
Glossariy	glossary;

Dominanta dominant;

Dubletlar dublet;

Iboralar phrases;

Idioma idioms;

Lug'at vocabulary;

Milliy til native language;

Ko'p ma'nolilik Multiple meaning va boshqalar.

Tilshunoslik terminlarini turli tillar bilan solishtirib qiyoslash tillar umumiy qurilishining har xil elementlari o'rtasidagi aloqasini, umumiy qonunlarni o'rganadi. Qiyoslash barcha tillardagi umumiy tipologik qonunlarni bayon etadi, til universaliasini yaratadi. Mavjud tillar tuzilishiga indukktiv ravishda tatbiq qiladi.

Xulosa va takliflar. Yuqoridagi misollarda tilshunoslik terminlarini qiyoslashning semantik tarmog'iga alohida e'tibor qaratildi. Terminlarni semantik qiyoslash atamalarining ma'no birliklarini qiyosiy o'rganadi. Ma'no rejasi deganda tilning mazmuniy qurilishi tushuniladi. Semantik qiyoslash ma'no kategoriyalarini tadqiq etishdagi bog'liqlikni mavhumlashtiradi va ma'lum tushunchalarning ma'lum bir tillar tizimida ma'no birliklari vositasida talqin etilishini o'rganadi. Dunyo tillari o'z lug'atlarini yaratishda, bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilishda semantik qiyos qonunlari muhim ahamiyatga ega.

Tillar qurilishi, mazmuni, grammatikasi va boshqa jihatlarida bir-biridan butunlay farq qilsa ham, ularning sistemasidagi ma'lum bir semantik kategoriyalarni ifodalovchi so'zlar muayyan guruhlarini tashkil qiladi. Semantik qiyoslashda ba'zi kategoriyalar umumiy, ba'zilari esa faqat ayrim tillargagina xos bo'ladi. Semantik qiyoslash mazmun maydonini aniqlashda muhim rol o'ynaydi.

ADABIYOTLAR

1. Hojiyev. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati, - Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 1985.
2. Edvard Gates. Glossary of linguistic terms.
3. Buranov J., Hashimov U., Ismatullayev H., English grammar, - Toshkent: O'qituvchi, 1974.
4. Bo'ronov J., Ingliz va o'zbek tillari qiyosiy grammatikasi. - Toshkent: O'qituvchi, 1973.
5. Sylvia Chalker, Edmund Weiner. The oxford dictionary of English grammar. Oxford university press.
6. Dadaboyev H., O'zbek terminologiyasi - Toshkent: 2019.
7. Akobirov S. Termin va terminologiya. - Toshkent, 1968.
8. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlami. - Toshkent: Fan, 1985.
9. Javliyeva. Terminologiya masalalari bo'yicha ilmiy adabiyotlar tahlili. - "Science and education" scientific journal, 2020.



УДК: 81'373.46:811.512.133

Баходир СУЮНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети докторанти
E-mail: Vaxasuyun@gmail.com

ТДЎТАУ профессори, ф.ф.д. С.Муҳамедова тақризи асосида

INTERLINGUAL EXTERNAL MEDICAL LACUNAR UNITS

Annotation

This article is devoted to the issues of external medical lacunar units in the Uzbek language and their application in the medical field. The author of the article refers to scientific and theoretical sources in Uzbek, Russian, English, French, German and other foreign languages, uses them on an analytical basis and reveals the features of external medical gaps. In particular, the use of specific linguistic methods of comparing medical terms in the article increases its theoretical and practical significance. The article also focuses on the origin, development and modern meaning of lacunar units. Therefore, this article identifies lacunar units in medical terms and explains their essence between Uzbek and other languages, i.e. as an interlinguistic phenomenon.

Key words: Communication, gap, phenomenon, vocabulary, reality, category, lexical unit, competence, ethnoculture, linguocultural unit, modeling.

МЕЖЪЯЗЫКОВЫЕ НАРУЖНЫЕ МЕДИЦИНСКИЕ ЛАКУНАРНЫЕ ЕДИНИЦЫ

Аннотация

Данная статья посвящена вопросам внешних медицинских лакунарных единиц в узбекском языке и их применению в медицинской сфере. Автор статьи обращается к научно-теоретическим источникам на узбекском, русском, английском, французском, немецком и других иностранных языках, использует их на аналитической основе и выявляет особенности внешних медицинских лакун. В частности, использование в статье специфических лингвистических приемов сопоставления медицинских терминов повышает ее теоретическую и практическую значимость. В статье также акцентируется внимание на возникновении, развитии и современном значении лакунарных единиц. Поэтому в данной статье выявляются лакунарные единицы в медицинских терминах и разъясняется их сущность между узбекским и другими языками, т.е. как интерлингвистическое явление.

Ключевые слова: Коммуникация, лакуна, феномен, лексика, реальность, категория, лексическая единица, компетенция, этнокультура, лингвокультурная единица, моделирование.

ТИЛЛАРАРО ТАШҚИ ТИББИЙ ЛАКУНАР БИРЛИКЛАР

Аннотация

Мазкур мақола ўзбек тилидаги ташқи тиббий лакунар бирликлар ва уларни тиббиёт соҳасига татбиқ этиш масалаларига бағишланган. Мақола муаллифи мавзунини ёритишда ўзбек, рус, инглиз, француз, немис тили ва бошқа хорижий тиллардаги илмий-назарий манбаларга мурожаат қилиб, улардан таҳлилий асосда фойдаланган ва ташқи тиббий лакуналарнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берган. Айниқса, мақолада тиббий терминларни ўзаро қиёслашнинг ўзига хос лингвистик усулларида фойдаланилганлиги унинг назарий ва амалий аҳамиятини оширади. Шунингдек, мақолада лакунар бирликларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бугунги кундаги аҳамиятига асосий эътибор қаратилган. Бинобарин, ушбу мақолада тиббий терминлардаги лакунар бирликлар аниқланиб, уларнинг ўзбек тили ва бошқа тиллар ўртасида, яъни тиллараро ҳодиса сифатидаги моҳияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Коммуникация, лакуна, феномен, лексика, реалция, категория, лексик бирлик, компентентлик, этномаданият, лингвомаданият бирлик, моделлаштириш.

Кирриш (Introduction). Ҳозирги замонавий тилшуносликнинг тил ва маданият ўртасидаги ўзаро алоқаларини ўрганувчи долзарб масалаларидан бири бу – маданиятлараро коммуникация (МК) ҳисобланади. Бу эса, кўпинча, коммуникация жараёнида ўзаро алоқага қиринувчи томонларнинг миллий-маданий ўзига хослиги билан боғлиқ.

Маданиятлараро коммуникация томонларнинг тили ва маданияти ўртасидаги доимий ҳамкорлик шароитида амалга ошади ва бунда муайян тил тизими ва маданиятлараро ҳар хиллик, ўзига хосликлар воқеланади.

Маданият назариясида лакуна термини ёрдамида тил ва маданиятлараро “маданий масофа” сақланиб туради. У умумгуманитар соҳа термини сифатида коммуникация жараёнида юзага келадиган “ҳар хиллик”, “мос келмаслик”, “лингвистик ожизлик”, “маъносизлик”, “фарқланиш” каби қатор бир-бирига яқин тушунчаларни ифода этади.

Хорижий тилшуносликда “лакуна” ҳодисасининг юзага келиши айрим тил ва маданият феноменлари

универсаллиги (лингвистик ва маданий универсаллик) ва маълум бир маданиятда ушбу феноменнинг тақдим этилмаганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, лакунар бирликлар бир тилнинг ўзида ҳам кузатилиши мумкин. Гарчи маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган лексемалар мавжуд бўлса-да, барибир тил захирасида, унинг лексик тизимида “бўш жойлар”, “тўлдирилмаган жойлар” кўп бўлади. Бунда тилдаги муайян тушунчалар аниқланмаган, умумистеъмолга кирмаган ёки қўлланмаган бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Ташқи тиббий лакунар бирликлар тушунчасини илм-фанда биринчилардан бўлиб қўллаган буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳисобланади. У ўзининг “Муҳокамат-ул лугатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) асарида туркий тил билан форс-тожик тилини ўзаро қиёсий таҳлил қилиб, туркий тилдаги айрим сўз ва тушунчаларнинг форс-тожик тилида мавжуд эмаслигини, яъни маданий бўшлиқ ҳақидаги илк ғояларни илгари сурди.

Масалан, “Ва хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, қабоғ дерлар. Форсайда бу узвинг оти йўқтур”, “Ва хусн таърифиди улуғроқ холғаким, турклар менг от кўюптурлар, алар от кўймайдурлар”.

“Егуликлардин агарчи кўй мучаларидин баъзиға от кўюптурлар, аммо оркани ва ошуглуғ иликни ва ён сўнгакни ва қобурғани ва иликни ва ўрта илик ва бўғузлағуни туркча айтурлар. Ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва қатлама ва буламоғ ва қурут ва улоба ва манту ва куймоғ ва уркамоқни ҳам туркча айтурлар” [2].

Лакуна ҳодисаси маълум фан ёки соҳа доирасида турлича тил ва маданият эгалари томонидан субъектлараро ҳодиса сифатида, аввало таржима назарияси ва маданиятлараро коммуникация (ўзаро алоқалар)да ўрганилиб, таҳлил қилинган [3].

Тилшунослардан И.А.Стернин ва Г.В.Быкова муайян халқларнинг ўзаро алоқаларидаги лакуналарни 2 та асосий турга – ички ва тиллараро лакуналарга ажратади [4].

Улар: бир тил ичидаги лакуналар, яъни ички лакуналар (бир тилнинг ўзида у ёки бу лексик бирлик ёки айни маънодаги сўзнинг йўқлиги) ва тиллараро лакуналар (бир тилдаги лексик бирлик ёки айни маънодаги сўзнинг бошқа тилда мавжуд эмаслиги).

Таъкидлаш ўринлики, тил тизимида бундай бирликларнинг мавжуд бўлмаслиги юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу сўз ёки тушунчанинг йўқлиги туфайли эмас, балки унга бўлган коммуникатив эҳтиёжнинг, уни истезьфода этиш эҳтиёжининг йўқлиги сабаблидир.

Кўпчилик тилшунослар лакуна тушунчасини умумий маънода узвал алоқанинг ҳолати, жараёни ва реаліяга хос характерга эга бўлган ҳодиса сифатида ҳам талқин қилишади [5].

Шундай қилиб, лакуна термини кенг маънода қиёсланаётган тил ва унумаданият вакилларининг ўзига хос миллий хусусиятларини ўзида мужассам этса, тор маънода бир тил ёки тиллар доирасида мавжуд бўлмаган сўз ёки лексик бирликларни ўзида қамраб олади. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, лакуна терминининг фанда ва фалсафада умумназарий қондаси ҳали мавжуд эмас [6]. Айниқса, фалсафа тарихида унинг турлича феноменлари талқин ва тадқиқ қилинган.

Бу феноменни англаб олишнинг мураккаблиги шундаки, бир томондан лакуна ўзида бир тил ёки бир неча тиллар доирасида мавжуд предметни акс эттирса, иккинчи томондан мавжуд бўлмаган предмет ёки воқеа-ҳодисани, яъни йўқ маънони, тизимли бўшлиқ, очикликни акс эттиради. Шунинг учун ҳам мазкур феномен тиллар ўртасида турлича нуқтаи назарни юзага келтирган.

Кўпгина тадқиқотчилар бундай ўзаро номуносивликни, яъни бир тилда бўлиб, иккинчи тилда мавжуд бўлмасликни нафақат тилнинг лексик қатламида, балки қиёсланаётган тилларнинг грамматик қатламида ҳам бўлишини таъкидлайдилар. Масалан, тилшунослардан В.Л.Муравьёв француз тилида кўп қўлланиладиган, умумқабул қилинган *mon, ton, son* сингари сифат сўзлар рус тилида грамматик категория сифатида ўз аналогига эга эмаслигини қайд этади [7].

Худди шундай таҳлиллар тадқиқотчилар томонидан олиб борилган этнопсихоллингвистик тадқиқотларда ҳам “маданий ҳодиса” сифатида кўзга ташланади. Улар бадий таржима асарлари асосида тил ва маданиятлардаги ўзаро фарқни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келишади:

Бадий таржималарда хато ёки тушунарсиз даражадаги ғайритабий номуносивликлар, ўзаро мос келмаслик тиллар феноменидаги ўзига хосликнинг белгиси ёки ўзга тилнинг характерли психологик хусусиятидан келиб чиқади.

Инглиз тилшуноси К.Хейл туб австралияликлар тили ва этномаданиятини инглиз тилида сўзлашувчиларнинг тили билан солиштирар экан, “gap” (“бўшлиқ” маъносиди) терминидан фойдаланади [8].

Бу ўринда мавжуд бўлмаган категория тил ва маданият ўртасидаги номуносивликнинг келиб чиқишига хизмат қилган. Бироқ, мазкур соҳалардаги тушунчанинг умумий номини яратиш зарурати туғилганда, чет эллик тадқиқотчилар умумқўлланиладиган “лакуна” терминини қабул қилишган.

Таниқли немис ёзувчиси Г.Карау ўз асарларида немис тилида сўзлашувчиларнинг ўзига хос маданиятини сақлаган ҳолда, қуйидагича реалиядан лакунар бирлик сифатида мақсадли фойдаланган:

“Da endlich steht er unter der heißen Dusche, trinkt, schon im Halbschlaf, einen Magenbitter, genießt wie sich alles in ihm entspannt und löst” [9].

“Потом он стоит под горячим душем, полусонный пьет магенбиттер и с наслаждением ощущает во всем теле приятную теплоту и покой” [10].

Таржимаси:

“Сўнгра у иссиқ душ тагида туриб, ярим уйкуда магенбиттер (ошқозон учун шифобахш гиёҳлардан тайёрланган аччиқ дамлама) ичади ва хузурланиб, бутун танасида ёқимли иссиқлик ва хотиржамлик ҳис этади”.

Айрим гуманитар соҳа тадқиқотчилари ушбу тушунчани қабул қилиш масалалари билан шуғулланиб, унинг фалсафа, психология, дидактика, маданиятшунослик фанлари учун аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилишган [11].

Терминлардаги, тил ва маданиятдаги ўзаро номувофиқлик турлича, яъни “эквивалентсиз лексика”, “зид сўзлар”, “реалиялар”; тилнинг лексик қатламига нисбатан “этнозйдема”, “қоронги жойлар”, “чуқурча”, маданиятдаги миллий ўзига хослик нуқтаи назаридан “мулоқотга тўсиқ бўлувчилар”, деб ҳам аталган.

Умумий маънода лакуна икки ёки ундан ортик лингвомаданий бирликлардаги тушунча, тил ва бошқа хиссий ҳолатларни қиёслаш натижасида юзага келадиган номуносивликдир.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлиши муносабати билан билдирилган “Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди”[1], деган фикрлари ушбу тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот жараёнида семантик, тарихий ва синхроник таҳлил, мантикий-тавсифий методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Икки ва ундан ортик тиллардаги лакуналар тиллараро лакунани, яъни ташқи лакунани юзага келтиради.

Бир тилда мавжуд бўлган лексик бирлик ёки сўз бошқа тилда мавжуд бўлмаслиги, шунингдек айни сўзга эквивалент бирлик йўқлиги сабабли ўзга тилда шу сўзни ифодалаш имконияти бўлмайди. Бундай бирликлар, одатда изохлаш ёки тасвирлаш орқали ёки нозквивалент сўзлар орқали ифодаланади.

Қуйида бир неча шундай лексик бирликларни кўриб чиқамиз:

Абкам – (ар.), “гунг”, “соқов”, “тилсиз”, “лол” бўлиб қолиш, тилдан қолиш. Масалан, Дард мени қилибдур ул сифат абкамки, айта олмасмен (А.Навий). Абкам термини тил ва онгни йўқотиш, нутни йўқотиш касаллиги, шундай касалликнинг номи. Касаллик бош мия фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Абкам

термини қадимда кундалик ҳаётда кўп қўлланилган, бироқ бугунги кунда камдан-кам ишлатилади.

Бу лексема арабча, от сўз туркумига киради, турдош от, нима сўроғига жавоб бўлади. Қадимда унинг арабча алкан шакли ҳам ишлатилган. Алкан сўзи аслида “гунг”, “соқов” маъноларида қўлланилган. Масалан,

Дўст зикрини гар этсам таътил,

Ўзга сўздin тилим алкан бўлсун (М.Хоразмий).

Абсанс – (фр.), ABSENCE – қисқа муддатга, 1-2 секунд хушдан кетиш ва ҳодисани эслай олмаслак. Масалан, Бахтсиз ҳодисадан сўнг, Салим ака абсанс ҳолатга тушди. Бундай ҳолат турлича сабабларга рўй бериши мумкин. Организмнинг ички ҳолатлари, шунингдек ташқи таъсирларга кўра юзага келади. Кишиларда беҳушлик, жазав ва тутқаноқ тутганда кузатиладиган сезувчанликнинг вақтинча йўқолиши абсенция дейилади.

Абсанс термини француз тилидан олинган бўлиб, касал, яъни анормал ҳолатнинг номини англатади. Ҳаракат билан боғлиқ бўлганлиги сабабли равиш сўз ҳисобланади.

Инфаркт – (лот. Infarctus – тўлдираман, тиқиштираман), одам организмда узоқ вақт қон етишмаслиги, шунингдек тўсатдан қон айланишининг бузилиши натижасида аъзо ёки тўқиманинг бирор қисми ҳалок бўлиши, некрозга учраши. Масалан, Профессор Назаров инфарктни бошидан ўтказганлиги бонс, одамлар билан жуда эҳтиёт бўлиб, вазминлик билан муносабат қиларди. Инфаркт деярли барча аъзолар (юрак, ўпка, буйрак, талоқ, ичаклар, бош мия ва б.)да кузатилади.

Кома – (юн. koma – чуқур уйқу), марказий нерв системаси фаолиятининг издан чиқиши, бутунлай хушдан кетиш, ташқи таъсирларга жавоб бермаслик, организмнинг ҳаёт учун муҳим фаолиятлари бошқарилишининг бузилиши билан ифодаланади. Масалан, бола қаттиқ шамоллаши ва иситма кўтарилиши натижасида комага тушиб қолди.

Мошаро – (ар.), одамда қон хуружи ва ҳарорат чиққан пайтида пайдо бўладиган вирусли, қонли яра, яранинг тури. Оғир оқибатларга олиб борадиган, юқумли таносил касаллиги. Масалан, Мадаминхоннинг аъзойибаданини мошаро хуружи эгаллади. Бу термин қон

сизиши билан кечадиган яранинг турини ифодалайди. Мошаро лексемаси қадимги манбаларда учрайди, бугунги кунда деярли қўлланилмайди.

Мўнди – (ф-т), одам танасининг бирор (аслида мавжуд бўлган) қисмини кейинчалик муайян сабаб билан кесиб олиб ташлаш туфайли мавжуд бўлмаслиги, йўқлиги. Масалан, Қаромат аканинг 50 ёшлардан сўнг икки қўли кесилиб, мўнди бўлиб қолди. Мўнди термини бугунги кунда ҳам халқ тилида кенг қўлланилади. Унинг “сопол кўза”, “хумча” маънолари ҳам мавжуд. Масалан, Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол – мўндига (Халқ мақоли).

Бу от шундай касал одамга нисбатан ишлатилганда, маъно кўчади, сифатлашади ва сифат сўз вазифасини бажаради, белги маъносига эга бўлади. Кичкина, калта, хумчага ўхшаш, юмалоқ одамларга нисбатан ҳам мўнди сўзи ишлатилади.

Ўзбек тилидаги ташқи лақунар бирликларни аниқлаш ва ўрганиш нафақат тилшунослик соҳаси, балки тиббиёт соҳаси илм-фани учун ҳам муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Чунки шундай лексик бирликлар асосида, дастлаб, ўзбек тили ва бошқа тилларга оид тиббий терминларининг лақуналари луғатини, сўнгра уларнинг электрон корпусини шакллантириш кўзда тутилган.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

1. Ташқи лақунар бирликлар бирор бир тилда бошқа тилдаги тушунчанинг сўз кўринишидаги ифодаси мавжуд бўлмаслиги натижасида юзага келади. Аслида бу тушунча бошқа тил ёки маданиятда ҳам мавжуд бўлиб, бироқ мазкур тушунча лексик бирлик сифатида ўша маданиятнинг тилида воқеаланмайди.

2. Лақуна фақат тор маънода, тилнинг лексик қатлами доирасида тушунилади. Умуман, лақуна тушунчасини тил бирликларининг барча соҳасига тегишли феномен, деб қараш мақсадга мувофиқ.

3. Тиббий терминлардаги ташқи лақунар бирликлар ўзбек тилига лотин, араб, юнон, тожик ва француз тилларидан ўзлашган (хусусан, инфаркт, абкам, кома, мошаро, мўнди, абсанс каби) сўзларда намоён бўлди. Уларда, асосан, от, равиш, сифат сўз туркумлари иштирок этди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. “Халқ сўзи” газетаси. // 2019 йил 21 октябрь. “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи”.
2. Алишер Навоий. МАТ. 16-том. – Т.: 2000, – Б. 16-17; 21
3. Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии: Автореф. дисс. докт. филол. наук. – Воронеж, 1999. – 32 с.
4. Стернин И.А., Быкова Г.В. Концепты и лакуны. // Методы исследования языкового сознания. – М.: 1998. – С. 55-67.
5. Влахов С. Флорин С. Непереваемое в переводе. – М.: 1980. – С. 85.
6. Данильченко Т.Ю. Лакуны: философский и теоретико-культурный аспекты). // Автореф. дисс. на соискание уч. степени док. филос. наук. – Краснодар: 2010
7. Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир: СГПИ, 1975. – 148 с.
8. Hale K. Gaps in grammar and culture. // Linguistics and anthropology: in honor of C.F. Volgelin-Jisse. Univ. Press, 1975. – P. 77-98.
9. Karau G. Go oder Doppelspiel im Untergrund. Roman. Militärverlag der DDR, 1982. 288 s.
10. Карау Г. Двойная игра: Роман. – М.: Воениздат, 1991. – 312 с.
11. Данильченко Т.Ю. Лакуны: философский и теоретико-культурный аспекты. Автореф. дисс. на соиск ученой степени доктора филос. наук. – Москва: 2010.



Гавхар ТИЛОВОВА,
Тошкент давлат аграр университети катта ўқитувчиси,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: gavhar.tilovova@mail.ru

ЎзМу профессори, фил.ф.н. Ш. С. Ияминова тақризи остида

ETYMOLOGICAL CLASSIFICATION OF DENDRONYMS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES

Аннотация

The article is devoted to the etymological classification of dendronyms in German and Uzbek, which clearly shows the comparative historical method of linguistics. Ancient linguistic sources analyze the opinions and views of scholars dealing with the etymology of the word. It has been revealed that the nomination of dendronyms is mainly derived from Greek and Latin, retains its etymology as a result of assimilation into other languages, and, conversely, undergoes phonetic sound changes. While the dendrons being interpreted are Uzbek or Turkish original words, in some cases they have been studied based on changes in sound composition.

Key words: Dendronym, term, etymological dictionary, linguistics, forest, phonetic change, diachronic.

ЭТИМОЛОГИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ДЕНДРОНИМОВ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация

Статья посвящена этимологической классификации дендронимов в немецком и узбекском языках, которая наглядно показывает сравнительно-исторический метод языкознания. Древние лингвистические источники анализируют мнения и взгляды ученых, занимающихся этимологией слова. Выявлено, что номинация дендронимов происходит в основном от греческого и латинского языков, сохраняет свою этимологию в результате ассимиляции в другие языки и, наоборот, претерпевает фонетические звуковые изменения. Хотя интерпретируемые дендронимы являются узбекскими или турецкими оригинальными словами, в некоторых случаях они были изучены на основе изменений звукового состава.

Ключевые слова: Дендроним, термин, этимологический словарь, языкознание, лес, фонетическая изменения, диахронический.

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ДЕНДРОНИМЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАСНИФИ

Аннотация

Мақола немис ва ўзбек тилларида дендронимларнинг этимологик таснифига бағишланган бўлиб, унда лингвистиканинг қиёсий тарихий методи яққол намоён бўлади. Қадимги лингвистик манбаларда сўзнинг этимологияси билан шуғулланган олимларнинг фикрлари ва қарашлари таҳлил қилинади. Дендронимлар номинациясининг, асосан, грек ва лотин тилларидан келиб чиқиши, бошқа тилларга ўзлашиши натижасида ўз этимологиясини сақлаб қолиши ва аксинча, фонетик товуш ўзгаришларига учраши очиб берилган. Талкин қилинаётган дендронимлар ўзбек ёки туркий туб сўзлар бўлса, айрим ҳолатларда товуш таркиби жиҳатидан юз берган ўзгаришларга, асосан, тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Дендроним, термин, этимологик луғат, лингвистика, ўрмон, фонетик ўзгариш, диахрон.

Кириш. Этимология қадимги юнонча *ἐτυμολογία* - ҳақиқий, чин, сўзнинг асосий маъноси ва *λόγος* - сўз, таълимот, маъносини англатади. Бу тилшуносликнинг қиёсий тарихий тилшунослик бўлими бўлиб, унда сўзларнинг келиб чиқиши, асл шакли ва маъносини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилади.

Этимологияда сўзларнинг ҳақиқий ва биринчи асл маънолари, шакллари тил тарихи ҳамда бошқа тиллардаги шу сўз тўғри келган ўзакка эга бўлган сўзлар билан қиёслаш асосида аниқланади. Бунда сўзларнинг келиб чиқиш тарихи, маъноси чуқур таҳлил қилинади. Тилшуносликда янги сўзнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш, аниқлаш нисбатан осон, лекин эски сўзларнинг этимологиясини, яъни қачон пайдо бўлгани ва қайси тилдан олинганини, унинг дастлабки маъно англатиш хусусиятларини таҳлил қилиш анча мураккабдир. Бирор сўзнинг келиб чиқишини аниқлашда мазкур сўз бошқа тиллардаги товуш структураси ва маънолари билан қиёсланади. Лекин бу жараён ҳар доим ҳам аниқ натижа беравермайди. Чунки баъзан сўзларнинг ташқи шакли, товуш таркиби бир-бирига яқин бўлса ҳам, уларнинг маънолари турлича бўлиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Ўзбек тилшунослигида дастлабки “Ўзбек тилининг этимологик луғати” Ш.Рахматуллаев [6]

томонидан тузилди ва 2000 йил нашр этилди. Ушбу этимологик луғат ўзбек тилшунослигида тажриба сифатида яратилган бўлиб, луғат туркий сўзлар бўйича мавжуд изланишларга таяниб тузилган ва этимологик талқинлар оммабоп йўсинда берилган.

Рус тилшунослиги этимологик луғатларнинг босма ва электрон шаклларининг яратилиши билан етакчилик қилади. Г.А.Крылов [4], А.В.Семёнов [7], М.Фасмер [8] каби олимларнинг этимологик луғатлари шулар жумласидандир. Этимология тилшуносликнинг жуда қадимий соҳаси бўлиб, эраמידан аввалги даврларда яшаган философ ва филологлар ҳам сўзларнинг келиб чиқиш тарихи билан шуғулланганлар [3].

“Этимология” атамасининг ўзи эса қадимги юнон файласуфлари орасида пайдо бўлган ва Диоген Лаэртсининг келтиришича, Хрисиппа (милоддан аввалги 281/278-208/205) тегишлидир. Бироқ, қадимги Юнонистонда сўзларнинг келиб чиқиши ҳақидаги саволлар *ἐτυμολογία* атамаси пайдо бўлишидан олдин ҳам кўтарилган. Гераклит Эфеский (милоддан аввалги 544-483) предмет номи унинг моҳиятини қанчалик яхши акс эттириши ҳақида баҳс юритган. Кейинчалик Афлотун (милоддан аввалги 428/427-348/347) ўзининг Кратил (қадимги юнон тили) диалогида номлаш табиати ҳақида фикр юритади, яъни нарсанинг номи табиатдан

берилганми ёки уни одам номлаганми? Умуман олганда, шу савол атрофида фикрлар, қарашлар хилма-хил бўлган ва юнон файласуфлари орасида Платоннинг этимология ҳақидаги мунозаралари бирмунча содда бўлган. Бу ҳақда кейинги мақолаларимизда фикр юритамиз.

Антик даврда этимология грамматиканинг бир қисми ҳисобланган бўлиб, фақат грамматикшунослар бу билан шуғулланишган. Антик давр сўз тарихининг энг машхур тадқиқотчиси Рим грамматикшуноси Варрон (милоддан аввалги 116-27) этимологиянинг “сўзларнинг нима учун ва қаердан пайдо бўлганлигини” аниқловчи фан сифатида белгилаган. Масалан, у лотинча лўна “ой” сўзининг келиб чиқишини лў- (Варронга кўра, лўсеб “порламок” феълидан олинган) ва -на “тун” каби қисмларга ажратиш орқали тушунтирди. Варрон сўзларни тушунтиришда умумий илмий методологиянинг йўқлигига қарамасдан, сўзнинг ривожланиш тарихида товуш ўзгаришининг ролини тўғри кўрсатиб берди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Шундай қилиб, “Linde” (ўзбек тилида “жўка” дарахти) дендронимининг келиб чиқиши таҳлил қилинса, дарахтнинг немисча “lenþjo” сўзи “Schild” маъносини англатади ва ўзбек тилида “қалқон” маъносини билдиради. Бунинг маъноси шуки, қадимда қалқонлар жўка дарахтидан ясалган деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Немисча “Kiefer” ўзбекча “қарағай” игнабаргли дарахт номининг келиб чиқиши ноаниқ, эҳтимол эски kienforaha «Kien-Föhre» сўзидан келиб чиқиб, “қарағай елими” назарда тутилган ва ундан машғалалар яхшироқ қилинган. Чунки қарағайнинг ёғочлари елимга бой бўлиб, машғала тайёрлашга айнан мос келади.

Шу дендронимлар қатори “магнолия, павловния, авакадо, оқ акация, арча, баобаб, бергамот, эвкалипт, чаканда” ва бошқа дарахт номлари соҳавий, яъни дендронимлар сифатида ўз мазмунини сақлаб қолган. “Оқ акация, арча, чаканда” дарахт номларидан ташқари, “магнолия, павловния, авакадо, баобаб, бергамот, эвкалипт, акация, форзиция (бута), каштан, кедр, крижовник (бута), куманика, лавр, ликвидамбар, мандарин, манго, сафсафрас, сандал, унаби, хурмо, туя, мускат ёнғоғи, шамшод” каби дендронимлар тилшуносликда универсал характерга эга бўлиб, немис, рус ва ўзбек тилларида байналмилал терминлар сифатида бирдек қўлланади.

Ўрмончилик лексикасида биргина “дарахт” ёки “бута” сўзлари доирасида юзлаб лексикалар жамланади. Агарда “ўрмон” лексикасини ўрганилаётган терминларнинг ядроси деб олсак, соҳавий терминларнинг тизимли хусусиятларини очиб беришда ўрмоннинг асосини ташкил қилувчи дарахт ва буталарнинг туркуми, оиласи, синфи, турлари лингвистик нуқтаи назардан периферияга ажратилиб, уларнинг барчаси битта “ўрмон” лексемаси атрофида мужассам бўлади. Масалан, сарвидошлар, эфедродошлар, таксодийдошлар оиласи, метасеквойя, тсуга, биота туркуми, Амур бахмал дарахт, қолхидя шамшоди, гигант эвкалипт дарахт турлари юқоридаги фикримизга мисол бўлади. Ҳар бир лексикани таҳлил қилишда ботаник, биолог, ўрмоншунос ва тилшунос олимларнинг ҳамкорликдаги ишлари ўсимликлар ономастикасини очиб беришга хизмат қилади. Масалан, ботаник олимлар эвкалипт туркуми таркибида 600 га яқин тур мавжудлигини Австралия, Тасманияда, Индонезия ва Гвинея оролларида тарқалганини аниқлаган бўлса, тилшунослар гигант эвкалипт (*Eucalyptus gigantea* Hook.), хивчинли эвкалипт (*Eucalyptus viminalis* Labill.), Дальримпль эвкалипти (*Eucalyptus Dalrympleana* Hort.), мовий эвкалипт (*Eucalyptus globulus* Labill.) ва бошқа турларнинг лексик-семантик муносабатларига аниқлик киритади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Дендронимларнинг тадқиқи орқали ўрмончилик соҳанинг барча терминларини қамраб олиш амри маҳол. Бунда биз бош асос “ўрмон” ва унинг таркибий қисми “дарахт” сўзларининг диахроник шаклланиши ўрганилади. Инсоният яратибдики, унинг тафаккур олами ва тилида ер, ўрмон, тоғ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ифодаланиши намоён бўлади. Э. Бердиев ва бошқаларнинг ёзишича: “Der Wald – ўрмон, дарахтлар, буталар, ўт-ўсимликлар, ҳайвонот олами ва микроорганизмлардан иборат, бири-бирига биологик боғлиқ ҳамда ташқи муҳитга таъсир этувчи географик ландшафтни асосий элементи” “Der Wald” сўзи умумий немисча сўз бўлиб, ahd. (Althochdeutsch) walt, mhd. (Mittelhochdeutsch) wold, ҳамда veraltet “ривожланмаган ер” маъносини англатган. Баъзи маълумотларга кўра “ўтли майдон”, “яйлов” маъноларини ҳам билдирган. XVI асрда “walde” шакли ўз қийматини йўқотмаган.

a laub und gras und alles was
grünet in wilden walden.

XVII-XVIII аср халқ кўшиқларида ўрмон сўзининг “walde” шакли кўп учрайди [9]. Кейинроқ фонетик ўзгаришлар натижасида “der Wald” сўзи юзага келган.

Der Baum - дарахт сўзи немис тилида ўрта асрларда ҳам шу шаклда бўлган ва асрлар ўтиши натижасида фонетик ўзгаришга учрамаган. Масалан:

heulend kommt der Sturm geflogen,
der die Flamme brausend sucht,
prasselnd in die dürre Frucht
fällt sie, in den Speicher Räume,
in den Sparren dürre Bäume.

Ушбу мисралар Ф. Шиллер (1759-1805) томонидан ёзилган “Das Lied von der Glocke” шеърдан олинди.

Дендронимларнинг лингвистикада ўрганилиши ботаник билимларнинг ривожини билан ҳаммисра чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга ошириб келган. Қадимдан бизгача етиб келган баъзи адабий ва илмий манбаларда Юнонистон ва Римда шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда қўлланилган дарахтлар ассортиментини, уларни екиш ва турмушда фойдаланиш ҳақида маълумотлар мавжуддир. Эраминдан аввалги IV-асрда яшаб ижод қилган «ботаника отаси» номи билан тарихда машхур бўлган Теофраст “Ўсимликлар ҳақида тадқиқот” номли асарида барча яшил ўсимликларни дарахт, бута, ярим бута ва ўтларга бўлиб ўрганиб чиққан [10]. XIV асрдан бошлаб Европа давлатлари ва Россияда табиий ўрмонларни ўрганиш авж олган бўлса, шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда манзарали дарахт ва бута турларидан фойдаланиш ҳам бошланган. Россия ўрмонларидан шаҳарларига XVI-XVII асрларда терак, жўка, четан, черемуха, калина, қора қарағай, оқ қарағай каби дарахт ва бута турлари олиб келиниб, манзарали сунъий ландшафтлар барпо этила бошланган. Россияда 1725 йилда ташкил этилган Фанлар академияси Сибирь, Камчатка, Урал, Узоқ Шарқ, Хитой, Монголияга илмий экспедициялар юбориб, ушбу ўлкалардаги ўсимлик дунёси ҳақида илмий маълумотлар йиғишга киришган [11].

Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Ҳирот, Балх каби шаҳарларда кўплаб манзарали дарахт ва бута турлари экилган. Самарқанд шаҳри атрофида турли-туман дарахт ва буталар иштирокидаги кўркам боғлар барпо этилган. Бобурномада “тобулғи” бутаси номи “тобулғу” шаклида ва балут, чинор, тол, арғувон дарахт номлари ҳам учрайди [1]. Улардан тобулғу ва балут фонетик ўзгаришга учраб, тобилғи, болут сифатида нутқимизда ишлатилади.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Дендронимлар ўрмончилик терминологияси сифатида бошқа тор соҳалар терминологиясига қараганда

кенг қатламни эгаллайди. Қадимдан инсонларнинг ўрмонлар, дов-дарахтлар, ўсимликлар, қолаверса, атроф-муҳитга бўлган улкан таъсири, муносабати натижасида баъзи дендронимлар диахрон шаклланиш босқичларини бошдан кечирди. Буни “Бобурнома”да айрим дарахт номларига берилган таъриф ва номлардан билиш мумкин. Икки тилда универсал характерга эга дендронимларнинг

бирдек мавжудлиги, номларнинг келиб чиқиш шароити ва ҳолатлари, кўп дарахт номларининг фонетик ўзгаришга учрамаганини англатади. Немис ва ўзбек тилларида айрим дендронимларнинг этимологик тадқиқи терминологик тизимнинг ривожланиш босқичларини аниқлашга ёрдам берди.

АДАБИЁТЛАР

1. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. –365 б. (Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев).
2. Grimm J., Grimm W. Deutsches Wörterbuch. Erstbearbeitung (1854-1960), digitalisierte Version im Digitalen Wörterbuch der deutschen Sprache, <http://www.dwds.de/wb/dwb/baum>, abgerufen am 29.08.2021.
3. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. Тошкент, Иқтисод-молия, 2007, 194 б.
3. Крылов Г.А. Этимологический онлайн-словарь русского языка. 2005.
4. Немецко-русский сельскохозяйственный словарь. –М.: Русский язык, 1987. – 743 с.
5. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Университет, Тошкент, 2000. 600 б.
6. Семёнов А.В. Этимологический онлайн-словарь русского языка. ЮНВЕС. Москва, 2003, 704 стр.
7. Фасмер М. Этимологический онлайн-словарь русского языка. 1964-1973.
8. <https://www.dwds.de/wb/dwb/wald> 29.08/2021.
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki/теофраст>
10. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Россия> фанлар Академияси



Баҳор Тўраева,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
E-mail: bahorturaeva@gmail.com

ТДЎТАУ доценти, филология фанлари доктори З.Тешибоева

ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ХРОНОТОП КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация

Мақолада хронотоп категориясининг жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида синергетика, герменевтика, семиотика, когнитив нуқтаи назардан тадқиқ этилиши каби илмий-назарий муаммолар тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Хронотоп, муаллифнинг ижодий нияти, етакчи илмий марказлар, синергетика, герменевтика, семиотика, эпик, лирик, драматик хронотоп, полифоник роман.

ИЗУЧЕНИЕ КАТЕГОРИИ ХРОНОТОПА В МИРОВОЙ И УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Аннотация

В статье рассматриваются научно-теоретические проблемы категории хронотопа в мировой и узбекской литературе, такие как синергетика, герменевтика, семиотика, когнитивные исследования.

Ключевые слова: Хронотоп, авторская творческая мысль, ведущие научные центры, синергетика, герменевтика, семиотика, эпический, лирический, драматический хронотоп, полифонический роман.

STUDY CHRONOTOPE CATEGORY IN WORLD AND UZBEK LITERATURE

Annotation

The article discusses the scientific and theoretical problems of the chronotope category in the world and Uzbek literature, such as synergetics, hermeneutics, semiotics, cognitive research.

Key words: Chronotope, author's creative idea, leading scientific centers, synergetics, hermeneutics, semiotics, epic, lyrical, dramatic chronotope, polyphonic novel.

Кириш. Жаҳон адабиётшунослигида хронотоп асар воқеа-ҳодисаларининг кетма-кетлиги ва жадаллигини ифодаловчи композиция унсури, образларни тавсифловчи ҳамда муаллифнинг дунё тузилиши ҳақидаги тасавури, дунёқараши, оламни қай даражада идрок қилишини акс эттирувчи адабий-эстетик категория сифатида талқин қилинмоқда. Дарҳақиқат, асар структураси, сюжет ва композициясини уюштирувчи, эпик матн майдонини шакллантирувчи, бадий воқеликнинг тугал яхлитликда қабул қилинишини таъминловчи хронотопнинг ижодий теран ўзлаштирилиши асарнинг эстетик табиатини тушунишда ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Зеро, хронотоп асарнинг барча унсурларини қамраб олар экан воқеалар силсиласи, қахрамонларнинг кайфият-кечинмаларини бадий замон тасвирисиз кўрсатиб бўлмайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Жаҳон адабиётшунослигида бадий замоннинг илмий-назарий муаммолари Европа (Н.Мeyerhof, А. James, W. Heffernan, A. Rodriguez, M. Vukanovićand, L. Grmuša, N. Bemong, P. Borghart, J. Culler, M. Atkins), рус (М.Бахтин, Д.Лихачев, Н.Гей, Н.Шугая, А.Николаев, З.Тураева, Б.Мейлах, Е.Мелетинский, В.Хализев) ва ўзбек (Н.Шодиев, Ҳ.Болтабоев, Э.Абуталиева, У.Жўрақулов, Б.Каримов, Д.Қуроно, А.Тўйчиев, Ғ.Муродов, А.Носиров, А.Тўйчиев, С.Мирзаева, К.Қодиров, М.Умарова, У.Қаршибаева, Ў.Назаров, Д.Хурсанов) олимларининг тадқиқотларида ёритилган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мақолада киёсий-типологик таҳлил усуллари асосида жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида хронотоп муаммосининг ўрганилишидаги турли ёндашувлар таҳлил қилинди.

Замонавий адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири – бахтиншунослик анъаналарининг давом эттирилиши; хронотоп муаммосининг шаклланиш тарихи,

моҳияти, функционал аҳамияти синергетика, герменевтика, семиотика, когнитив нуқтаи назардан ўрганилиши, хронотоп таҳлили ёзувчининг фалсафий, эстетик, ахлокий, психологик қарашлари билан узвийлиги, муаллифнинг замон-макон концепцияси ўзи яшаган давр моделига боғлиқлиги тадқиқ этилган; ритм ва темпоралликнинг аҳамияти, хронотопнинг полифоник романда олам ва одам муносабатларини очиқ беришдаги вазифаси, вертикал ва горизонтал хронотопларнинг роман бадий майдонини яратишдаги ўрни, инсон “мен”ининг чегараси, образлар табиати, қахрамон руҳияти, унинг ички кечинмалари, хронотопнинг жанр яратувчи роли, Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси, эпик, лирик, драматик хронотопнинг хусусиятлари, анъанавий, параллел ва синкретик хронотопларни қўллашда ижодкорларнинг маҳорати ўрганилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Ҳ.Меергофнинг «Адабиётда замон» китобида Марсел Пруст, Джемс Джонс, Томас Манн ва Томас Вулфларнинг асарларида хронотопнинг фалсафий муаммолари қандай кўйилганлиги ва ижодий-индивидуал ечими умумлаштирилган бўлса, М.Вукановичанд, Л.Грмуша тадқиқотларида романда хронотоп, эпик макон ва эпик замон муносабатларининг ички ўзига хос боғлиқликлари назарий-таҳлилий ўрганилган. Д.Лихачев қадим рус адабиётида бадий замон поэтикаси, эпик замоннинг субъектив аспектларини, М.Бахтин бадий ўзлаштирилган замон ва маконнинг эстетик ўзаро алоқадорлигини, яъни бадий асарда замон белгиларининг маконда намён бўлиши, макондаги нарса-предметлар замонда идрок этилишини илмий-назарий тадқиқ этишган. Хронотоп назарияси методологик асос-манбаларининг шаклланиши ва ривожини К. Леви-Стросс (мифологик замон моҳияти), Р. Барт, М. Хайдеггер, М.М. Бахтин, Д.С. Лихачев, Н.К. Гей, Ю.М. Лотман сингари хорижий олимлар илмий мероси

билан бевосита боғлиқ. Улар хронотопни илмий-эстетик муаммо сифатида ўрганишлари баробарида асосий эътиборларини кўпроқ бадий замоннинг бадий макон узвийлиги диалектикасида бевосита қаратишади. Хронотоп тизимида замон устувор ҳисобланишини таъкидлашган бу мутахассислар маконнинг замон орқали англанишини ва у билан бевосита боғлиқлигини эътироф этишади. “Адабиётда бадий ўзлаштирилган замон ва макон муносабатларининг ўзаро муҳим алоқасини хронотоп (замонмакон) деймиз. Хронотопни адабиётнинг шакл-мазмун категорияси, деб тушунамиз. Адабий-бадий хронотопда замон ва макон белгилари англанган ва аниқ яхлитликда уйғунашуви кўзга ташланади. Бунда замон тигизлашади, зичлашади, бадий сезиларли бўлади, макон эса замон, сюжет, тарих ҳаракатларига интенсивлашади, тортилади. Замоннинг кўриниш белги-аломатлари маконда намоён бўлади, макон эса замон орқали англанади ва ўлчанади”, – дея эътироф этади М.М.Бахтин [2]. Айнан шу сабабдан ҳам бадий асарда замонни макондан ёки аксинча, маконни замондан, гарчи улар алоҳида-алоҳида мустақил адабий-эстетик категориялар ҳисобланса-да, устуворликда қараш мумкин эмас. Чунки бадий асарда замон ва маконнинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан аҳамиятлари бир хил. Яхлит макон оламида замонни кўриш қобилиятини М.М.Бахтин ҳақиқий сўз санъаткорининг энг қимматли фазилатларидан бири ҳисоблайди [3].

Ўзбек адабиётшунослигида профессор Н.Шодиев Ўрта Осиё ва Қозоғистон йирик эпик носирчилигида мавжуд дилогия, трилогия, тетралогия ҳамда эпопеялар бадий замонлари поэтикасидаги индивидуал хусусиятларини қиёсий-типологик мундарижада илк бор тадқиқ қилиб, минтақа йирик носирчилигида эпик замон шакллари, типлари, категориялари ва усулларидан иборат ижодий-эстетик диалектикасини яхлит тизимда ёзувчининг ижодий нияти ва асарнинг умумэпик концепциясидан келиб чиққан ҳолда, бадий замонни йирик эпик прозанинг мураккаб сюжет-композицион қурилиши, воқеани эпик шаклда тасвирлаш усуллари билан боғлайди. Олим эпик шакллар бадий замон поэтикалари хусусидаги илмий-назарий хулосаларини академик Д.С.Лихачевнинг “Асар замони ҳамиша китобхон замони билан муайян маънода конфликтда бўлади. Умумий ҳолда адабий асарнинг абадийлиги, реал замонни четлаб, унинг устидан ғолиб бўлиши учун курашиди” [8], деган эътирофи билан яқунлар экан, ушбу курашда сўз санъати ўзининг ноёб намуналари билан ҳамиша ғолиблигини асослаб беради.

Э.И. Абуталиева “Ўрта Осиё русийзабон прозасида макон ва замон” номзодлик диссертациясида минтақанинг икки русийзабон адиблар (Ўзбекистонлик Тимур Пўлатов ва тожикистонлик Тимур Зулфиқоров) ижодлари мисолида хронотоп муаммосини тадқиқ этди [1]. Олима асосий эътиборини макон ва замон категорияларига ҳамда сюжетнинг айрим муаммолари масалаларига (жумладан, Тимур Пўлатов асарларида метафорик сюжет, Тимур Зулфиқоров асарларида сюжетда хронотопнинг вертикаль моделлари), шунингдек, замоннинг ритми ва поэтикаси (Тимур Пўлатов насрининг ритмик ўзига хослиги; Тимур Зулфиқоров насрининг орнаменталь ритми) ҳамда мифопоэтик тимсоллар ва хронотоп мавзуларига қаратади.

И.Ғаниев “Фитрат драмалари поэтикаси” деб номланган докторлик диссертациясининг “Фитрат драмаларида бадий макон ва бадий замон муаммоси” бобида муаллиф драматик оламининг «маконий-замоний» чегараларини аниқлашга, драмаларнинг хронотопик харитасини чизишга муваффақ бўлган [13].

У.Жўрақулов Алишер Навоий «Хамса»сини хронотоп назарияси асосида тадқиқ этиш, асарга хос

жанр, композиция, сюжет ва образлар моҳиятини белгилаш учун, биринчи навбатда, тарихий поэтика илми тажрибаларига таяниш зарурати мавжудлигини эътироф этиб, хронотопик муқояса ва таҳлил натижаларига кўра, канолик бирликларни а) универсал эпик замон; б) универсал эпик макон; в) универсал сюжет ва фабулавий тизим; г) универсал образ; д) универсал эпик концепция тарзида таснифлайди [4].

Хронотопга янгича назарий қарашлар, жаҳон адабиётшунослигида мавжуд мезонлар асосида таҳлилий-талқиний ёндашув Б.Каримнинг “Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин” монографиясида кўзга ташланади [6]. “Ўткан кунлар” романининг эпик-тарихий замони ҳамда бадий маконини янгича нуқтаи назардан ўрганишга интилиш ибратини намойиш қилган. Олим ўз танқид, таҳлил ва талқинларида эркин, шу боис роман замони ва роман макони – яхлит хронотопи олимнинг таъкиридан ботинига, жисмидан руҳига, қалбига, ўзи таъкидламоқчи, “онг ости сезимга кўчиб ўтган”дек гўё. “Қодирий насри – нафосат қасри” китобидаги «Роман ичидаги замон» мақоласида воқеа-ходисаларнинг ишончлилиқ қувватини ошириш учун муаллиф астрономик замондан турли йўсинда фойдаланиши ҳамда бадий асарда замон физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятга кўчишини мисоллар орқали таҳлил қилиб, “Ўткан кунлар” романида беш-олти йиллик замон борлигини аниқлайди ва илмий шарҳлайди [7]. Олим романдаги кунлик замон қисмларининг намоз замонлари негизида белгиланиши индивидуал услуб, поэтик тизим ҳолатига келганлигини илмий-таҳлилий изоҳлайди. Ўзбек романларида замоннинг намоз замонлари орқали ифодаланиши мусулмон менталитетига хос.

Д.Қуронов “Назарий қайдлар” китобида асар қурилишини тадқиқ этишда матн композицияси, сюжет композицияси, персонажлар системаси, бадий вақт ва макон, ривоя композицияси, нуқтаи назар композицияси каби масалаларга диққат қаратади. “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз” романлари ҳамда Чўлпон ҳикоялари асосида эпик асарларда “бадий вақт” имкониятларининг кенглигини систем-структур метод асосида таҳлил қилади. Олим классицистларнинг “вақт, жой, воқеа” бирлиги қондаси драматик асарларда реалистик тасвир имконларини торайтириши, парда эса, аксинча, вақт ва жой кўламини кенгроқ олишга йўл беришини таҳлил мезонлари асосида изоҳлайди [12].

Қ.Йўлдош ва М.Йўлдошларнинг «Бадий таҳлил асослари» китобида бадий замон ва макон тасвирлини йўсинига қараб ноаниқ ва аниқ кўринишларга эга бўлиши, уларнинг тигизлик даражаси, ҳодисали ва ҳодисасиз замоннинг ўзаро нисбатлари асар воқеалари ривожининг шиддатини ташкиллаштириши ҳақида фикр юритилган. Замоний дискретиклик асар сюжети, шунинг натижаси ўларок, тасвир психологизми динамикаси таъминлаш омили эканлиги илмий жиҳатдан изоҳланган [5].

А.Носировнинг “Тарихий ҳақиқат ва унинг бадий талқини” (“Юлдузли тунлар” романи мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертациясининг “Замон ва тасвир”, деб номланган иккинчи фаслида “Юлдузли тунлар” романида Бобур яшаган давр – замонни, айниқса, теурий шахзодаларга хос бўлган ҳаёт тарзини, тарихий шароит у муҳитга хос бўлган белгиларни типиклаштириб, улар бадийят мезонлари асосида эпик маҳоратда юксак ёритилганлигини тадқиқ қилган. Тадқиқотда, шунингдек, романда бадий талқин қай даражада мозий ҳақиқатига мувофиқ келиши “Юлдузли тунлар”да тарихий шароит – замон тасвирининг бадий ўзига хослиги, тарихий шахс образининг яратилиш “сир”лари билан боғлиқ ёзувчининг ижодий маҳорати таҳлил этилган [9].

А.Тўйчиевнинг “Ўзбек романларида макон ва замон” монографиясида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан

кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб”, Ойбекнинг “Кутлуғ қон”, “Навоий”, Одил Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор”, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романларида макон ва замон акси, муносабати, маконий-замоний манзаралар ва бадиий тўқима образлар тадқиқ этилган. Муаллиф тарихий романда хронотопнинг аҳамиятини куйидагича эътироф этади: бадиий макон ва замон поэтиканинг муҳим категорияси ҳисобланиб, воқеликнинг, нафақат, кўламдорлигини, кенглигини таъминлайди, балки уларнинг тарихан аниқлиги, бадиий-эстетик жиҳатдан далилланганлиги, сюжет тармоқларига боғланиш – алоқадорлик дунёсининг кўп қатламлилиги, фикр, туйғулар оқими, ҳаракатлари романни йирик эпик шакл сифатида кўрсатиб, белгилаб туради. Ёзувчи маконий-замоний ҳаётнинг реал лаҳзаларини тасвирлаши ёки унга иллюзиялар ясаши, қаҳрамонлар суҳбати орқали мақсадларни ёритиши, уларнинг суҳбатига аралашishi, ўзининг адабий душманлари билан очиқ мунозарага киришиши мумкин [10].

М.Умарованинг “Тарихий драмада бадиий замон концепцияси” мавзусидаги номзодлик диссертациясида Фитрат ва Шекспир трагедияларида бадиий замон муаммоси қиёсий аспектда ўрганилган [20]. Тарихий драмада замон концепциясининг адабий асар таркибидаги ўрни, унинг бадиий имкониятлари, Шекспир ҳамда Фитратнинг замон концепциялари аниқ акс этган “Ричард III” ва “Абулфайзхон” тарихий асарлари қиёсий тадқиқ қилинган. Тадқиқотчи драмалар таҳлилига ўзаро таъсир нуқтаи

назаридангина эмас, балки компаративистик таҳлил имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашган [11].

Д. Хурсанов ҳозирги ўзбек шеърятда хронотоп поэтикасини изоҳлар экан, муаллиф ўзи кўрган ташқи маконлардан (туғилиб ўсган ёки саёҳат қилган жойлари) ички маконга қараб мурожаат қилишини, шоирнинг онги ҳамда онг ости кўп ҳолларда лирик макон вазифасини ўташини, лирик қаҳрамон мавҳум макон ва тушунчалар сифатида туш, хотира, қалб, юрак, хаёл, кўз каби метафорик маконлардан фойдаланишини ҳамда шеърятда хронотоп ғоя билан матн хронотопи ўртасида фарқлар мавжудлиги ҳамда поэтик ғоя хронотопи матн хронотопидан кўра кенг қамровга эга бўлишини таъкидлайди [14].

Шунингдек, бадиий замоннинг у ёки бу муаммолари билан алоқадор айрим мақолалар ҳам мавжуд. Лекин уларда бадиий замоннинг назарий-методологик асос-моҳияти, классик шакллари, типлари, категориялари ҳамда усулларидан иборат мураккаб тизими махсус ўрганилмаган.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Мавжуд тадқиқотларда замонавий романларда хронотоп муаммоси яхлит мундарижада тадқиқ этилмаган. Фикрлар хилма-хиллиги, жумладан, илмий тафаккур плорализми шароитида жаҳон ва ўзбек адабиёт-шунослигида хронотопнинг турли талқинлари мавжуд. Миллий адабиётшуносликда бадиий замон ва бадиий маконнинг узвийлиги асосланган хронотоп муаммосига бағишланган ишларга ўз муносабатимизни билдириб, замонавий романларда хронотоп муаммоси қиёсий-типологик жиҳатдан концептуал яхлитликда ўрганиш зарур, деган умумлашма хулосага келдик.

АДАБИЁТЛАР

1. Абуталиева Э.И. Пространство и время в русскоязычной прозе Средней Азии (на материале творчества Тимура Пулатова и Тимура Зульфукарова): Дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1993. – 158 с.
2. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. Москва. Худож. лит., 1975. – 234-235 с.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. Москва. Худож.лит., 1986. – 216 с.
4. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. Монография. Тошкент: Турон-иқбол нашриёти. 2017. – 265-266 б.
5. Йўлдош К., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. –Тошкент. Камалак, 2016. – 462 б.
6. Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. Тошкент. Фан. 2006. – 231 б.
7. Каримов Б. Қодирий насри – нафосат қасри. – Тошкент. «O‘zbekiston», 2014. – 23-29 б.
8. Лихачев Д. С. Поэтика древнерусской литературы / Д. С. Лихачев. - 2-е изд., доп. - Л.: Худож. лит., 1971 – 416 с.
9. Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини («Юлдузли тунлар» романи мисолида): Филол.фан.ном. ... дисс. Тошкент. 1999. – 30-54 б.
10. Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон. Монография. –Тошкент. «Mumtoz so‘z». 2009. – 109-124 б.
11. Умарова М. Тарихий драмада бадиий замон: Шекспир ва Фитрат. Монография. Тошкент. «Mumtoz so‘z». 2013. – 130 б.
12. Қуроно Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 129 б.
13. Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. д-ри. дисс. 1998. – 89-127 б.
14. Хурсанов Д. Ҳозирги ўзбек шеърятда хронотоп поэтикаси: Филол.фан.фалс.д-ри ...дисс. Самарқанд. 2020. – 141 б.



Гулчехра УЗАКОВА,
Магистрантка ФерГУ
uzakovagulchexra2505@gmail.com
рецензент: доцент ФерГУ Н.К.Собиров

ДИСКУРСАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

Аннотация

Современное состояние лингвистики требует глубокого и всестороннего изучения языковых единиц разного уровня. Исследование фразеологических единиц (ФЕ) как ярких, образно-эмоциональных и экспрессивных средств языка, позволяющих выявить воззрения человека об окружающей его реальности, сформированных в процессе преобразования человеком данного реального мира, и способствующих созданию эстетически значимой языковой картины мира, представляются чрезвычайно перспективными.

Ключевые слова: Дискурс, фразеологическая единица, фразеологический эвфемизм, ядро, моментальное стилистическое употребление, модификации.

DISCOURSE ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS

Annotation

The current state of linguistics requires a deep and comprehensive study of language units of different levels. The study of phraseological units (PU) as bright, figurative-emotional and expressive means of language, allowing to reveal a person's views about the reality around him, formed in the process of man's transformation of this real world, and contributing to the creation of an aesthetically significant linguistic picture of the world, seems to be extremely promising.

Key words: Discourse, phraseological unit, phraseological euphemism, core, instant stylistic use, modifications.

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ДИСКУРСАЛ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Тилшуносликнинг ҳозирги ҳолати турли даражадаги тил бирликларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади. Фразеологик бирликларни тилининг ёркин, образли-эмоционал ва экспрессив воситалари сифатида ўрганиш, инсоннинг бу реал дунёни ўзгариши жараёнида шаклланиган, унинг атрофидаги воқеалик ҳақидаги қарашларини очиқ беришга имкон беради. Дунёнинг эстетик жиҳатдан аҳамиятли лингвистик тасвири жуда истиқболли қўринади.

Калит сўзлар: Нутқ, фразеологик бирлик, фразеологик эвфемизм, ўзак, лаҳзали стилистик қўлланиш, модификациялар.

Проблема дискурсивного употребления фразеологических единиц на протяжении нескольких десятилетий остается одной из самых дискуссионных. Как отмечает А. Начишоне, некоторые ученые и даже лексикографы были категорически против любых стилистических изменений фразеологизмов, поскольку такие изменения «... рассматривались как нежелательные и, следовательно, как нечто, что необходимо вернуть к «нормальному» преднамеренное избегание или неприятие ФЕ или их стилистических изменений». Любое отклонение от основного употребления ФЕ (т.е. употребление его в наиболее распространенной форме и значении, представленном в словарях) рассматривалось как нечто ненормальное и неправильное, и использование следующих уничижительных терминов, несомненно, доказывает это предположение: аномалия, аномалия, ущербность, недостаточность, искажение, неправильное цитирование, нарушение и т. д. И только третья, или самая многочисленная, группа ученых и лексикографов занималась тщательным изучением таких дискурсивных изменений фразеологизмов [1].

Такие же различия можно наблюдать и в творчестве некоторых писателей. Как указывает П. Мразович, можно выделить три группы немецких писателей, разделение которых основано на особенностях использования ФЕ в их литературных произведениях. Писатели, относящиеся к первой группе (Г. Бёлль, Ф. Кафка), вообще не используют в своих произведениях такие устойчивые единицы, считая их готовыми клише, непригодными для индивидуального авторского стиля. Писатели второй группы (Б. Брехт, Г. Кант) успешно обращаются к основному употреблению фразеологизмов. И только писатели, принадлежащие к третьей группе

(Г.Манн, Г.Грасс), весьма продуктивно модифицируют их в творческом плане.

Среди первых исследователей следует отметить Б. Фрейзера, который исследовал трансформационный потенциал английских фразеологизмов и стилистические эффекты таких трансформаций и разработал шестиступенчатую трансформационную шкалу от полностью замороженных единиц до неограниченных.

Глубокое изучение фразеологизмов было предпринято известным русским ученым профессором А. Куниным, который впервые ввел термины «обычное употребление» и «контекстуальное употребление» ФЕ и выделил три типа фразеологического контекста, необходимые для определить тип контекстуальной модификации ФЕ: интерфразовую, фразовую и сверхфразовую. Позднее было доказано, что разные типы модификаций ФЕ зависят от типа фразеологического контекста, т. е. сложные типы модификаций, такие как развернутая метафора или фразеологическая насыщенность, могут встречаться преимущественно в третьем его типе и лишь sporadически во втором.

Краткий обзор достижений российских ученых в области разных типов модификаций ФЕ представлен в первой части монографии группы исследователей Казанского федерального университета – членов общества «Еврофрас» «Контекстуальное использование фразеологизмов». В книге представлено как теоретическое исследование, так и его практическая реализация, основанная на изучении различных типов модификаций ФЕ в английском, русском, немецком и испанском языках, а также в различных типах текстов и жанров: беллетристика, средства массовой информации, т. называются креолизованными текстами. Часть IV монографии

«Фразеология в многоязычном обществе», содержащая лучшие доклады на конференции Europhras в 2013 г., также посвящена дискурсивному поведению фразеологизмов и производимым ими стилистическим эффектам [2].

На основе тщательного изучения работ разных ученых в статье «Сложные модификации фразеологизмов и способы их перевода» выделяются следующие модификации ФЕ:

1. Замена или замена компонента или компонентов ПУ;
2. Перестановка;
3. Дополнение, в том числе вставка;
4. Исключение компонента или компонентов ПУ или многоточия;
5. Использование расщелины, или «метаспрахлих комментирунг»;
6. Фразеологическая аллюзия, тесно связанная с многоточием;
7. Фразеологическое повторение;
8. Фразеологический каламбур
9. Контаминация двух фразеологизмов;
10. Расширенная метафора;
11. Фразеологическая насыщенность дискурса (по А. Начишоне), или сложные случаи контекстуального употребления фразеологических единиц.

Также указывается, что все эти виды модификаций фразеологических единиц можно подразделить на два основных типа: семантические и структурно-семантические. «Семантические модификации, такие как фразеологический каламбур и расширенная метафора, происходят без каких-либо изменений формы ФЕ, они затрагивают только семантическую сторону единицы. Модификации второго типа связаны с изменением структуры ФЕ, что вносит некоторые изменения в его значение.

С. Пташник вводит собственную классификацию (и термины): структурные модификации, к которым относятся как лексические, так и грамматические изменения фразеологизма, и контекстуальные модификации, которыми она называет семантические изменения без структурных изменений, основанные на взаимодействии буквального и фразеологического значения. ФЕ в разрезе. На наш взгляд, классификация, предложенная С. Пташником, является лишь своего рода переделкой общепринятого подразделения модификаций ФЕ на семантические и структурно-семантические, все они происходят в контексте, или дискурсе, а значит, все они относятся к контекстным модификациям.

В настоящее время мы наблюдаем не только увеличение числа исследований, посвященных изучению различных типов модификаций ФЕ, но и появление словарей нового типа, отражающих различные контекстуальные модификации ФЕ в реальной речи. Достаточно упомянуть «Словарь антипословиц» В.Мидера и А.Литовкиной и «Фразеологизмы в русской речи» А.Мелеровича и В.Мокиенко.

Хотя процесс выделения и анализа всех вышеперечисленных модификаций ФЕ требует больших усилий на основе данных и корпусов, гораздо сложнее понять причину, по которой такие модификации возможны. В этом отношении первостепенное значение имеют работы американских лингвистов Р.Гиббса, Дж.О'Брайена, Н.Найка, К.Каттинга, Дж.Болтона, М.Кеппеля. Проведенные ими исследования показывают, что метафоры, на которых строятся фразеологизмы, до сих пор живы для говорящих и являются важной частью их понятийной системы. Такое предположение объясняет, почему большинство ПУ поддаются анализу и модификации. Как утверждают ученые, любую идиому можно творчески изменить лексически, и она все равно будет

понята при наличии достаточного прагматического контекста [3].

В целом различные типы модификаций ФЕ не произвольны, а продиктованы, с одной стороны, общими для всех homo sapiens когнитивными процессами, с другой стороны, возможностями каждого языка в плане его внутренней грамматики. Контекстуальные модификации ФЕ следуют некоторым когнитивным схемам, которые достаточно строги, а их реализация в речи является ярким свидетельством их системности. Контекстное употребление (или моментальное стилистическое употребление ФЕ по А. Начишоне) «...является одним из способов отражения нового хода мысли... оно расширяет семантические или синтаксические рамки базовой формы, выходя за рамки и требования основного употребления. Это определяется мыслью и контекстом. Мгновенные изменения возможны благодаря семантико-стилистической связности базовой формы, обеспечивающей ассоциативную непрерывность фразеологических связей в дискурсе».

Общепринятой практикой является то, что студентов, специализирующихся на английском языке, учат работать с фразеологизмами в их базовой форме. Разумеется, речь идет о мгновенном употреблении этих единиц при чтении и анализе различных аутентичных текстов английских и американских авторов. Но языковая эффективность требует приобретения знаний и навыков не только в выявлении типичных моделей мгновенного употребления фразеологизмов, но и в правильном их употреблении. Это означает, что студентов следует обучать таким образом, чтобы они умели сами создавать различные виды модификаций ПУ и делали это уверенно.

Говоря о трудностях, возникающих при обучении студентов стилистической и фразеологической компетентности, А. Начишоне выделяет пять из них, из которых труднее всего осваивается искусство творчества. «Творческий подход к языку... также подразумевает обучение тому, как создавать мгновенное использование и сети, расширять и поддерживать образ, связывать слова и фразы вместе и обеспечивать значимые ассоциативные связи. Сосредоточение внимания на творчестве требует большей языковой осведомленности со стороны учителей и учащихся. Конечная цель — способность учащихся создать мгновенное использование в дискурсе, используя существующие языковые модели. ... учащиеся должны развивать определенные навыки общения, чтобы справиться со всеми соответствующими трудностями».

Чтобы иметь возможность самостоятельно создавать различные типы модификаций ФЕ, учащиеся должны очень хорошо владеть английским языком. Они также должны неплохо владеть английской фразеологией. Они должны понимать и знать механизм модификации каждого типа фразеологических единиц, и они должны быть в состоянии использовать каждый тип с подлинным мастерством. Кроме того, они должны быть творческими, что означает их творческий потенциал к творческому мышлению, и творческий подход, которые совершенно необходимы для того, чтобы выявить внутреннюю форму ФЕ и «увидеть» ее образ. Эти навыки совершенно необходимы в образном мышлении, чтобы достичь уровня точности в использовании английского языка.

В данной статье рассматриваются только два типа фразеологических эвфемизмов моментального употребления, оба они предполагают большой навык творческого мышления.

Фразеологический каламбур и развернутая метафора считаются одними из наиболее сложных моделей моментального стилистического употребления фразеологических единиц. Первый относится к так называемому семантическому типу модификаций ФЕ, он

предполагает одновременную реализацию двух значений: переносного значения ФЕ и буквального значения соответствующего свободного сочетания слов или его составной части или составляющих. Во фразеологическом каламбуре встречается двойственное восприятие одного и того же предмета, как правило, создающее юморис-

тический эффект, основанный на непонимании. А. Начишоне предлагает когнитивное осмысление процесса создания фразеологической каламбура, считая, что сущностью этого процесса является раскрытие образа, с его использованием достигается двойная экспозиция и связующие связи.

ЛИТЕРАТУРА

1. Абдуллина А.Р. Контекстные трансформации фразеологических единиц в английском и русском языках. (Диссертация кандидата филологических наук), Казанский государственный университет, г. Казань, Россия. - 2007
2. Мелерович А.М., Мокиенко В.М. Фразеологизмы в русской речи. Словарь. Москва: Русские словари, Астрель - 2001.
3. Пташник С. Фразеологические модификации и их функции в тексте: Исследование на примере немецкоязычной прессы. Хозенгерен: Шнайдер. – 2009.



УДК:159.9(575.1)

Nargiza UMAROVA,
Farg'ona davlat universiteti filologiya fanlari doktori
E-mail: umarovanargiza43@gmail.com
Oygul MAHMUDOVA,
Farg'ona davlat universiteti o'qituvchisi
E-mail: maxmudovaoygul920@gmail.com

Filologiya fanlari doktori, professor Sh.Iskandarova taqrizi asosida

GENERAL AND SPECIFIC CHARACTERISTICS OF LEXIC MEANING AND CONCEPT IN LINGUISTICS

Annotation

Word semantics has been in the constant focus of linguists around the world. Different views have emerged on the importance of lexical meanings in the syntagmatic relationship of words. This study focuses on the analysis of lexical meaning and concepts by linguists. The analysis was carried out almost on the basis of the differential-semantic method. In this process, several views were compared and the comparative – analytical method was used. The fact that Uzbek linguistics has not yet reached a consensus on many issues related to semantics is a topical issue.

Keywords: semantics, semantic development, lexical meaning, concept, emotional-expressive meaning, word valence.

ОБЩАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЛЕКСИЧЕСКОГО ЗНАЧЕНИЯ И ПОНЯТИЯ В ЛИНГВИСТИКЕ

Аннотация

Семантика слов находится в постоянном центре внимания лингвистов всего мира. Сложились разные взгляды на значение лексических значений в синтагматических отношениях слов. Это исследование посвящено анализу лексических значений и понятий лингвистами. Анализ проводился практически на основе дифференциально – семантического метода, при этом сравнивались несколько взглядов и применялся сравнительно – аналитический метод. Актуальным является тот факт, что узбекское языкознание до сих пор не пришло к единому мнению по многим вопросам, связанным с семантикой.

Ключевые слова: семантика, семантическое развитие, лексическое значение, концепт, эмоционально – экспрессивное значение, валентность слова.

TILSHUNOSLIKDA LEKSIK MA'NO VA TUSHUNCHANING UMUMIY VA XUSUSIY XARAKTERLANISHI

Аннотация

So'z semantikasi dunyo tilshunoslarining doimiy e'tiborida bo'lgan. Leksik ma'nolarning so'zlar sintagmatik munosabatidagi ahamiyatini belgilashda turli xil qarashlar yuzaga keldi. Ushbu izlanishda tilshunos olimlarning leksik ma'no va tushuncha xususida olib borgan tahlillari yuzasidan fikr yuritilgan. Tahlillar deyarli differensial-semantik metod asosida olib borilgan. Bu jarayonda bir necha qarashlar solishtirilgan hamda qiyosiy-tahliliy metoddan foydalanilgan. Semasiologiyaga oid ko'plab masalalar yuzasidan o'zbek tilshunosligida hali bir fikrga kelinmaganligi dolzarb masala ekanidan dalolatdir.

Kalit so'zlar: Semasiologiya, semantic taraqqiyot, leksik ma'no, tushuncha, emotsional-ekspressiv ma'no, so'z valentligi.

Muhtaram yurtboshimiz bugungi kun ilm-fani haqida so'z yuritarkan: "Ilm – fan va ta'lim-tarbiya sohasining moddiy – texnik bazasini yanada mustahkamlash, uning nafaqat davr bilan hamohang bo'lishini, balki zamondan oldinda yurishini ta'minlash, pedagog kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlashning ilg'or usullaridan keng foydalanish, o'qituvchi va domlarning mashaqqatli va mas'uliyatli mehnatini har taraflama rag'batlantirish bilan bog'liq vazifalarni amalga oshirish, qisqa qilib aytganda, hayotimizga kata kuch bo'lib kirayotgan yangi avlodimizni kamol toptirish uchun davlatimiz tomonidan barcha imkoniyatlar safarbar etiladi," – deydi. Shunday ekan, bugungi kun tilshunosligidagi dolzarb masalalar ustida tahlillar olib borish, uning rivojiga hissa qo'shish burchimizdir.

Kirish. Tilshunoslikda leksik ma'noning tushunchadan farqlanishiga oid tahlillar. Mustaqil ma'noga ega bo'lgan biror so'zning ifodalaydigan tushunchasini, odatda, leksik ma'no deb ataymiz. Ba'zi adabiyotlarda ayrim turkumga oid so'zlar tushuncha ifodalamaydi, [1] deb qayd etiladi. Misol sifatida esa olmoshlar ko'rsatiladi. Biroq tushuncha muhim va umumiy belgilarga ega nimaningdir ongda aks etishi deb olsak, bunday tushunchaning so'zda aks etishi leksik ma'no hisoblanadi. Shu jihatdan bu ikki tushuncha haqidagi ilmiy qarashlarni solishtirish va umumlashtirish muhimdir. Har qanday tushuncha va har qanday leksik ma'no ham umumlashtirish va mavhumlashtirish orqali hosil bo'ladi. Lekin bunda leksik ma'no muhim va umumlashtiruvchi belgilar asosidagi tushunchani o'zida aks ettirishi zarur. Bunday bo'lmasa boshqacha hol kuzatiladi. Tilshunoslikda qayd etilganiday, tushuncha bilan leksik ma'no adekvat

emasligi ko'zga tashlanadi [2]. Mana shu adekvat bo'lmagan o'rinlarni ko'rib chiqishga to'g'ri keladi. Shu o'rinda atoqli otlarga e'tibor berish lozim. Har qanday so'z ham o'z ma'nosiga ega bo'lishiga qaramay, unda tushuncha ifoda topavermaydi [3]. Masalan, atoqli otlar ma'nosida tushuncha aks etmagan.

So'zlarning ma'nosi tushuncha ifodalama, ular fannamagik ma'no bo'lib, grammatik vazifa bajaradi. Lekin atoqli otlar grammatik vazifa bajarmaydi. Shundan kelib M.Galkina-Fedoruk: "Atoqli otlar tushunchaga ham, ma'noga ham ega emas, u aniqlovchi ramzlarini bildiradi. Shuning uchun ham atoqli otlar izohli lug'atlarga kiritilmaydi: tushuntirib ham, izohlab ham bo'lmaydi", – deb aytadi [4]. Bu holni tilshunos M.M.Mirtojiyev shunday izohlaydi: "Leksik ma'no ayrim hollarda tushuncha ifodalamaydi. Atoqli ot, undov so'z, taqlid so'z kabilar leksik ma'nosi tushuncha

bildirmaydi [5]". Bundan kelib chiqadiki, tushuncha va leksik ma'no alohida olinadigan tushunchalardir. Leksik ma'no kommunikatsiyada o'zi ifoda etishi kerak bo'lgan tushuncha bilan deyarli holatda teng bo'lmaydi. U tushunchaning ma'lum qismi yoki ma'lum belgisiniga ifoda etishi mumkin. Nutq uchun so'z qanday tanlansa, uning leksik ma'nosi komponentlari ham shunday tanlab olib qo'llanadi. Ya'ni nazarda tutilgan muhim va umumlashtiruvchi belgilari bilan tushuncha lug'aviy birlik holidagi leksik ma'no komponentlari bilan mutanosib kelishi mumkin. Nutq jarayonida esa bunday bo'lmaydi. Uning nutq talab qilgan qismlariga namoyon bo'la oladi.


Dunyo tilshunoslarining so'zda tushunchaning aks etishi borasida fikrlari ushbu munozarali holatda bir tarafdan nemis tilshunosi A.Rudskoger "Tushuncha maydoni lug'aviy ma'no bilan tengdir" [6] degan fikri, bir tomondan esa rus tilshunosi S.D.Katsnelsonning "Leksik ma'no bilan tushunchani farqlash uchun zarurat bormi?" [7] degan fikrlari qator tilshunos olimlar diqqatini so'zning leksik ma'nosi va u ifodalaydigan tushunchaning bir-biridan farqlashga qaratdi. Nemis olimi E.Vellander XX asr boshlarida "So'z va predmetning tushunchasi bir uyushma asosida birlashadi" deb yozgan edi [8].

Ayrim adabiyotlarda ba'zi bir turkumga oid so'zlar leksik ma'nosi tushuncha ifodalamaydi, jumladan, olmoshlar faqat ishora qiladi, ko'rsatadi, deb qayd etilgan.

Kishilik olmoshlariga e'tibor qaratisla, u olmoshi "o'zga", "shaxsga", "ishora" leksik ma'nosiga ega. Allakim gumon olmoshi esa "kimligi", "noma'lumligiga", "ishora" leksik ma'nolarini beradi. Leksik ma'nolarning hammasi ham tushunchada nazarda tutilgan belgilarni bildiruvchi komponentlarni o'z tarkibida qamragan [9]. Bular olmoshlarining leksik ma'nosi tushuncha ifodalamaydi, degan fikrni inkor etadi. Bu faktlarning bari rus olimi S.D.Katsnelsonning olmoshlar leksik ma'nosi tushuncha ifodalashi haqidagi fikrining asosli ekanini ko'rsatadi.

Leksik ma'no bilan tushunchaning farqlaydigan yana bir jihati shuki, leksik ma'no emotsional-ekspressiv bo'yoqdorlikka egadir, ya'ni undov va taqlidiy so'zlar leksik ma'noga ega bo'lgani holda tushuncha ifodalamaydi. Undov so'zlar his-hayajon, chaqirish-haydash kabi ifodaga ega bo'lgani holda, taqlidiy so'zlar tovushga va turli holatlarga taqlidni ifodalaydi. Ko'rinib turibdiki, undov va taqlidiy so'zlarning leksik ma'nosi tushuncha ifodalamay, tovush va holat tasvirini, chaqirish-haydash, his-hayajonni bildirishiga ko'ra o'ziga xosdir. Borliqdagi nimaningdir ongndagi aksi tushuncha bo'lganidek, ongning borliqdagi narsaga munosabati ham bor. Bu munosabat, V.I.Arnold aytganidek, hurmat, hayratlanish, yumshoqlik, qo'pollik, yoqtirmaslik kabilardan iborat bo'ladi [10]. Tilshunos olim C.Usmonovning fikricha, emotsional-ekspressiv element leksik ma'noning tarkibiy qismlaridan biridir [11].

Ammo S.D.Katsnelson bu qarashga e'tiroz bildirib: "Sezgi- tuyg'u bildiradigan komponentlarni tushunchaga



Xullas, leksik ma'no asosida deyarli bir tushuncha bo'ladi, lekin leksik ma'no bilan tushuncha aynan teng emas. Leksik ma'noning emotsional - ekspressiv va uslubiy bo'yoq bildiruvchi komponent, grammatik ma'no berishi, ba'zan hajmining teng kelmasligi, milliylik va nutqda valentligining namoyon bo'lishi bilan tushunchadan farq qiladi. Tushuncha esa faqat ob'ektiv borliqdagi narsa, voqelik, harakat, holat yoki belgining ongndagi in'ikosidir.

ADABIYOTLAR

1. Травничек Фр. Некоторые замечания о значении слова и понятия/ВЯ.-1956.№1.С.76

2. Stepanova M.D., Cerniseva I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. - S. 14
3. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 49
4. Галкина-Федорук У.М. Слова и понятие. - М.: Учпедгиз. 1956. С. 53.
5. Mirtojiev M.M. Ўзбек тили семасиологияси. - Т.: Мумтоз сўз. 2010. С. 47
6. Rudskoger A. Fair, foul, nice, proper. - S. 12, 13.
7. Кацнельсон С.Д. Содержание словозначение и обозначение. - М.: Наука. 1965. С. 12.
8. Wellander E. Studien zum Bedeutungswandel im Deutschen. - Uppsala. 1917. S. 41.
9. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. - Т.: Мумтоз сўз. 2010. С. 34
10. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 50
11. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. - 21 б.
12. Кацнельсон С.Д. Содержание слова... - С. 15.
13. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. - Т.: Мумтоз сўз. 2010. С. 37
14. Кацнельсон С.Д. Содержание слова... - С. 18.
15. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. - Т.: Мумтоз сўз. 2010. С. 38



Gulasal KHUDAYBERDIYEVA,
Teacher of Tashkent State Technical University
E-mail: xudoyberdiyevagulasal7@mail.com

Reviewer: Phd, Adilova Shaxnoza Raximovna

PSYCHOLOGICAL MASTERY IN THE NOVELS OF J. K. ROWLING

Annotation

This article investigates J.K. Rowling's works through the lens of positive psychology, the scientific study of human flourishing. Reading J.K. Rowling's works is a positive intervention, an evidence-based activity that improves people's well-being, particularly because it has the capacity to inspire optimism in its readers. One of the positive psychological character traits most strongly linked to happiness and life satisfaction is hope. This shows that individuals all throughout the world need easy-to-access therapies to help them grow more hope.

Key words: J.K. Rowling, J.K. Rowling's works, Harry Potter, positive psychology, hope, positive interventions, positive humanities.

ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО В РОМАНАХ ДЖОАН РОУЛИНГ

Аннотация

В этой статье исследуется Дж.К. Роулинг книги через призму позитивной психологии, научного исследования человеческого процветания. Чтение Дж.К. Роулинг работы - это позитивное вмешательство, деятельность, основанная на фактических данных, которая улучшает благосостояние людей, особенно учитывая ее потенциал вселять надежду в читателей. Надежда - одна из положительных психологических сильных сторон характера, наиболее связанных со счастьем и удовлетворенностью жизнью. Это предполагает необходимость предлагать людям во всем мире легкодоступные вмешательства, с помощью которых они могут вселить в них больше надежды.

Ключевые слова: Дж.К. Роулинг, Дж.К. Роулинг, Гарри Поттер, позитивная психология, надежда, позитивные интервенции, позитивные гуманитарные науки.

DJOAN ROULING ROMANLARIDA PSIXOLOGIK MAHORAT

Annotatsiya

Ushbu maqola pozitiv psixologiya, inson gullab-yashnashining ilmiy tadqiqi nuqtai nazaridan J.K. Roulingning asarlarini tadqiq qiladi. J.K. Rouling asarlarini o'qish ijobiy aralashuv, dalillarga asoslangan faoliyat bo'lib, ayniqsa uning o'quvchilarida umid uyg'otish potentsialini hisobga olgan holda u odamlar farovonligini oshiradi. Umid - bu baxt va hayotdan qoniqish bilan bog'liq bo'lgan ijobiy psixologik xarakterning kuchli tomonlaridan biridir. Bu butun dunyo bo'ylab odamlarga ko'proq umid uyg'otishi mumkin bo'lgan osonlik bilan erishiladigan aralashuvlarni taklif qilish zarurligini ko'rsatadi.

Kalit so'zlar: J.K. Rouling, J.K. Rouling asarlari, Garri Potter, ijobiy psixologiya, umid, ijobiy aralashuvlar, ijobiy gumanitar fanlar.

Introduction. J. K Rowling's work - "Harry Potter and the Philosopher's Stone" have become to some extent, a landmark phenomenon in the fate of an entire generation. This work was published in 1997, but it is still reprints and other books in this series are sold out. Interest in the adventures of the young wizard is maintained by constant screenings of films on television, interviews with the actors who played the characters, the release of the Fantastic Beasts spin-off [4]. In 2009, after conducting the survey of 318 children aged 5 to 12 by The British charity Booktrust, it was found that Harry Potter - the hero of J.K Rowling's books, is the most favorite character of the young schoolchildren. The purpose of our work is to analyze the psychological means of creating the image of a character in a work of art. In the course of the study, the study was conducted on the basis Joanne Rowling's literary work "Harry Potter and the Philosopher's Stone" [7].

Materials and analysis. Based on the results of qualitative content analysis methodology, the following categories of manifestations of psychology:

"Plot" - a category that characterizes plot twists, thanks to which the character's character is revealed. As plot twists affecting the image of the main character of the work "Harry Potter and Philosopher's Stone" can be distinguished as follows:

- the murder of Harry Potter's parents;
- the upbringing of Harry Potter by aunts and uncles;

Harry Potter's discovery of magical abilities in himself;

a change in Harry Potter's environment due to his entry into Hogwarts School of Witchcraft and Wizardry [2].

"Behavioral reactions" - a category that characterizes all behavioral reactions of the character, thanks to which one can judge about the presence or absence of certain qualities of the hero. So, Harry Potter reacts with delight to various new facts about how the world of wizards works, from which it can be concluded that he is open to new knowledge and sensations, curiosity, as well as the lability of his nervous system. As another example of this category is the episode when Harry with together with friends decides to stop Snape. In this case, reader can infer the boy's bravery and courage, as well as his purpose protect the world of wizards from the main villain Voldemort [1].

"Speech" is a subcategory that characterizes the speech of the character, the features that make it possible to draw a conclusion about the presence or absence of qualities. It includes features of the character's communication style. In this work, the speech of the character is fully consistent with age, the hero does not use complex and scientific constructions, it is easy to understand. Harry only uses slang in his speech as magicians, from which we can conclude that he refers this social group [5].

"Act" is a subcategory that characterizes all behavioral reactions that can be seen by other characters in the course of interactions. As an example, consider the episode where Harry, despite the teacher's ban, takes off on a broomstick to help classmate and Professor McGonagall notices his talent that contributes both to changing the plot and reveals to readers with having this talent.

"Internal experiences" - a category that characterizes the internal character's speech and his emotional attitude to something. In the work "Harry Potter and the Philosopher's Stone" all characters are described indirectly by the author, but at the same time, although their share in creating a character image less compared to others categories, it also significantly affects the psychological character characteristics [3].

"Thoughts" - a subcategory that characterizes all inner speech characters, thanks to which we can correlate the actions of heroes with their true intentions. In "Harry Potter and philosopher's stone" this category is manifested least of all that narrated in third person. "Emotions" is a subcategory associated with the category "Behavioral reactions", but not related to it, characterizes all the reaction characters. At the same time, it should be noted that the skill control behavior does not allow to assign a subcategory "Emotions" in the category "Behavioral reactions", since such characters behavior and emotions can be different [6]. In this case also manifests itself weakly, except for one moment, a key enough for storytelling. When Harry looks into the Mirror of Erised, he hides his jubilation from understanding where the philosophical a rock. However, the most interesting results are related to the self-identification of people with negative characters. According to the authors of the study, it is for them that the feeling of being in demand in society is especially important. Those who are able to ignore the ethical side of the issue and can become in demand no matter what value system they find themselves in. Those who identify themselves with the dark magician Voldemort are characterized by great ambitions, the desire for power and self-determination through status roles. All decisions made by them are aimed at achieving a high position at any cost [7].

While there are other theories that impact positive psychology, it should be focus on three in relation to the Harry Potter series and the concept of hope:

- The model of character strengths and virtues;
- the broaden-and-build theory of positive emotions;
- the hope theory.

Theory of Hope The Harry Potter series is full of hopeful ideas. Through the lens of hope theory, Magyar-Moe and Lopez[3]demonstrate the importance of hope in driving the happy life. Cultivating hope, according to this approach, entails three essential cognitive processes:

- clearly conceiving goals;
- identifying precise pathways to achieve these goals;
- fostering and retaining motivation to use these pathways[4].

Goals serve as anchors in the establishment of hope, while pathways provide multiple paths to these goals and motivation keeps people continuing throughout the process. J.K. Rowling illustrates this point in the Harry Potter series by describing the dark magical creatures known as dementors, who sap all hope from their victims, leaving only their worst memories, and demonstrating how dangerous hopelessness can be both physically and psychologically, as Harry repeatedly faints in the presence of the dementors and hears his parents being murdered by Lord Voldemort [5].

As Harry Potter seems to be a favorite narrative among millions of people already, it is a natural choice for individuals and communities who want to cultivate more hope within themselves, especially since hope is one of Harry Potter's central themes [4].

Hope Broadens-and-Builds. The Harry Potter series also supports the broaden-and-build theory of positive emotions. J.K. Rowling wrote broaden-and-build theory features two core elements, the first being that positive emotions broaden our perceptions of what is possible, opening our minds and hearts to a larger range of thoughts and actions than usual, and in the process, leaving us more creative and receptive to the world at large.

Discussions. Strengths, Hope, and Harry Potter. It's easy to spot character strengths in Harry Potter, especially since Hogwarts, the School of Witchcraft and Wizardry, has a built-in strength spotting system of its own that all students go through in their first year called the sorting hat. Likewise, research on character strengths has flourished over the past ten years in the nonwizarding world, providing a common language for individuals to identify and talk about what is good in themselves and in each other[2]. Throughout the books, the author surprises shocks the reader, keeps him in suspense. The main distinguishing feature of the novels of this cycle from almost all other works is the author's special cruelty to his characters. No matter how important or necessary you thought the character was, perhaps in the next book, chapter, or even on the next page, death awaits him, often very cruel and bloody. The main mystery - who will eventually take the Iron Throne, will remain a mystery until the very end, until the last book is released[8].

The characters that are liked not only by children, but also by adults. This work is read to preschool children, and at school it is included in the extracurricular reading program. It is an interest to analyze the psychological aspects of the relationship between the heroes of the fairy tale series, since clashes of their characters play an important plot-forming role in all books of the series [5]. And this is not only a clash of the forces of good, which are respectively represented by Harry, his friends and associated with the forces of evil, Voldemort and his servants, but also with such characters that clearly do not belong to either the dark world or the light one. The most prominent representative of this group is Professor Severus Snape (in other translations, Snape, Villainous Snape). It is possible that Snape's relationship with other heroes of the fairy tale, the motives of his behavior and actions, the forecasts for the development of his character traits are not unimportant in assessing the reasons for the popularity of Rowling's fairy tale series. In the process of reading, a person begins to better understand the reasons for his behavior, the work helps him to reveal himself from a different side in relations with people around him. Analyzing the psychological aspects of the relationship between Snape and other heroes of the Harry Potter books, we will rely on the psychoanalytic direction in psychology, which considers the driving force behind mental development to be the contradiction between the unconscious and consciousness.

Conclusions. According to the psychological analysis of J.K. Rowling works, the following categories can be distinguished: categories of values that a Harry Potter hero has:

The value of friendship. This value can be identified based on analysis of various episodes related to Harry's best friends, for example, when Harry and Ron go to save Hermione from a troll who got into the school;

The value of truth. This value can be identified based on analysis of various episodes when Harry is trying to find information about philosopher's stone;

The value of justice. This value can be seen based on the analysis of various episodes when Harry decides confront Snape and be the first to take the philosopher's stone so that he did not fall into the hands of Voldemort.

REFERENCES

1. Bristow, Jenny. "Harry Potter and the Meaning of Life". Spiked. spikedonline.com. 19.6.2003. retrieved on 1.12.2012
2. Brycchan, Carey. (2003). "Hermione and the House-Elves: The Literary and Historical Contexts of J. K. Rowling's Antislavery Campaign" in Reading Harry Potter: Critical Essays. (ed. Giselle Liza Anatol); Greenwood Publishing Group, Inc. Praeger Publisher, Westport.
3. Flood, Alison. "Harry Potter ebook sales top £1 mil in three days", The Guardian online guardian.co.uk. 5.4.2012. retrieved 18.10.2012
4. Saunders, Emma. "Why grown-ups go potty over Harry". BBC News Online news.bbc.co.uk. 17.6.2003. retrieved on 1.12.2012
5. Thomas W. James. (2011). "Repotting Harry Potter", E-book edition, Zossima Press, Hamden CT.
6. Vollmer, Erin. (2007). "Harry's World: An Exploration of J.K. Rowling's Social and Political Agenda in the Harry Potter Series". UW-L Journal of Undergraduate Research X. University of Wisconsin La Crosse.
7. Rowling, J.K. (2003). Harry Potter and the Order of the Phoenix. Bloomsbury Publishing Plc. London.
8. Rowling, J.K. (2005). Harry Potter and the Half-Blood Prince. Bloomsbury Publishing Plc. London.
9. Rowling, J.K. (2007). Harry Potter and the Deathly Hallows. Bloomsbury Publishing Plc. London.



Ойдин ХЎЖАМУРОДОВА,
Қариши давлат университети
Ўзбек тилишунослиги кафедраси таянч докторанти
СамДУ профессори, филол.ф.д Азамат Пардаев тахризи асосида

LINGUISTIC AND EXTRA-LINGUISTIC FACTORS AND FEATURES OF LEXEME FLOWER IN THE COMPOSITION OF ANTHROPNYMS

Annotation

The article analyzes the anthroponyms, especially the lexeme of flowers in Uzbek women's names and its linguistic and non-linguistic factors, the principles of choosing a flower lexeme by parents as a name for a daughter, the reasons for naming.

Key words: human, nature, flower, name, linguistic, non-linguistic, content, anthroponym, floristry, floriculture lexica, interpretive dictionary.

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ И ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ И ОСОБЕННОСТИ ЛЕКСЕМЫГУЛ (ЦВЕТОК) В СОСТАВЕ АНТРОПОНИМОВ

Аннотация

При этом узбекский народ добавляет к выбору женских имен слово «цветок» в большом количестве. Эта ситуация отражает давний национальный менталитет нашего народа и его уникальные национальные особенности.

Ключевые слова: Человек, природа, цветок, имя, лингвистическое, не лингвистическое, состав, антропоним, цветоводство, цветоводческая лексика, толковый словарь.

АНТРОПОНИМЛАР ТАРКИБИДА ГУЛ ЛЕКСЕМАСИ ВА УНИНГ ЛИСОНИЙ ВА НОЛИСОНИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақолада антропонимлар, хусусан, хотин-қизлар исмлари таркибида қатнашувчи гул лексемаси ва унинг лисоний ва нолисоний омиллари, ота-оналарнинг фарзандига исм сифатида гул лексемасини танланиш тамойиллари, исм қўйиш сабаблари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Инсон, табиат, гул, исм, лисоний, нолисоний, компонент, антропоним, гулчилик, гулчилик лексикаси, лексика, изоҳли луғат.

Кириш. Инсон пайдо бўлибдики, у табиатнинг ўсимликлар оламига, хусусан, гул ўстиришга қизиққан ва унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиб келган. Демак, инсон ва табиат бир-бири билан узвий чамбарчас боғлиқдир. Табиатда, айниқса, баҳор фаслида ям-яшил либосга бурканган боғлар ва унинг қўйнида очилиб турган ранг-баранг гуллар, уларнинг барг ва шохлари, гулзорларнинг ранг-баранглиги, гулларнинг хушбўй хидлари инсонни ўзига ром қилиб, сеҳрлаб ўзига тортади. Қолаверса, гул табиат ўсимликларининг энг гўзали, инсонга маънавий озуқа берадиган табиат ўсимлигидир.

Аёнки, инсоннинг табиатга, гулларга бўлган интилиши, қизиқиши аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган муҳаббат белгисидир. Гўзал манзаралар, гулзорлар инсон кайфиятини кўтаради, руҳан тетик қилади ва эстетик дид бағишлайди. Қолаверса, бу гўзалликлардан завқлана билиш уни чуқурроқ туйиш ва унга тўғри муносабатни шакллантириш инсоннинг маданияти ҳамда эстетик мезони белгисидир.

Севимли ёзувчимиз Муҳаммад Али сўзлари билан айтганда, гуллар, табиатнинг эрка чечаклари, йўқ-йўқ, улар инсон руҳиятининг, кайфиятининг турфа кўринишлари, шамойили, яна ҳам аниқроғи, руҳнинг таърифга сифмас парчалари! Шу ваддан ҳам, бири оқ, бири қўқ, бири қизил, бири қора, бири сарик, бири зангори... [1].

Демак, гап гул сўзи ҳақида кетар экан гул сўзи қандай сўз? У қандай маъноларга эга?,- деган саволларга қисқача тўхталиш жоиз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да гул лексемасининг форс-тожик тилига хослиги қайд этилган. Унинг луғатда қуйидаги 7 та маъноси берилган.

Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг урчиши учун хизмат қиладиган, гулбанд, косачабарглар, тожбарглар, чангчилар ва уруғчидан иборат қисми: олма гули, нок гули. 2.Атиргул ва умуман зийнат учун экиладиган ёки ўзи ўсадиган гулли ўсимликлар, чечаклар: оқ гул, қизил гул, тиконсиз гул бўлмас, машаққатсиз – хунар. 3. Бирор нарсага қизиб, тикиб, босиб, ёки туширилган ёки ўйиб туширилган нақш, безак, орнамент: Меҳрини эса дўпписининг гулидан таниди. 4. Гул гул очилган, гўзал: гулли гулга қўш. 5. Ёр, севиқли аёл: гулим,сенга айтар сўзим бор. 6.Кўчма маънода: яхшиси, сараси, энг олдингиси. Йигитларнинг сараси. 7. Баҳорда, гуллар очилганда марҳум хотирасига бағишлаб унинг йилига қадар ўтказиладиган маросим: чолнинг ёстиғи тагидан топилган пул уни кўмиб келигагина етди [2].

Б. Бафоев маълумотича, гул сўзи форс-тожик тилидан эски ўзбек тилига ўтиб ўзлашган. Бу сўзнинг қандай келиб чиқиши, яъни этимологияси ҳақидаги маълумотларни учратмадик. Бу лексема Ўрхун-Энасой ёзма манбаларида, Маҳмуд Кошғарий луғатида қайд этилмаган. “Қипчоқ тили луғати”да – гул XIV аср Хоразм ёзма манбаларида –гул Алишер Навоий асарларида– гул тарзида учрайди: Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил... [3].

Гул лексемаси ва унинг турли хил маънолари ўзбек халқ сўзлашув нутқида ва насрий ва назмий асарларда қўлланиши, ўғил ва қизлар исмларида зикрланиши, жой номлари таркибида учраши бу лексеманинг халқ ҳаёти ва унинг турмуш тарзи билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Бу сўзнинг атоқли отларнинг ясашдаги фаоллиги, шакл ва маъно муносабатлари, яъни маънодошлари, шаклдошлари,

ўхшатиш, сифатлаш, метафора, метонимия ҳосил қилишдаги ўрнини ўрганиш тил илми учун муҳим аҳамиятга эга.

Гул сўзи воситасида яратилган ўзбек хотин-қизлар исмларидаги гул лексемасини ўрни, унинг лисоний ва нолисоний омиллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритишдан олдин лисоний омил нима? Нолисоний омил деганда нимани тушунамиз? Уларнинг ўзаро муносабати ва алоқаси қандай? Қай бири бирламчи, қай бири иккиламчи? Нега шундай? каби саволларга баҳоли кудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Чунки бундай саволлар ҳар бир тадқиқотчини қизиқтириши табиий...

Лисоний омил деганда тил бирликлари тушунилади. Тил дейилганда маълум бир жамиятнинг барча аъзолари учун аввалдан, олдинги авлодлар томонидан тайёр ҳолга келтириб қўйилган, ҳамма учун умумий, яъни қабул қилиниши ва қўлланиши мажбурий, фикрни шакллантириш, ифодалаш ва бошқа мақсадлар учун хизмат қиладиган бирликлар ҳамда бу бирликларнинг ўзаро боғланишини белгилаб турадиган қонун-қоидалар йиғиндиси тушунилади. Тил инсон онгидаги руҳий, физик ҳодиса бўлиб, ўзига умумийлик, моҳият, имконият каби сифатларни мужассамлантирган.

Гул ва гулчилик билан алоқадор бўлган тил бирликлари бадий асарлар матнида қўлланилганда лисоний омил, яъни тил бирлиги сифатида гавдаланади. Масалан, “Худобанда гулзор орасидан ўтиб баланд кўшкнинг чап томонидаги бир ошёли кунбеткай бинога кириб кетди. Мавлонзода Худобанданинг изидан қараб қолар экан, хиёбоннинг икки ёнида яшнаб ётган гулзорга кўзи тушди. У беихтиёр гулзор томон юрди. Воҳ-воҳ гулзор эмас, гуллар макони эди бу! Турфа гуллар бўй чўзиб кўк талашади! Ана, қизилгул билан оқгулли настарин бир-бирларига ранг отади, ёнида арғувон, лолан нўмон, ана гули Кошғарийнинг қизили, оқи, кўки ва нофармони, қизили жаҳоннинг қирмизи юзини эслатади. Сарик ва оқ гули Довудий... Қизил ва оқчиннигул... Ана буниси шомда очиладиган намозшомгул, униси-гули нозирий. Мана бу-савсан, уни гулсапар, кўгагул ҳам деб аташади. Ўнг томондаги гуллар ҳам бағоятда латиф: гули раъно, ёсмин, гули зебо, якбарг, гултожикхўроз, садбарг, гули хинойининг оқи-ю қизили, гули хайрининг қора, қизил-у оқи... Муаттар бўй таратгучи қора атиргул эса жуда ажойиб: япроғининг ярми оч қизил, ярми оқ, рангларини худди қалам билан чизиб ажратиб қўйгандек... Басра атиргули шу бўлса керак, Худобанда сўйлаб берганди. Унинг ёнида тугмагул... Жаҳоннинг кўнгли ўша тугмагулдай тугилиб ётибдимикан? Яна, гули ҳамшабаҳор, ошики мискинний, печакгул, зулфи, хўбон, гули Жаъфарий, гули нофармон, райхон, уни яна нозбўй ҳам дейишади шуниси толиби илмга кўпроқ хуш ёқади... Барчаси янги келинчақлар каби ўзларини табассумдан аранг тутиб турадилар.... [4].

Мазкур матнда алоҳида курсив билан кўрсатилган гул номларининг барчаси лисоний омилга мисол бўла олади. Ёзувчи бундай гул номларини қўллаш билан китобхонда она табиатга, гулзорга, гулга нисбатан меҳр – муҳаббат уйғотади. Ушбу матн билан танишган китобхон гўё бир гулзорга кириб қолгандек ўзини ҳис этади ва ўша гулзордан завқ ва шавқ олади. Ёзувчининг маҳорати ҳам шундадир.

Нолисоний омил эса юқорида таъкидланган гулчиликка оид сўзларнинг, яъни ана шу тил бирликларнинг нутқимизда, бадий матнда турли-туман маъноларда қўлланиши ва ифодаланишидир. Масалан, “Бадий матн ижодкор томонидан борлиқни англаш асосида яратилган ва ўқувчи томонидан қайта тикланган “маҳсулот” саналар экан, бу ўринда адресат коммуникатив актнинг (матн яратилишининг) юзага чиқишида истеъмол-

чи сифатида аҳамиятли бўлади. Негаки, адресант (ижодкор) бадий матнни адресат (ўқувчи) учун яратади. Адресат бўлмаса ёки идрок қилмаса, умуман, матннинг кераги йўқ. Бу эса матннинг “тириклиги” ни таъминловчи омилдир”[5]. Шунинг учун ҳам “матннинг мавжудлиги эмас, унинг инсон томонидан идрок этилиши ҳал қилувчи омилга айланмоқда” [6]. Масалан:

Она, кўпдан сизни йўқлаб бормадим,
Қабрингиз безаган, хойнаҳой, гуллар?!

Ўша чечакларга келар ҳавасим,

Мендан оқибатли ўғилдек улар... (Минхожиддин Мирзо).

Қабристондаги чечакларни “мендан оқибатли ўғилдек улар” жумласи орқали таърифланишида “мен шу чечакларчалик оқибатли ўғил бўлолмадим” маъносидagi армонли ифодани, яъни нолисоний омилни уқиш китобхонда эстетик ҳиссиёт уйғотади [7].

Энди гул сўзи воситасида яратилган ўзбек хотин-қизлар исмларидаги гул лексемасини ўрни, уларнинг лисоний ва нолисоний омиллари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Э. Бегматовнинг “Ўзбек исмлари изоҳи” китобида 400 га яқин исмда гул сўзи мавжуд. 200 дан ортиқ исм бошида, 175 дан ортиқ исм охирида гул сўзи иштирок этган. [8]. Гул сўзли исмларни турли лисоний йўналишда таҳлил қилиш мумкин. Гул сўзига қўшилган сўзларнинг келиб чиқиш манбаини кўрсатиш, бу сўзнинг ўзбек хотин-қизлар исмларида кўп такрорланиши, Гулой, Ойгул сингари ўрин алмашадиган сўзлар ва шундай хислатга эга бўлмаганлари ҳақида фикр юритиш, киёслаш, Бўригул, Қўзигул сингари маъно валентлиги тўғри келмайдиган исмларнинг нолисоний фазилатларини баён қилиш тил илми учун муҳим аҳамият касб этади...

Ўзбек хотин-қизлар исмларининг танланишидаги этнографик, руҳий-маънавий ва бошқа ҳолатлар мавжудки, уларнинг баъзиларини қайд этиш фойдадан холи бўлмайди. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Гул сингари гўзал нафис бўлсин деган истак учун номлаш: Гуллола, Гулнора, Гулсин, Гулойим, Гуландон ва б.

Гул, бону, жон, хон, нисо, биби, буви, ой ва шу каби сўзларни исм охирида такрорлаб ҳам аънавий исмлар яратилади: Шаҳрибону, Асалбону, Меҳрибону ва б. Гуландон, Гулбаҳор, Гуласал, Гулбарчин, Гулнора каби исмлар аънавий исмлар саналиши мумкин. Бундай исмлар бир оила мисолида эмас, ака-ука, опа-сингил, қариндошлар оиласида қўйилиши мумкин. Кўпинча номловчи кишиларга нисбатан айтадиган бўлсак, улар бир манбага мансуб бўлса шундай исмлар пайдо бўлади.

Гул сўзли исмлар ўзбек тожик ва, умуман, Ўрта Осиё халқларида энг кўп тарқалган, такрорланадиган исмлар сирасига қиради. Гул ўзбек исмларининг ҳам бош қисмида, ҳам сўзнинг охириги қисмида учрайди. Бу ходисанинг, албатта ўзига хос лисоний ва этнографик, руҳий-психик омиллари бор. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўзбек антропонимикасида, айниқса, хотин-қизларга исм танлашда биронта сўз гул сўзи сингари кўп такрорланмайди. Айниқса, гул сўзи тугалланма қисмда микдоран чексиз тарзда бўлиши мумкин, аммо сўз бошида гул сўзининг қўшилишида маълум бир чекланишлар бор. Масалан, ўзбекларда Бўригул, Қўзигул исмлари бор. Чорвадор ва қишлоқ аҳолиси ўртасида бу хил исмлар учраб туради. Бу исмларнинг Гулбўри, Гулқўзи нусхалари йўқ. Бўригул, Қўзигул исмларини танлаганда қандай сабаблар мавжуд. Уларнинг тамойиллари ва омиллари нималардан иборат? Ахир бўри, қўзи ва гул сўзлари англаган тушунчалар бир бирига қовушмайди. Мантик илмида бир бирига дахли йўқдай туюлади.

Айтиш ўринлики, бу исмларнинг яратилишида ҳам ўзига хос лисоний ва нолисоний омиллар инobatга олинади. Нолисоний омил деганда, бўри сўзи англаган

тушунчанинг кишилар онги ва хотирасига, урф одатларида, диний ва маънавий қарашларида, ҳайвонлар оламига муносабатида намоён бўладиган тасаввурлар кўзда тутилади. Ана шу каби тасаввурлар Бўритош, Бўринисо сингари исм, яъни хотин-қизлар исмларининг қўйилишида ҳам сабабчи бўлади. Ҳатто Бўри, Бўривой, Бўрикул, Бўрихон, Эшбўри, Жовбўри, Бўриқора сингари эркаклар исмининг юзага келишида ҳам бир хил тамойиллар кўзда тутилади.

Гул сўзи хотин-қизлар исмларнинг бош қисмида келганида унга ўзбекча, арабча, форсча, тожикча сўзлар қўшилган. Гул сўзига қўшилиб ўзбек ясашга хизмат қиладиган ўзбекча сўзлар: бека, буви, биби, ой, хон, момо, севар, чирой, хоним, чечак, бегим, ойим, юз, қиз, бувиш.

Гул сўзига қўшилиб исм ясашда иштирок этадиган тожикча сўзлар қуйидагича: андоз, андом, афшон, банот, бадан, бар, барг, баҳор, бодом, даста, доно, диёр, ёра, жамол, жура, жаҳон, жон, замон, замин, зебо, зод, зода, нисо, нора, нор, анор, райхон, хол, шайдо, мехр, лола, пошшо, ранг, сафсар, тожи, тож, чаман, чинор, шод, шода ва бошқалар.

Гул сўзига қўшилиб келувчи арабча сўзлар: санам, шаҳноза, асал, зайнаб, хумор, раъно, рух, шаҳноз ва бошқалар. Араб тилидан ўзлашган узор (маъноси инсоннинг юзи) сўзи маъносини тушунмасдан хужжатларда ва китобларда айрим қизлар ўз исмларини Гулзор тарзида ёзиб ва айтиб юришгани маълум. Шакл жиҳатидан бу арабий сўз форс тожик тилларидан ўзлашган ўрин жой оти ясовчи зор қўшимчасига ўхшаб қолмоқда ва тилдаги ясама гулзор (гул кўп ўсган жой) сўзи билан бир хил бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бу исми тўғрилаб ёзиш ва айтишни меъёрлаштириш ва одатлантириш зарурати бор. Шундай қилинса, исмнинг яратиш сабабини

ва нолисоний омилини белгилаш имконияти туғилади. Гулзор исмини гул юзли деб изоҳлаш мумкин.

Гул сўзидан сўнг қўшилиб исм ясаш учун хизмат қиладиган сўзлар анча чекланган. Улар таркиб жиҳатдан, маъно жиҳатидан гул сўзи исм охирида келадиган исмлар мажмуининг бош қисмидаги сўзлар билан тенг эмас. Шунини айтиш керакки, шундай сўзлар ҳам борки, бемалол ўрин алмашаверади. Ойгул Гулой, Гулойим Ойимгул, Норгул Гулнор, Мехригул Гулмехри. Бундай исмлар анча кам. Исмнинг бошида ва охирида келиши исмнинг танланишидаги қатор лисоний ва нолисоний омиллар билан боғлиқ бўлади. Тозагул дейиш мумкин, лекин Гултоза деб бўлмайди. Чиннигул деган исмлар бор, Гулчинни исми йўқ. Шодигул исми бор, Гулшоди исми йўқ, Онагул исми Хоразмда учрайди, Гулэна исми Ўзбекистонда топилмайди.

Хулоса. Умуман олганда, гул сўзи хотин-қизлар исмларнинг луғавий таркибини таҳлил қилиш ва дастлабки кузатиш шунини кўрсатадики, гул сўзидан кейин келадиган тушунчаларнинг, белгиларнинг, номнинг танланишида ўзига хос қонуниятлар, қоидалар борки, уларни фақат лисоний тадқиқотлар билан аниқлаб ва маълум хулосага келиб бўлмайди. Бу ҳақда аниқ тасаввурга келиш учун халқнинг урф одатларини гул сўзи англатган мураккаб тушунчаларни тўла аниқлаб олиш лозим. Яъни этнографик текширишлардан сўнг маълум хулосага келиш мумкин. Хулоса шуки, гул сўзи билан воситасидаги номлар замирида инсоннинг гулга бўлган меҳри, муҳаббати, ошуфталиги, орзу-интилишлари намоён бўлади. Ота-оналаримиз ўғил ва қиз фарзандларига “гулдай очилиб юрсин” деган ниятда гул сўзи иштирокида қўплаб исмларни қиз фарзандларига қўйишган ва қўйишмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Муҳаммад Али. Сарбодарлар. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – Б. 231.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, . 2006. 1-жилд. – Б. 516-522.
3. Б. Бафоев . Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 49-50.
4. Муҳаммад Али. Сарбодарлар. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт –матбаа бирлашмаси, 1992. – Б. 231
5. Саидхон М. Бадий матн коммуникатив восита сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. – №5. – Б. 78.
6. Болтабоев Ҳ. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил. Ўқув-услубий мажмуа. Т.: 2016. – Б. 40
7. Бутунбаева Т. Замонавий назмий дискурсда индивидуалликни таъминловчи лисоний воситалар (Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърининг мисолида) номли ф.ф.б.ф. д. диссертацияси. Самарқанд, 2021. – Б. 20.
8. Бегматов Э. Ўзбек исмлари изоҳи. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, . 2016. – Б. 91-104.



УДК:859.9(865.1)

Гулчеҳра ҲОЖИЕВА,
Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.ф.д.(PhD) М.Б. Аҳмедова тақризи асосида

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ САНЪАТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Мазкур мақолада терминологиянинг соҳа сифатида фанга кириб келиши ҳақида сўз боради. Шунингдек, бу борада хориж ва ўзбек олимлари томонидан яратилган тадқиқотлар ҳамда терминология соҳасидаги изланишлар, қолаверса, француз ва ўзбек тилларида санъатга доир терминларнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Терминология, термин, терминшунослик мактаблари, санъат терминлари, халқаро маданий алоқалар, чолгу асбоблари, доира, ғижжак, дутор, сурнай, карнай, девон, дуторчи, мўйқалам.

АНАЛИЗ ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ИСКУССТВЕННЫХ ТЕРМИНОВ ФРАНЦУЗСКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ

Аннотация

В данной статье рассматривается проникновение терминологии в науку как область. В нем также обсуждаются исследования зарубежных и узбекских ученых и исследования в области терминологии, а также лингвокультурные особенности художественных терминов на французском и узбекском языках.

Ключевые слова: Терминология, термин, терминологические школы, художественные термины, межкультурные связи, музыкальные инструменты, тамбурин, гиджак, дутар, сурнай, карнай, девон, дутарист, кисть.

ANALYSIS OF LINGUOCULTURAL FEATURES OF ART TERMS IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES

Annotation

This article discusses the penetration of terminology into science as a field. It also discusses research by foreign and Uzbek scholars and research in the field of terminology, as well as the linguocultural features of art terms in French and Uzbek.

Key words: Terminology, term, schools of terminology, art terms, international cultural relations, musical instruments, tambourine, fiddle, dutar, trumpet, devon, paintbrush.

Кириш. Тил – инсон маънавий оламида унинг ўзлигини англаш йўлидаги энг буюк кашфиётидир. Зеро инсон даврлар мобайнида тилни тадқиқ қилар экан, унинг турли ва янги қирраларини кашф этиб боради.

Шу тариқа “тилшунослик” деб аталувчи лисоний бирлик ва унинг ўзига хос хусусиятларидан ташкил топган улкан “пирамида” бунёдга келган ва ҳали-ҳамон унинг қирралари кенгайиб бормоқда десак, адашмаймиз.

Тилшунослик соҳа сифатида тадқиқ этилар экан, терминология унинг муҳим бўғини сифатида ажралмас қисмига айланди. “Терминология” термини фақат турлича таърифлар мавжуд:

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Терминология соҳасида узоқ йиллар мобайнида кўплаб дунё олимлари ўз тадқиқотларини ўртоқлашдилар. Унинг фан сифатида таркиб топиши австриялик олим О.В.Нубасов ва рус олими Д.С.Лоттенинг 1930 йилда эълон қилинган дастлабки ишларига бориб тақалади. Ҳозирги пайтда Австрия, Германия, Франция, Россия, Чехия каби мамлакатларда терминшунослик мактаблари юзага келган [11].

Бундан ташқари рус олимларидан, В.Г.Гак, О.С.Ахманова, С.О.Карцевский, В.В. Антимирова, В.А.Татаринов, А.Л.Абрамян, Б.Н.Головин, Р.Ю.Кобрин, В.П.Даниленко, М.А.Марусенко, А.А.Стрельцов, Н.М.

Голубева-Монаткина, француз олимларидан Ф.де Соссюр, ўзбек олимларидан М.Холбеков, П.Нишонов, О.Аҳмедов, Ж.Бўронов, М.Бўронова, М.Тошбоева, Х.Дадабоев, М.Умархўжаев, Н.Қамбаров, Д.Ходжаева, [7], М.Жўраева, [2] ва Н.Кулдошованинг илмий ишлари [3] алоҳида аҳамиятга молик.

Ф.де Соссюр билан бирга француз олимларидан, Ги Рондо (Guy Rondeau, Introduction à la terminologie, Boucherville, Québec, Gaëtan Morin, 2e éd., 1984, 238 p.), Мария Тереза Кабре Кастелви (Maria Teresa Cabré Castellvi, La terminologie. Théorie, méthode et applications, Paris, Armand Colin, 1998, 322 p.), Мари-Клод Лом (Marie Claude l'Homme, La terminologie. Principes et techniques, Presses de l'université de Montréal, 2004, 278 p.) сингари олимларнинг тадқиқотлари [14] ҳам долзарблик касб этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида ўзбек ва француз изоҳли луғатларида мусиқа ҳамда санъатга оид терминларнинг лексик-семантик ва миллий-маданий хусусиятларини таҳлил этиш баробарида аниқланган бир неча ўзига хосликларни қуйидаги жадвалларда ҳам кузатишимиз мумкин:

№	ўзбек тилида	француз тилида
	асбоб	1) instrument m; 2) outil m; 3) ustensile m; 4) matériel m; 5) outillage m; 6) installation f; 7) objet m;

жадвал-1

2.	асбоб-ускуна	1) outillage m; 2) installation f; 3) équipement m; 4) appareillage m;
3.	ашё	1) objet m; 2) chose f; 3) ustensile m; 4) affaire f; 5) effet m; 6) matière f.

Юқорида берилган мисолларда ўзбек тилидаги “асбоб”, “асбоб-ускуна” ва “ашё” сўзлари француз тилида маъно жиҳатдан ўзаро синоним бўлиб келмоқда. Чунки, 1- ва 3- мисоллардаги “ustensile”, “objet” ҳамда 1- ва 2- мисоллардаги “installation”, “outillage” сўзлари бир маънони ифодаламоқда. Бундан келиб чиқадики, ҳар иккала тилда бир маънони бир неча усулда ифодалаш мумкин:

чолғу асбоблари instruments de musique;
музикалий асбоб-ускуналар équipement musical;
музикалий ашёлар ustensiles musicaux.

жадвал -2

№	ўзбек тилида	француз тилида	ўзбек музика асбоблари	француз музика асбоблари
	доира	tambourin m.		
2.	ғижжак	violon m.		

Ушбу мисолларда келтирилган музика асбоблари ўзбек ва француз тили миллий-маданий хусусиятидан келиб чиққан бўлиб, ҳар иккала халқда мавжуд бир-бирига жуда ўхшаш ашёлар номлари ўзаро эквивалентлик ҳосил қилган.

Таҳлил ва натижалар. Тилшуносликда қўшма сўз шаклидаги атамалар икки ва ундан ортиқ мустақил маъноли сўзларнинг бирикишидан ҳосил қилинади.

Содда сўздан фарқли равишда “қўшма сўзлар”лар баъзан тузилиши жиҳатидан сўз бирикмаларига ўхшаса ҳам, улар яхлит маъноси билан ажралиб туради: темир йўл, гултожихўроз, чинни гул, қўлэзма каби [1] ва баъзи қўшма сўзлар маъносини уларнинг қисмларини ташкил этган сўзлар маъноси билан асослаб бўлмайди. Шунингдек, қўшма сўзлар бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш воситасида ҳам ясалиши мумкин.

жадвал-3.

№	ўзбек тилида	француз тилида
	автопортрет	autoportrait m
	босмахона	imprimerie f
	дарсхона	salle f de classe
	камол топмоқ	toucher à la perfection
	касб этмоқ	Acquérir
	киноаппарат	appareil m cinématographique
	киножурнал	ciné-journal m
	кинофестивал	festival m de cinéma festival m du film
	киноҳикоя	scénario m
	киностудия	studio m de cinéma
	кинотеатр	1) salle f de cinéma 2) cinématographe m 3) cinéma m 4) ciné m
	кинохона	salle f de cinéma
	мўйқалам	pinceau m de poils
	нафис адабиёт	belles-lettres

Мазкур мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, автопортрет, киноаппарат, киножурнал, кинофестивал, киностудия ҳамда кинотеатр сўзлари рус тили орқали тўла ўзлашган атамаларга, киноҳикоя, кинохона, босмахона, дарсхона, мўйқалам сингари терминлар рус ва тожик тилларидан қисман ўзлашган бирликларга мансубдир. Шу билан бирга, ўзбек тилидаги камол топмоқ, касб этмоқ

каби атамалар ўзаро бирикиб, яхлит маъно англатиши, уларни ташкил этган бўлақларидан бирини алмаштирилса, соф семаси йўқолишини айтиб ўтиш лозим бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлиллардан келиб чиқиб, терминлар ва терминология ҳамда бир соҳага доирасидаги терминларни икки ва ундан ортиқ тилларга

таржима қилиш борасида қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

Санъат терминларига доир таҳлиллардан келиб чиқиб, терминология – бирор бир илмий ёки санъат соҳасига доир терминлар жамланмаси деб ҳам, айтиш мумкин.

Назаримизда терминологиянинг вазифаси нафақат терминларни ажратиш ёки таҳлил қилишдан, балки, мақсадга эришиш ва маънони англаш йўлида янги терминларни кашф этишдан ҳам иборат бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуазизов А. А., Тилшунослик назариясига кириш. “Шарк”, Т., 2010, -Б. 62.
2. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 2017. 62-б.
3. Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Б., 2020. –Б. 1-148.
4. Тафаккур гулшани. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 159-б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Тошкент, 2008. – Б.74.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Т., 2016. 587-б.
7. Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида) PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 2018. –Б. 149-159.
8. Холманова Т.Ш. Нефт ва газ соҳасига оид терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари. Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2013. 82 б.
9. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик таркиби масаласи. ЎТА, 1988, № I, –Б. 29-33.
10. Ҳожиев А., Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. “Ўқитувчи”, Т., 2007. –Б. 9-10.



УДК: 8И(с52)

Мўмин ХОШИМХОНОВ,
ЖДПИ доценти, фал.ф.н.
E-mail: ziyadullag@bk.ru

ЖДПИ профессори, фал.ф.д.(DSc) А. Саитқосимов тақризи асосида

ЎЗБЕК ШОИРИ МАШРАБ ИЖОДИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР ҚАЙДЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек шоири ва мутафаккири Машраб ижодининг хорижда ўрганилишига доир фикр-мулоҳазалар ва илмий ғоялар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Машраб, Хувайдо, Мартин Хартманн, Ликошин, Вяткин, Гольцьер, тадқиқот, таржима, мумтоз, немис, француз, инглиз, рус, Қашқар, Қуръон, ҳадис, илм, фан, девон, коллекция, Туркистон, Германия, Франция, Туркия, Озарбайжон, Насимий, Шарқ, Ғарб, шоир, ҳикоят, қаландар, сахро, наsr.

ЗАМЕТКИ ОБ ИЗУЧЕНИИ ТВОРЧЕСТВА УЗБЕКСКОГО ПОЭТА МАШРАБА ЗА РУБЕЖОМ

Аннотация

В данной статье анализируются взгляды и научные идеи по изучению творчества узбекского поэта и мыслителя Машраба за рубежом.

Ключевые слова: Машраб, Хувайдо, Мартин Хартманн, Ликошин, Вяткин, Гольцьер, исследование, перевод, классика, немецкий, французский, английский, русский, Кашгар, Коран, хадис, наука, наука, девон, сборник, Туркестан, Германия, Франция, Турция, Азербайджан, Насими, Восток, Запад, поэт, рассказ, гончар, пустыня, проза.

NOTES ON THE STUDY OF THE UZBEK POET MASHRAB'S WORKS ABROAD

Annotation

This article analyzes the views and scientific ideas on the study of the works of the Uzbek poet and thinker Mashrab abroad.

Keywords: Mashrab, Huvaydo, Martin Hartmann, Likoshin, Vyatkin, Goltsier, research, translation, classic, German, French, English, Russian, Kashgar, Quran, hadith, science, science, devon, collection, Turkestan, Germany, France, Turkey, Azerbaijan, Nasimi, East, West, poet, story, potter, desert, prose.

Кириш. Дунё адабиётшунослигида Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва Хўжаназар Хувайдо ҳаёти, ижодий фаолиятини тадқиқ этиш ҳамда хориж университетларида ўзбек тили ва адабиёти дарсликларини яратиш борасида Германия, АҚШ, Франция, Россия, Туркия олимлари томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган. Энг муҳими, бундай ишлар бизнинг тилимиз, адабиётимиз ва қалам соҳибларимизга бўлган юксак дўстона муносабат, қолаверса, улуғ тарихий шахсларимизга бўлган чексиз ҳурмат – эътибор намунаси.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Мусо Тоджихўжаевнинг фикрича: Бундай тадқиқот ва таржималарнинг яратилиши айни пайтда, Европа халқлари, хусусан, немис халқи билан Марказий Осиё, жумладан, ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик, буюк биродарликнинг ёрқин намунаси ҳам эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, немис шарқшуноси Мартин Хартманнинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича яратган таржима асарлари тенгсиз кадр – қимматга эга [1].

Бобораҳим Машраб ижоди Ғарбда-Европада XIX асрдан бошлаб ўрганила бошланганлигини, унинг шеърлари таржима қилиниб, ғарб адабий доиралари фикрини ишғол қилганлигини французлар (фаранглар), немислар унинг ижодини юқори баҳолаганлигини қайд этиб ёзади: Шарқда Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш унинг ҳаётлигидаёқ бошланган бўлса, Ғарбда-Европада эса изчил ва илмий ўрганиш XIX асрдан бошланган.

Экспедициянинг мақсадидан хабар топган маҳаллий аҳоли уларга жуда яхши муносабатда бўлди. Қашқарнинг турли доиралари уларни меҳмондорчиликка чақириб, ёрдамларини таклиф қилдилар. Албатта, бунга Хартманн ва оиласининг ислом аҳкомларини яхши билиши, Қуръон ва ҳадис илмини мукамал ўрганган-

лиги, Шарқ адабиёти ва тарихини чуқур эгаллаганлари сабаб бўлди. Хартманн Қашқар Шайхулислом билан учрашиб, ундан зарур ёрдам олди. Шайхулислом унга “Девони Машраб” китоби таҳлили учун қашқарлик мулла Иброҳимбойни тавсия қилди. Немис олими мулла Иброҳимбой билан хижрий 1319 (милодий 1900) йилда Тошкентда Ильин нашриётида босилган 157 саҳифали “Девони Машраб”нинг катта қисмини бадий – стилистик таҳлил қилди[1].

Бу китоб кейинчалик бошқа китоблар билан биргаликда Хартманн томонидан Германияга олиб кетилди. Хартманн коллекциясида жами 6 та “Шоҳ Машраб” ва “Девони Машраб” номли тошбосма китоблар мавжуд бўлиб, уларнинг 4 тасини олим Туркистон сафари давомида сотиб олган.

Экспедиция давомида тўпланган материаллар кейинчалик кўплаб асарлар ёзилишига манба бўлди. “Қадамжой”, “Шарқни ўрганиш юзасидан маърузалар”, “Хартманнинг Шарқий Туркистонга оид қўлёзмалар тўплами”, “Туркистонда матбаачилик ва Хартманнинг туркий китоблари тўплами”, “Евроосиё тарихи”, “Ёрқентдан топилган туркий матн”, “Қирқ чилган тарихи”, “Тошкентдан топилган қабртош”, “Ислом мамлакатлари санъатидаги Шарқ Ғарб муносабатлари” каби мақолалари, доктор Футтерер билан ҳамкорликда ёзилган “Осиё бўйлаб” номли илмий – географик мавзудаги китоб, Муҳаммад Содикнинг Машраб пири – Офокхожа эшоннинг шажарасига оид “Тазкираи азизон” китобининг немис тилига таржимаси каби асарлар шулар жумласидандир [1].

Машраб Хоразмда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига бориб, савдо – сотиқ қилувчи савдогарларга эргашиб Каспий денгизи орқали Озарбайжонга, у ердан Туркияга ўтган. Озарбайжонда Имомиддин Насимий

адабий мероси ва хуруфийлик таълимоти билан яқиндан танишган. Машраб айнан Насимий таъсирида Жалолоддин Юсупов китобида келтирилган, [2] “Хуруфи хижо”, “Хуруфи далолат”, “Алиф – лом” баъдий санъатларини ижодий ўзлаштиради ва унинг таъсирида асарлар яратди. Насимий каби инсон юзида ҳарфлардан тимсоллар яратди:

Қофу нун – кўзи лабинг, мадд алифу мадд – қошинг,

Рўйи асторинг бошингдан оёғинг Қуръон қиз [3].

Машраб ҳаёти ва ижодини илмий асосда ўрганиш, XX аср бошларида Туркистонга келиб ишлаган рус шарқшунос олимлари томонидан бошлаб берилди. Юқорида тилга олганимиз Н.С. Ликошин мақоласи ва у тайёрлаган “Қиссаи Машраб”нинг русча таржимасидан кейин В.А.Вяткин(1869 – 1932) ва А. Карцевларнинг Машраб ҳаёти ва ижодига оид мақолалари эъло қилинди[4].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Инглиз мусикашунос олими Теодор Крейг Левин (Theodor Graig Levin) ўзининг “The hundred thousand fools of God” – (Худонинг юз минг дарвешлари) номли китобида кўплаб ўзбек мумтоз ва замонавий хонандалар репертуари ҳақида фикр юритган. Китобда Ясавий, Навоий, Машраб, Хувайдо каби шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган мумтоз кўшиқлар ижрочилари Жўраҳон Султонов, Орифхон Ҳотамов, Муножот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова ва бошқа кўплаб машҳур хонандаларнинг ижро маҳорати қаламга олинган. Унда Машраб шеърлари юз йиллар ҳам аввал куйга солингани, бу кўшиқларнинг ўзбеклар, уйғурлар, тожиклар, киргизлар, яҳудийлар ва бошқа миллат кишилари томонидан севиб тинглангани, Машраб кўшиқларининг барча миллатларни ўзаро яқинлаштирувчи қудрати ҳақида сўз юритилган [5].

Наманганлик Мусо Тоджихўжаев Навоий, Хувайдо, Машраб ҳақидаги тадқиқотида Машраб ижодининг Европа, Америка, Туркия, Россия, Озарбайжон ва бошқа халқлар томонидан ўрганилишини ва ўша халқлар томонидан шеърларининг севиб ўқирилиши, омманинг шоир шахсиятига қизиқлиниши каби жиҳатларини кенг ёритган.

Ўзбек халқининг бой тарихи, тили, адабиёти, санъати, маънавий – маърифий мероси ҳақида ғарбда энг кўп асарлар ёзган шарқшунос олимлардан бири Эдвард Олвортдир [5].

У “Замонавий ўзбеклар” ўн тўртинчи асрдан то ҳозирги давргача: - халқларнинг сабоқлари мавзуидаги 400 саҳифадан зиёд китобида ўзбек халқининг ўн тўртинчи асрдан йигирманчи аср охиригача бўлган тарихи, адабиёти, санъати ва турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилган. Унда илк ўрта асрлардан тортиб замонавий тарихимиз мухтасар ёритилган. Китобда ўзбек адабиётига кенг ўрин берилган. Илк ўрта асрлар туркий намоёндалари – Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Хувайдо каби мумтоз адабиётимиз алломалари ва йигирманчи аср шоирлари ижодига мухтасар муносабат билдирилган [5].

Машраб ҳаёти ва фаолияти батафсил ёритилган. Унда шоирнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, фалсафаси ва шеърини ҳақида кенг маълумот бор. Шунингдек, рисолада Машраб шахсияти ва меросининг Марказий Осиё, Россия ва жаҳоннинг бошқа шарқшунослари томонидан ўрганилиши далиллар асосида баён қилинган [5].

Шеър ва ҳикоятлардан иборат” Девонаи Машраб” номли машҳур халқ китоби шоир ҳақида ёзилган, ҳикоятларнинг бир қисми унинг ўзи томонидан ёзилган бўлса керак. Шоир номи бошқа китобларда ҳам кўп бора тилга олинган. Китобдаги ҳикоятларда кўплаб

шахсларнинг номлари келтирилган. Авлоддан авлодга ўтиб келувчи шеърларни сон – саноксиз кишилар чин дилдан ёд олганлар. Рус шарқшуносининг фикрича, 1920 йилларда Марказий Осиё мусулмонлари орасида бу маноқибга тенг келувчи бошқа асар бўлмаган. Бу ажойиб асарда сўфий шоир ҳамда унинг исёнкорона руҳи химоя қилинади. Олворт қаландар шоирнинг илк замонавий тадқиқотчилари ва шоир шахси ҳақидаги тортишувлар ҳақида ҳам маълумот берган [5].

Хартманн 1900 йилларда Туркиянинг Истанбул шаҳрида турк тиллари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган вақтда “Девони Хувайдо” ва “Қиссаи Машраб” каби китобларни қўлга киритди ва дарҳол уларнинг таржималари ва таҳлилига киришди. Хартманннинг ўзи бу ҳақида шундай ёзади: [5]

Мен бунга қутилмаганда эришдим, истамбуллик китобфирушлардан бири 1901 йилда Марказий Осиё туркий халқлари адабиётига оид илтимосларимга кўра, иккита тошбосма китоб кўрсатди ва ўқиб берди. Китоблар Туркистон халқлари эҳтиёжлари учун чоп қилинган бўлиб, биринчиси Хувайдо исмли шоирнинг девони, кейингиси эса Машраб девони эди...”Девони Машраб” ҳикоятлар тўплами, унда Машраб тахаллусли шоирнинг кўплаб шеърлари жамланган[5].

Матн ости изоҳларида муаллифнинг қўлида Машрабнинг 1318 хижрий йилнинг рабиул охир ойида чоп қилинган, 155 саҳифали истанбул нусха девонидан ташқари 1316 хижрийда Тошкентда Порцев босмаҳонасида чоп қилинган ва 1898 йил 2 октябрь цензура белгиси билан тасдиқланган. 158 саҳифали “Шоҳ Машраб” номли китоб борлиги ҳам ёзилган.”Хартманнинг Марказий Осиёга оид китоблари коллекцияси”да 7 -, 8 -, 9-, 10 -, 11- ва 12 – рақамлар остида 6 дон Машраб маноқиблари кўрсатилган. Демак, муаллиф қолган 4 та девонни Туркистон сафари вақтида сотиб олган[5].

“Машраб, Ғазолий, Мискин, Сўфи Оллоёр, Хушрўй, Бедил Мирзо ва Махтумқули каби халқ шоирлари ижодида шеърининг ажойиб намунасини кўрамизки, саҳродаги содда кўчманчилар ижодида бундай руҳиятни кўрганмиздан ҳайратдамиз” ...Аммо “Шоҳ Машраб” номли халқ китобидаги Машраб тахаллусли билан ёзилган шеърлар ҳақиқий санъат намунасида. Уларда кўчманчилар руҳиятининг учқуни ҳам йўқ!![5].

Хартманн “Шоҳ Машраб” номли маноқибдаги ғазалларни тушириб қолдириб, матнни қисқартириб таржима қилган, китобнинг тили ва шеърларининг вазни ҳақида батафсил сўз юритмасдан фақат қисқа мулоҳазалар билдириш билан чекланган. Мутаржим бу ишни бошқа ўринда бажарган. Бунгача араб, форс ва турк адабиётидан кўплаб шеърини ва насрий асарлар таржима қилган Хартманни маноқибдаги Машраб ғазалларидан кўра китобда илгари сурилган диний – маърифий ва фалсафий ғоялар кўпроқ қизиқтирган. Қаландарлар ва дарвеш – девоналар ҳақида Европада турли жанрларда, кўплаб асарлар ёзилган бўлса – да, бир пайтнинг ўзида ҳам шоҳ, ҳам қаландар, ҳам доно, ҳам телба Машраб образи Европа учун янгилик эди [5].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and result).

Таъкидламоқ керакки, наманганлик тадқиқотчи Мусо Тоджихўжаев изланишлари натижасида олимлик мартабасига эришиб, Машрабнинг хорижий элларда ўрганилишини, Ўзбекистондан кўра, Европаликлар кўпроқ ўрганганигини қайд этиб берган: Такор бўлса ҳам айтаманки, журналнинг ушбу сонидан аввало, диний – маърифий мавзудаги халқ китоби ва унинг миллатлар кўнглидан мустаҳкам жой олиб, миллионлаб кишиларни мулоҳаза қилишга ва ҳиссиётга чорловчи халқ қаҳрамони ҳақида мухтасар ҳикоя қилмоқчи эмасман, холос...[5].

Ўрта Осиё халқ китоби – “Шоҳ Машраб”да кўпгина қизиқарли нарсаларни кўрдим. Унда намоз ва

рўза ибодатлари устидан ҳазил қилинган ва Ҳофизнинг байлари Куръон оятларига тенглаштирилган... Буларнинг ҳаммаси халқчил ва диний – илмий аҳамиятли бўлиб, ҳозиргача ҳеч биримизнинг назаримиз тушмаган. Яқин орада унинг қисқача маъносини изоҳлар билан бирор нашрга топшираман.

1902 йил 24 июндаги хатида Хартманн манокӣб устидаги тадқиқотларини тугатиб, нашриётга топширгани ҳақида ёзади:

Ниҳоят, “Машраб – доно телба... Марказий Осиё халқ китоби” нашрга кетяпти. Шоҳ Машраб ҳақида бирор маълумот биласизми? Билганингизда Сиз, шуменлик жаноб Аветаранианни ҳисобга олмаганда, Европада ягона олим бўласиз. Бу ғаройиб авлиё – Машраб ажойиб кароматлар қилган. Ишонаманки, менинг тадқиқотларим натижаси Сизни ҳам туркшуносликдаги тадқиқотларим билан яраштириб қўяди. Марказий Осиё кўплаб қизиқарли масалалару, нотаниш воқеалар макони. У ерга бориб, шу ажойиботларни териб келмоқчи бўлганларни, бу ерда қўлламайди. Бошқа ишларга эса пулни сочиб ташлайдилар...

Кўринадики, Шоҳ Машраб манокӣбидаги ҳикоят ва ғазаллар Хартманн таржималаридан кейин Европадаги кўпчилик шарқшуносларни ҳаяжонга солган [5].

Ҳақиқатан, Гольциер Хартманннинг Машраб ҳақидаги фикрларини ўқиб, Туркистон ва унинг алломалари ҳақида янги тадқиқотларга киришди. У Машраб маслаги устида изланишлар олиб бориб, унинг маломатия тариқати вакили эканини аниқлади. У маломатийликни шундай шарҳлади:

Шоҳ Машраб ҳикояси мени қанчалик қизиқтириб қўйганини билсангиз эди. Мен бир неча тадқиқотлардан сўнг маломатийлар деб аталмиш дарвешлар турига тегишли жамоани пайқадим. Уларнинг мақсади турли, ғайри оддий, нолойиқ ҳаракатлар билан кишиларнинг ғазабини кўзғатиб, эътиборини ўзларига тортиш. Улар доимо эътиборда туришни хоҳлайдилар ва шунинг учун ғайриоддий қилиқлар қиладилар. Сизнинг Машрабингиз ҳам шундай маломатийлардан бўлса керак [5].

Хартманннинг яна бир илмий ҳамкори Йоханнес Аветараниан 5 йил давомида Қашқарда яшаган даврида Машраб ва бошқа туркий шоирлар ижоди билан яқиндан танишган эди. У турк адабиётидан немис тилига қилган таржималари билан ҳам ном қозонган. Хартманннинг Машраб ижоди ҳақидаги сўровига жавоб қайтарилиб, немис мутаржимининг қўлидаги Тошкент ва Истанбул нашрларида кўплаб хатоликлар борлигини, ўзининг Қашқардаги уйда хатоларсиз, чиройли хуснихат билан

битилган манокӣб қолганини ёзган. Хартманн Аветаранианинг бу фикрларига қўшилмайди. Унинг ёзишича, манокӣблардаги айрим хатоликлар хаттотларнинг айби, ғазалларнинг айримлари нуқсонсиз [5].

Хулоса шуки, Машраб тахаллусли шоирнинг яшаб ўтганига иккиланиш ўринсиз. Унинг асарлари фақат ўзига хос ва яққол кўзга ташланувчи диний ҳарактерли бўлиб, қадимий ҳикоятлар шеърларни ўзаро боғлаган...

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Кўринадики, хорижий машрабшунослар ўз олдларига қўйган муаммолар билан ватанимиз машрабшунослари шуғулланаётган масалалар бир – бирига жуда яқин. Аммо ўзбек олимлари муаммо деб билмаган айрим масалалар хорижий шарқшуносларнинг тадқиқот объектига айланганини кўраимиз. Машраб мероси мавзуга мурожаат қилган олимларнинг қайси соҳага тааллуқли эканликларига қараб, шу соҳалар юзасидан фикр юритишган. Жумладан, 1995 - 96 йилларда француз тилига ўгирилган “Қиссаи Машраб” манокӣби – “Le vagabond flamboyant” (Нур таратувчи дарвеш) китобидан асосий мақсад Шарқ адабиёти ва маънавиятининг йирик вакиллари ҳақида Европа ахлига маълумот бериш бўлса, иккинчи томондан Шарқ ахлоқ анъаналари билан ёшларни тарбиялаш эди. Америкалик Натан Лайтнинг диссертацион тадқиқотидан асосий мақсад, Туркистон фольклор тарихи ва унинг манбаларини ўрганиш бўлиб, Яссавий, Навоий, Машраб, Ҳувайдо каби мумтоз адабиётимиз вакиллари шеърларининг халқ оммаси томонидан ардоқланиб, қуйга солингани ва бу қўшиқларнинг ижрочилари - охунлар ҳақида маълумот бериш эди. Ўтган асрнинг бошларидаги рус олимларининг тадқиқотларидан Марказий Осиё мусулмон дунёсининг алломалари ҳақида маълумот тўплаш бўлиб, мақсад маҳаллий миллатларнинг ўзаро бирлаштирувчи манбаларини тадқиқ қилиш эди. Мартин Хартманн тадқиқотларидан асосий мақсад эса Марказий Осиё халқларининг диний – маърифий адабиётини ўрганиш орқали маҳаллий аҳолининг исломга бўлган муносабатини кузатиш эди [5].

“Қиссаи Машраб” даги ҳикоятларнинг Европа халқлари, қадимий араб ва яҳудий манбаларида ҳам учраши манокӣбни ёзган муаллиф (ёки муаллифлар)нинг нақадар кенг билим эгаси бўлгани, у(лар)нинг Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари адабиёти билан яқиндан таниш бўлганини кўрсатади. Халқ китоблари услубида ёзилган бу асарда умумжаҳон адабиётининг, қолаверса, умуминсоний маданият излари ва ғояларининг узвийлигини сезиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Тоджиходжаев М.М. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Наманган, 2021.
2. Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Т., Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
3. Мусурманов Э. Раҳимбобо Машраб ҳақида янги маълумотлар. - Самарқанд: СамДУ, 2015.
4. Абдуллаев И. Мерос ва талқин. Т., Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2008.
5. Тоджихўжаев Мусо. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. Т., “Bayoz”, 2016.



УДК:159.9(575.1)

Maftuna SHARIPOVA,
BuxDU O'zbek tilshunosligi kafedrasida o'qituvchisi
E-mail: behruz.lux.stal.93@mail.ru

BuxDU professori B.Jo'rayeva taqrizi asosida

METAPHORIZATION IN UZBEK FOLK PROVERBS BASED ON THE BASIS OF "SHEEP"

Annotation

This scientific article explains the literal and figurative meanings of folk proverbs based on the lexical-spiritual group "sheep", which is one of the domestic animals. In particular, the phenomenon of metaphor is studied in detail in the articles based on the "sheep" LMG. The proverbs are interpreted through excerpts from works of art.

Keywords: Proverb, lexical-spiritual group, figurative meaning, metaphor, simile, sheep.

МЕТАФОРИЗАЦИЯ В УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦАХ НА ОСНОВЕ "ОВЦА"

Аннотация

В данной научной статье разъясняются буквальные и переносные значения народных пословиц, образованных на основе лексико-духовной группы "овца", которая является одним из домашних животных. В частности, феномен метафоры подробно исследуется в статьях по мотивам "овечьей" ЛСГ. Пословицы интерпретируются посредством отрывков из произведений искусства.

Ключевые слова: Пословица, лексико-духовная группа, переносное значение, метафора, сравнение, овца.

"QO'Y" LMGi ASOSIDA SHAKLLANGAN O'ZBEK XALQ MAQOLLARIDA METAFORIZATSİYALASHUV

Annotatsiya

Ushbu maqolada "qo'y" lug'aviy-ma'noviy guruhi asosida shakllangan xalq maqollarining ko'chma ma'nolari izohlangan. Jumladan, "qo'y" LMGi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarida metaforizatsiya hodisasi tadqiq etilgan. Maqollar badiiy asarlardan olingan parchalar orqali izohlangan.

Kalit so'zlar: Maqol, lug'aviy ma'noviy guruh, ko'chma ma'no, metafora, o'xshatish, qo'y.

Kirish. Til – milliy o'zlik timsoli, ajdodlardan qolgan ulkan meros. Millatimizning butun hayotini qamrab olgan ulkan merosi, shubhasiz, xalq og'zaki ijodi namunalidir. Xalq og'zaki ijodining salmoqli qismi esa maqollardan tashkil topgan. O'zbek tilshunosligida maqollarning ilmiy tadqiqi Xoliq Abdurahmonov, Muyassar Sadridinova, Anvar Omonturdiyev, Bibish Jo'rayeva, Zulxumor Xolmanova, Dildora Tosheva, Iqboljon Mirzaaliyev, Dilfuza Turdaliyeva, Shuhrat Qalandarov kabi olimlar tomonidan amalga oshirilgan.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Maqola uchun "Keng uyning kelinchagi", "O'zbek xalq maqollari", "Hikmatnoma", "Ma'nolar mahzani", "Zoonim komponentli paremlarning izohli lug'ati" kabi kitob va lug'atlar tarkibidan "qo'y" LMGi qatnashgan paremlar ajratib olindi. Dastlab maqolning shakllanishiga asos bo'lgan o'z ma'no, undan so'ng o'z ma'no asosida shakllangan ko'chma ma'nolar izohlandi. Paremlar ifodalaydigan o'z va ko'chma ma'nolar badiiy asarlardan olingan parchalar yordamida to'ldirildi.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). O'zbek xalq og'zaki ijodi namunalari, birliklarini ma'noviy jihatdan o'rganishda dialektikaning shakl va mazmun birligi, miqdor va sifat o'zgarishlari haqidagi ta'limoti metodologik asos bo'lib xizmat qildi. Misollar tahlilida tavsifiy, miqdoriy, sistemaviy-struktur, komponent tahlil, shuningdek, matniy va qiyosiy metodlaridan ham foydalanib ish ko'rildi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Maqolada "Qo'y" LMGi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarida uchraydigan metaforizatsiya jarayoni tahlil qilindi. Metaforalar ma'noviy guruhlariga ajratilgan holda tadqiq etildi.

Ma'lumki, ko'chma ma'no faqat nutqda voqelanadi. Shuning uchun ular nutqiy ko'chma ma'nolar deb yuritiladi. Semema tarkibidagi semalar asosida nutqda ko'chma ma'no hosil qilish, odatda, terminlardan boshqa deyarli barcha

birliklar uchun xos. Lingvomadaniy tadqiqotlar doirasida maydonga kelgan ilmiy qarashlar metaforani ma'lum bir xalqning milliy, o'ziga xos, spetsifik dunyoqarashini ifoda etuvchi muhim vositalardan biri tarzida o'rganishning dolzarbligini ko'rsatdi.

Antik davr notiqarlari Mark Fabiy Kvintilian hamda Aristotel metaforani guruhlariga ajratgan holda tadqiq etgan [1]. Bundan tashqari, jahon tilshunosligida D.Lakoff, M.Jonson, Charlz Balli, A.N. Baranov, F. Nitshe, Y.A.Parandovskiyalar metafora hodisasini nazariy tadqiq etgan olimlar sifatida e'tirof etiladi.

Mustaqillik yillari o'zbek tilshunosligida metafora va metaforizatsiya mexanizmiga tegishli dolzarb masalalarni butun-qism munosabatida tekshirishning ko'p yillik tajribasi uni butundan qismga emas, qismdan butunga tamoyili asosida tekshirish, mazkur tadqiqotchilik jarayoniga formal, substansional yo'nalishdan farqli, antroposentrik jihatdan yondashish zarurligini ko'rsatmoqda[2].

Nutqda voqelanadigan barqaror birliklar tarkibida qo'llangan zoonimlarning aksariyatida metafora hodisasi kuzatiladi. Ular insonning ichki va tashqi olamdagi faoliyati bilan bog'liq holda yuzaga kelgan, shakllangan. Shu sababli ham bunday birliklar ifodalagan ma'nolar zamirida inson, uning xatti-harakati, fe'l-atvori, yashash tarzi, fikrlari yotadi.

Zoonim komponentli maqollarni metaforik jihatdan tahlil qilish orqali ularning qay tarzda xalq tiliga ko'chganligi, paydo bo'lish tarixi, konseptual sistemasini, xalqning hayot tarzi kabi masalalar hisobga olinadi. Bu jarayonda doimo inson omili yetakchilik qiladi. "Qo'y" LMGi asosida shakllangan maqollarning aksariyat qismida, asosan, insonning ruhiy holati tasvirlangan o'rinlarning ko'pligi e'tibordir.

"Qo'y" LMGi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollaridagi metafora hodisasini quyidagi mavzuviy guruhlariga bo'lish mumkin:

Insonning ko'rinishi yoki holatini ifodalaydigan metaforik maqollar

Shaxsni tavsiflashda tadqiqotchilar, odatda, insonning tashqi ko'rinishi, yoshi, jismoniy va ruhiy holati, ijtimoiy mavqeyi, mehnat faoliyati, xulq-atvori, axloqiy munosabat va qadriyatlariga e'tibor qaratashadi. Kishilar bilan munosabatga kirishish jarayonida insonning ichki va tashqi, ijobiy hamda salbiy xususiyatlari bilan bir qatorda uning ko'rinishi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Kundalik turmushda to'planadigan bilim, kuzatish, mulohazalar ma'lum holatga nisbatan qarorga kelish zamiriga quriladi. "Qo'yni sarasi uzoqdan bilinar" maqolida, odatda, insonning tashqi holatiga, ko'rinishiga qarab baho berilishi nazarda tutilgan. Kishi uchun notanish insonning tashqi jihati ham u haqida ma'lum darajada tasavvur uyg'otishga asos bo'la oladi. Ushbu fikrni "Qo'chqor bo'lar qo'zining peshonasi do'ng bo'lur, Og'a bo'lar yigitning peshonasi keng bo'lur" maqoli orqali ham davom ettirish mumkin. Og'a so'zi "O'zbek tilining izohli lug'ati"da keltirilishicha, 5 turdagi ma'no-mazmuni ifodalaydi:

1. Ayn. aka. 2. Tug'ishgan akaday yaqin, qadrdon kishi. 3. Yurtning, elning kattasi, hokimi. 4. Turli lavozim va unvon nomlari tarkibiga kiradi: haram og'asi, eshik og'asi. 5. O'zidan kattalarga nisbatan murojaat shakli. Maqolning har ikkila qismida ham gradatsiya kuzatiladi, ammo ular darajalanish asosiga ko'ra farqlanadi. Chunonchi, qo'chqor – qo'zi so'zlari o'zaro yoshga nisbatan, og'a – yigit so'zlari mavqega nisbatan darajalanishni yuzaga keltirgan. Qo'chqor zoomorfi og'a leksemasiga ishora qilib, rahbar, boshliq, yetakchi semasida reallashganini kuzatish mumkin. Maqolning varianti: Qo'chqor bo'lar qo'zining peshonasi do'ng bo'lar, odam bo'lar bolaning etak-yengi keng bo'lar. Gulxaniyning "Zarbulmasal" asarida keltirilgan ...Anda Yapaloqqush aydi: Ilgari o'tgan yaxshilar masalidurkim: "Yaxshi nafas – yarim mol", bolamning asbobi kulonkiriligi minkori bilan changaligidin ma'lum va ravshan emasdurmu[1]? Anda Ko'rqush aydi: "Rost aytursan: "Qo'chqor bo'lur qo'zining peshonasi do'ng bo'lur, og'o bo'lur yigitning peshonasi keng bo'lur"[3] parchasi ham fikrimizni dalillaydi.

Insonning kuch-qudratini ifodalaydigan metaforik maqollar

Maqollarda ma'lum voqea, fakt, fikr ifodalayotgan makon va zamon, ota-bobolarimizning mulohazalari, boshidan kechirgan tajribalari kabilar bayon qilinishi mumkin. Bularning barchasi matndagi faktual axborotni tarkib toptiradi. Mazkur turdagi axborot qo'shaloq rolni bajaradi: u, bir tomondan, matni "tiriltiradi", ya'ni uni harakatga tushirib, mazmuni voqelantirsa, ikkinchi tomondan, ushbu mazmuni ifoda qilayotgan fikrni turli "niqoblar" vositasida yashiradi va bu bilan mazmun anglanishini qiyinlashtiradi[4]. Masalan, "Podani qo'chqor yetaklar" maqolida keltirilgan qo'chqor kuchli va qo'rqmas bo'lganligi sababli podani belgilangan manzilga yetaklab borish vazifasini bajaradi va qo'chqor, odatda, o'zbek xalqi orasida jasorat va matonat timsoli bo'lgan er-yigitlarga qiyoslanadi. Har bir ishni oilaning ustuni, erkagi boshlab bergandagina bajarilgan yumushda baraka, xonadonda fayz bo'ladi. Maqol, bir tomondan, qo'chqor metaforasi orqali "jonlangan", ikkinchi tomondan o'zbek xalqi ongidagina qo'chqor – kuch-qudrat ramzi sifatida xususiyatlashgan. Ushbu

jihat o'zga millat vakillarining maqol mazmunini tushunishiga qiyinchilik tug'diradi. Ingliz xalq maqolida qo'chqor zoonimi yo'l boshchi, yetakchi, sardor ma'nolarida reallashishini kuzatish mumkin: Wherever the ram goes the sheep will follow (Qo'chqor qayerga borsa, qo'ylar ham unga ergashadi.)


Bundan tashqari, ahillik hamda hamjihatlik ulug'langan "Uyurli qo'ydan bo'ri qo'rqar" (varianti: Uyur qo'ydan bo'ri ham qo'rqar) maqolida (uyur – orasida bir ayg'iri bo'lgan, erkin qochirish uchun tashkil etiladigan 10-30 biya to'dasi[5]; uyur-bir ayg'irli biyalar to'dasi[6] uyur ichidagi qo'yga bo'ri uyuridan qo'rqanligi bois yaqinlashmaydi, chunki qo'y bo'riga nisbatan ancha zaif, ot esa bo'riga nisbatan kuchli, ayniqsa, otlar uyuri yakka bo'riga xavf solishi tayin. Hayotda o'zini kuchli hisoblagan kishilar himoyasizlarga qo'rquv bilmay "hujum qilishi", aksincha, o'zidan ustun insonlarni ko'rganda ular davrasidan o'zini tortishi, bahslashishga botina olmasligi ifodalangan: "Zo'rdan zo'r chiqsa, zo'r dumini qisar".

Xalqning madaniyati va milliy turmush tarzi haqidagi ma'lumotlarning eng qimmatli manbasi metaforalar ekan, ular turli hayvon obrazlari orqali yanada yorqin namoyon bo'ladi. "Ikki qo'chqor urishar, Echkining buti ayrilar" - maqolida abjir, uddaburon, shiddatli kishilar qo'chqor timsoli orqali, echki timsoli orqali esa epchil kishilar orasida nizo ko'tarilganda qattiq bezovta bo'lib, chorasiz vaziyatda o'zini har yoqqa uradigan zaif kishilar ifodalangan.

Ikki qo'chqorning boshi bir qozonda qaynamas maqolida qarama-qarshi, bir-biri bilan kelisha olmaydigan darajada ziddiyatga borgan insonlar metaforizatsiyaga uchragan. Maqolda qo'chqor obrazi nutq ta'sirchanligini ta'minlash uchun asosiy vosita vazifasini bajargan. Qo'chqor zoomorfi o'zbek xalqi ongida, pahlavon, botir, suyumli, asosan, o'g'il farzand[7] kabi ma'nolarni ifodalash maqsadida ham qo'llanadi. Ushbu fikrni badiiy asardan olingan parcha orqali dalillash mumkin: Bunaqada bo'lmaydi: Ikki qo'chqorning boshi bir qozonda qaynamas deb bekorga aytmagan ekanlar[8]. Maqolning variantlari: "Bir unurga ikki ayiq sig'maydi", (ungur — gumbaz shaklidagi shipli va og'zi keng, uncha chuqur bo'lmagan g'or, tor yo'lakdan so'ng g'orning kengaygan qismi; erigan suvlar oqib chiqib ketadigan muz tili uchidagi chuqur[10]; "Ikki kambag'al bir kapaga sig'adi, ikki boy bir dahaga sig'maydi" (kapa— chayla — ibtidoiy jamoa davridan qolgan boshpana bo'lib daraxt shoxi, qamish, jo'xori poyasi, mato, pichandan quriladigan mavsumiy (yozlik) turar joy, o'tov[10]; daha — (fors-o'nlik) — 1) o'rta asrlarda Markaziy Osiyo va Eronda o'n kishidan iborat bo'linma; eshonlarning xonaqohlarida bo'lib o'tadigan o'n kunlik toat-ibodat[9] maqollarini keltirish mumkin.

Yuqoridagi maqollarning ekspressiv darajalanish kuchini maqol tarkibidagi bir nechta so'zning yoki, umuman, barcha so'zlarning turli o'zgarishlar bilan qo'llanishida ko'rish mumkin. Tahlil jarayonida inson kuch-qudratini o'zida ifodalagan "qo'y" LMGi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarida darajalanish hodisasi kuzatildi: Uyurli qo'ydan bo'ri qo'rqar, - Podani qo'chqor yetaklar, - Ikki qo'chqor urishar, Echkining buti ayrilar, - Ikki qo'chqorning boshi bir qozonda qaynamas.

Past daraja



Yuqori daraja

Uyurli o'ydan bo'ri qo'rqar

Ikki qo'chqorning boshi bir qozonda qaynamas

Xulosa qilib aytganda, metaforizatsiyaga uchragan "qo'y" LMGi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarining aksariyat qismida insonning ruhiy, jismoniy holati; tashqi hamda ichki ko'rinishi ifodalangan o'rnlarning ko'p uchrashi kuzatildi.

	Ma'noviy guruhlar	Metoforik maqollar
1.	Inson ko'rinishi yoki holatini ifodalaydigan metoforik maqollar	1. Qo'yni sarasi uzoqdan bilinar; 2. Qo'chqor bo'lar qo'zining peshonasi do'ng bo'lur, Og'a bo'lar yigitning peshonasi keng bo'lur.
2.	Inson kuch-qudratini namoyon etadigan metoforik maqollar	Ikki qo'chqorning boshi bir qozonda qaynamas. Ikki qo'chqor urishar, Echkining buti ayrilar; Uyurli qo'ydan bo'ri qo'rqr; Podani qo'chqor yetaklar.

ADABIYOTLAR

1. Прокопчук О.Г. Развитие представлений о метафоре в античной риторической традиции. (Аристотель и Квинтилиан). Вестник Беларускага дзяржаўнага ўніверсітэта. Серыя 4, Філалогія. Журналістыка. Педагагіка. - 2009.-N2.С.75-78. <http://elib.bsu.by/handle/123456789/5595>.
2. Махмараимова Ш.Т. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентриқ тадқиқи (номинатив аспект) Samarqand, 2020. 285 bet.
3. Gulxaniy. Zarbulmasal va g'azallar. –Toshkent: O'zSSR Davlat badiiy adabiyoti. 1958, – B. 12.
4. Улугова Ш.Ш. Феминистик бадий матнда метафора фаоллашувининг когнитив-стилистик жиҳатлари (“Жейн Эйр” романи асосида) — 2021. – Б. 44.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 2005. – Б. 215.
6. Rahmatullayev Sh. O'zbek tilining etimologik lug'ati (turkiy so'zlar). –Т. Universitet. 2000. B. 384.
7. Mahmudov N., Xudoyberganova D. O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati. _Т., Ma'naviyat, 2013. B-312.
8. Анвар Саид. Оралиқдаги одамлар. Вали Бобомуробов. Бир юз ўн бир кун. Қиссалар. –Т., 1989.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А-Р. – Москва: Рус тили. 1981. – Б. 116.



УДК: 82.09; 82-96; 82.091

Sardor SHERQULOV,
Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti tayanch doktoranti
E-mail: sardor_komilovich@mail.ru

QarDU professori, f.f.d., X.Jabborov taqrizi asosida

TRAGEDY IN WILLIAM FAULKNER'S "THE SOUND AND THE FURY"

Annotation

The article analyzes the way in which the thoughts, emotions, and memories of the characters of William Faulkner's novel "The Sound and the Fury" are described in more detail from different perspectives. At the same time, the article mentions that the female hero Caddy, who stood by the base of the work, and the writer revealed the tragedy that befell the family in a new direction.

Keywords: Tragedy, use of consciousness, inner monologue, Southern etiquette, honor, aristocrats.

ТРАГЕДИЯ В "ЗВУКЕ И БЕЗОПАСНОСТИ" УИЛЬЯМА ФОЛКНЕРА

Аннотации

В статье анализируется способ более подробного описания мыслей, эмоций и воспоминаний персонажей романа Уильяма Фолкнера "Шум и ярость" с разных точек зрения. В то же время в статье упоминается, что героиня Кэдди, стоявшая у основания произведения, и писатель раскрыли трагедию, постигшую семью, в новом направлении.

Ключевые слова: Трагедия, использование сознания, внутренний монолог, южный этикет, честь, аристократы.

UILYAM FOLKNERNING "SHOVQIN VA G'AZAB" ROMANIDA FOJEAVIYLIK

Annotasiya

Maqolada amerika adabiyotining yorqin namoyondasi Uilyam Folknerning "Shovqin va g'azab" romanida qahramonlarning fikrlari, his-tuyg'ulari va xotiralarini kengroq qilib turli rakurslardan tasvirlash uslubi tahlilga tortilgan. Shu bilan birga asar g'oyasining asosida turgan qahramon Keddi va uning orqasidan oila boshiga kelgan fojeaviylikni adib yangicha yo'nalishda ochib berganligi haqida maqolada so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: Fojea, fojeaviylik, ong oqimi, ichki monolog, janubga xos odob-axloq, nomus, aristokratlar.

Kirish. XX asr Amerika adabiyotining eng mashhur adiblaridan biri bo'lgan U. Folkner o'zining "Shovqin va g'azab" romanida qahramonlarning fikrlari, his-tuyg'ulari va xotiralarini kengroq qilib tasvirlashga e'tibor qaratadi. Bu bilan u "Ong oqimi" tasvir uslubidan foydalanadi. Darhaqiqat, uning romanida qahramonlarning his-tuyg'ulari va fikrlari ayol qahramonlardan biri Keddi asosida yaratilgan bo'lib, muallif boshqa personajlarning unga nisbatan fikr va xatti-harakatlari yordamida bu qahramon haqida batafsil ma'lumot beradi.

Bundan tashqari, "Shovqin va g'azab" romani aka-uka Kompsionlarning o'z singlisiga bo'lgan munosabati haqida. Bu oilaning boyligi, yeri, mavqei kundand-kunga yomonlashib borayotganini muallif turli qarashlar orqali ko'rsatadi. Bu yomonlashuvning sababi Keddi tomonidan yuzaga kelgan muammodir, chunki u oila a'zolarini sharmandalikka olib keladi. Shunday qilib, ayollar ega bo'lishi kerak bo'lgan juda muhim narsa sifatida ko'rilgan bokiralik, uning yo'qolishi Kompsion oilasining tanazzuliga olib keladi.

Folkner ushbu romanini yozishda fojiali qahramonlar hayotini odamlarning fikrlari va his-tuyg'ularidan foydalangan holda ko'rsatishda juda muvaffaqiyatga erishgan. Ong oqimi Tanvir usulidan foydalangan holda, ayol xarakteri, ya'ni Keddi akalarining qarashlari bilan tasvirlangan. Uitfild ta'biri bilan aytganda "Roman Keddi va aka-ukalarini u haqidagi o'y-fikrlari, monologlari atrofida qurilgan" [3].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Folkner 1920-yillardan Ikkinchi jahon urushigacha bo'lgan davrda o'zining ba'zi roman va qissalarini nashr etgan. Ellik ikki yoshida u Nobel mukofoti bilan taqdirlangan. Uning hikoyalari janubliklar, qullik va ishchilar sinfi haqida edi. Uning asarlarida hissiyot, gotika va grotesk uslublar ko'rinadi. Roman va qissalardan tashqari dramatik asarlar, she'rlar, insholar yozgan. Uning to'rtinchi romani «Shovqin

va g'azab» XX asrning ingliz tilidagi yuzta eng yaxshi romanlaridan biri sifatida qayd etilgan.

Qolaversa, uning "O'layotganimda", "Avgustdagi nur" va "Absalom, Absalom!" asarlari ham XX asrning eng yaxshi romanlari ro'yxatiga kiritilgan. "U o'z asarlarida Amerika janubidagi hayot muammolari va qiyinchiliklarini ochib berish bilan shug'ullanadi" [1]. U Janubiy Amerikada o'sganligi sababli, Amerika tarixining turli davrlarida aristokratlar hayotini, ularning rivojlanishi va tanazzulini tasvirlashda muvaffaqiyat qozongan. Unga juda xayolparast yozuvchi sifatida qaraladi [2]. Bu uslubdan Folkner amerikalik yozuvchi Virjiniya Vulfning "Dallovey xonim" asaridan ilhomlangan degan fikrlar ham bor. Folknerning 19 ta romani, 3 ta hikoyasi, 3 ta she'riy kitobi va pyesasi nashr etilgan. U 20-asrning eng sermahsul yozuvchilaridan biri sifatida e'tirof etilgan, chunki "U insoniy sharoitlarning tabiatini aniq tasvirlaydi va ularni o'zining jismoniy holatiga joylashtiradi". Bundan tashqari, uning yozish uslubidagi ijodiyligi va g'ayrioddiy qahramonlar va hikoyalarga to'la butun fantastik dunyo haqidagi ijodiy tasavvuri uning texnikasi va mavzularini yaqindan o'rganishga turki bo'ldi" [Matthews, 2009, 29].

Folknerning "Shovqin va g'azab" romani "eng qadrli asar" sifatida baholandi [3]. Ushbu romanda hikoya xronologiyasi "chizilgan, turli o'tmishdagi voqealar ketirasi rivoyatda sodir bo'layotgan voqealar bilan aralashib ketgan" [3]. Unda "Keddining nikohdan oldin homilador bo'lganligi sababli Kompsion oilasining tanazzulga yuz tutishi tasvirlanadi. Bu hikoyada Kaddi muammoning markaziga aylanadi" [1].

Folknerning "Shovqin va g'azab" romani "eski nasroniylik an'analari va aristokratik qadriyatlarini, ushbu qadriyatlarini qabul qiluvchi zamonaviy jamiyatni o'rganishda" muhim roman sifatida baholanadi [3]. Darhaqiqat, muallifning ushbu qadriyatlarini ko'rsatishdan asosiy maqsadi ularni tark

etish va ular haqidagi tushunchalarni yangilashdir. Bu bilan Folkner "bir paytlar juda ta'sirli bo'lgan janubiy oila - Kompsonning qulashini tasvirlaydi" [Al-Keshwan, 2012, 3]. Muallif fojiaiy personajlar va ularning fikrini mantiqiy tasvirlash orqali eski janubning parchalanishini, oqsqoqlar qadriyatlarini yo'qotganini ko'rsatishda shunchalik muvaffaqiyat qozongan.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).

"Shovqin va g'azab" romani Missisipidagi taniqli oila bo'lgan Kompsonlarning emirilishi haqida so'z boradi. Folkner voqealarni turli qahramonlarning bolaligi haqidagi xotiralarini orqali tasvirlash orqali inson tajribasini namoyish etadi. Ushbu roman odatda Folknerning eng muhim va ajoyib adabiy asari sifatida qabul qilinadi. Folkner bu asarida inson o'z hayotini tanlamasligini ko'rsatadi. Inson materialist yoki aqli zaif bo'lsa ham, u hayotni ko'ra olmaydi, faqat tasvirlar, tovushlar va xotiralarga ega.

Romanning dastlabki uchta bobi uchta aka-uka Kompsonlarning fikrlari, ovozlari va xotiralaridan iborat: aka-uka Benji, Kventin, Jeyson. Folkner uchinchi shaxs hikoyasida to'rtinchi bobni aytib beradi. Muallif aka-ukalarning singlisi Kedi haqidagi xotiralarini aks ettiradi va fuqarolar urushidan keyin janubiy aristokratlar sinfining yomonlashuvini ko'rib chiqadi. Bolalar o'sib ulg'aygan sari opa, Kedi o'zini behayo tuta boshlaydi. Shu sababli, Kventin xafa bo'ladi va Benji yig'laydi, chunki ularning singlisi bokiralikni yo'qotib, homilador bo'ladi. Kedining homiladorligi Kventinga shunchalik qattiq ta'sir qiladiki, u yolg'on gapiradi va otasiga u va Keddi yaqinlik qilganini aytadi. Otasining befarqligi tufayli Kventin o'z joniga qasd qiladi.

Keddi Kompson oilasida axloqsizlik sababchisidir. Darhaqiqat, u o'zini behayoligi uchun o'zini aybdor his qiladi. U akalari uning xatti-harakatidan xafa bo'lishlarini biladi. U o'z oilasining tarixiga ahamiyat bermaydi. Uning xatti-harakatlari akasi Kventinning ongiga ta'sir qiladi. Kventin Kompson oilasining fojiali dunyosidan qochib qutula olmaydi, lekin Keddi qochib qutulishga muvaffaq bo'ladi. Uning akasi Benji aqliy nogiron, shuning uchun u hech qanday qadriyatlarni tushunolmaydi va u faqat vizual va auditorlik tasvirlarini eslay oladi. Shuningdek, u singlisini juda yaxshi ko'radi. U faqat nola qiladi va oilasining yomonlashuvi uchun yig'laydi.

Romandagi asosiy fojiali qahramonlardan biri Keddinging aka-ukalaridan biri Kventin Kompsondir. Uning uchun u o'z oilasining o'tmishdagi buyukligi va shon-shuhratini saqlab qolish uchun javobgardir. U Keddi bilan ovora. Uning fikricha, an'anaviy janubiy qadriyatlar juda muhim. Shu o'ylar tufayli u Keddinging fohishaligidan juda afsusda. Otasining urf-odatlariga ahamiyat bermasligini va singlisining xatti-harakati oilani uyatga olib kelganini bilgach, Kventin o'zini yomon his qiladi. Shunday qilib, singlisi va otasi axloqni mensimaganligini bilib, u pessimist bo'lib qoladi. Uning uchun axloqli bo'lish juda muhim va bu uning hayotiga tartib va mazmun bag'ishlaydi.

Ushbu romanda Kventinning o'limi, janob Kompsonning o'limi va Kedding bokiralikni yo'qotishi, umuman, oilaning tanazzulga uchrashi guvohi bo'lamiz. Benji, Kventin va Jeysonning Kompson fojiasi haqida turlicha qarashlari bor. Kventin o'tmishdagi xotiralaridan tashqariga chiqa olmaydi. Shuning uchun u o'z joniga qasd qilishdan boshqa chora ko'rmaydi. Jeyson hozirgi kuniga e'tibor qaratadi. Uning uchun shaxsiy daromad muhim ahamiyatga ega. Aka-uka Kompsonlarning har biri tartibni tushunadi, qadrlaydi va tartibsizlikni boshqacha tarzda, bezovtalik bilanqabul qiladi.

Romandan tushunilishicha, Kompson oilasining badavlat va mashhur a'zolari asta-sekin o'z oilasining obro'-e'tiborini yo'qotadigan voqeaga aralashib ketishadi. Avvaliga bobo, keyin ota vafot etadi. Ular o'zlarining o'tmishdagi

qadriyatlarining vakillari bo'lganligi sababli, muhim tushunchalar ham yo'qoladi.

Folknerning romanida fikr va tajriba davomida faoliyat yurituvchi fojiane ajralmas, bo'linuvchi mantiqini o'rganadi. "Shovqin va g'azab" fojia bo'linishini asosan dixotomiyali dunyoqarashga o'zgartiradi. Shunday qilib, u fojiane antitipi, pafosi bilan uzluksiz bo'lish imkoniyatini ochib beradi. Fojia an'anaviy tarzda hal qilishni talab qiladigan darajada, fojiali bo'linishning hamma joyda bo'lishi istehzo bilan fojiane qarama-qarshiligining takrorlanadigan, noaniq vaziyatini keltirib chiqaradi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Muallif butun roman davomida ong o'qimi texnikasidan foydalanligi sababli, Kompsonlar fojiasini faqat turli hikoyachilarning fikrlari orqali tushunish mumkin. Folkner bizga oila a'zolarining yomonlashib borayotgan ahvolini ko'rsatib, qahramonlarning fojiali pozitsiyalariga nisbatan samarali tuyg'u beradi. Romanda har xil ofatlar bor va ularning ba'zilar faqat qahramonlarning ruhiy kechinmalarida sodir bo'ladi. "Ajablanarli emaski, Kventin romanning fojiali o'lchamlarini muhokama qilishda asosiy e'tiborda bo'lgan". Kventinning pozitsiyasi boshqa qahramonlarga qaraganda ko'proq ta'sirli. Uning xotiralarini unga ko'proq qayg'u beradi.

"Kventin uyg'onganidan keyin otasining unga bobosining soatini bergani haqidagi birinchi xotirasi ..." [Bloom, 1988, 60]. Bu soat unga otasi va ota-bobolarini eslatadi. Otasi soatni berib, o'g'liga soat sovg'a qilgani sababi Kventin vaqt ahamiyatini unutgandir, deb ta'kidlaydi. Otasiga vaqt behuda ketmasligi kerak. U o'g'lining vaqt bilan kurashishini emas, balki uni eslab qolishini xohlaydi. Ota, shuningdek, vaqt o'tishi bilan hech kim g'alaba qozona olmasligini ta'kidlaydi. Shunday bo'lsa-da, vaqt barcha o'g'riqlarni, ayniqsa uning o'g'li, Kventinning Keddi haqidagi vasvasasini yo'q qiladi. Tabiiy ofatlar vaqtinchalik va vaqt o'tishi bilan unutilishi mumkin. Ammo Kventin uchun u "... hissiyot - azob ekanligini bilishi kerak edi, ammo keyin azob-uqubatlarni yo'qotish bilan duch kelishni tasavvur qilib bo'lmaydi". Uning oilasida sodir bo'lgan yomon voqealar tufayli u bu soatni ko'rishni xohlamaydi, chunki u unga rioya qilish kerak bo'lgan qadriyatlarni eslatadi. U o'zining singlisi Kedding qilmishiga unutilib yubora olmadi. Shuning uchun u o'z oilasining o'tmishdagi odob-axloqini eslashni xohlaydi. Uning uchun singlisining qilgan ishi uning oilasining ismini solishtirishga ziddir. Kventinning soati otasining sovg'asi bo'lib, u Kventinning vaqtini o'zi tomosha qilishga juda ko'p e'tibor berishi kerak degan tuyg'usini engillashtirishiga umid qiladi. Shunga qaramay, bu Kventinga uning oilasi juda muhim deb hisoblagan merosni doimo eslatib turadi. Kventin o'tmishdagi xotiralaridan qochib qutula olmay, vaqt tuzog'iga tushadi. U soatini sindirish orqali vaqtini tushunishdan qochishga harakat qiladi, lekin uning tiqilishi uni ta'qib qilishda davom etadi. U o'z joniga qasd qilishdan boshqa chora ko'rmaydi.

Kompson bolalari o'zlarining azob-uqubatlarning passivligidan qochishga intilishadi, bu ikkilik dunyoqarash an'analari tomonidan istehzoli tarzda yaratilgan, qahramonlik harakatlariga mos keladi. Ularning zaifligining asosiy, makkor sababi shundaki, xuddi shu yo'nalish ularni o'z tajribalaridan uzoqlashtirishi mumkin. Binobarin, ularning hayotining shaxsiy o'lchovini tiklashga urinish chuqur maqsadli harakat, passivlikka qarshi kurashdir. Kventin uchun hal qiluvchi masala uning ishtiyoqidir.

Aslida, Kompson oilasi a'zolari oila muammolaridan qochishni orzu qiladilar. Keddi o'z oilasiga olib kelgan sharmandalik tufayli, uning akalari hech qanday romantik sevgi va ayol bilan munosabatda bo'lishga jur'at eta olmaydi. Birodarlar turli xil qarashlarga ega va hayotni boshqacha tushunadilar. Ammo bu parcha-parcha uslubdan foydalanib, muallif oila a'zosini umidsiz yashashga olib keladigan ofatni tasvirlashni maqsad qilgan. Hamma aka-ukalar hayotlarida

azob chekishadi. Kventin uchun eng muhimi, uning singlisiga bo'lgan sevgisi. Shunday qilib, u singlisini erini o'ldirmoqchi bo'ladi, chunki u "...bir xil yovuzlik vaqt o'tishi bilan takrorlanadi".

Ayniqsa, Benji va Kventin o'zlarining kechinmalarida, fikrlari va xatti-harakatlarida o'z oilasiga begonadek his qilishadi. Kompsonlar dunyosi o'zi qo'llab-quvvatlaydigan individualizmni ikkilik yo'nalish bilan buzadi, bu aslida o'zini-o'zi hurmat qilishni rad etadi. Anomaliyadan nafratlanishiga qaramay, Kompsonlar bu asosiy qarama-qarshilikda yashaydi. Shunga qaramay, ular qotib qolishmaydi va shaxsiy qadr-qimmatini qat'iy turib olishmaydi. Ular individualizmni ham, uni asoslashning o'z-o'zini yo'q qilish usulini ham tushunishda davom etmoqdalar. Ularning dunyosidagi fojia ikkinchi qo'l bo'lsa-da, biz o'quvchilar bunday qat'iyatda fojining zaruriy elementini ko'rishimiz mumkin.

Aslida, oilada sodir bo'lgan falokat qahramonlarga individual va turlicha ta'sir qiladi. Hatto ular o'zlarining fikrlari va harakatlarini tushuna olmaydilar. Keddi nima qilgan bo'lsa, odamlarning o'ziga bo'lgan hurmati yo'qoladi. Ular qarindosh-urug'lardan nafratlanishadi, lekin yolg'iz singlisini yo'qotib qo'rganliklarini o'ylab, xafa bo'lishadi. Demak, ularning fikrlarida qarama-qarshilik bor. Ularning bobolari davrida hech qanday oilaviy falokat bo'lmagan, shuning uchun Kventin fojiani shunchaki baxtsizlik deb hisoblaydi.

Biz romanning fojiali jarayonining ikki bosqichini ajratdik: harakatning passivlikka tushishi va teskari harakatga urinish. Birinchisida, Kventinning patologik va patologik bo'lmagan holati Folkner kundalik hayotda sodir bo'ladigan fojia mantig'idan kelib chiqadi. Ikkinchisida, Kventinning o'z ehtiroslariga sodiqlik orqali shaxsiyatni anglashga bo'lgan harakatlari fojiga zarur bo'lgan sharoitni yaratadi. Ehtirosning o'zi maqsadli harakatga aylanadi va oddiy passivlik shartidan oshib ketadi.

"Shovqin va g'azab" romanida aristokratik Kompson oilasining uzoq vaqt qulashi ko'rsatilgan. Oila a'zolari Kedding behayoligi, homiladorligi va uning qisqa turmush qurishi va oilada sodir bo'lgan o'limlari tufayli azoblanadi. Opasining ahvolini bilib, Kventin dahshatga tushadi. U yordam so'rab otasiga murojaat qiladi. U otasiga singlisi bilan yaqinlik qilganliklarini aytadi, lekin otasi singlisini himoya qilgani uchun yolg'on gapirayotganini tushunadi. Ammo janob Kompson bokiralikka jiddiy qaramaslik kerakligini nazarda tutadi. U, shuningdek, vaqt ularning hozirgi holatini davolashini ta'kidlaydi. Shunga qaramay, Kventin o'z singlisini qutqarishga qodir, deb o'ylaydi, unga qo'shilib, u bardosh berishga majbur bo'ladi. Uning fikricha, u Kedding gunohi uchun javobgarlikni o'z zimmasiga olish kerakligini his qildi. U, shuningdek, eski janubning shon-sharaf va odob-axloq ideallariga berilib ketgan, shuning uchun u singlisini himoya qiladi. Ammo u yagona singlisini yo'qotadi. Oxir oqibat, u atrofidagi dunyoning axloqsizligiga dosh bera olmaydi. Chunki otasining befarqligi va Kedding

nomussizligi dosh bera olmasdan fojiviy yakun o'laroq u o'z joniga qasd qiladi.

Xuddi shunday, romanning boshqa qahramoni Benji ham o'z singlisi Keddi bilan oshiq bo'ladi. Uning ta'kidlashicha, "Keddi daraxtlarning hidiga o'xshaydi". U yosh bo'lganida, Keddi Benjining onasi prototipidir. U ham onasi singari u uchun mehr manbai. Kedding yo'qligi unga ham ta'sir qiladi. Uning dastlabki xotiralari shuni ko'rsatadiki, Kedding yoshlikdagi beg'uborligi ular o'ynagan daraxtlarning hidi bilan bog'liq. Benji uning holatidagi o'zgarishlarni sezadi. Bu tushunish unga ta'sir qiladi. U uni yo'qotgani uchun yig'lay boshlaydi va u endi daraxt hidini sezmasligini aytadi.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). "Shovqin va g'azab" romani katta muvaffaqiyatlarga erishdi va Amerikaning taniqli romanlaridan biri sifatida ko'rildi. Roman qahramonlari xuddi Keddi va Kventin kabi fojiali. Ular an'anaviy jamiyat ichida yashay olmaydilar va uning qadriyatlarini rad etadilar. Urushdan keyin ularning jamiyatida yangi qadriyatlar va an'analar paydo bo'ldi. Bobosi davrida ayollar o'zlarining begunohligini himoya qilishlari va yaqin qarindoshlar o'rtasidagi nikohni qilmasliklari kerak degan tushuncha mavjud. Ammo Keddi o'zining pokligini yo'qotadi va uning oilasi uni rad etadi. Oilaning yagona qizi bo'lgan Kedding nomussizligi eng ko'p akasiga ta'sir qiladi. Uning otasi urushdan keyin bokiralik yangi avlod uchun unchalik muhim emas deb hisoblaydi. Keyin u o'g'li Kventinni bu voqeani vaqti soati bilan unutilub yuboradi deb o'ylaydi va unga engilgina tasalli beradi.

"Shovqin va g'azab" romanini tahlil qilar ekanmiz, bu romanda yaqqol fojia bor, degan xulosaga kelish mumkin. Urushdan keyin eski qadriyatlar yo'qoladi, ammo Kventin kabi eski an'analarni himoya qilishni xohlaydiganlar bor. Uning uchun bokira bo'lish juda muhim va uning singlisi begona erkak bilan munosabatda bo'lsa ham, uni himoya qilishi kerak. To'ng'ich o'g'il bo'lgani uchun oila sha'ni, obro'-e'tibori uchun javobgarman, deb o'ylaydi. Otasi yolg'iz qizining holatiga ahamiyat bermasa, Kventin yolg'on gapiradi. Uning ta'kidlashicha, aslida ular qarindosh-urug'larni nikohdan o'tkazishgan. Shunga qaramay, otasi unga ishonmaydi va Kedding begona erkakka turmushga chiqishini xohlaydi. Yillar o'tib, biz aka-uka singlisiga shunchalik yaxshi ko'rib ketganini va u haqidagi xotiralari ularni tark etmasligini tushunamiz.

Romanning eng fojiali qahramoni Kventindir, chunki vaqt uning Keddi haqidagi vasvasasini yo'q qilmaydi. U nima qilsa ham, uni eslaydi. Uning opasi farzandining haqiqiy otasi bo'lmagan boshqa odamga turmushga chiqadi. Shunday qilib, erkak uni taloq qiladi. Vaqt hech narsani o'zgartirmaydi. Hamma narsa unga Keddi eslatadi. Oxir-oqibat, Kventin o'z joniga qasd qiladi va faqat shu orqali uning xotiralari uni tark etadi. Qahramonning hayoti o'lim bilan tugashi sababli, u fojiali ko'rinadi. Uning o'limi juda og'ir va unga achinish mumkin. Uning o'limiga oilasining ijtimoiy ahvoli yomonlashgani sabab bo'lgan.

ADABIYOTLAR

1. Al-Keshwan, Sahar [2016]. A Bakhtinian Reading of William Faulkner's *The Sound and The Fury*. Advances in Language and Literary Studies.
2. Bloom, Harold [1988]. *William Faulkner's the Sound and the Fury*. Philadelphia: Chelsea House Publishers.
3. Farkas, Aliz [2017]. Critical Reception of William Faulkner's *The Sound and The Fury* in America and in Romania. Acta Universitatis Sapientiae, Philologica.
4. Matthews, John T. [2009]. *William Faulkner Seeing Through the South*. United Kingdom: Wiley-Blackwell.
5. Whitfield, Charlene [1977]. *The Unspoken Heroine in William Faulkner's The Sound and The Fury*. EFD Collection for AUC Robert W. Woodruff Library, Atlanta University.



Qahramon ESHBOYEV,
ToshDO'TAU stajyor-tadqiqotchisi
eshboyev202020@gmail.com

ToshDO'TAU professori, f.f.d. L.Raupova taqrizi ostida

AKADEMIK LUG'ATLARDA MA'NOVIY DARAJALANISH TALQINI

Annotatsiya

Ushbu maqolada graduonimiya (darajalanish) haqida fikr yuritilgan. Graduonimiya, sinonimiya va antonimiyani o'xshash va farqli tomonlari ilmiy asoslar bilan keltirilgan.

Kalit so'zlar: Tilshunoslik, lug'at, lug'atchilik, graduonimiya, sinonimiya, antonimiya, paradigma.

ТОЛКОВАНИЕ ДУХОВНОГО УРОВНЯ В АКАДЕМИЧЕСКИХ СЛОВАРЯХ

Аннотация

В данной статье рассматривается градуонимия. Сходства и различия между градуонимией, синонимией и антонимией основаны на научных принципах.

Ключевые слова: Языкознание, лексикография, лексикография, градуонимия, синонимия, антонимия, парадигма.

INTERPRETATION OF SPIRITUAL LEVEL IN ACADEMIC DICTIONARIES

Annotation

This article discusses graduonymy. The similarities and differences between graduonymy, synonymy, and antonymy are based on scientific principles.

Key words: Linguistics, lexicography, lexicography, graduonymy, synonymy, antonymy, paradigm.

Kirish. O'zbek leksikografiyasining tarixi Mahmud Koshg'ariyning XI asrda yaratilgan mashhur "Devonu lug'otit turk" asari bilan boshlangan. Ushbu lug'at faqat so'zlar va ularning ma'nolarini tavsiflab qolmasdan, turkiy xalqlar tarixi, urf-odatlar, geografik joylashuvi kabi keng ma'lumotlarni ham qamrab olgan. Shu bilan birga, u dastlabki ikki tilli (turkiycha-arabcha), izohli lug'atlardandir. Yana bir yurt-doshimiz Mahmud Zamaxshariy o'zining "Asos ul-balag'a" asari va "Muqaddimat ul-adab" (XII asr) deb nomlangan to'rt tilli (arab, fors, o'zbek, mo'g'ul) lug'ati bilan amaliy, ham nazariy leksikografiya rivojiga katta xissa qo'shdi[1].

O'zbek lug'atchiligi tarixida XX asr alohida o'rin tutadi. Bu davrda turli maqsadlarni ko'zda tutgan ko'plab terminologik lug'atlar, o'quv va imlo lug'atlari, ikki va uch tilli so'zlashgichlar yaratildi. Bunda, ayniqsa, ruscha-o'zbekcha va o'zbekcha-ruscha, shuningdek, o'zbek tilini boshqa yevropa va xorijiy sharq tillari bilan qiyoslab o'rganishga mo'ljallangan lug'atlar alohida o'rin tutadi[2].

Chunki o'zbek tili XX asrning 2-yarmida, xususan, keyingi o'n yilda yangi-yangi so'zlar, so'z shakllari va ifoda vositalari bilan boyidi, shu bilan birga, sifat jihatidan qam ancha o'zgardi. Unda yangi me'yor (norma)lar, yangi xususiyatlar shakllandi va rivojlanib bormoqda. Bunday o'zgarishlar tilning fonetik tarkibi va alifbosida ham, imlo va talaffuzida ham, morfologik va leksik-semantik tuzilmasida ham, stilistikasi va grammatik qurilishida ham ozmi-ko'pmi o'z aksini topdi. Ayniqsa, o'zbek tili leksikasida katta o'zgarishlar sodir bo'ldi. O'zbekistonda sanoat, qishloq xo'jaligi, fan, texnika va madaniyatning beqiyos taraqqiyoti, mamlakatimizda yangi iqtisodiy islohotlar hamda bozor munosabatlarining rivojlanishi bilan bog'liq holda o'zbek tili lug'at tarkibida juda ko'p yangi so'zlar va terminlar yuzaga keldi. Ko'pgina so'zlarning ma'nosi o'zgardi, kengaydi, ayrim so'zlarning ma'nosi yanada aniqlashdi, o'zaro farqlandi. Bularning barchasi lug'atda o'z ifodasini topgan [3].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). O'zbek tilshunosligida ham tilning lug'at qatlamini yaxlit bir tizim sifatida o'rganish sohasida qator tadqiqotlar amalga oshirildi. Fan taraqqiyotining turli davrlarida amalga

o'shirilgan bir qator ilmiy tadqiqotlarda sistem leksikologiya asoslari shakllanib bordi. Binobarin, o'zbek tilshunosligida sistem-leksikologiyani shakllanib, taraqqiyot etish yo'llarini quyidagi bosqichlarga bo'lish mumkin:

a) birinchi bosqich: So'z va leksema orasidagi farq, semalar va ularni tarkibiy qismlarga ajratish yo'llari, ayrim so'z juftlarining semantik tarkibini (strukturasi) aniqlashda namoyon bo'ladi;

b) ikkinchi bosqich: Sistem leksikologiyani taraqqiyot bosqichi so'zlarni tematik va leksik-semantik guruhlariga birlashtirib, ma'noni tarkibiy qismlarga ajratib o'rganish bilan xarakterlanadi. Xuddi shu bosqichda o'zbek tili leksikologiyasida ham so'zlarni leksik-semantik guruhlariga birlashtirib o'rganish, ya'ni sistem tilshunoslik, sistem leksikologiya asoslari shakllanadi. Xuddi shunday asosga tayangan holda sistem leksikologiyada alohida leksik-semantik guruhlar sifatida asosan sinonimik ma'nolar asosida bog'langan leksik paradigmalari, antonim ma'noga ega bo'lgan so'zlar guruhi, turli tematik va leksik-semantik qatorlar, leksik paradigmalari tadqiqot manbai bo'lib keladi[4].

So'nggi davrlarda so'zlararo ma'noviy munosabatlar doirasi kengayib, ma'nodoshlik (sinonimiya) va zid ma'nolilik (antonimiya) hodisalarini o'rganish bilan cheklanib qolmay, ma'noviy darajalanish (graduonimiya) kabi ma'noviy munosabat ham lisoniy-lug'aviy tizimda mavjudligi qayd etildi. O'zbek substansional (formal-funksional) tilshunosligida graduonimiya tushunchasi tilning nafaqat leksik, balki morfologik, sintaktik va stilistik sath birliklari orasidagi munosabatning keng tarqalgan turlaridan biri ekanligi e'tirof etildi hamda bu sohada katta izlanishlar amalga oshirildi. Bunday izlanishlar o'tgan asrning 80-yillarda boshlanib [5], keyinchalik bu yo'nalishda jiddiy tadqiqotlar yuzaga keldi [6]. O'tgan asrning 90-yillaridan keyin bu ilmiy tushuncha tadqiqotlardan maktab va oliy o'quv yurtlari qo'llanma hamda darsliklariga, o'zbek tilida nashr etilgan tilshunoslik terminlarining izohli lug'atiga kirib bordi. Shu tariqa o'zbek tilshunosligida graduonimiya va graduonimik munosabatlar tushunchasi leksikadan morfologiya va hatto sintaksisga ham

tatbiq etildi hamda umumlisoniy munosabat turi maqomiga ega bo'ldi [7].

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).

O'zbek tilining sinonimlar lug'atida ma'nosi darajalanuvchi so'zlar ko'p hollarda sinonimlar sirasida berilar edi. Albatta, graduonimiya hodisasi maxsus ajratilmagach, ma'nosi darajalab ko'rsatuvchi so'zlar ko'p holatda turli sinonimik uyalar ichiga tarqatilib yuborilgan. Buning haqqoniy sabablari ham mavjud edi. Chunki sinonimlar ma'nosi bir-biriga yaqin bo'lgan so'zlarni o'z ichiga oladi.

Shuni alohida ta'kidlab o'tish lozimki, til sistema ekan, lug'at tizimi ham sistem tabiatga ega va tilda biror so'z (leksema) yo'qki, ma'lum bir lug'aviy paradigmadan o'rin olmasa. Ma'noviy darajalanish hodisasi maxsus ajratilmay, ma'noni darajalab beruvchi so'zlar ko'p holatlarda sinonimlar tarkibiga singdirib yuborilganligi sababli, masalan: pichirlamoq-gapirmoq-baqirmoq so'zlari sinonimlar lug'atidan o'rin ololmas edi. Sinonimlarni ajratishning, so'zlarni sinonimik paradigmalariga birlashtirishning asosiy omili sinonim so'zlar anglatgan, ular nomlaydigan, ataydigan narsa, voqea, hodisa, belgi, xususiyat va boshqalarning aynanligidir. Mana shu keskin farq graduonimiyani sinonimiyadan ajratib turadi. Sinonimik qatorlarni birlashtirishda yetakchi omil sinonimik paradigma so'zlarining bitta umumiy denotat (atalmish)ga ega bo'lib, o'z paradigmasi ichida asosan uslubiy bo'yoqlar, qo'llanilish doirasi bilan farqlansa, graduonimik paradigmadagi so'zlar turli denotatlarni atab keladi, lekin bu denotatlar orasidagi farq denotatlarning sifatlarida emas, balki miqdoriy ko'rsatkichlaridir.

Ma'lumki, lug'atda ma'nodosh so'zlarning ba'zan ko'proq qo'llaniladigan variantlari berilib, so'ng kamroq uchraydigan sinonimlari keltiriladi. Graduonimik qatorlar lug'atida esa leksemalar ma'nosida hajmning ortishi, ishlatilish ko'lamini, tezlikning oshishi, hashamning ortishiga ko'ra qator belgilar asosida keltirilishi lozim. Bu esa, o'z navbatida, graduonimiya hodisasining sinonimiyadan farqli tomonlarini ochishga xizmat qiladi. Graduonimiya va sinonimiya hodisalari tashqi tomondan bir-biriga o'xshasa-da, ular mohiyatan boshqa-boshqa hodisalardir[8].

Shuning uchun sinonimiya bilan graduonimiya orasidagi asosiy farqni quyidagicha ko'rsatish mumkin: sinonimik munosabatlar bilan bog'langan so'zlar paradigmasining a'zolari ayni bir denotat, ayni bir voqelikni turlicha atab, ifodalab, nomlab keladi. Graduonimik munosabatlar bilan bog'langan so'zlar paradigmasi a'zolari esa turli denotatlarda ayni bir belgining turli miqdorda o'sib borish yoki kamayish munosabatlari bilan bog'langan bo'ladi. Bir qarashda sinonimiya va graduonimiya orasidagi chegarani aniqqa o'xshaydi –denotatlar bir xil bo'lsa–sinonimiya, denotatlar har xil bo'lsa-yu, bu denotatlar o'zaro sifat belgilarining, so'zlarning ma'nosi bilan bir qatorda shu so'zlarning miqdori har xil bo'lsa – graduonimiya hisoblanadi. Sinonimiya asosan so'zning ma'no tarkibidagi ifoda va vazifa semalari orasidagi (ya'ni, konnotativ semalar orasidagi) farqlarga tayansa, graduonimik lug'aviy paradigmalarini ajratish, so'zlarning atash, nomlash, (denotativ) semalari tarkibidagi miqdoriy ko'rsatkichlar bilan aloqador bo'lgan sifat farqlari semalariga tayanib ajratadi. Shuning uchun graduonimik qatordagi yondosh so'zlar sinonimik munosabatlariga kirisha oladi[9].

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Darajali ziddiyat eng kamida uchta til birligi orasida bo'ladi, chunki graduonimiyaning asosiy belgisi uch a'zoli qatorda yaqqol ko'rinadi va bu birliklar muayyan bir belgi-xususiyatning darajasiga – oz-ko'pligiga ko'ra o'zaro qarama-qarshi qo'yiladi. Masalan, >[tuzuk], [durust] [yaxshi]: [ajoyib]. Bu til birliklarining barchasi ijobiy baho belgisini ifodalaydi. Ayni vaqtda ushbu belgi [tuzuk]dan. [ajoyib] ga tomon o'sib boradi. [shivirla] : [pichirla]; [ayt-] : [gapir] : [baqir] : [hayqir] : qatori "ovoz miqdori" belgisi asosida tuzilgan bo'lib, bu belgi

[shivirla] dan [hayqir-]ga tomon o'sib boradi. Yana-qiyoslang., [ninni]: [chaqaloq] [go'dak] : [bola] : [Qiz/yigit] : [xotin/erkak] : [kampir/cho'l] qatorida "yosh" belgisi o'sib boradi va darajali ziddiyat qatorini hosil qiladi. Darajali ziddiyatlar tilning lug'at boyligini o'rganishda juda katta ahamiyatga egadir. Chunki darajali ziddiyatlar tilning lug'at tizimida juda keng tarqalgan. [hujra] : [kulba] : [uy] : [hovli] : [qasr] : [koshona]; [ko'chat] : [nihol] : [daraxt]; [toy] : [qulun] : [g'o'nan] : [do'nan] : [ot]; [imilla] : [sudral] : [qimirla] : [yur] : [yugur] : [chop] : [el] kabi lug'aviy birliklarning qatorlari shular jumlasidandir[10].

Tilshunos B.Mengliyev o'z darsligida Graduonimiya tushunchasiga quyidagicha ta'rif beradi: Graduonimiya (gr. gradatio – "ko'tarilish", "o'sish", onymo – "nom"). Lug'aviy birliklar o'zaro ma'noviy munosabatiga ko'ra ma'lum bir darajalanish qatorini hosil etishi fanga qadimdan ma'lum[11] va tilshunos uning eng yorqin namunasi sifatida – o'rta so'zini o'z ichiga olgan so'zlar qatori bilan dalillaydi.

katta – o'rta – kichik

yosh – o'rta – qari

uzoq – o'rta – yaqin

baland – o'rta – past

uzun – o'rta – qisqa.

Ma'lumki, o'rta so'zi bilan ifodalangan belgi-xususiyat tom ma'noda o'rtalik, oraliq, ya'ni ikki bir-biriga zid belgi oralig'idagi holat ekanligini ko'rsatadi. O'rta leksemasi antonimlar oralig'idan o'rin olsa, katta – o'rta – kichik darajalanishi kam seziladi. Lekin o'rta leksemali birliklarni zid belgi asosida emas, ma'lum bir belgining kamayishi yoki o'sishi asosida idrok etilsa, ma'noviy darajalanish yaqqol anglashiladi[12]. Aslida graduonimiya semantik darajalanishlarga asoslangan bir umumiy yo'nalishli qator (zanjir) bo'lsa, antonimiya shu zanjirning (qatorning) turli qismlari (a'zolari) orasidagi semantik farqlanuvchanlik-zidlanuvchanlik munosabatlaridir.

B.Mengliyev darajalanish munosabatlari bilan bog'langan so'zlar qatorini ikki guruhga ajratadi:

a) g'ayrilisoniy asos;

b) sof lisoniy asos.

G'ayrilisoniy omilning mohiyati shundaki, borliqdagi narsa, belgi-xususiyatda sifat farqi bilan birga miqdor farqi ham mavjud. Masalan, inson go'daklik, yoshlik, navqironlik, yetuklik, qarilik holatini, o'simlik navnihollik, ko'chatlik, yetilganlik, quriganlik davrini boshidan kechiradi – o'sadi. Tabiatdagi rang va boshqa belgilar shunchalik xilma-xilki, bo'yoqchilar birgina qora rangning hatto o'ndan ortiq turini ajratadilar[13] deb keltiradi o'zining darsligida. Insonning faol ongi ana shu miqdoriy va sifatli farqni aks ettiradi. Til onging ifodasi bo'lganligi bois u ongda aks ettirilgan mana shunday miqdoriy farqlarni ham ifodalashi lozim. Bunday miqdoriy farq turli usul bilan, jumladan, alohida-alohida leksema bilan ham ifodalanadi. Chunonchi, nihol – ko'chat – daraxt, ninni – chaqaloq, go'dak – bola, buzoq – tana – g'unajin – sigir kabi [14].

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Graduonimiya va antonimiya munosabatiga kelsak, zid ma'noli so'zlar – antonimlar tilshunoslikda ancha o'rganilgan bo'lsa-da, bir qarashda antonimlar aniq bir hodisa ko'rinishiga qaramay, bu sohada ham juda chigal muammolar mavjud. Bugungi antonimik munosabatlarni belgilash va antonimlarni ajratishda aniq va qat'iy bir me'yor, o'lchov toshi yo'q. Antonimlar intuitiv tashqi zidlanish asosida ajratilib kelinmoqda. Axir, tasdiq va inkor bir-birini taqozo qiladigan hodisadir. Graduonimik qatordagi yondosh so'zlar o'zaro sinonimik munosabatlarda tursa, graduonimiya qatorlarining chekka nuqtalarida turgan so'zlar o'zaro antonimik munosabatlarda turadi. Sinonimiya va antonimiya chegarasi graduonimik qatorning yetakchi so'zi bilan belgilanadi; bu chegaraning bir tomonida turgan so'zlar o'zaro uzoq-yaqin sinonimik munosabatlar bilan, chegaraning ikki

tomonida turgan so‘zlar o‘zaro antonimik munosabatlar bilan bog‘langan bo‘ladi. Yana graduonimiya va antonimiya hodisasi haqida shuni aytish joizki, bular aslida bir asosga (mezonga) tayanuvchi semantik hodisalar bo‘lib chiqadi. Ma‘lumki graduonimiya va antonimiya tushunchasida farqlarning kuchli yoki yorqin ko‘rinishlari bo‘lgan ziddiyatlar qarama-qarshiliklar bilan ish ko‘rilgan, xolos. Boshqacha qilib aytganda antonimiyaning an‘anaviy va hozir keng tarqalgan

belgilanishida bir graduonimik qatorning ikki qutbi olinib, ushbu qatorning oraliq yoki yondosh farqlanuv munosabatlari baholashdan chetda qolgan.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki darajalanish qatorida har bir graduonimning muayyan o‘rni bor. Zero, bunda ma‘no hal qiluvchi ahamiyatga egadir. Shunga qaramay, nutqiy hollarda graduonimlarning keng va qator ma‘noga egaliklari uchrab turadi.

ADABIYOTLAR

1. ЎТИЛ “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти 2006. 1-жилд - Б.3
2. ЎТИЛ “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти 2006. 1-жилд - Б.3
3. ЎТИЛ “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти 2006. 1-жилд - Б.5
4. Сафарова Р. “Лексик-семантик муносабатнинг турлари” Тошкент, “Ўқитувчи” 1995 - Б. 3
5. Гиясов С.Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка. Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1983.; Бегматов Э., Нетьматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. Ташкент – 1989. – №6 – Б. 35-40.
6. Бегматов Э., Нетьматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. №6 – Б. 37
7. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент.:Университет, 2007.
8. Jumabayeva J. O‘zbek va ingliz tillarida leksik hamda stilistik graduonimiya. . Filol.fanlari dok.dis. avtoreferati– Toshkent, 2016. B-18.
9. Orifjonova Sh. O‘zbek tilida lug‘aviy graduonimiya. Filol.fan.nomz.dis. Toshkent, 1996. B-51.
10. Нетьматов Х., Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси. Тошкент “Ўқитувчи” 1995. – Б. 17
11. Hozirgi o‘zbek tili. «Tafakkur bo‘stoni» nashriyoti Toshkent – 2018. B-169.
12. Hozirgi o‘zbek tili. «Tafakkur bo‘stoni» nashriyoti Toshkent – 2018. B-169.
13. Hozirgi o‘zbek tili. «Tafakkur bo‘stoni» nashriyoti Toshkent – 2018. B-169.
14. Hozirgi o‘zbek tili. «Tafakkur bo‘stoni» nashriyoti Toshkent – 2018. B-170.



Нилуфар ЮЛДОШЕВА,
Қариш давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди
nilu.75@mail.ru

ТДЎТАУ профессори, ф.ф.д. Б.Менглиев тақризи асосида

СОДДА ГАП ҚОЛИПЛАРИ ВОКЕЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АКЦЕНТУАТИВ ОМИЛЛАР

Аннотация

Мақолада ўзбек тилида содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи акцентуатив омиллар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Акцентуация, оҳанг, лисоний омил, содда гап, кесим, лисоний синтактик қолип.

АКЦЕНТУАТИВНЫЕ ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА ВОЗНИКНОВЕНИЕ ФОРМ ПРОСТЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация

В статье рассматриваются акцентуативные факторы, влияющие на возникновение форм простых предложений в узбекском языке.

Ключевые слова: Акцентуация, тон, акцентуативные факторы, простое предложение, сказуемое, лингвистический синтаксический модель.

ACCENTUATIVE FACTORS INFLUENCING THE EMERGENCE OF FORMS OF SIMPLE SENTENCES IN THE UZBEK LANGUAGE

Annotation

The article deals with accentuative factors that influence the emergence of simple sentence forms in the Uzbek language.

Key words: Accentuation, tone, accentuative factors, simple sentence, predicate, linguistic syntactic model.

Кириш. Гап, аввало, синтактик тугалланган курил-ма эканлиги билан характерланади. Бу эса у орқали ифодаланаётган фикрнинг нисбатан тугалланганлиги билан белгиланади [7]. Гапдаги синтактик тугаллик – бу гапнинг тугал оҳанг билан айтилиши ва тугал фикр билдиришидир. Гап замиридаги асосий ахборот тугал фикрни ифодалайди. Тугал фикр эса, албатта, кесим орқали ифода этилади. Масалан:

Мен сени ўйлайман,
Ўзимдан кўпроқ –
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!

Бу содда ёйиқ гапда ўйлайман сўзи кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланиб, асосий ахборотни ташияпти ҳамда синтактик ва фикрий тугаллиқни ифода-ляпти. Айнан ана шу синтактик тугаллик содда ёйиқ гап қолипни шакллантириш учун хизмат қиляпти. Мазкур гапнинг энг кичик лисоний синтактик қолипни қуйидаги кўринишда бериш мумкин:

[E–T–WPm].

Баъзан гапларда синтактик тугаллик бўлмаслиги, аммо фикр англашилавериши мумкин. Бундай пайтда гап кесимлик шакллари сиз ифодаланиши, синтактик тугаллик эса матндан ёки нутқий вазиятдан маълум бўлиб туриши мумкин. Бундай ҳолатлар тўлиқсиз гапларда яққол кўзга ташланади. Масалан:

Сени бу ерга тухмат бошлаб келмаган. Ҳасислик қилгансан. Пупкарларни вақтида мойлаш керак эди.

— Кимни?

— Милисани! Нима, бунақа сўзларга тушунмайсанми?

— Уларни... роса мойлаганман. Бекорга еб кетишди. (Тоҳир Малик. Мурдалар гапирмайдилар)

Маълумки, тўлиқсиз гаплар кўпинча ўзаро мулоқотларда, яъни, диалогларда ёки бадиий матнларда қўлланади. Бундай пайтда матн гапнинг коммуникатив тузилиши учун муҳим аҳамият касб этади.

3.Гафарова гапнинг коммуникатив тузилишини аниқлашнинг энг муҳим мезони сифатида синтактик мезонни кўрсатиб ўтади ҳамда гап коммуникатив структурасини аниқлашнинг синтактик мезони ўз ичига сўз тартиби, артикль, шунингдек, айрим синтактик конструкциялар каби актуализаторларни олишини таъкид-лайди [4].

Тилшунос олимлар Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, М. Мурбонова, М.Абузаловалар нутқий гапнинг муҳим белгиларидан бири – унинг тугалланган оҳангга эгаллигини ҳамда гапнинг фикрий ва синтактик тугаллиги оҳанг жиҳатидан ҳам тугаллик ва яхлитлиқни тақозо қилишини таъкидлаб, тугалланган оҳанг фикрнинг ва синтактик курилишнинг тугаллигини билдириб туришини айтиб ўтадилар [7].

Оҳанг акцентуатив омил сифатида содда гапларнинг, қолаверса, тўлиқсиз ва сўз-гапларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди ҳамда содда ва кўшма гапларни, улар таркибидаги гап бўлақларини ажратишда, гапнинг ифода мақсадига кўра турларини шакллантиришда асосий аҳамият касб этади.

Интонация. тушунчаси овознинг кўтарилиши, пасайиши, тушиши, узилиши, тўхташи, яна бошланиши, сўниши, шунингдек, урғу. пауза, ритмика, мелодика каби ходисаларни ўз ичига олади [7].

Маълумки, гапда оҳанг турли хил вазифаларни бажариб келади. Жумладан, у гапнинг турини кўрсатиш билан бирга гап компонентлари орасидаги боғланишини, модаллигини, ҳиссий бўёғини ҳам ифодалайди. Шунингдек, интонация қиёслаш-чоғиштириш, санаш, қарама-қарши қўйиш каби қўшимча-ёндош маъноларни ҳам ифодалайди. Оҳангнинг нутқ жараёнидаги ролини тилшунос-олим Л.А.Кантер махсус монографик тарзда ўрганади ҳамда инглиз ва рус тиллари материаллари асосида қиёсий ва систем жиҳатдан фоностилистик таҳлил қилади [6].

А.М.Антипова интонация, оҳангнинг пасаювчи ва кўтариловчи хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтади ва интонация нутқ жараёнида икки вазифа бажаришини таъкидлайди:

Нутқ оқимининг маъноли бўлақларга ажратиш ва шу асосда мазмун ифодалаш.

Нутқда эмоционал оттенка ифодалаш [2].

Айтиш жоизки, юкорида айтилганидек, нутқ оқимининг маъноли бўлақларга ажратиш орқали бошқа нутқий ҳодисаларнинг, жумладан, сўз ва сўз бирикмаларининг гапдан фарқи аниқланади. Айтиш мумкинки, сўз ва сўз бирикмаларининг гапдан фарқи уларнинг тугалланмаган оҳангга эгаллигидир.

Масалан: шаклан бир хил бўлган 1. Ўқиган талаба. 2. Ўқиган – талаба. бирикларининг биринчиси сўз бирикмаси бўлиб, иккинчиси эса гап ҳисобланади. Бу ҳосилалар ўзаро оҳанг орқали фарқланиб, биринчиси тугалланмаган оҳангга эга бўлган аниқловчи-аниқланмиш шаклидаги сўз бирикмасидир. Бунда аниқланмиш кўтариловчи оҳанг билан айтилиб, тугалланмаган фикрни англатмоқда.

Иккинчи ҳосила ҳам тузилиши ва таркиби жиҳатидан биринчисига ўхшаса-да, нутқий жиҳатдан тугалланган оҳангга эгаллиги билан фарқ қилади.

Шунингдек, Ўқиган – талаба ҳосиласи таркибидега кесимлик шакли маъноси ҳам мавжуд бўлиб, у нутқда акцентуатив омил орқали, яъни оҳанг орқали билиниб туради ва тугал фикрни ифодалаб, содда гапни ҳосил қилмоқда. Мазкур содда гапнинг қолипи [S-P] ёки [E-WP] шаклида бўлиб, бу қолип содда йиғиқ гапнинг лисоний шаклидир.

Айтилганидек, оҳанг нутқда эмоционал оттенка ифодалаб келади. Бу ҳолат кўпинча бир сўзнинг тугал оҳанг билан айтилиши натижасида юзага келади ва сўз тугал оҳанг билан айтилиб, содда ихчам гапни ҳосил қилади.

Масалан: Лаббай! Узр.Шукур!

Мазкур мисоллар семантик-функционал шакланган гапларнинг, яъни сўз-гапларнинг типик кўринишлари бўлиб, уларни лисоний сатҳда қуйидаги қолиплар асосида бериш мумкин:

Лаббай! Узр. - [WP]

Ўзбек тилидаги сўз-гапларни формал-функционал таҳлил қилган Р.Бобокалонов уларнинг семантик ва структур моҳиятини очар экан, бундай гапларнинг структурасида кесимлик кўшимчалари мулақо йўқ бўлиб, атов бирлиги ўзида ҳам луғавий маънони, ҳам кесимлик маъноларини яхлит ҳолда ташишини таъкидлайди. “Кесимлик маъно ва вазибалари [W] нинг ўзида мужасамлашган бўлади ва уларнинг шундай лисоний бирикларини ташкил этадики, гап ёки гап маркази вазибасида келиш ҳам, кесимлик маъносини ифодалаш ҳам уларнинг онтологик табиатида бирлашган бўлади. Шу сабабли грамматик шакланган гапларнинг минимал қолипини [WPm] сифатида берсак, семантик-функционал шакланган сўз-гапларнинг энг кичик қурилиш қолипи рамзини [WP] сифатида бериш маъқул. Бу рамз кесимлик маъно ва вазибасини [W] нинг ичида, унинг таркибий қисми сифатида мавжудлигига ишорадир. Шу билан бирга, бу рамз худди шундай гапларда кесимлик кўшимчалари (маркерлари)нинг бўлолмастлигига, шунинг учун бундай гапларда [WPm] қурилишли содда гапларда бўладиган кесимлик маъноларининг ранг-баранглиги ҳам хос эмаслигига айна бир замонда ишора қилиб туради”[3].

Сўз-гаплар, асосан, диалогик нутқда қўлланганлиги сабабли у аниқ вазиат, яъни ситуация билан мустаҳкам боғланган бўлади ҳамда таркибининг бошқа синтактик бўлақларга бўлинмаслиги, кенгаймаслиги билан характерланади. Сўз-гапларнинг шаклланишида контекст асосий ўрин тутаяди. Сўз-гапларнинг мазмунини очишда, моҳиятини аниқлашда ундан олдин ва кейин

келувчи сўзлар муҳим аҳамият касб этади ва сўз-гаплар улар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, фикрни шакллантириши, ифодаланиш таъсирчанлигини кучайтириши мумкин. Бунда оҳанг муҳим рол ўйнайди ва унлиларни чўзиб талаффуз қилиш ёки сўзларни такрорлаш орқали сўзловчининг ҳис-туйғулари, фикрга муносабати ифодаланади.

Масалан:

Домла. Хўб-хўб. Бойбачча катта бўлбтур. Худо умр берсун, усули жадида мактабгами ўқуйдур ёнки эски мактабга?

Бой. Иккисига ҳам ўқумайдур.

Домла. Ўз ҳавлингизда ўқутатурсангиз?

Бой. Йўқ, йўқ. Ман ўғлумни ўқутмоқга ўйлаганим йўқ.

Домла. Ажойиб, сабаби надурки, ўқутмайсиз? Ваҳоланки, ўқумок қарз ва ҳам илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдур. (Маҳмудхўжа Бехбудий. Падарқуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли.)

Сўз-гаплар контекстда семантик мазмун: сўзловчининг баён этилаётган фикрга муносабатини (модаллар), кишиларнинг ҳис-туйғуларини, ҳайдаш, тўхтатиш каби хитобларини буйруқларни (ундовлар) ифодалайди.

Тилшунос-олим Ғ.Абдурахмонов сўз-гапларни семантик мазмунига ва вазибасига кўра беш гуруҳга ажратади:

1.Тасдиқ билдирувчи сўз-гаплар.

2. Инкор сўз-гаплар.

3. Сўроқ сўз-гаплар.

4. Ҳис-туйғу сўз-гаплар.

5. Модал сўз-гаплар [1].

1. Тасдиқ билдирувчи сўз-гапларга ҳа, хўп, майли, бўпти, маъқул, шукур, дуруст, яхши, жоним билан, хўп бўлади, бажонидил, худди шундай, бўлмаса-чи каби сўзлар кириб, улар фикрнинг тасдиғини, берилган сўроққа жавобни, суҳбатдош фикрига розилик белгисини билдиради ҳамда диалогик нутқда кўп учрайди.

1. – Ташқарига чиқайлик.

– Хўп бўлади...(Шукур Холмирозев. “Қария”)

2. – Менга барибир. Сенлаганинг дуруст, – деди Толибжон.

– Бўпти. Эрталаб куёвингни идорада кўрувдим, келганингни ўшанда эшитдим. (Саид Аҳмад. “Жимжитлик”)

3. – Бўктириб ўлдирмоқчимисан? Нафасим тикилиб қолди.Энди жиндек дам бер. У ёқ – бу ёққа юриб овқатни ҳазм қилайлик.

– Маъқул, маъқул. Ҳазми таом учун ҳам тадбир белгилаб қўйганман.(Саид Аҳмад. “Жимжитлик”)

Юкори келтирилган диалогларда Хўп бўлади. Бўпти. Маъқул, маъқул. каби бириклар суҳбатдош фикрига розилик белгисини билдириб, эмоционал жиҳатдан эмоционал-экспрессив бўёксиз муносабатни ифодаласа, қуйидаги диалогда Ҳа-а-а сўз-гапи берилган сўроққа фикрнинг тасдиғини ифодалаш билан бирга, унлиларнинг такрор қўлланиши сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини(ғазабини) ифодалаб келмоқда .

Яхши қиз, сиз ракс тушяпсизми!?

Ҳа-а-а!

Худого шукур-ей. Мен ток ураятими, деб ўйлабман. (Интернетдан)

2. Инкор маъносини билдирувчи сўз-гапларга йўқ, мулақо сўзлари ва уларга функционал синоним сифатида кела оладиган асло, сира, ҳеч-да, ҳечамда, бе каби бириклар қиради ва нарса, воқеа, ҳодисаларнинг инкор қилинишини билдириб, инкор мазмунини ифодалайди. Баъзан инкор маъносини кучайтириш учун сўз-гаплардан кейин -да, -а, -э, -ку, -я, -эй каби юкламалар келиши мумкин.

Масалан:

– Келиб қолдим, дейман-е?

Йўқ-эй! (Ҳ.Ҳ.Ниёзий).

Мазкур мисолда Йўқ-эй! сўз-гапидаги –эй юкламаси инкор маъносини кучайтириш билан бирга таажжуб маъносини ҳам билдириб келмоқда.

Шунингдек, куйидаги диалогда ҳам йўқ сўз-гапи оддий инкор мазмунини билдирса, ҳечамда сўз-гапи воқеа-ҳодисаларнинг инкор қилинишини кучайтириб, таъкидлаб келмоқда.

Мен сендан тезроқ санай оламан. Гаров ўйнаймизми?

Йўқ.

Кўрқингми? Таслиммисан?

Ҳечамда! (Интернетдан)

3. Сўроқ сўз-гаплар кўпинча сўроқ олмошлари, сўроқ юкламалари, оҳанг воситасида шаклланади ва сўзловчининг таажжубини, қайта сўраш, баён этилган фикрга аниқлик киритиш, эсанкираш каби маъноларни ифодалайди.

Сўроқ олмошларидан тузилган сўроқ сўз-гаплар яққол ифодаланган семантикага эга бўлиб, улар сўроқ олмошлари ёрдамида ҳаракат субъекти ва турли ҳолатлар аниқланади. Нутқ ситуацияга қараб, улар дағдаға, таъна, айблаш, чўчиш интонацияси билан талаффуз қилинади [8].

- Сиз бугундан бошлаб ишдан бўшадингиз.

-А!? (З.Фатхулин).

Мазкур мулоқотда - А!? сўз-гапи сўроқ мазмуни билан бирга эсанкираш маъносини ҳам ифодалаб, чўчиш ва таажжубланиш оҳанги билан айрилганлиги яққол сезилиб турибди.

4. Ҳис-туйғуларни ифодаловчи сўз-гаплар сўзловчининг эмоционал ҳолатини, кечинмаларини ифодалаш учун хизмат қилади. Улар турлича оҳанг билан билан айтилади ва инсоннинг хурсандчилиги, қувончи, кўркуви, ғазабланиши каби турли ички кечинмаларини, ҳис-туйғуларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай сўз-гапларга: Вой, ура, эҳ ва бошқа бирликлар киради.

1. Тангрикул темир асбоб ила сандукни синдурап. Сандукни овози ила Бой уйғонур.

Бой (чўп-чўп турар, калтакни олиб) – Вой-вой!!! (Тангрикулга қараб югурар).

2. –Ур-ей!..-деб гувиллашди («Шарк юлдузи»).

5. Модал сўз-гаплар сўзловчининг билдирилаётган фикрга турлича муносабатини ифодалайди ва матнда балли, офарин, шукур каби модал сўзлар билан келади. Масалан:

1. — Акбаржон саломатмилар?

— Шукур... Лекин озиб кетдилар. Уйқулари ёмон.

2. Бир зарба билан ҳам Ҳумоюннинг энг садоқатли кутвали махв бўлгани, ҳам Ҳиндол билан акасининг

дўстлиги адоватга айлангани Шерхонга алоҳида завқ ва мамнунлик бахш этди. У Алваро Пакавирага шукуҳли назар ташлаб:

— Балли. Сиз бизга яхши хизмат қилибсиз, — деди.— Орзуимиз амалга ошиб, Ҳиндистонда улуг давлат тузас, сизга зўр иноятлар қилгаймиз!

— Офарин, ҳазратим!

— Боплабдилар! Бобур ҳазратларидан мерос олган шеърый истеъдодлари роса камолга етибдир! (П. Қодиров. “Ҳумоюн ва Акбар”)

Юқоридаги мисолларнинг барчасида сўз-гаплар оҳанг воситасида, кесимлик шаклларисиз юзага келиб, уларнинг барчаси [WP] қолипи асосида шаклланади.

Семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг кесимлик кўшимчаларидан холилиги уларнинг кенгаймаслигига асос бўлади. Бу эса, ўз ўрнида, унинг маъно имкониятлари чегараланганлиги, грамматик шаклларни талаб этмаслиги, ҳар қандай сўзлар билан бириктириш имкониятидан маҳрумлиги, гапда бажарадиган вазифаси чекланганлиги хусусиятларига эгаллигини келтириб чиқаради [5].

Ғ.Абдурахмоновнинг қарашларига таянган ҳолда Р.Бобокалонов сўз-гапларни семантик мазмунига кўра тўрт гуруҳга бўлиб таснифлайди:

Модаллар.

Ундовлар.

Тасдиқ-инкорлар.

Таклиф-хитоблар [3].

“Ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан иборат. Гапнинг лисоний сатҳдаги шаклий ва мазмуний жиҳати унинг нутқий сатҳдаги шакли ва мазмунидан фарқланади” [9].

Тилшунос-олимларимиз таъкидлаганларидек, сўз ёки бирикма фикрий, синтактик ва оҳанг жиҳатидан тугалликка эга бўлиб, гап тусига кира олади [7].

Шунингдек, интонация фақат гапнинг шаклланишига, тугалланганлигига ишора қилибгина қолмай, балки гапларнинг ифода мақсадига кўра турларини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Оҳанг воситасида шаклланган содда гапларнинг минимал лисоний синтактик қолипи сифатида [WPr], [S-P] ёки [E-WP], [WP] ларни бериш мумкин.

Кўринадики, гаплар турли-туман бўлгани каби лисоний синтактик қолиплар ҳам ҳар хил бўлади. Бу тилда шаклланган ва сўзловчининг коммуникатив нияти, узатилаётган ахборотнинг ўзига хослиги умумийликларининг барқарорлашуви натижасида шаклланади. Гап минимал қолипларини тиклашда ана шу жиҳатлар асос қилиб олинади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 35.
2. Антипова А.М. Направления исследований по интонации современной лингвистике // Вопр. языкознания. 1986. - Л 1.1. С. 122 .
3. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини. –Т.:Фан, 2006. – Б. 112.
4. Гафарова З. Гап коммуникатив структурасини аниқлаш структураси мезонлари./ Хорижий филология. 2018, №3.
5. Замонавий ўзбек тили. Синтаксис. II жилд –Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2011. 388 б.
6. Кантер Л.А .Системный анализ речевой интонации.-М.:1988. С. 92-114
7. Сайфуллаева Р. Р., Менглиев Б. Р., Боқиева Г.Ҳ., Қурбонова М. М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2009. 391 б.
8. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Ўқув қўлланма) –Самарқанд, 2001. –Б.15.
9. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. –Т.: 2004. – Б. 53.
10. <http://library.navoiy-uni.uz/files/>
11. <https://latifa.uz/index.php/show/1175/popular>
12. <https://www.dissercat.com/content/>
13. <https://n.ziyouz.com/books/>